

**Д.Раҳматуллаева, У.Ходжаева, Ф.Атаханова**

# **ЛИБОС ТАРИХИ**

**ТОШКЕНТ - 2015**

Республикада амалга оширилаётган таълим дастурини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида бадиий таълим йўналишларидаги олий ўқув юртлари талабалари учун “Либос (костюм) тарихи” фанидан биринчи бор ўзбек тилида яратилган дарсликда либос тарихи, ривожланиш тамойиллари, жаҳон халқлари костюмлари тарихи, либос шакллари ривожланиш давлари ва тамойиллари, турли мамлакатлардаги тарихий либос бичимлари, кўлланилган матолари ва уларнинг безак элементлари, XX аср замонавий модаси ривожланишининг ўзига хослиги, кутюрье тушунчаси, шу даврда пайдо бўлган ва ривожланган замонавий кийим модасидаги услублар ўз аксини топган. Эътиборингизга тақдим этилаётган ушбу дарслик либос тарихининг барча жабҳаларини ўз ичига олган-ки, унда жаҳон халқларининг ибтидоий либослари ривожланиши ва шаклланиши, мода тушунчасининг пайдо бўлиши ва Европа костюмининг мода таъсири остида ўзгариб бориши, XX асрдаги мода индустрияси таъсирида пайдо бўлган услуб ва оқимлар, шунингдек ўзбек миллий ва анъанавий либоси ҳамда унинг ўзига хос ривожланиши ҳудудлар бўйича ажратилиб кўриб чиқилган.

Дарслик мундарижасидаги либос тарихи, турли мамлакатлардаги тарихий либослар бичими, матолар, уларнинг безак элементлари, XX аср модаси, кутюрьелар услубларининг ўзига хосликлари сингари маълумотларнинг киритилиши ундан фойдаланиш мумкин бўлган таълим йўналишлари сонини кўпайтирди. Қолаверса, тилга олинган йўналишларда биринчи бор ўзбек тилида ёзилаётган ушбу дарслик нафақат ўқув жараёни учун зарур, шунингдек кенг китобхонлар оммаси учун ҳам қизиқарли.

Олинган маълумотларни мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир боб ичидаги мавзуга ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар берилган.

Дарсликнинг 6 бобдан иборат бўлиб, унинг Антик давр либослари, Европа либослари, Ўзбек либослари қисмлари Дилфуза Раҳматуллаева, Осиё либослари, Марказий Осиё либослари қисмлари Умида Хўжаева, XX ва XXI аср либослари қисмлари Феруза Атахановалар томонидан тайёрланган.

Дарсликка мавзуларни ёритишга хизмат қилувчи иллюстрациялар (оқ-қора, рангли) келтирилган. Шунингдек, унга атамалар луғати (тузувчи Санобар Расульмухамедова) илова қилинади.

## **КИРИШ. ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ЛИБОСНИНГ ЎРНИ.**

### **КИЙИМ ВА ЛИБОС ТУШУНЧАЛАРИ**

Халқ турмушининг бошқа соҳалари сингари миллий либосларни ўрганиш ҳар бир халқнинг этник тарихи ва маданиятини, унинг бошқа халқлар билан ўзаро алоқаларини тадбиқ этиш билан чамбарчас боғлиқдир. У моддий ва маънавий ёдгорликлар ичида халқларнинг миллий ўзига хослигини акс эттирувчи ва этник белгиларини кўрсатувчи мезон ҳам ҳисобланади. Шу маънода либос тарихини ўрганиш ер куррасида мана неча минг йиллардан бери яшаб келаётган халқлар бой маданий мероси, шу билан бирга уларнинг анъаналари, яшаш тарзи ҳақида каттагина маълумот ҳам беради. Либослар нафақат инсонларнинг табиий ва эстетик эҳтиёжларини қондиради, шу билан бирга уларда ҳар бир миллатнинг урф-одатлари, ижтимоий муносабатлар, мафкураининг баъзи бир элементлари, диний эътиқод, нафосат ва эстетик нормалар ўз аксини топган. Бундан ташқари, кийимларда инсон яшаган жой ва замон, унинг ҳаётийлиги, қувончли ёхуд қайғули воқеалар намоён бўлади.

Кийим жамият моддий ва маънавий маданиятининг таркибий қисмидир. Бир томондан, у инсон меҳнати маҳсули сифатида маълум бир моддий қийматга эга бўлиб, маълум бир эҳтиёжларни қондирса, иккинчи томондан у амалий-безак санъати намунаси ҳамдир. Меъморий иншоатлар, меҳнат ва турмуш қуроллари сингари кийим ҳам маълум бир тарихий давр, мамлакатнинг табиий иқлим шароити, халқнинг миллий ўзига хосликлари ва унинг гўзаллик ҳақидаги тасаввури ҳақида маълумот беради.

Кийим ва либос тушунчалари мазмун-моҳияти жиҳатдан бир-бири билан муштарак кўринса-да, ушбу тушунчалар ўртасида бирмунча фарқлар ҳам мавжуд.

Кийим деганда, аввало, инсон танасининг турли қисмларини беркитиш учун зарур бўлган, уни ташқи муҳитнинг турли таъсирларидан ҳимоялайдиган буюмлар тушунилади. Кийимнинг қатор турлари мавжуд.

Булар: ички кийим, устки кийим, турли узунликдаги пайпоқлар, пойафзал, бош кийимлари.

Мана шу предметлар турли вазифаларни бажарувчи аксессуарлар, безаклар, соч турмаги, пардоз билан бирга либосни ташкил этади. Айнан либос инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, ёши, жинси, характери ва эстетик дидини намоён этади.

**Либосларнинг асосий турлари ва шакли.** Баъзи бир тадқиқотчилар кийим уялиш ҳиссиёти сабаб пайдо бўлган деса, бошқаси ўз танасини безаш нияти сабаб дейди, учинчи бирлари эса инсон совуқдан ҳимояланиш учун кийимга эҳтиёж сезган деб жавоб беради. Дарҳақиқат, кийим қачон пайдо бўлган деган савол кўпчиликни қизиқтирса керак. Инсоният унга нима сабаб эҳтиёж сезган? Бу ва бу каби саволларга жавоб бериш учун қадимшунослик фани ёрдамга келади. Қадимшунослик (археологик) қазилмалари кийим инсоният тараққиётининг энг қадим даврларида (40-25 минг йил илгари) пайдо бўлганини кўрсатади. Пойафзал бирмунча кейинги даврларда пайдо бўлган бўлиб, либоснинг бошқа элементларидан кўра бирмунча кам тарқалган.

Кийим нафақат табиий эҳтиёжни таъминловчи бир восита, шу билан бирга у амалий санъат намунаси ҳамдир. У амалий санъатнинг барча намуналари сингари гўзаллик ҳамда маълум бир мақсадга йўналтирилганлик билан ажралиб туради. Танани турли ташқи таъсирлардан, хусусан, иссиқ ва совуқдан сақлашдек амалий вазифани бажариш билан бирга, у безак, чирой сингари эстетик функцияларга ҳам эга. Шу сабабли ҳам жамият қанчалик тараққиёт этиб борган сари, инсонлар эстетик диди ошиб борган сари кийимларнинг беазага, асосийси такрорланмаслигига эътибор ортиб бораверади.

Маълумки, дастлабки даврларда инсон табиатнинг турли таъсирлари, шунингдек, ҳайвон ва ҳашоратларнинг чақишидан ўзини ҳимоялаш мақсадида танасига тупроқ, лой, мой суртиб юрган. Кейинчалик бу суртмаларга ўсимлик бўёқлари қўшилиб, инсон танасини турли шакл ва

ранглар билан безаш урф бўлган. Галда танага татуировкалар (тери остига турли бўёқларни киритиш) чизиш орқали ҳимоя қобилининг вақтини узайтириш одат тусига кирган. Ҳар хил қушлар патлари, ўлдирилган ҳайвонлар тишлари, суяклар, сочлар турли рамзий вазифаларни бажариш билан бирга танани ҳимоялаган ҳам. Вақт ўтган сари танасининг қанчалик катта қисми маълум бир ёпинчиқ билан беркитила борган сари инсон турли рамзларни мавҳумлаш мақсадида кулоқ, бурун, лаб, даҳанда сунъий маҳкамловчи усуллар ўйлаб топган ва улардан безак сифатида фойдалана бошлаган.

Айнан мана шу ҳозир биз тилга олган танани бўйаш, татуировкалар кийимнинг дастлабки шакллари бўлиб, матодан қилинган кийимлар пайдо бўлгач ҳам, улар эътибордан қолмади. Энди улар либоснинг маълум бир элементи сифатида намоён бўлиб, унга кўрк ва эстетик қиймат бериш вазифасини бажарган.

Орадан вақт ўтиб, инсоният ип йиғириш ва ундан мато тўқишни ўйлаб топган, танага тушурилган татуировкалар матоларга кўчиб, ундаги безак вазифасини ўтай бошлаган.

Тарихий либосларда безаклар нафақат ўз эгасининг ижтимоий келиб чиқиши, яъни табақасини аниқлаш, шунингдек, маъжозий маъно касб этиш билан бирга, кишиларнинг эстетик дидини ҳам ифодалаган. У вақт ўтган сари такомиллашиб, уларнинг турлари кўпайиб, шакллари мураккаблашиб борди. Хусусан, уларнинг ечиб кийиладиган, танага маҳкамланадиган (билакузуклар, узуклар, зираклар, матога маҳкамланган ёғуд тушурилган (кашталар, босма расмлар, бўртма безакли) турлари пайдо бўлди.

Кийиб ечиладиган безаклар шаклига инсон танаси шакли ҳам таъсир этган. Айнан мана шу ҳолат сабаб бармоқ ва бўйинга тақиладиган безаклар айланасимон шаклни олган.

## **БИРИНЧИ БОБ**

### **ИБТИДОЙ ЖАМОА ТУЗУМИ ДАВРИДА**

### **КИЙИМЛАРНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ**

Инсон танасининг шакли ва яшаш тарзи дастлабки кийимларнинг кўринишини белгилаган.

Дастлабки даврлар, яъни ибтидоий тузумда ҳайвон териси ёки ўсимлик наваларини тўқиш асосида маълум бир шаклга келтирилиши оқибатида тайёрланган мато инсон танасинининг маълум бир қисмларини беркитишга хизмат қилган. Бунда тўғри тўртбурчак мато елкага ёхуд бўксага ташланиб, тана атрофига диогонал ёхуд айлана бўйича горизонтал ҳолатда боғланган. Боғланиш жойига кўра улар бир-биридан фарқаланган. Шу усулда икки хил: елка ва белга боғланадиган кийим турлари пайдо бўлган. Уларнинг энг қадимий шакли бурмаланадиган кийимдир. У танани ўраб, унга турли боғичлар, белбоғ ва камарлар ёрдамида маҳкамланган. Вақт ўтиб, кийимнинг янги - елкага ташланадиган шакли пайдо бўлган. У тузилишига кўра бир неча турда бўлган. Хусусан, олди очик турида елка ва икки ёни тикилган бўлса, иккинчи тури олди ёпиқ бўлиб, фақат елка ва ёни тикилиб, бош қисми ва енги учун очик бор.

### **ҚАДИМГИ МИСР (мил.авв.3000-милодий 2000 й.й.)**

Миср дунё тарихида энг қадимги давлат саналади. Ушбу мамлакат инсониятнинг энг қадимий маданият ўчоғларидан бири бўлиб, унинг тарихи куйидаги даврларга бўлиб ўрганилади:

- а) қадимги подшоҳлик (мил. авв. 3000-2400 йй);
- б) ўрта подшоҳлик (мил. авв. 2400-1710 йй.);
- в) янги подшоҳлик (мил. авв. 1580-1090 йй.).

Қадимги мисрликлар асосан деҳқончилик, йилқичилик ва хунармандчилик (куллолик, заргарлик, тўқувчилик, шиша ишлаб чиқариш) билан шуғулланишган. Қадимги Миср турли табақалар, яъни қулдорлар, шаҳарликлар (хунармандлар ва мирзалар), озод қулла ва қулладан иборат эди.

Милоддан аввалги уч минг йилликнинг бошида Қадимий Миср йирик кулдорлик давлати бўлиб, уни чексиз ҳукмронликка эга бўлган фиръавн бошқарган. Мисрликлар фиръавнни худонинг ердаги сояси, дея сиғинишган. Айниқса дин руҳонийлари бўлмиш коҳинларнинг фиръавннинг чексиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб туришлари ижтимоий тенгсизлик ва зулмга имкон яратган.

Қадимда мисрликлар нечоғлиқ бой табиий ва маданий бойликларга эга бўлиб, уларни ўзлаштирган бўлмасинлар, улар табиат ходисалари олдида ожиз эдилар. Бу ҳолат уларнинг табиат кучларига сиғинишларига олиб келганди. Одамлар қуёшга, ерга, ойга, сувга, хатто хайвонлар (хусусан тимсоҳ, чиябўри, сигир, калхат, илон ва б.га), ўсимликларга сиғинишган. Дин мамлакат ҳаётининг турли томонларига ўз таъсирини ўтказиб келган. Хусусан, санъатда у алоҳида ўрин тутган. Илоҳийлаштирилган нарсаларда маълум бир рамзий, шартли маъно етакчилик қилган. Хусусан, илон салтанат рамзи бўлса, мовий нилуфар абадийлик ва серҳосиллик тимсоли ҳисобланган.

Қадимги Миср санъатида инсон тасвири ўта шартли характерда ифодаланган. Деворий тасвирлар, ҳайкалларда уларнинг қомаи ва ҳаракатлари маълум бир мезонлар асосида тасвирланган. Уларнинг ҳолатлари ва ҳаракатлари шартли характерга эга. Шакл ва ҳажмда ижтимоий келиб чиқишига катта эътибор берилган.

Қадимий Миср ҳайкаллари, деворий суратлари ушбу давлат маданияти, хусусан унинг нафосат ва гўзаллик ҳақидаги қарашлари ҳақида катта маълумот беради. Қатъийлик ва шартлилик ортида қадимги мисрликларнинг эстетик идеали белгилари кўзга ташланади. Булар – баланд бўй, кенг елкалар, тор бел ва бўкса, катта катта юз белгилари. Айниқса Қадимий Мисрда аёллар гўзаллиги ҳақидаги қарашларнинг замонавий қарашлар билан ҳамоҳанглиги эътиборни тортади. Ўша даврда ҳам тик қомаи, юздаги белгиларнинг аниқлиги ва нозиклиги, бодомкўзлар (Раннаи ҳайкали, Нефертити бюсти, иловадаги 1-,2-расмлар) қадрланган.



**Матолар, ранг ва безаклар.** Маълумки, қадимдан Миср зиғир ватани ҳисобланади. Бунга сабаб Нил дарёси бўйларининг зиғирни етиштириш учун табиий қулай шароитидир. Зиғир толаларидан мато тўқишда мисрликлар катта маҳоратга эга бўлганлар. Сақланган мато намуналари Миср тўқувчилари маҳоратидан далолат беради. Қуйидаги далил улар эришган натижалар ҳақида аниқ тасаввур беради. Ушбу даврда тайёрланган матонинг 1 см<sup>2</sup> 84 танда ва 60 арқоқ иплари ўтказилган. 240 метр узунликдаги кўз деярли илғамайдиган ип бор йўғи 1 граммни ташкил қилган. Тўқувчи бундай ипни фақат бармоқлари орқали сезган. Мисрнинг зиғир толаларидан тайёрланган мато ўзининг нафислиги билан табиий ипак матоларидан қолишмаган. Ушбу матодан беш қават қилиб кийим тикилганда ҳам ундан инсон танаси аниқ кўриниб турган. Матонинг фактураси ҳам ҳар хил бўлган. Айниқса янги подшоҳлик давридаги газмоллар фактураси эътиборли. Сеткасимон қилиб тўқилган газмоллар олтин иплар ва ундан тайёрланган турли шакллардаги безаклар, ялтироқ мунчоқлар, турли кашталар билан безакланган. Бу даврда шунингдек, тўрсимон матолар эътиборда бўлган. Оқ ва оқ матонинг турли кўринишлари айниқса урф бўлган. Шунингдек, гулли матолар ҳам ишлаб чиқарилган. Бунда оқ ёки тўқ рангли асосга кўк, ҳаво ранг, жигарранг, сариқ, яшил рангли тасвирлар тушуриш урф бўлган. Қора ранг мотам рамзи бўлмаган.

Матоларни бутун юзаси геометрик шакллар (йўл-йўл, тўлқинсимон чизиқлар) билан безатилган. Улар билан бирга гуллар, хусусан, нилуфар гулининг барги ва умумий кўриниши, пальма, қамиш, турли ўсимликлар барглари билан безашган. Задоганлар кийимлари ҳайвонлар тасвири, хусусан, кўзойнакли илон - уреус, гўнг қўнғизи, қанотларини ёзиб турган лочин кабилар билан безалган (1-расм).



1-расм

Маросим либослари учун зиғир матолардан ташқари тери ва мўйнадан ҳам фойдаланилган.

### **Либосларнинг асосий турлари ва шакли**

Қадимий Миср либосларининг шаклида тахлама (драпировка) асосий ўрин тутди. Бурмалар кийимнинг асосан олд томонида бўлиб, либоснинг орқа қисми енгил бурмаланиб, танага ёпишиб турган. Кийимнинг орқа қисми узайтирилмаган.

Қадимий империя даврида эркаклар асосан «схенти», яъни пешбанд кийганлар. Схентилар шаклан тўртбурчак, ёки трапециясимон бўлиб, турли хил ўлчамларда бўлган. Схенти белга ингичка чарм белбоғ билан боғлаб, маҳкамлаб қўйилган. Схентининг устидан ёки тананинг устидан тўртбурчак шаклидаги пешбанд кийилган (2-расм).



**2-расм**

Аёллар либоси тананинг кўкрак қисмидан то болдиргача қисмини бекитиб турадиган чодирсимон матодан иборат бўлиб, у бир ёки икки тасма ила елкадан ўтказилиб кийилган. *Калазарис* деб аталувчи ушбу сарафанни эслатувчи кийим ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, у хоҳ малика бўлсин, хоҳ канизак, барча аёллар учун бир хил шаклда бўлган. Аёллар кийими фақат матонинг сифати ва қиммати ила фарқланган (3-расм).



3-расм

Ўрта подшоҳлик даврига келиб Миср аёлининг либосида ўзгариш содир бўла бошлади. У бироз мураккаблашиб, ҳажми бир неча қават кийилган кийимлар ҳисобига катталашди. Кийимнинг силуети пастга томон кенгайиб, пирамидалар шаклини ола бошлади. Плессировкалар кенг қўлланила бошлади.

Эркаклар либоси бир неча қават қилиб кийиладиган схентилардан иборат бўлиб, улар устма уст кийилган. Аёллар либоси катта ўзгаришларга учрамаган. Фақат аслзода аёллар либосларида безаклар тури кўпайган. Кийимлар инсонларнинг ижтимоий келиб чиқишини билдириб турган, яъни табақаларга кўра фарқ қилган. Агар бойлар зиғир толали матолардан тикилган кийимларни кийишган бўлса, қулларнинг кийими дағал теридан қилинган. Энг юқори табақа кишилар, хусусан, фираъавн, вазирлар, қоҳинлар, йирик ер-сув эгаларининг кийимларигина безакланган. Ўрта подшоҳлик даврига келибгина мисрликлар кийимларининг шакли бирмунча ўзгарган. Натижада у бир пайтнинг ўзида устма-уст кийиладиган бир неча кийимлар кўринишига келган. Кийим силуети этакка томон кенгайиб, пирамидасимон кўринишга келди. Плессировкалар кенг қўлланиладиган бўлди. Эркаклар кийими бир неча юпка схентилардан иборат бўлиб, устма-уст кийилган. Аёллар кийими кўринишини унчалик ўзгартирмади. Фақатгина задоган аёллар либосларни безаш янада кўпайди. Кийим композициясида

корача ранги терининг мато остидан просвечиват қилишига аҳамият берилди. Ёқа ўрни алоҳида ёқа шаклидаги оплечьем, тури шиша мунчоқ ва қимматбаҳо тошлар билан безакланган.

Янги подшоҳлик даврида (мил. авв. 1580-1090 йй.) кийимларда синфий тафовут янада кўпроқ сезила бошлади. Аслзодаларнинг кийимларига ишлатиладиган матолар ўзининг харирлиги, безакдорлиги, безакда тилладан фойдаланилиши билан фарқланади. Ушбу матолар асосан ип ва зиғирдан тайёрланган. Сидонлик қул аёллар бўялган матоларни кашталар билан безаганлар. Ушбу матолардан тикиладиган кийимларнинг тикилишига сербурмалилик хос бўлиб, уларда плиссировкалардан кўп фойдаланилган. Плиссировкаларни кийимнинг бутун бўйи баробар қўлланила бошлаган. Бироқ мисрликлар плиссировкаларни бир неча жойдан маҳкамлаб қўйганликлари сабабли биосда шаклнинг ҳаракатини сездирмайди. Инсон унинг ичида гўё йўргаклаб қўйилгандек таассурот уйғотади.

Кийимлар шаклан катта ўзгаришга учрамаган. Ҳатто ўта бурмаланган кийимларда ҳам танага мос бичим беришга интилиш сезилади. Бундай ечимдаги кийимлар эркин ҳаракатга бирмунча халақит бергани сабаб одамлар юраётганда ҳаракатлар йўргакландек таассурот уйғотади.

Бу даврда эркак ва аёллар кийими бир-бирига бирмунча ўхшаш. Эркаклар кийими плиссировка қилинган юбка ва ёпинчикдан иборат. Катта доира шаклидаги маржонли ёқаларни нафақат фиръавн ва унинг оила аъзолари, шунингдек задоган хонадонлар вакиллари ҳам кия бошлаганлар. Маросим кийимларида схенти, уч бурчакли пешбанд сақланган. Қуйи қатлам кийими оддийлигича қолган. Аёллар қўйлаги калазарис сақланиб қолган.

Мисрликлар Сурияни босиб олгач, кийиниш маданиятида бирмунча ўзгариш кўзга ташланади. Хусусан, Суриядан ёпинчиқ, плашч-нарамник кириб келди. Уни нафақат эркаклар, шунингдек аёллар ҳам кия бошлаганлар. У тўртбурчак шаклдаги матони иккига букланиб, икки ёнини тикилган, бошнинг кириб чиқиши учун бўйни кесилган узун кийим эди. Аёллар чармли пешбанд ва кўкрак печ кийишган.

Оқинлар анъанавий кийимларни сақлаб қолдилар: схенти. Учбурчак олд передник, бир елкага ташлаб олинган шер териси. /арбийлар передник ва теридан кўкракбанд кийишган. Қишлоқ ва шаҳар камбағалларининг кийимида ўзгариш кузатилмайди.

**Безаклар, бош кийимлар, соч турмаги, пойафзал ва улардаги безак элементлари.** Қадимий деворий суратлар - фрескаларда мисрликлар асосан оёқяланг тасвирланган. Пальма барглари, папирус, галда теридан қилинган сандалларни фараон, шунингдек унинг атрофидагиларгина кийишган. Сандаллар оддий кўринишда бўлиб, улар қўнжсиз ва тўпиксиз, таги юқорига буклаб кўтарилган бир неча энсиз тасмалардан иборат бўлган, без бортиков и задников. Подошваларда турли хил маиший ва ҳарбий кўринишлар тимсоли чиқилган. Мисрликлар пойафзали оддий шаклда бўлиб, у чарм ёхуд қамишдан ишланган шиппак кўринишида эди.

Мисрликлар либосида тақинчоқлар, хусусан, қўл ва оёқ билакузуклари, узуклар, маржонлар, сирғалар, тиллақошлар ва б. алоҳида ўрин тутди. Юқори табақага мансуб кишилар қимматбаҳо металлдан ясаиб, тошлар билан безакланган заргарлик буюмлари таққан бўлса, қуйи табақа вакиллари паста ва сирланган лойдан ясалган безакларни тақиб юришган.

Бош кийимлар шакли турлича бўлиб, улар эгасининг ижтимоий келиб чиқишини билдириб турган. Қадимги даврдаги фараонларнинг бош кийими олд томонида ҳукмдорлик рамзи - кўзойнакли илон ила безакланган икки қаватли тож ва йўл-йўл (кўк ва сариқ, олтин ранг), уч бурчак шаклида букланган катта рўмол шаклида бўлган (4-расм).



4-расм

Фиръавннинг аёли кошун ёки нилуфар гули рамзи тушурилган қалпоқча кийган. Қоҳинлар маросим пайтида тимсоҳ, лочин, хўкиз тасвири тушурилган ниқоблар кийишган.

Аёллар ҳам, эркаклар ҳам ўсимлик толаси ёхуд эчки юнгидан қилинган париклар тақишган. Зодагонлар париклари майда соч ўримлари ёки трубасимон соч ўримларидан иборат бўлган. Қуллар ва деҳқонлар кичик париклар ёки зиғир матосидан қалпоқлар кийишган. Эркаклар соқолларини қириб юришган. Одатда улар эчки юнгидан тайёрланган сунъий соқолни лак билан қошлаб, метал иплар ила ўраб тақиб юришган. Фараоннинг қудрати куб ёки учбурчак шаклидаги олтин соқол бўлган. Соқол боғичлар ёрдамида замонавий кўзойнақлардаги сингари дужка ёрдамида қулоққа маҳкамланган.

Аёллар юзига пушти-қизил ёғ упа суртиб, киприк ва қошларини қорага бўяшган бўлса, эркаклар киприкларини яшил рангга бўяганлар. Қўл ва оёқ тирноқлари махсус ўсимлик - хина билан қизғиш сариқ рангга бўялган. Миср либослари галда бошқа халқлар маданиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, унинг элементлари қатор халқлар либосларида бўй кўрсатган.



Қадимги подшоҳлик мил.авв. 3000й.



Ўрта подшоҳлик мил.авв. 2100й.



**Янги подшоҳлик мил.авв. 1600-1100й.й.**

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. Либос ва кийим тушунчаларига таъриф беринг*
- 2. Кийим қандай пайдо бўлганлигига тушунча беринг.*
- 3. Ибтидоий жамоа тузуми даврида кийимнинг асосий турлари ҳақида нималар биласиз?*
- 4. Қадимги Миср санъати ва маданиятига таъриф беринг.*
- 5. Қадимги Миср либосларнинг асосий турлари ва шакли ҳақида нималар биласиз?*
- 6. Безаклар, бош кийимлар, соч турмаги, пойафзал қандай шакл ва кўринишга эга, кийимлардаги тасвирларни таърифлаб беринг.*
- 7. Янги подшоҳлик даврида кийимларда қандай ўзгаришлар сезила бошлади?*

## ҚАДИМИЙ ЮНОН ЛИБОСЛАРИ

Мил. авв. VII-I асрларда Балқон ярим оролида Қадим Юнонистоннинг ўзига хос ажойиб маданияти гуллаб яшнади. Юнонистоннинг қулай табиий иқлими - илиқ денгиз ҳавоси, унумдор ерлар, бой қазилма бойликлар ерли халқнинг асосий иш фаолиятини белгилаб берди. Юнонистоннинг сиёсий жамият бошқаруви қаттиққўлликка асосланган шарқ мамлакатларидан кескин фарқ қиларди. Унинг асоси деморатия ҳамда қулдорликка асосланган жамият қурилиши эди.

Юнон санъати реалистик характерга эга бўлиб, инсон шахси гўзаллиги, унинг чексиз қобилиятга эга эканлигига ишонч, бадиий тилининг оддий ва ёрқинлиги ҳаёт ҳақиқатига асосланганлиги – буларнинг бари Юнон санъатининг асосий тамойиллари бўлиб, қадим антик маданияти бутун Европа маданияти ва унинг келажаги учун катта аҳамият касб этди.

**Гўзаллик тушунчаси.** Қадим юнон маданиятида руҳ ва тана гўзаллигининг уйғунлигига алоҳида эътибор берилди. Ватанпарварлик, юксак фуқоролик бурчи, ақлий дунёқараш ва ахлоқий поклик унинг жисман гўзаллиги билан уйғун бўлиши лозим деб қаралди.

Инсон танаси гўзаллиги, ундаги аъзоларнинг мутаносиблиги – буларнинг бари алоҳида аҳамият касб этарди. Юнон мусаввири Поликлетнинг «Дорифор» («Найза ирғитувчи») хайкалида инсон тана гўзаллиги акс эттирилган. Ушбу хайкалтарошнинг «Қанон» назарий трактатида инсон гўзаллиги, унга қўйиладиган талабларга алоҳида ўрин берилган. Трактатда ўлчов бирлиги сифатида инсон танаси олинган бўлиб, тана ўлчамларида ҳам алоҳида мезонлар мавжуд. Хусусан, калла инсон танасининг еттидан бир қисмига тенг бўлиши керак деган қараш тан олинган.

Юнон аёлининг ўрни жамиятда нечоғлиқ чекланганлигига қарамай, қадим юнонистон санъатида аёл тасвирида ҳам соғлом, ҳар томонлама баркамал тараққий этган, мақсадли шахс қиёфасини акс эттиришга интилиш кучли. Хусусан, Венера Милосская номи ила машҳур Афродита хайкали



фикримизни исботлайди. Илоҳанинг юз тузилиши, хусусан тўхри чизиқли бурун ва даҳан, унча кенг бўлмаган манглай, бироз тўлқинсимон сочлар, ёйсимон қошлар билан чегараланган катта бўртиб турган кўзлар – буларнинг бари ҳозиргача аёллар гўзаллигининг рамзи ҳисобланади.


Қадим ҳайкаллар ранги ва адабий асарлардаги тасвирлардан маълум бўлишича, юнонлар ёрқин ранглари - олтин сочлар, мовий кўзлар, оппоқ терини юқори қўйиб, кадрлашган. Бироқ гармоник ривожланган шахсларга қўйиладиган талаблар асосан юқори табақа вакилларигагина хос бўлиб, қуйи катлам, хусусан, ҳунармандлар ва қулларга бу алоқадор эмасди.

Юнон либослари жамият эстетик қарашларнинг инъикоси бўлиб, жамият идеалини ўзини акс эттирган. Салобатли ва оддий, жисман машқ қилинган тана учун ҳаракат ва эркинлик туғдириш - бурмаланган қадим юнон либоси учун асос ролини бажарган.

Турли ўлчамдаги тўғри тўртбурчак шаклидаги мато турли хил букламалар ва тахламлар ила бурмаланиб, тананинг гўзаллигини намоён эттиришга хизмат қилган. Юнонлар ўз либослари учун юмшоқ, тўкилиб турадиган, яхши бурмаланадиган матоларни танлашган. Матолар бу даврда кўлда тўкилиб, уларнинг эни 2 метргача бўлган. Тўқувчилик касби жуда кадрланган. Қадим юнон мифологиясига кўра Олимп худоларининг бари моҳир тўқувчи бўлиб, бир-бирлари ила ушбу ҳунарда мусобақалашган.


Матолар асосан жунли ва зиғир толаларидан тўқилган. Пахта толасини биринчи бор Александр Македонскийнинг юришлари даврида Ҳиндистонда кўрган юнонлар ҳайратланиб, унга «шерст дарахти» дея ном беришган. Юнонларни либоснинг шаклий тузилиши эмас, балки кўпроқ унинг бадийий пластик хусусиятлари қизиқтирган. Эрамиздан аввалги V-IV асрларга келиб, аввалги даврларда кенг тарқалган турли расмланган матолар ўрнини сидирға, кўк, қизил, бинафша, яшил, сариқ, жигарранг ва айниқса оқ рангдаги матолар эгаллади. Юнон либосларида қора ранг ишлатилмаган. Кул ранг ва жигарранг мотам ранглари ҳисобланган.

Сидирға матолар, турли шаклаги кашта, аппликация расмлар ила хошияланган. Безаклар орнементлари геометрик ёки ўсимликсимон характерга эга. Булар - менандр, тўлқинсимон, пальметта. Либослардаги вертикал букламалар уларнинг аниқ ва ёрқинлигини ошириб, гўзаллигини ва пластик ҳаракатлар эркинлигини таъминлаган (1-расм).



1-расм

**Эркаклар либоси.** Эркаклар либоси икки қисмдан: яъни *хитон* ва *гиматия*дан иборат бўлган. Хитон бизнинг тасвуримиздаги ич кийим бўлиб, у асосан зиғир ёки жунли толадан ўқилган матодан тайёрланган. Хитоннинг елка қисми тикилиши, ёхуд *фибула* деб аталувчи тўқалар ила маҳкамланган. Хитоннинг икки ёнбоши тикилган, баъзан бир ёнбоши очик қолдирилган. Хитоннинг узунлиги турлича бўлсада, асосан тиззагача бўлган шакли кенг тарқалган (2-расм).



2-расм

Энг кенг тарқалган устки кийим, яъни ёпинчиклар *гиматий* деб аталган. Гиматийларнинг размери 1,7 x 4 метр бўлиб, тўғри тўртбурчак шаклидадир.

Гиматийлар инсон танасига турли усулда ўралиб, бурмаланиб, ташланиб мустаҳкамланадиган ёпинчиқлардир. Матонинг тахланиш, бурмаланиш, мустаҳкамланиш ва ўралиш услубига кўра гематийлар турли хил кўринишда яратилган. Елкага ташланган учи сирғалиб кетмаслиги учун унга бир бўлак оғир металл маҳкамланиб, илиб кўйилган. Спартада жун матосидан қилинган гиматийлар танага хитонсиз кийилган (3-расм).

Устки кийимнинг яна бир шакли *хламидалар* бўлиб, елкага ташлаб олинган хламидалар кўкрак қисмида ёки елкада фибула, яъни тўғноғич билан маҳкамланган. Хламидалар ҳам шаклан тўғри тўртбурчак матодан қилинган бўлиб, улар гематийга нисбатан бироз калта бўлган.



3-расм

Одатда жун матодан тайёрланган хламидалар ўзининг вертикал ҳолатдаги кўпбурмалари ила ажралиб туради. Ҳарбийлар металдан пешбанд, унинг устида калта хитоннинг устидан «кираса» деб ном олган совут кийишган. Уларнинг устки кийими бинафша рангдаги хламидалар бўлиб, бошларига дубулға кийишган. Уларнинг болдирлари «кнемидис» билан ҳимояланган. Ҳунармандлар ва косиблар асосан дағал жундан толасидан қилинган енгсиз, баъзан калта енгли хитонлар кийишган бўлса, қуллар кийими ўнг томони очик «*экзомида*» ёки белга боғланган пешбанддангина иборат эди.

Юнонлар пойафзалининг шакли оёқ кафтини такрорлаб, асосан пробка ёки арқондан тайёрланган тагликдан иборат бўлиб, у арқон ёки чарм тасмалар ёрдамида оёқ тўпиқлари ёхуд болдирга маҳкамланиб, кийиб юрилган. Қадим дунёнинг бошқа давлатлари сингари Юнонистонда ҳам пойафзални фақат юқори табақа вакилларигина кийган. Сандалларнинг безаклари асосан турли рангда ишловланган тери, ундаги чизгилар, турли металл тўқалар ва дуру марварид безаклар ила безакланган.

Бош кийимлар асосан ёгин-сочинли об-ҳаво шароитида ёхуд саёхатлар пайтидагина кийилган. Фетрдан тайёрланган кенг соябонли, паст тульяли шляпалар кам бўлсада мавжуд бош кийимларидир. Уни шунингдек елкага ташлаб қўйиладиган тасма боғлағичлар билан кийишган.

Мумтоз даврда эркаклар калта соч, ярим ёй шаклидаги соқол мўйлов қўйишган. Йигитлар соқол мўйловини қиртишлаб олишган. Улар узун сочларини узуксимон мослама билан бирлаштириб юришган. Юнонлар соқолни эркакнинг рутбаси деб ҳисоблашган. Ҳайкалтарошлар буюк шахсларни навқирон қиёфада тасвирлаб, ёшини соқоли ила ифодалашган. Айнан соқол тасвир этилаётган шахснинг ёшини англатган.

**Аёллар либоси.** Юнонистонда аёлларнинг ўрни ва ҳақ-ҳуқуқлари эркакларникидан паст бўлса-да, бироқ жамиятдаги гўзаллик ва нафосат тарбиясида, хусусан авлодлар тарбиясида уларнинг алоҳида ўрни бўлган. Бу уларнинг либослари бичимига ҳам катта таъсир кўрсатган.

Аёллар либоси ҳам хитон ва гиматиядан иборат бўлиб, бироқ улар ўзининг беаги ва турли туманлиги ила эркакларникидан ажралиб турган. Аёллар хитони ўз тузилишига кўра эркаларникидан фарқланган. Бу асосан улардаги бурмаларнинг кўплиги, шунингдек безакдорлигида кўзга ташланади.

Аёллар хитонининг ўзига хослиги юқори қисмидаги қайтармаларидир. *Диплоидалар* деб ном олган бу қайтармалар либосда безак ўрнини босиб, у бошқа рангдаги матодан қилинган турли туман кашталар, аппликациялар, безакли деталлар билан безакланган. Қайтарманинг узунлиги турлича

бўлган. Хусусан, улар кўкракча, бўксагача, тиззагача бўлиши мумкин эди. Худди эркаклар хитонлари сингари аёлларники ҳам елкага фибула-тўғноғичлар ила маҳкамланиб, белда колпос деб ном олган белбоғ билан маҳкамланиб, аёл танаси гўзаллигини бўрттириб турган. Колпослар одатда белга боғлансада, уни кўкрак пастидан ёки бўксадан боғлаш кенг тарқалган. Колпослар энлик белбоғлар бўлиб, уларни одатда тугун қилиб боғлангач, қолган қисми узун қилиб ташлаб қўйилган (4-расм).

Вақт ўтган сари хитонлар янада майинроқ матолардан қилина бошлагач, улар *колпос* деб ном олган боғичлар билан шаклий кўриниш олган. Колпослар нафақат белда, шунингдек бўксадан ёки кўкрак қисмида хочсимон (крестсимон) шаклда боғланиб, улар энг шаклини бера бошлаган.



4-расм

Аёллар устки кийими гематийлар ҳам турли усулда бурмаланган. Аёллар гематийлари шаклан эркакларникидан кичикроқ бўлса-да, ўзининг безакдорлиги билан уларникидан ажралиб турарди.

Аёллар сандалининг шаклий кўриниши турлича бўлиб, у ўзининг безакдорлиги, ёрқин ранглардаги теридан қилиниб, олтин ва кумуш ила зийнатлангани билан фарқланади.

Аёллар бош кийимни жуда кам кийишган. Ёғин сочинли шароитларда асосан, гематий ва хитонларнинг юқори томони ила ўзларини муҳофазалашган.

Аёллар соч турмаги турлича бўлиб, бу даврда узун ва калта соч бирдек кўп учраган. Тўғри бу даврда узун, олтинранг, жингалак сочлар алоҳида кадрланган. Шу билан бирга уларни турмаклашга алоҳида аҳамият қаратилган. Юнон тугуни деб ном олган турмаклаш усули ҳозирги кунгача учрайди. Бу даврда кенг урф бўлган пешона бўйлаб таралган сочларни, бошнинг орқа қисмидан юқорига кўтариб турмаклаш усули «коримбос» ҳозирги кунгача учрайди.

Калта сочлар обрuch ёки тасмалар билан безакланган. Сочни безашда шунингдек, олтин тасмалар, тиллақош-диадемалар, шпилькалар, соч тўғноғичлардан кенг фойдаланилган.

Либосга қўшимча қилиб, соябон ва ёйсимон елпиғичлардан ҳам фойдаланилган.


Қадим Юнонистонда заргарлик санъати ҳам кенг тараққий этган. Заргарлик буюмлари орасида зираклар, бўйинга тақиладиган зеб зийнатлар, интальялар, камейялар, тўғноғич, тўқалар, билакузуклар, узуклар, тиллақошларнинг бир қатор турлари учрайди. Улар асосан олтин ва кумуш сингари қимматбаҳо металллардан ишланган. Ушбу буюмлар металлга ишлов берилиб, турли нақшлар ила безак берилиб тайёрланган.

Паст табақа аёлларининг либоси шаклан задогонларникини такрорласада, бироқ улар арзон матолардан қилиниши, шаклан кичик ҳажмдалиги, шунингдек қиммат бўлмаган безаклар ила безакланганлиги ила фарқланган.

Юнон аёллари пардозга алоҳида эътибор беришган. Улар бронза ойналардан фойдаланишган. Юз, лаб, киприк ва қошларига алоҳида ранглар билан пардоз беришган. Хушбуй ҳидли атирлардан фойдаланишган. Атирлар сақланадиган флаконлар – яъни *лекиф*ларнинг ўзи ҳам ҳақиқий санъат намунаси даражасида бўлган.

Юнон либосидаги асосий элементлар - пластик шакл, бурма ва тахламаларнинг мутаносибликлари галдаги маданиятлар ривожиди алоҳида

аҳамият касб этди ва кишилиқ маданиятининг таркибий қисми сифатида галда Европа маданиятининг ривожда алоҳида ўрин тутди (5-расм).



5-расм

### *Назорат учун савол ва амалий топшириқлар*

1. *Қадимги Юнон санъати ва маданиятига таъриф беринг.*
2. *Юнон матолари қандай хусусиятларга эга, уларга қандай безаклар берилган ?*
3. *Қадим Юнонистонда гўзаллик тушунчасига қандай таъриф берилган?.*
4. *Қадимги юнон эркаклар кийимининг турлари ҳақида тушунча беринг, уларнинг фарқи нимада?*
5. *Қадимги Юнон аёлларнинг эркаклар либосидан фарқи нималарда кўрилади, аёлларнинг асосий кийим турлари, кийиниши услуби қандай эди?*
6. *Юнон аёлларининг соч турмагининг турлари ҳақида нима биласиз?*

### **ҚАДИМИЙ РИМ ЛИБОСИ**

Рим қулдорлик давлатининг ҳарбий характери бир неча аср орасида шаҳар давлат бўлган Римни Европа, Кичик Осиё, Мисрни ўз ичига олган кучли дунё державасига айланишига сабаб бўлди. Босқинчилик урушлари, кучли синфий тафовутлар, бир томонда бойлик ва тўкинлик ва унга тенгсизлик ва камбағаллик Рим жамиятини антик давр Юнонистонидан фарқлайди.

Рим санъатини шартли равишда Республика даври (мил. авв. IV-I асрлар) ва империя даври (милодий I-V асрлар) бўлиш мумкин.

Республика даврида (мил. II асрлар) Рим Юнонистонни босиб олди. Шу даврдан бошлаб Рим маданиятига Юнонистон маданияти ва санъатининг кучли таъсири сезила бошлади.

Қадимий римликлар матонатли, кучли кишилар сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Агар Юнонистонда гавда тузилишида маълум бир пропорциялар, уларнинг уйғунлиги асосидаги гўзал атлетик гавда идеал ҳисобланса, Рим давлатининг дастлабки йилларида кучлилик, ҳар қандай шароитга мослашувчанлик, кийинчиликлардан чўчимаслик, қатъият ва оддийлик – мана шу хусусиятлар бу давр идеал шахс тимсолини белгилайди.

Юнон ва римлик аёллар ташқи жиҳатдан ўхшашдирлар. Римлик аёллар Қадимий Юнонистон аёлларидан кўра жамиятда каттароқ ҳуқуқ ва эътиборга эга эдилар. Рим аёлларида киборлик, сокинлик ва маълум бир маънода адл комат идеал аёл қиёфасини белгилайди. Бу даврда римликлар тўлиқ елкалар, кенг бўкса ва текис кўкракларни идеал фигура сифатда тан олишган. Оқиш рангдаги тери эътиборли бўлган. Сочларни олтин рангга бўяш, шу рангдаги париклар тақиш одат эди.

**Матолар, ранг, безаклар.** Рим санъати каби либослар ҳам тўлиғича Юнон анъаналари таъсирида эди. Бу нафақат либосларга ишлатиладиган матоларда, икки уч кийимни бир вақнинг ўзида кийишда ҳам кўзга ташланади. Шу билан бирга бир хил таркиб ва рангдаги матоларнинг ишлатилишида ҳам бу ўхшашлик кўзга ташланади.

Бироқ римликлар либослари айниқса империя даврида юнон либосларидан бир мунча фарқ қила бошлайди. Худди Юнонистондаги сингари Римда ҳам матолар қўлда тўқилган. Матолар учун эчки юнги, зиғир толаси асосий хом ашё ҳисобланган. Империя даврида шарқдан шунингдек ипак матолари ҳам олиб келина бошлади. Ипак матоларининг нарҳи жуда юқори бўлиб, уларнинг бир фунти, шунча оҳирликдаги олтинга баҳоланган. Юпқа ва нафис матолар билан бирга бу даврда оғир ва қалин парчалар ҳам




борган сари эътиборга туша бошлаган. Оғир ва қалин матоларга ўта бошлаш ўз ўзидан либослар шаклидаги бурмалилик ва тахлама (складка)лардан воз кечилишига, яъни қобиксимон (футлярообразной), текис кийимларга ўтилишига олиб келди.

Рим либосларида асосан ёрқин, гўзал ранглар етакчилик қилади. Бинафша, жигарранг ва сариқ ранглар асосий ранглар ҳисобланади. Империя даврида ранглар мураккаб, хашамдор характер касб этиб, рангларни бирикувда қўллаш етакчилик қила бошлади: оч яшил ва ҳаво ранг оқ билан, ёрқин бинафша ранг сариқ билан, кул ранг ҳаво ранг ила, пушти ва оч бинафша ранглар биргаликда қўллана бошлади.

Рим матолари галда ғунча, тўртбарг, дуб барги, лавр япроғи ёки гуллар шодаси билан нақшинланган геометрик шаклий безаклар - доиралар, айланалар, ромблар билан безаклана бошлади. Нақшлар бир неча ранглар уйғунлигида тикилган ёки тўқилган бўлиб, уларнинг тилла рангдаги ишлар билан жилोलаниши матога янада кўрк ва дабдабалилик берган (1-расм).

**Эркаклар либоси.** Республика даврининг дастлабки йилларида инсон танаси гўзаллигини бўрттириб кўрсатувчи бурмали, аксарият ҳолларда инсон танасининг баъзи қисмлари очик қолган либослар етакчилик қилган (2-расм).



1-расм



2-расм

Бу давр либослари орасида туника етакчилик қилган. Туника ўзининг қўлланилишига ва вазифасига кўра хитонга ўхшашдир. Бироқ улар шаклан бир-биридан фарқ қилади. Агар хитонга ўралиб олинса, туниканинг елка қисми тикилиб, уни бош орқали кийиб олинган. Шу маънода, туника кийиладиган кийимдир. Рим тарихида туниканинг шакли ва узунлиги ўзгариб борган. Лекин болдирнинг ўртасига етадиган туникалар мумтоз ҳисобланган. Эгаси қанчалик бой ва мансабдор бўлса, туниканинг беаги ҳам шунга яраша бўлган. Безаклар (йўллар, нақшлар, вишивкалар) ҳам табақа мансабни кўрсатишга хизмат қилган. Улар асосан тўқ қизил, бинафша, кўк рангларда бўлиб, маълум рамзларни билдирган. Масалан, сенаторлар ва чавандозлар туникасининг олд қисмида бинафша ранг йўллар сони ва кенглиги жиҳатдан бир-биридан фарқланган. Ғолиб саркарданинг туникаси олтин палма шохи билан тикиб безакланган. Римликлар устки кийим бўлган тогага чуқур рамзий маъно берганлар. Чет элликлар ва қуллар тога кийиш ҳуқуқига эга эмасдилар.

Туникаларнинг қатор турлари бўлиб, уларнинг асосийлари – *колобиум*, *таларис* ва *далматика*дир.

Колобиум – кенг бўлмаган, белидан боғланадиган енг калта туникадир.

Далматика – кенг енгли, анча узун, ёйилган ҳолатда креатни эслатувчи кийим. Бу кийимни асосан римлик христианлар (I аср бошига келиб римга христиан дини кириб кела бошлади. Дастлаб эзилган синфларни қамраб олган ушбу дин вақт ўтиб, юқори синфлар доирасида ҳам тарқала бошлади) кийишган.

Триумфатор саркардалар киядиган туникалар айниқса жуда ҳашамдор бўлган. У бинафша ранг матодан тикилиб, олтин пальметлар ила безакланган. Сенаторлар туникаси бўйига қизил ранг чизик (полоса) билан безакланган.

Совуқ кунларда римликлар бир неча қават туника кийиб юришган. Қадимги қўлёзмаларда император Август бир вақтнинг ўзида тўртта туника

кийиб юргани хусусида маълумотлар мавжуд. Кўча ва жамоатчилик орасида туникада юриш одобдан ҳисобланмаган.



3-расм

Бу даврда Римда урф бўлган туника ва тога ўзининг бадийий ва шаклий тузилишига кўра юнонларнинг хитон ва гиматиясидан фарқ қилса-да, бироқ уларнинг умумий жиҳатлари ҳам йўқ эмас эди.

Ўзининг бўйи ва эни, енгининг узун қисқалигига кўра туникаларнинг турли хиллари мавжуд эди. Либос эгаси қанчалик бой ва эътиборли бўлса, унинг безаги ҳам шунга яраша бўларди. Либослардаги безаклар (кашта, йўллар, безаклар) ҳам табақа, лавозим характериға эға эди. Улар асосан тўқ қизил, бинафша, кўк рангда бўлиб, ранг маълум бир рамзий маъноға эға эди. Хусусан, туниканинг олд қисмидаги вертикал бинафша ранг йўлларнинг сони ва кенглиги билан ажралиб турган. Йўл-йўл туникаларни римлик сенаторлар ва чавандозлар кийишган.

Римликларнинг устки кийими плаш бўлиб, улар орасида тоға алоҳида ажралиб туради. Тоға устки кийими чуқур рамзий маъноға эға бўлган. Чет элликлар ва қуллар тоға кийиш ҳуқуқиға эға эмасдилар. Тоға цирк, театр, суд мажлиси, триумфаторлар, ҳукмдор қабулиға боришда асосий атрибутлардан бири бўлган. (4- расм).

Тоға катта бўлак мато бўлиб, у тўртбурчак ёки эллипс шаклида бўлган. Тогаларнинг размери тахминан 6 x 1,8 м бўлгани сабабли, уни кийиб олиш бирмунча мушкул бўлган. Одатда, ушбу либосни қуллар хўжаларига

кийдириб қўйишган. Римликлар ойна олдида туришни хуш кўришган. Одатда, улар ойна олдида бир соатдан ортиқ туришга, ва бунда юриш, туриш позаларини ва нутқларини ифода этишни машқ қилганлар. Масалан, турли ёдномаларда ўз даврининг машхур нотиғи Горатензий ўз чиқишларидан олдин тўрт соатлаб ойна олдида туриб машқ қилиши ҳақида маълумотлар бор.

Тогаларни ўрашнинг бир неча усули бўлган. Хусусан, матонинг учдан бир қисми елка орқали чап елкага ташланган. Тоганинг бу қисми чап елка ва гавданинг чап томонини ергача беркитган. Матонинг қолган қисми тананинг орқа қисмини ёпиб, ўнг қўлнинг пастидан олдинга тортилган.

Тогаларнинг хусни уларнинг қордек оқлиги ва бурмаларнинг нозиклигида эди. Бурмалар анъаналар асосида шаклланган бўлиб, қонун билан мустаҳкамланган эди. Бурмалар матога махсус таркибли моддани шимдириш орқали мустаҳкамланган.



4-расм

Кейинги даврларга келиб охир ва катта тогалар ўз ўрнини юнон хламидаларига ўхшаш енгил плашларга бўшатиб берди. Уларни туниканинг рангига мослаб танлаб, икки елкани ёпиб, кўкрак олдида бирлаштириб, фибула ёрдамида маҳкамлаб юришган.

Римликлар уст кийими - плашнинг яна бир кўриниши пенула бўлиб, унинг андозасини ўрта асрларда хатто бугунги замонавий кийимларда ҳам кўриш мумкин (5-расм).



5-расм

Пенула доира ёки ярим доира шаклида, бош кириши учун йириғи бўлган ва у ерга капюшон тикилган. Қалин ва дағал жунли матодан тикилган пенулалар деҳқонлар кийими ҳисобланиб, қимматбоҳо матодан тикиб, безатилгани юқори табақа вакиллари томонидан кийилган.

Эрамизнинг III асридан бошлаб, бурмаланган антик давр кийимлари ўрнига гавданинг табиий шакли ва гавданинг пропорцияларини бекитадиган ёпинчикқа ўз ўрнини бқшатиб бера бошлади.

Либоснинг бу ўзгаришига шарқий осие шаклининг таъсири ҳамда Римда христианской сиёсатининг таъсири билан изоҳланади. Натижада танани бўйиндан тўпикқача ёпадиган тор ва узун туникалар, кенг долматиклар пайдо бўлади. Безакларда орнаментларнинг уйқашлиги, зеб зийнатларга эътибор кучли. Манна шундай кийим турларидан бири, антик анъаналардан анча йироқ, енги бутунасига бичилган узун ва кенг **далматиклардир**.

Маросим плашлардан яна бири **лацерна**дир. У хажман анча кичкина бўлиб, олтин ва кумушдан гул қилиб безалган матонинг қимматбаҳолиги билан ҳам изоҳланади. Лацернани орқадан икки елкага шундай ташланганки, унинг икки учи бўйинга келиб турган. У калта бўлиб, тиззага қадар бўлган.

Римлик император ва юқори табақа вакиллари одатда полудаментиум, яъни тиззадан биров тушиб турадиган, унча кенг бўлмаган, калта плашлар ташлаб юришган. Полудаментумларни чап елка ва орқадан ташлаб олиб, ўнг томонга тўқа ила тахламалар ёрдамида мустаҳкамланган.

Аслзода римликлар либосини калта этиклар ва орқали сандаллар тўлдиради.

Империя даврида аслзодалар орасида заргарлик буюмларига қизиқиш кучаяди. Олтин ва кумушдан қилинган узук ва перстенларни ҳар бир бармоқда 5-6 тадан тақиш урфга айланади. Браслетлар мукофот рамзини ифодалаган.

Пешонага тўғри тараб қўйилган соч, тарашланган ёки кичкинаганина соқол қолдирилган юз римликлар қиёфасини тўлдирган. Тарихга римлик император Тита Веспасиан номи билан боҳлиқ калта локонлар ва бакенбарддан иборат «Тита боши» номини олган соч турмаги сақланган.

Римлик камбағаллар ва қуллар дағал шерст мато ёки канопдан тўқилган матодан тикилган туника, пенула ва оддий ёғоч бошмоқлар кийишган.

**Аёллар либоси.** III-IV асрга келиб енгил ва юпқа Юнон ва Ассирия шойиси оғир, катта гули шарқ матолари ўрнини эгаллагунига қадар римлик аёллар либосида бурма асосий белги ҳисобланган. Аёллар туникаси ўз характери ва шаклига кўра эркакларники ўхшаб кетади. Римлик аёллар туниканинг устидан ундан анча кенг ва узун *стола* кийишган. Бу икки кийим турли қалинлик ва тузилишдаги матоларнинг уйғунлаштириш, шунингдек енг узунлиги ва беагига мослаштиришга алоҳида эътибор берилган. Столанинг этакларига плисировкаланган қўшэтак тикилган. Столалар белидан боғланиб, маълум бир пропорцияни вужудга келтирган.

Рим аёли виқорли кўриниш билан бирга оҳиста қадам ташлаб, улуғвор кўриниши лозим эди. Тўғри, қуллар, гетерлар, патрицианка ёки оддий халқ аёллари турли туман бўлиб, уларнинг либослари мато сийфати, улардаги безаклар, ва кийиш манераларига кўра фарқланган. Бироқ либоснинг асоси бир хил бўлган.

Туниканинг турли кўринишлари асосан, жундан қилинган (туника *Fintima*) ички ва уй кийими вазифасини бажарган. Қизлар никоҳ куни тор туникалар кийишган. Оддий туникалар белбоғ билан боғланган.

Задоган аёллар туниканинг устидан устки кийим туникага ўхшаб кетадиган *стола* кийиб юришган (6-расм). Унинг этакларига *инстита* – плессировка қўшэтак тикилган. Столалар енгсиз ёки калта енгли бўлиши, уларни кўкрак остида боғлаб қўйиш мумкин эди. Жамоат жойларда столасиз пайдо бўлиш уят ҳисобланган.

Стола устида *паллу* кийилган (7-расм). Баъзан паллуни туниканинг устига ёпиб юришган. Одатда палладан бошқа ҳам плаш турлари мавжуд бўлиб, уларнинг номлари аниқ эмас.



6-расм



7-расм

Плашларни турли усуллар ёрдамида тана атрофига бурмалаб айлантириб, баъзан унинг бир учини бошга ташлаб олишган. Римлик аёллар кўпинча либосни енгил чойшаб билан ёпиб юришган. Камбағал оила аёллар кўпинча эркаклар плашларини-пенулани кийиб юришган.

Аёллар ҳам уст кийим сифатида пенулалар кийишган (8-расм). Қоматни гўзал кўрсатиш мақсадида ички туниканинг остида кўкракни боғлам билан тортиб боғлаб юришган, белни эса бир парча материя билан, галда корсет вазифасини бажарган.



**8-расм**

Дастлаб аёллар кийими жунли матолардан тайёрланган. Империя даврига келиб, четдан келтирилган шойилар ҳам истеъмолга кириб кела бошлади. Аёллар либосларини баъзан жуда енгил, баъзан ярим нафис, харир, шунингдек жундан тўқилган матолардан тайёрлай бошлашди.

III-IV асрларга келиб, аёллар тана гўзаллиги ҳақидаги қарашлар ўзгаришга учради. Кийимдаги бурмалар ва пропорциялар билан таъкидланадаган шакллар ўрнини оғир, ёпик, ноэластик матолар қилинган статик шакллар эгаллай бошлади.

Аёллар пойафзали турли ранглардаги теридан тикилиб, кашта ёки тўқалар билан безакланган сандал ва бошмоқлар шаклида эди.

Римлик патрицианкалар соч турмаклари жуда хилма хил ва мураккаб эди. Баъзи бир даврларда сочнинг ўртасини фарқ қилиб очиб силлиқ қилиб таралган турмаклар урфда бўлган бўлса, баъзан сочларни узун жингалак кокил қилиб юриш, баъзан “юнон” соч турмаклари урфда бўлган. Лекин ҳақиқий Рим соч турмаклари жамалаклардан иборат каркасга маҳкамланган баланд соч турмаги шаклида бўлган. Елпигичсимон каркас пешона устига маҳкамланиб, шаклига кўра кепкаларнинг тикка қилиб қўйилган соябонини эслатади. Унга жингалак гажак жамалаклар ўрнатилган. Қолган сочлар кокилга ўрилиб, бошнинг орқа қисмига саватча қилиб турмаклар қўйилган. Ўз сочи бўлмаса бировларнинг сочларидан фойдаланишган. Олтин ранг ва



сарик сочлар айниқса урф бўлган. Оч рангдаги сочларни босқинчилик йўли билан босиб олинган мамлакатлардан келтиришган.

Патрицианка либоси опахал ва олтин, дуру марварид, қимматбаҳо тошлар билан безакланган. Рим опахала-елпиғичлар кўпинча товус патидан тайёрланган. Сухбат чоғида Рим матроналари қахрабо ушлаб туришган. Бунга сабаб ушбу даврда қахрабо қўлни покизалаб туради деб қаралганидир.

Римлик аёллар пардозда сочларни очартиришга ёрдам берадиган турли эссенциялар, хушбўй ёғлар, упа ва бошқа нарсалардан кўплаб фойдаланишган.


Рим империясининг қулаши оқибатида (476 й.) антик қулдорлик дунёси ҳам таназулга учради. Бу қадимий дунё тарихининг ўз даврини тугатиб янги ижтимоий босқичларга ўрнини бўшатиб берганини кўрсатади. Бироқ тан олиш лозим, ушбу даврда яратилган маданий мерос жаҳон тарихида ўқмас из қолдирди.



Мил.авв. VI асрнинг биринчи ярми



Мил.авв. VI – V асрлар




Мил.авв. V аср.



Легионерлар



Офицерлар ва чавандозлар



Гладиаторлар



Офицерлар ва чавандозлар



**Гладиаторлар**



**Юнон ва рим пойфазллари**



**Юнон ва рим соч турмаклари**

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

1. Қадимги Рим санъати ва маданиятининг юксалиш даври ҳақида гапириб беринг.
2. Қадимги Римда кийимларга қандай ранг, матоларга қандай безаклар берилган?
3. Қадимги Римда эркаклар кийимининг қандай турлари мавжуд, уларнинг фарқи нимада?
4. Қадимги Римнинг рамзий устки кийими нима бўлган ?
5. Қадимги Рим аёлларнинг либоси, уларнинг турлари, кийиниш услуби

*қандай эди?*

**6.** *Рим ва Юнон аёлларининг соч турмаги турлари ҳақида нима биласиз?*

## **ВИЗАНТИЯ ЛИБОСИ**

Эрамизнинг 395 йилига келиб Рим империяси Ғарбий ва шарқий қисмларга бўлинди. Ғарбий қисм куллар қўзғалони сабаб вайрон бўлиб, босқинчи герман ва галлар томонидан эгалланган бўлса, Шарқий қисми ўз ҳукмронлиги остига Миср, Сирия, Кичик Осиё, Юнонистонни бирлаштириб, Византия деб атала бошлади. Византия антик Римдан эски давлат шакллари ва бюракратик аппаратни мерос қилиб олди. Бироқ кулдорлик системаси ишлаб чиқариш воситалари тараққиётига тўсқинлик қилди ва унинг ўрнига янги ижтимоий муносабатлар - феодал муносабатлар вужудга келди.

Жамиятнинг етакчи дини христианлик бўлиб, у катта иқтисодий ва сиёсий қудратга эга бўлган. У Византия маданияти ва санъатининг шаклланишида катта ва муҳим ўрин тутди.

Византия санъати ва V-VII асрлар эстетик дунёқарашида даврнинг бутун қарама-қаршиликлари, хусусан, инқирозга юз тутган эски давр ва янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши билан боғлиқ қарашлар акс этди. Шу билан бирга бу давр санъатида антик давр, шарқ анъаналари ва янги христиан мавзуларининг таъсири ўз аксини топган.

Бу давр санъатида меъморлик, маҳобатли рангтасвир, бадиий хунарманчилик, хусусан, мато ишлаб чиқариш, кашта етакчилик қилди.

Византия черковларида сақланган мозайкалар, икона (иконопись)лар ўз даври эстетик идеали ва инсонлар либоси хусусида маълумот берувчи ягона воситалар ҳисобланади. Уларга санъатда инсон тасвиридан қайтиш, яъни чекланиш, рамзийлик хос. Инсонлар тасвири шартли кўриниш касб этиб, улар канонлаштирилган.

Христиан динининг чуқур таъсирида бўлган Византия эстетикаси инсоннинг ҳиссий дунёсини унинг руҳий дунёсидан ажратар, шу билан бирга уларни бир-бирига қарама-қарши қўярди. Инсоннинг ҳиссий дунёси

номаъкул ҳисобланиб, у гуноҳ ҳисобланган. Шунинг учун бутун умри давомида инсон унга қарши курашиши керак деган ақида ҳукмронлик қиларди.

Бу даврда антик инсондаги гўзаллик ва уйғунлик тушунчалари ўрнига руҳий гўзаллик кириб келди. Тана турли кўринишларда ниқобланган. Рассомларнинг бутун қизиқишлари инсон юзининг тасвирига қаратилди. Катта кўзлар, узайтирилган овал юзлар, кичик оғиз ва кенг пешона. Бош аёл ва эркакнинг руҳий маркази вазифасини бажариб, текис, шаклсиз тана табиий пропорциялар ва чизиклардан ажралиб, тириклик сифатларини йўқота бошлади.

Византия санъатидаги қарама-қаршилик аскетизмни эълон қилиш билан бирга унда черков амаллари билан боғлиқ бойликка ружў кўйиш характерлидир. Бу инсоннинг кийимидаги қимматбаҳо матолар, заргарлик буюмлари, шунингдек либослардаги безакдорликда кўзга ташланади.

**Мато, ранг, безак.** Византиялик тўқувчилар жун, ипак, парча, шунингдек гилам тўқувчилигида алоҳида шуҳрат топган эдилар. Уларнинг санъати хусусан VI асрга келиб ипак ишлаб чиқариш ривожини ўсганида янаям камол топди. Византия матоларининг фактураси турли туман бўлиб, бироқ унда асосан металл иплар ёхуд қимматбаҳо тошлар билан безакланган оғир, қалин, ноэластик матолар етакчилик қиларди.

Тилла безакли парча ҳамда юпқа ва нафис металл листни эслатувчи яхлит олтинили алтабас энг қимматбаҳо матолар ҳисобланган. Уларни асосан кўйма кашта безак, хошия ва ва наплесниклар учун ишлатишган. Императорлар ва юқори табақа вакилларининг либослари бутун бастини билан мана шундай матолардан тайёрланган.

Катта, аниқ, ёрқин, текис расмлар тана шаклини бекитишда алоҳида ўрин тутган.

Ҳайвонлар (шерлар, филлар, хўкизлар, бургут, ўрдак, товус, грифонлар, феникслар) тасвири доира, кўпбурчак, ромблар шаклига сингдирилди. Улар розеткалар, ўсимликсимон нақшлар орқали бирлаштирилди. Кўпинча

хайвонларнинг фигуралари бир-бирига юзма юз жойлаштирилди. Расмнинг ҳажми кўп ҳолларда 30-40 см диаметр атрофида бўларди. Кейинчалик диний нақшлар – хоч, Христос, фаришталар монограммаси пайдо бўла бошлади. Хошиялар учун геометрик ёки ўсимликсимон безаклар: пальметта, акант баргларидан фойдаланилган (1-расм).

Гул, яъни нақш кўпинча нафақат эстетик, шунингдек, рамзий вазифани ҳам бажарган. Хусусан, императорлар ва зодогонлар либосларида ҳокимият рамзи бургут, шер қўлланилган.



1-расм

Матолардаги ранглар турли туманлиги ва уларнинг ранглиридаги турфалилик эътиборни тортади. Бинафша, унинг тўқ қизил ранг туслари юқори қўйилиб, императорлар либослари ранги ҳисобланган. Безаклар учун ёрқин ранглар, яъни сариқ, жигарранг, оқ, қора, қаймоқрангдан фойдаланилган.

**Эркаклар либоси.** Эркаклар либосларининг асосий кўринишлари туника, иштонлар, далматик, пенула ва лорум бўлган. Номланишига кўра улар рим либосларини эслатсада, аммо кўриниши жиҳатдан бирмунча фарқланган. Либослардан ўраб кийиш умуман йўқолди, қолган бўлса ҳам антик юмшоқлик ва эгилувчанлик ўрнига инсон қоматига цилиндр формасини бериб турувчи оғир цилиндрсимон фалдалар эгаллади.

Туника пасга қараб торайтирилган узун енгли рим туникасини эслатиб турарди.

Иштонлар Шарқ андозаларидан олинган бўлиб, белбоғга тасмалар билан қадалган икки тикилмаган бўлаклардан иборат эди. Иштонларнинг узунлиги турлича бўлиб, улар тиззагача, болдиргача ва тўпикқача бўлиши мумкин эди.

Император ва амалдорларнинг уст кийими плаш-мантия бўлган. Ушбу либос фибула яъни тўғноғич билан ўнг елка ёки бўйинга қотириладиган кенг ва узун ёпинчикдир. Плаш йириқлар бўйлаб, бўйин олдида йўл-йўл чизиклар, турли тикмалар, табақа рамзлари билан безалган.

Равеннадаги муқаддас Виталий ибодатхонаси деворий суратларида император Юстинианнинг сарой аъёнлари даврасидаги тасвири мавжуд. Тасвирда император калта оқ туника кийимда. Туниканинг ёнларидаги йириқлар, енгининг паст қисми ва елка қисмлари кашталар билан безалган. Устидан эса тўқ қизил рангли, оғир думалоқ шаклдаги фалдали плаш. Плаш ўнг елкадан қимматбаҳо фибула билан қотирилган. Кўкрак қисмида клавус тасвири тушурилган табақа беага клавус. Оёқларида ҳам тўқ қизил рангли бошмоқлар. Аъёнлар ҳам шу каби кийинишган, фақатгина улар қизил плаш ўрнига оқ рангли қизил белгилари бор, ҳеч қандай нақшлар ва безакларсиз плаш кийишган (2-расм).

VII асрдан бошлаб **лорум** – қимматбаҳо тошлар билан безалган олтинранг парчадан қилинган кенг узун шарф император либосининг ажралмас қисми бўлиб қолди (3-расм). Шарфнинг кенглиги одатда 15-35см, узунлиги эса – 4-5 м. бўлган. Лорум рим тоғаси каби турли усулда ўралган. Лорум амалдорлар либосининг муҳим элементларидан бири сифатида асосий безак воситаси ҳам эди. Шунингдек, кенг доирасимон олтин ва қимматбаҳо тошлар билан дабдабали безалган елка-ёқа ҳам муҳим безак воситаларидан бир эди. Галда лорум ва ёқа буйиндан кийиладиган орқаси узун олд томони биро калта (болдирга қадар) ёпинчиқ шаклини олди.





2-расм



3-расм

Византияликлар пойабзали – ингичка тасмалар билан боғланган этиклар ёки юмшоқ бошмоқлар бўлган.

Бош кийимлари - узун ўткир учли ёки куббали ва ҳошияли бўлган.

**Аёллар либоси.** Аёллар либосининг асосий кўринишлари: туника, стола, далматик, пенула, мафорий, плаш-мантиядир. Эркаклар либоси сингари аёллар либоси ҳам гавдани ниқоблаб турувчи цилиндрсимон шаклга интилган.

Муқаддас Виталий ибодатхонаси деворий суратларида императритца Феодора аъёнлари билан тасвирланган. Императритца икки ёни ва таг қисмида бой кашта билан безатилган оқ стола ва йирик орнаментли ҳошияли тўққизил рангли император мантиясида тасвирланган. Бўйнида олтин ва қимматбаҳо тошлардан ясалган кенг ва катта ҳажмли тақинчоқ, оёқларида эса олтин ипдан кашта билан безатилган бошмоқлар кийган. Сарой хонимлари ҳам ҳашамдор кийинишган. Улар бирхил рангда кашта билан тикилган стола ва нақшли матодан пенулалар кийишган (4-расм).

Қимматбаҳо матолардан тикилган олий табақа кишиларнинг дабдабали кийимлари билан бир қаторда Византияда аёллар бошини юқори қисмини беркитиб турувчи - *мафорий* ёпинчиғи пайдо бўлади. Ёпинчиқнинг учлари

олд томонда тўқнашиб, бир-бирининг устидан ўтиб елка оша орқага ташланган. Узун столалар билан биргаликда бу ёпинчиқ қоматга аскетик кўриниш берган. Бу либос христиан динининг қонун-қоидалари ва эстетикасига жуда мос келар эди ва шу сабабли бу либос иконаларда авлиёларнинг доимий кийими бўлиб қолди (5-расм).



4-расм



5-расм

Паст табақадаги аёллар либоси кундалик ҳаёт юмушларига мос енгил, арзон ва сипо матолардан тикилган либослар бўлишига қарамай ўша давр модасининг асосий форма ва силуэтларини ўзида сақлаб қолган.

### **Византия либосининг ўрта асрлар Европаси либосига таъсири**

Ўрта асрларга келиб савдо-сотик борасида олди-бердилар амалга оширила бориши сабабли Византия либоси қадимги Рус либосига сезиларли таъсир кўрсатди. Христиан дини тамойилларига мос келадиган ғилоф кўринишли силуэтлар, ёпиқ кийимлар Европада узок вақт давомида сақланиб қолди. Ажойиб тасвирий ечинмалар билан безатилган матолар юқори табақа вакилларига кийим тикишда намуна эди. Туника, далматик, пенула, мантия каби антик давр либослари византия либосида сезиларли ўзгаришларга учраб

ўша аср ҳаётига мослашди. Бу либосга янгича ёндашиш, яъни инсон қоматининг табиий формаларини беркитишдан иборат эди.



**Император сарйи IV-V аа.**



**Император сарйи VI а.**



**Император сарйи X-XI аа.**



**Шахарликлар ва харбийлар**



**Амалдорлар, император ва харбийлар**



**Рухонийлар, император аёл**

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. Византия санъатининг характериلى хусусиятларини таърифлаб беринг.*
- 2. Византия либосининг ўрта асрлар Европа либосига таъсири ҳақида сўзланг.*
- 3. Византия давридаги эркаклар либосига таъриф беринг..*
- 4. Византия кийимларида пайдо бўлган янги шакллар ҳақида сўзланг*
- 5. Византиялик аёл либосини таърифлаб беринг.*
- 6. Аёллар кийимларида қандай безаклар қўлланилган?*

## **ИККИНЧИ БОБ**

### **ЎРТА АСРЛАРДА ҒАРБИЙ ЕВРОПА ЛИБОСИ**

Эрамизнинг V асрига келиб, қадимги Римнинг инқирозга учраши натижасида қулдорлик тузуми емирила бошлади. Ҳозирги Европанинг ерларида бирор бир бақувват давлат бирлашмаси йўқ эди. Зеро улар қанчалик тезликда пайдо бўлса, шунчалик кўп вақт ўтмай, йўқолиб кетарди. IX асрга келибгина, дастлабки узок вақт турган давлат – франклар давлати вужудга келди.

Ўрта аср давлатлари янги иқтисодий муносабатлар, яъни феодализм муносабатларига ўта бошлади. Бунга кўра жамият ер-сув эгалари феодаллар ва уларга қарам деҳқонларга бўлинди. Феодализмнинг шаклланиши асосан X асрга келиб тугади.

Бу даврда жамиятда черковнинг роли оша бошлади. Дин жамиятнинг маънавий маданий тараққиётига болта уриб, унинг ривожига маълум бир маънода тормозлади. Маданият тараққиётида черковлар асосий ўрин тутди. Уларда нафақат қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик, шунингдек, миниатюра, китоблардан нусха кўчириш, заргарлик ва шу каби бошқа санъат турлари ривожланган эди.

Феодал жамияти икки катта даврга – Илк Ўрта асрлар (IX-XII) ва кечки (XIII-XV) асрларга бўлинади.

Ўрта асрлар жамиятининг муҳим элементларидан бири табақалашган иерархия эди. Унинг энг юқорисида энг катта феодал подшоҳ турарди. Ундан пастда герцоглар, графлар, рицарлар турарди. Уларнинг ҳар бири ўзидан юқори патрон – сюзернига бўйсунган. Кеч Ўрта асрлар табақаларидаги фарқлар либосларда аниқ кўзга ташланади.

Илк ўрта асарларда яшаш тарзи жуда оддий бўлган. Қишлоқ хўжалиги ҳунармандчиликдан ҳали ажрамаган эди. Барча зарурий ашёлар феодал хўжаликларида ишлаб чиқариларди. XI асрларга келиб салб юришлар сабаб ўрта асрлар жамияти иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар бошланди. Янги савдо йўллари очилди. Савдо билан боғлиқ нарсаларни ишлаб чиқарадиган ҳунармандчилик турлари ривожланди. Савдо йўллари кесишган чорраҳаларда унча катта бўлмаган, бироқ анча замонавийлашган шаҳарлар пайдо бўла бошлади. Шундай қилиб, эрта Ўрта асрларда французларнинг Арль шаҳри Рим амфитеатри харобаларида жойлашган бўлса, бугунги кундаги Париж шаҳри кичкинагина Сита оролида жойлашган Париж богоматери черковида жойлашганди. Ҳунармандлар шаҳарларнинг алоҳида кварталларида яшаб, цехларга бирлашиб ишласалар, савдогарлар гильдиларга бирлашиб шуғулланишган.

Ўрта асрлар маданияти, хусусан либосларини ўрганишда уларни турли вилоятларга бўлиш қабул қилинмаган. Бунга сабаб, биринчидан бу даврда Европада бақувват, узоқ йиллар ҳукм сурган қатъий давлат тузилишининг ўзини йўқ бўлган бўлса, иккинчидан бу даврда Европа маданияти тараққиётида, христиан черкови талаблари асосида яшашга маҳкум бўлган қатъий маданият мавжуд эди.

Илк ўрта асарлар меъморлигида, тасвирий ва амалий безак санъатидаги роман услуби либосларда ҳам ўз аксини топган. Роман услуби икки маданият – Рим, антик ва маҳаллий босқинчилик маданияти қоришмасида шаклланди. Унга оғир вазнлилик, шаклларнинг катталиги, ярим доира аркалар, оғир деворлар, ойналар ва эшикларнинг

катта бўлмаган ўймалари хосдир. Асосий қурилиш материали бўлиб маҳаллий кулранг тош хизмат қилган. Роман услуби интерьерлари меъморликнинг маънос, ғамгин характерига мос эди. Тўқ рангларнинг устунлиги, шиплар, ёғоч панеллар, тери билан қопланган, рангли терракота плитали поллар, иситиш ва ёритиш учун хизмат қилган камин, деворга металл халқалар билан маҳкамланган ёниб турадиган факеллар - буларнинг бари ғамгин ва маънос тассурот уйғотади.

Роман мебеллари оғир ва оддий бўлган. Улар йўнилган ёғочдан тайёрланган. Уларнинг тури кўп бўлмаган. Хона мебеллари скамейкалар, кресла, бош юқорисида навеси бор краватлар, баъзан ўймакорлик ила безакланган ва бўялган сандиқлар, столлардан иборат бўлган.

Бу даврга келиб, дастлабки даврда ҳарбий иш билан шуғулланган рицарлар табақаси шакллана бошлади. Бурч, ор-номус сингари ахлоқий меъёрлар таомилга кира бошлади. Қандан юриш, ўтириш, ўзини стол атрофида тутиш сингари этикет қоидалари шакллана бошлади. Жумладан, меҳмонга борганда икки қўлда овқат танаввул қилиш, оғиз тўла ҳолатда ичиш ва гапириш, кубокдаги ичимликни ичиб бўлмасдан туриб тўлдириш учун ёнида ўтирган кишига узатиб юбориш номақбул саналган. Шунингдек, оёқни чалиштириб ўтириш, кескин ҳаракатлар қилиш, қаттиқ кулиш одобсизлик ҳисобланган.

Илк Ўрта асрларда жамиятнинг турли қатламларида ўзига хос қарашлар шаклланаётган бўлса-да, шаҳарликлар, ҳунармандларнинг ҳали этик қарашлари, дидлари мустақиллик касб этмаганди.

Салб юришларидан сўнг, нафақат савдо сотиқ, ҳунармандчилик ривожланди, шунингдек шаҳарлар ўсди, шу билан бирга анча юксалган шаҳар маданияти шакллана бошлади. Юксалаётган маданиятни ўзида акс эттираётган адабиёт пайдо бўла бошлади. Дастлабки университетлар очила бошлади. Шаҳарларнинг марказларида черковлар, шаҳар бошқаруви марказлари – ратушлар пайдо бўла бошлади.

Меъморлик ва амалий санъатда готик услуби шакллана бошлади. Роман услуби асосида пайдо бўлган бўлса-да, бу услуб ундан тубдан фарқ қиларди. Готик услубида яратилган меъморлик иншоотлари, мебел, либослар силуетида енгил, нафис шакллар етакчилик қилади. Готик услубдаги иншоотлар конструкцияси юпқа девор ва витражлар билан тўлиб тошган мураккаб аркалар ва таянчлар – столбалар, бино скелетини ташкил этган.

Мебеллар эрта Ўрта асрлардагидан бирмунча нафислашиб, анча чўзилган шакллар ола бошлади. Уларни ингичка ўйма нақшлар билан безай бошлашди. Мебеллар сони кўп эмас: сандиқлар, кресло, X шаклдаги йиғма стуллар, краватлар, оёқлар ўрнига икки ёнига доска қўйилган столлар. Дастлабки шкаф турлари, яъни ён томонга қўйиладиган сандиқлар (“на попа”), идиш-товоқлар учун шкафлар пайдо бўла бошлади.

Готик услубдаги интерьерлар услуби роман стилидагидан анча ёрқин бўлиб, асосан катта деразалардан тушадиган ёруғлик билан хона ёритилган.

Рўзғорда асосан шарқдан келтирилган қимматбаҳо буюмлар, яъни тукли гиламлар, қимматбаҳо идиш-товоқлар ва б.лардан фойдаланилган

Барча тарихий даврлар сингари Ўрта асарлар ҳам турмуш тарзи ва бадиий услуб ва дидлар тараққиётида келиб чиқиб инсон гўзаллигин идеалини яратди. Бироқ бу даврда эстетик гўзаллик тушунчаси бирмунча қарама-қарши бўлиб, узоқ йиллар давомида инсондаги барча меёрларни чеклаб турган черков билан кураш асосида олиб борилди.


Ўрта асрлар мумтоз намунаси сифатида Франция эътироф этилади. Парижни эса унинг гули дея аташ мумкин.

Қадимги шарқда пайдо бўлган қадалмайдиган кийимларнинг содда бичими, европа кийимларида X-XI асрларгача яшаб келди. Аёллар ва эркеклар гўзаллиги ҳақида кейинчалик пайдо бўлган тушунчалар аёл ва эркек кийимининг шаклий жаҳатдан фарқланишини талаб қилди. Европа либосидаги бу муҳим ўзгариш (реформа) ўрта асрларда бирданига пайдо бўлиб, шаклланмади. Бунинг учун оз эмас, кўп эмас 400 йил (XII-XV аа.)



керак бўлди. Унинг ривожини қуйидаги характерли даврларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1 давр. XII аср — XIV асрнинг биринчи ярми. Бу даврда эркаклар ва аёллар либослари узун бўлиб, улар қоматга ёпишиб турган. Қоматга либоснинг ёпишиб туришини бичиш усулида амалга оширилган (1-расм). Қоматга либоснинг ёпишиб туриши учун кийимда 3 тачок., яъни икки ён ва бита орқа чок орқали амалга оширилган. Кийимнинг юқори қисми айнан манна шу чоклар ёрдамида танага мослаштирилади. Кийимнинг паст қисми эса учбурчак шаклдаги клинлар ёрдамида этак қисми томон кенгайтирилади. Бел чизиғи бшйлаб ён томондан овал шаклида йириқлар қолдирилиб, улар шнурлар ёрдамида бириктирилади (1 расм).



1-расм

Эндиликда белбоғлардан белни тортиб туриш учун эмас балки белни таъкидлаб кўрсатиш учун ва декоратив безак сифатида фойдаланилган. Либослар фақатгина накладной бўлган. Фақатгина плашлар драпировка қилинган (ўралган).

2 давр. XIV асрнинг иккинчи ярми — XV асрнинг биринчи чораги (готика даври). Бу давр калта эркаклар кийимининг пайдо бўлиши ва узун аёллар кийимининг янада бойиши билан характерланади. Бу даврда тугмалари қадалмайдиган кийимларнинг турли хиллари кенг тарқалди. Либосларни ташқи формалари ва конструктив ечимига таъсир қилган либосларни конструкциялашни жадал ривожланишига бу даврда меъморликнинг ривожланиши ва гуллаб яшнаши ҳам ўз таъсирини ўтказмай

кўймади. Авваламбор металлдан қилинган рицар либоси реконструкция қилинди. Унинг оғирлиги ва ноқулайлиги ҳарбийларни ҳаракатини чеклаб кўяр, жангда анча аноқулайликларни юзага келтирар, шунингдек кўп ҳолларда касалликка ҳам сабаб бўлар эди. Яхлит метал совут алоҳида бўлакларга бўлинди – совут, ҳаракатланадиган жойларидан илгаклар, ошиқ-мошиқлар (шарнир) билан уланди. Шу усулда тананинг баъзи қисмлари: елка қисми, кўкрак қисми енглар учун текис деталлар формаси топилди. Матоларда мана шу алоҳида қисмлар ёки бичим деталларини жойлаштиришда унинг эластиклиги ҳам (матодаги бўй ва энига ўтган ипларнинг тортилиши) эътиборга олина бошлади. Кенгликни бериш учун витачкалар қилина бошлади. Енг ва унинг ўмизи овал шаклида бичила бошлади. Енг ўмизга бутунлай тикилмай, балки унинг баъзи ўринлари шнур ёки тесмалар ёрдамида бириктирила бошлади. Либослар бел чизиғи бўйлаб ажратилиб, бичиладиган бўлди.

Готика даври либосларида санъатнинг бошқа турларида бўлган каби иккита бир-бирига қарама-қарши тенденция, яъни христиан динининг талаби бўлмиш танани ёпиш, уни формаларини кўрсатмаслик, шунингдек тор бичимдаги либос билан инсон гўзал қоматининг табиий формаларини кўрсатиш мавжуд эди.

Готика услуги кийимларни бичиш ва моделлаштириш, модани шакллантиришда гуллаб-яшнаган даври бўлди. Айнан мана шу даврга келиб, кийимларда умумий бадиий услублар доирасида либослар шакли тезликда алмашди.

3 давр. XV асрнинг иккинчи ярми – франк-бургунд модасининг даври бўлди. Бу давр асосан феодаллар либосларининг ижтимоий табақасини ёрқин намоён этганлиги билан характерланади. Бу даврда ергача узайтирилган, осилиб турган енгли, ҳаракатланишни чеклайдиган тор, қоматни кўрсатиб турувчи тор либослар, узун тумшукли пойафзаллар, ажойиб, хашамдор бош кийимлар урфга кирди, 2- шаклидаги қомат силуэтига эришиш учун аёллар қоринларига унчалик катта бўлмаган ёстиқлар - *бослар* боғлаб юришган.

Бўйинларини узайтириб кўрсатиш учун аёллар орқа томондан кулоқлари атрофини, юзларини овал кўрсатиш учун манглайни қиртишлаб юришган.

**Ўрта асрлар либослари безаклар ечими, матолар, ранг.** Ўрта асрлар либослари декоратив безакларида қуйидаги асосий белгиларни ажратиш мумкин:

1) Бўйин ўмизи, кийимнинг этаклари, энг ўмизлари атрофини кашталар, меражка, ўйматбаҳо матолардан бейкалар, фестонлар, мўйналар билан безаш;

2) либосларда яшил, қизил, кўк, сариқ каби ёрқин ранглارни уйғунликда қўлланилиши;

3) либосларда ҳажмли безаклар (ленталар, кантлар, уқпарлар) билан бой безакланиши;

4) матоларни олтин ва кумуш кўнғироқчалар билан безаш (ўша давр солномаларида айтилишича, рицарлар жанглариининг бирида бир рицар либоси, пойафзали ва бош кийимида бирваракайига 500 кўнғироқча жаранглаган экан);

5) қимматбаҳо тошлар ва олтин билан безалган қўлқопларнинг пайдо бўлиши;

либосда безакни таъкидлаш (либоснинг умумий композициясида) деталнинг ўрни, боғлам (масалан, ленталар билан боғлаш).

Эрта ўрта асрлар даврида зиғир толасидан тайёрланган мато (лен), уйда канождан тўқилган мато (холст), мовут (сукно), мўйна (мех), чарм, шарқ ва византия шойилари кенг тарқалган. Шаҳарларда ҳунармандчиликнинг ўсиши тўқувчилик тараққиётига йўл очди. Натижада. Матоларнинг турлари, уларнинг сифати, шунингдек хилларининг ошишига олиб келди. Натижада шойи, парча, бархат, элсатик мовут кенг тарқалди.

Англия ва Нидерландияда шарлаҳ деб номланган, асосан қизил рангдаги ажойиб шерсть мато ишлаб чиқарилган бўлса, асоси зиғир толали ва пахта тукли бархат тўқилган. Ипак матонинг энг яхшиси Венециядан ишлаб чиқариладиган пурпур бўлган.

Ранглар жилоси ёрқин, тоза: оловли қизил, кармин (оч қизил), мовий-зангори, яшил ранглар. Кеч готика даврига келиб ўзига хос тўқ ва хирарок ранглар ҳам кириб кела бошлади. Хусусан, фов ранги – кул ранг жигарранг.

Матолар асосан сидирға бўлган. Кейинчалик гул босилган, олтин ва кумуш иплар билан безалган матолар урф бўлди. Матоларга турли чизмалар – доира ёки ромб нусхасини тушириш, ушбу тасвирлар ичига нуқталар, хочлар, ҳайвонлар, олтин тишли ва кумуш қанотли қушлар тасвирини тушуриш урф бўлган. XV асрга келиб, ўсимликлар тасвири: анор, лола, гвоздика, атиргуллар тасвири кенг тарқалди (2-расм). Етти косабаргдан иборат, бақувват навдали ва тишли баргли атиргул муҳаббат ва уни ошкор этмаслик рамзи ҳисобланиб, улар одатда анор (буям муҳаббат рамзи), ананас ва бошқа ўсимлик нақшлар билан уйғунликда тасвирланган. Нақш ва унинг фони доим контраст рангларда бўлган. Византиянинг горизонтал хошияси аста секинлик билан ўрнини бутун мато бўйлаб нақшларга бўшатиб берди.



2-расм

**Эркаклар либоси. Илк ўрта асрлар даври (VI-XIII а.а).** Варварлар либоси тасвирларини Қадимги Рим меъморий обидаларидан бири Троян колонналарида кўриш мумкин. Либос белдан боғланган, энгли калта туника, калта иштон, матодан тайёрланган пайпоқ, чарм бошмоқ ва ўнг елкадан тақиладиган жунли ёпинғичдан иборат бўлган. Бошга эса конуссимон бош кийим кийилган.

Бундай либос кўриниши Буюк Карл даври (VIII а.) амалдорлари либосларида сақланиб қолган. Булар билан бир қаторда иккита яримтадан иборат тор узун иштонлар, бир-бирини устидан кийиладиган кенг ва узун туникалар пайдо бўлди. Бундай либосларни император Оттон тасвирланган X аср миниатюраларида кўришимиз мумкин (3-расм). Унинг эғнида этаклари, енг учи, елка ва ён йириқлар бўйлаб олтин рангдан хошия қилинган оч рангдаги туника.



3-расм

Унинг остида ички оқ рангдаги туника кўзга ташланди. Унинг устида елкадан қимматбаҳо тўқа ила маҳкамланган пурпур плаш ёпилган. Либоснинг тузилиши, кийиш услуби, безаклари Византияникини эслатади. XI асрга келиб (роман даври) эркаклар либоси рицарлар яроғ-аслаҳалари таъсири остида бўлди. Либослар калталашиб ва турли шаклий кўринишлар касб эта бошлади.

**Блио** – белнинг пастидан ажралган ёпинчиқ шаклидаги либос. Юқори қисми елка, ккқрак ва белга ёпишиб туриб, бўкса томон кенгайди. Этак томони икки яримдоира шаклида бичилган бўлиб. Улар олд ва орқа томон белэтакларига қўшиб тикилган. Ушбу кийимнинг умумий узунлиги болдирнинг ўрталарига қадар боради. Бليونинг енглари яхлит тор, паст томонга қараб воронка шаклида кенгайган. Ён йириқлари орасидан ранг

жихатдан кескин тафовутли ёрқин рангдаги туника кўриниб туради. Блю одатда орқа тарафидан шнурланган. (4-расм).

**Шосса** – эластик мовутдан танага ёпишиб турадиган тор иштон-пайпоқ. Уст кийим белбоғига ип ёрдамида қотирилган. ХУ асрга қадар иштонлар бир бирига қўшиб тикилмаган. Кейинчалик уларни олд ва орқа клинлар ёрдамида бир бирига қўшиб тикила бошланди.

**Нарамник** ўрта асрларда кўплаб эркаклар ва аёллар либоси асосидир. У тўртбурчак ёки овал шаклдаги мато бўлаги бўлиб, елкадан буклаб ташаб қўйилган. Унинг бош учун ўмизи бўлиб, ёнлари тикилмаган. Кийимнинг ушбу тури турли узунлик ва кўринишга эга бўлиб либоснинг турини бойитган.

5-расмда мипарти нарамники тасвирланган. Мипарти модаси зодоган феодаллар кийимида XIII асрда айниқса кенг тарқалган ва феодал гербларининг ранги ва рамзларини ишлатиш билан боғлиқ. Енлар, олд ярми, иштон, пойафзал турли рангларга бўялиб, герб рамзлари билан безакланган. Гербдаги ранглар сингари улар ҳам вертикал равишда икки қисмга бўлинган. Мипартида хатто оёқ кийимининг ўнг ва чап томонлари кийим рангига мос равишда турли рангларда бўлган.



4-расм



5-расм

XIII асрга келиб икки ёни тикилган, чуқур ўмизли *сюрко* деб номланган янги кийим тури пайдо бўлди. Сюрколар одатда *котт*нинг устида кийилган. Шу сабабли у сўзнинг маъносига кўра қўлланади (французча *surcot* — котт устидан). Котт тилга олинган асрга келиб блиони урфдан чиқарди (6-расм). Сюрко нафақат кийим тури, шу билан бирга ўзбек тилидаги «кўйлак» атамаси маъносига яқин. Айнан шу даврдан бошлаб у либослар терминалогияси таркибидан ўрин олди.



6-расм

**Кеч ўрта асрлар даври (XIV-XVa.а.).** Бу даврга келиб, бичиқдаги ривожланиш сабаб, кийимларнинг шакли, тузилиши ва безак чизиқларида турли туманлик пайдо бўлди. Эркаклар либоси икки силуэт кўринишида ривожланди: қоматга ёпишиб турувчи ва пастга қараб кенгайган кенг либослар. Тор турадиган либослар роман давридан аввало енг ўмизини бурмага йиғиш ва махсус пахта валик прокладка ёрдамида елкаларни кенгайтириш билан фарқланади. Конструктив ва безак чизиқлар кўкрак ва бирмунча тор ва пастлатилиб, белбоғ билан безакланган белни таъкидлаб кўрсатишга ёрдам берган. Тор кийимларнинг бўйи бўксадан ошмаган. Ушбу давр эркаклар либоси ўткир учли пойафзал ва конус шаклидаги баланд бош кийим билан бирга инсон фигурасини янада узайтириб кўрсатиш билан бирга унғ чаққонлик ва эгилувчанлик ҳам бахш этарди.

Бу давр тор кийимларига калта, ёпишиб турадиган куртка *котарди* ҳам хос. Котарди – олд томонидан тугмаланадиган ва бўксада безакли белбоғ билан қадаладиган, бўкса узунлигидаги тор кийимдир. Котардининг энги турлича тор ҳам, кенг ҳам, қанот шаклида ҳам У айниқса безакдор бўлган. Юқори қисми тор энглар паст томон кенгайиб, тишчалар ёки кенглиги 10 см, узунлиги 1,5 метрга борадиган мато бўлаклари билан безакланган (7-расм).

XIV асрларга келиб котардини белни сиқиб турадиган ва бўксада елпиғичсимон тахламали калта жакетлар томонидан сиқиб чиқарилди (7-расм). Жакетлар энги баланд кўтарилган, бермаланган ўмизга эга бўлиб, франк бургуд модаси белгиси - елканинг тўғри ва баланд кўринишини белгилаган.

**Таперт** ҳам белдан қаттиқ сиқиб боғланган ва унинг ҳам паст қисми бурмали ёки тахламали (складкали) бўлган. Тапертлар жакетдан узунроқ бўлган (тиззагача узунликда), четлари бой безатилган (8-расм). Белбоғ, ёқа, энг, энг ва елка чокларга қўнғироқчалар тақилган. Ўмиз олд томонда ҳам, орқада ҳам бўлиши мумкин эди. Аср охирларида тапертларнинг кўкрак қисмига ва елкага мардонаворликни бўрттириб кўрсатиш учун пахта кистирмалар (прокладка) қўйилган.



7-расм



8-расм



Калта тор курткалар шоссалар ва ўткир учли оёқ кийим – *пигашлар* билан кийилган. XIV асрга келиб пигашлар учи жудаям узайиб, улар узунлиги эгасининг жамиятдаги ўрнига қараб 70см.гача борган. Оёқ кийим ранги устки либос рангига қараб алоҳида эътибор билан танланган: оқ, қизил, қимматбаҳо безаклар билан безалган олтин ранг чарм ва х.к. Оёқ кийим тузилиши ҳар икки, яъни ўнг ва чап оёқ учун бир хилда. Инсон танасининг тик ва адллигини бўрттириб турувчи тор кийимузун ёки калта, этаги енгининг паст қисми жуда кенг устки кийим билан кийилган. Бу икки крама қарши силуэтлар сабаба эркак фигураси эстетик жиҳатдан янада кўркамлик касб этарди.

XIV аср охири — XV аср бошларида сюрколар *упеляндлар* томонидан сиқиб чиқарилди (9-расм). Упелянд - қоплама ва тугмалари қадалмайдиган, турли узунликдаги устки кийим бўлиб, уни белбоғ билан ёки белбоғсиз кийиб юришган. Узун упелянднинг этаклари кенглиги 7 метргача, енги пастининг кенглиги 3 метргача бориши билан характерлидир.



9-расм

Эркаклар либоси дан фақатгина ички туникалар зиғир толасидан тайёрланган матолардан тикилган, қолганлари эса – энг урф бўлган матолар - жун матолар, шойи, парча, духоба матоларидан тикилган.

Бу даврда бош кийимларнинг турлари кўп бўлган: капюшон, шаперон – осилиб турувчи узун учли ўралган бош кийим, конуссимон, кенг ва тор айвонли (чамбаракли) фетр ва мовут шляпалар. Соч турмаклари – узун локонла (жамалаклар) ва калта челкали.

**Аёллар либоси. Илк ўрта асрлар даври** аёллар либоси тузилишида ҳам эркакларники сингари ўзгаришлар юз берди.

Эрта ўрта асрлар даврида аёллар бир пайтнинг ўзида иккита туника кийиб юришган: узун, тор енгли узун ва кенг туникалар ҳамда устки, калта ва кенг енгли калтароқ туникалар. Рангли нақшлар ва безаклар ёқа ўмизлари, енглари ва этакнинг паст қисмида жойлашган.

X-XII асрлардан бошлаб танага ёпишиб турадиган тор либослар яратила бошланди. Қоматни кўрсатиш мақсадида либосларда тор калта жилетлар пайдо бўлди. Улар кўкракни ушлаб туриш билан биргаликда либосда катта безак ролини ўйнаган (10-расм).



10-расм

Жилетларнинг четлари кашта ва галунлар билан безакланган. Металл парчалари билан безакланган белбоғлар бўксага тақилиб, уларнинг учлари ерга қадар осилиб турган.

Аёллар либоси эркаклар либосига қараганда ергача узунликда эканлиги билан ажралиб турган. Белдаги овалсимон қийиқлар (разрез) кўкракка ва бўксага кийимни ёпишиб туриши мақсадида ленталар ёрдамида боғланган (11-расм). Устки кийим сифатида мўйнали ёки матоли астарли плаш-мантиялар кийишган.



11-расм

Бош кийим сифатида эрта ўрта асрларда қўлланилган ёпинчиғлар йўқ бўлди. Аёллар эндиликда сочларини ёйиб ёки ўриб юришар ва парча ленталар, обрuchлар, даханга боғланадиган чамбараклар тақа бошлашди.

Пойафзаллар тузилиши ва материалига кўра худди эркакларники сингари бўлган.

***Кеч ўрта асрлар даври.*** Узайтирилган пропорциялар, енгил ва юқорига қараб кетувчи готика даври меъморчилигидаги шакллар кеч ўрта асрлар даври либосига ўз таъсирини ўтказмай қўймади.

Эркаклар либоси асосидаги икки асосий силуэт аёллар либоси учун ҳам характерли эди. Фақатгина эркаклар либосида елка ва кўкрак кенглиги ва оёлар бақувватлиги ва адллиги таъкидланган бўлса, аёллар либосида акси, - тор елка, нозиклик ва ёш қизларнинг гўзаллиги таъкидланган.

Силуэт белдан пастга қараб кенгая борди, юбканинг клеш бичими ҳисобига либоснинг пастки қисмининг кенглиги ва узунлиги ортди. Бу даврда юқори табақа вакиллари либосида бир вақтнинг ўзида кийиладиган либослар сони ортти. Булар: туника, котта, сюрко, плашдир.

XIII аср бошларида аёллар сюрко ва котта либосларини кийишган. Сюрколар кенг ва тўғри силуэтда тикилган, котталар эса унинг акси тор,

кўкрак ва бўксага ёпишиб турувчи, тор ва узун енгли силуэтда тикилган (12-расм). Сюрко катта овал ўмизли бўлган. Коттларнинг бел чизиғи анча пастда, кўкраклар мато корсет билан тортилган. Бундай ансамблнинг ранглар жилоси ёрқин, контраст тафовутли бўлган. Олтин ва зангори рангда коттга олтин ранг билан тўқиб безалган қизил рангли сюрко ва ёрқин кўк рангдаги мўйна астарли плаш кийилган. Дурли тақинчоқлар ушбу ансамбли янада бойитган.



12-расм

XV асрда аёллар тор кийими пропорциялари ўзгарди. Сюрконинг бел чизиғи кўкрак остига кўчди. Юбкалар орқа томондан шлейф ёрдамида бир неча метрга борадиган даражада узайтирилди. Сюрко олд тарафидан калталаштирилди. Юбканинг олд томонидан қорин атрофига бурма қилиш урф бўлгани сабабли баъзан юбканинг олд томонига бурмага йиғилган мато бўлаги тикилган. Айнан мана шу ҳолат, яъни танасини орқага енгил ташлаб, қорнини олдига чиқариб турган аёл қомати тилга олинган давр аёлининг идеал кўриниши эди.

Ўткир бурчакли бўйин ўмизини елка томон кенгайган шал шаклидаги ёқа билан безалган. Аксар мана шу катта ўйма юпка, яъни ичи кўринадиган

кашталанган шойи билан беркитилган. Кенг белбоғ олтин ва кумуш пластинкалар билан безалган.

Устки кўйлакнинг энги турли кўринишда бўлган. Улар тор ва узун бўлиши мумкин эди. Узун энглар ерга тегиб турмаслиги учун учи тугилган. Шунингдек, кенг, кўнғироқ сифат ёки калта, тирсаккача лентасимон мато билан безаклаб тикилган, ерга тегувчи энглар ҳам урф бўлган. Кўйлакларнинг бўйин ва энг ўмизи мўйна билан безатилган. Бундай кўйлакларни олий насаб аёллар кийишган.

Либосга қўшимча тарзда узунлиги 70 см.гача борадиган конуссимон вуалли бош кийим билан тўлдирилган.

Формаларнинг сунъий узайтирилиши, линиялардаги “готик қинғирлик”, фигура z-симон силуэтга эгалиги эркаклар либоси сингари аёллар либосига ҳам хос.

Готика даврида аёллар либосида соч турмаги иккинчи планга ўтиб қолди, сабаби асосий урғу бош кийимларга – турли формадаги чепецлар, оброчлар, венецларга (венцк) берилар эди.

Асосий эътибор заргарлик буюмлари – белбоғлар, занжирлар, камарлар, кўнғироқларга қаратилган. Қимматбаҳо буюмлар –бармоққа 20тагача узук тақиш, кўкракда занжирларнинг кўплиги, кўлда бурчагида олтин юракчали дастрўмол тутиб туриш нафисликни, бургунд модасининг такомиллашганини белгилайди. Бўйинда майда олтин юракчалардан иборат тақинчоқлар, белбоғга эса тасбех, ойна, мумдан қилинган тумор, зарҳалланган лочин тирноғи - тиш тозалагичи осиб юришган.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. Илк ўрта асрлар даври ҳақида сўзлаб беринг.*
- 2. Илк ўрта аср даврида қандай бадий услуб шакллана бошлади? Бу*
- 3. услубнинг асосий хусусиятлари нимадан иборат?*
- 4. Илк ўрта аср давридаги эркаклар кийими ҳақида нималарни биласиз?*
- 5. XI-асрда либосда қандай янги шакллар пайдо бўлган?*

6. *Ўрта асрлар либосларидаги ранг, безаклар ечими, фойдаланилган*
7. *матоларга тавсиф беринг.*
8. *Ўрта аср аёллари кийимларида қандай безаклар ишлатилган?*
9. *Кеч ўрта асрлар давридаги аёл либосига таъриф беринг.*

### **Уйғониш - Ренессанс даври либоси**

Уйғониш даври инсонга бўлган қизиқиш, табиатга ва гўзалликка бўлган муҳаббат, билимга чанқоқлик, кашфиётлар, табиий фанларнинг, санъатнинг, адабиётнинг гуллаб-яшнаши, санъатда янги услуб – реализмнинг пайдо бўлиши билан характерлидир.

Уйғониш даври реализмининг антик реализм билан умумий жиҳатлари ҳам бор эди. Булар аниқ ва майин шакллар, пропорцияларнинг уйғунлиги, бутуннинг аниқ бўлакларга бўлиниши, декоратив ва конструктив системанинг ўзаро боғлиқлиги, соф мўътадиллик, яъни чегарани аниқ ҳис қилиш. Лекин Ренессанс даври санъати янги, яъни жамият ривожланишининг янаям мураккаброқ даврида пайдо бўлди ва ўз даври санъатининг янги кўриниши яъни авваламбор инсоният онги ва эътиқодига ишончни намоён этадиган санъат эди.

### **Гуманизм - ҳар томонлама етук инсон ҳақидаги янги тушунча**

**Гўзалликнинг эстетик идеали.** Уйғониш даври маданият ва санъатида гуманизм, яъни эркин, ҳар томонлама камол топган, чексиз имкониятларга эга инсоннинг асосий томир ролини бажаради. Бу даврда бирор бир катта шахс йўқки, у узоқ юртларга сафар қилмаган, 4 ёки 5 хорижий тилда гапирмаган, ижоднинг бир неча турида ўзини кўрсатмаган бўлсин.

Ўрта асрлар ахлоқига қарама қарши итальян уйғониш даври эстетикаси руҳ ва тана ўртасига чегар қўймайди, балки уларнинг бирлигини илгари суради. Ўзида катта руҳий гўзаллик ва жисмоний гўзалликни бирлаштирган мураккаб натура – даврнинг идеалидир. Гўзаллик, соғлиқ ва куч сингари катта аҳамият касб этарди. Инсон танасининг гўзал пропорциялари, пластикаси, ранглар жилвадорлиги, формалари даврнинг буюк рассомлари

Леонардо да Винчи, Тициан, Дюрер ва бошқалар асарларида ўрганилган ва баён этилган.

**Матолар, ранг ва безаклар.** Европа амалий санъатида шунингдек мато ишлаб чиқаришда бу даврга келиб кучли кўтарилиш сезилади. Ҳунармандчилик ривожининг маркази Италия бўлган. Италиянинг ривожланган шаҳарлари - Генуя, Милан, Флоренция, Венеция каби шаҳарларда ипак мато тўқиш ва матоларга гул босиш авж олади.

Фактураси, қалинлиги ва кўриниши жиҳатидан Италия шойилари турли бўлган. Асосан италия алтабаси ва аксамити жудаям эътиборли бўлган. Алтабасда тилларанг фонга тилларанг билан ёки кумуш ранг фонга кумуш ранг нақшлар тўқилган. Унинг контурлари рангли атлас мато ёки духоба кантлар билан ажратилган. Аксамитнинг олтин ёки кумуш фонда турли баландликдаги тугунлар асосида пайдо қилинадиган мураккаб тугунли нақшлар нур билан ўйинга киришганда ажойиб бир тароват уйғотарди.

Мато безаклари орасида ўсимликсимон нақшлар орасида ананас, лола, ток новдаси, аканта каби шакллар услублашган тарзда фойдаланилган. Асосан анор нақши ёки товус пати нақшлари катта урф бўлган (1-расм).



1-расм

Гуллар нақшларидан ташқари матоларда ҳайвонлар ва қушлар формалари ҳам туширилган. Даврнинг энг сеvimли ранглари совуқ қизил, кўкиш ҳаворанг, зумрад-яшил, тилларанглр бўлган. Мотам ранглари қора эмас, балки жигарранг сифат бинафшаранг ва тўқ малина ранглр бўлган.

Матолар бошқа давлатларда ҳам ишлаб чиқарилган. Булардан: Нидерландия, Германия, Испания, Франция. Брюгге, Утрехт каби нидерланд шаҳарлари мато тўқувчи йирик шаҳарлар бўлган. Бу шаҳарлар ўзларининг

гул босилган зиғир толасидан тўқилган матолари ва духобалари билан машҳур эди. Матоларга нақш босишдан ташқари духоба ва шойи матоларга тилларанг барглар, узуклар, шер, аждарҳо, қушлар тимсоли туширилган доиралар тасвирили кашталар тикилган, дур ва қимматбаҳо тошлар билан безалган (2-расм). Бу усулда тикилган либос оғирлиги 25-40 кг.гача бўлган.

XV-XVI асрга келиб Италия, Франция ва бошқа Европа мамалкатларида устки кийим учун зиғир толларидан қилинган матоларни қўллашдан тийилиб, улар асосан парча, духоба, калин шойидан қилина бошлади. Зиғир матолардан ички кийимлар тайёрланар, бироқ унинг сидирға ва ялтироқ туси, оппоқлиги сабаб уни усти кийим остида кўринтириб қўйишга асос бўлди. Кейинчалик ундан уст кийимнинг безакли ўкмалари учун ҳам фойдаланилди. XV асрдан Европада кружева, яъни тўр пайдо бўлди. У билан кўйлақлар этаклари, энгларнинг этаklarини безаш бошланди. Дастлабки Венециан тўрлари пахтадан оқ ва қаймоқ рангда, тюл фонисиз гипюр сингари тикиб ишланган бўлиб, уларда майда тугунчалар асосида мураккаб геометрик нақшлар келтириб чиқариларди. (2-расм). Тикилган ва тўқилган ткрлар учун нақшлар Италия в Европанинг турли давлатларида турли тўпламларда нашр этилган.



2-расм

### Италия либоси

Шу давргача Франция, Византия, Шарқ мамлакатларининг маданияти таъсири остида бўлган Италия, XV асрга келиб Европа мамлакатлари орасидаги модаларни расм қилувчи давлатга айланди.



Вертикаллик, учли формалар, готика даврининг шартлилиги горизантал бўлиниш, шаклларга оддий ва табиий муносабат, ранглар мутаносиблигининг ранг-баранглиги, бойлиги ва ёрқинлиги томонидан сиқиб чиқарилди. Уйғониш даврининг эстетикаси либослардан инсон танаси табиий формаси билан тўлиқ мутаносиб бўлишни, инсон танаси гўзаллиги пропорцияларини яққол намоён этиши, бир сўз билан айтганда инсоннинг “иккинчи танаси” бўлишини талаб қилар эди. Бунда баъзи бир қисмларнинг очик бўлиши шартли равишда назарда тутилар эди. Италия модасини яратишда буюк рассомлар қатнашганлар. Улар Бенвенуто, Челлини, Чезаре, Вечеллио ва бошқалар матоларни имзолашар, заргарлик буюмлари, ипак тўрларга нақшлар яратишар эдилар.

**Эркаклар либоси.** XV асрда мода яратишнинг асосий макони Флоренция, XVI асрда эса Венеция эди. XV асрдаги флоренцияликлар либосида француз готикасининг қоматга ёпишиб турадиган шакли сақланиб қолган. Бу давр либосларда бўрттирилган формалар йўқ. Улар ўзининг қулайлиги билан ажралиб туради. Пойавзаллар эса тумшук қисмининг думалоқ формаси билан фарқланади. Эркаклар либосининг асосийлари: кўйлак, колет, пайпоқли иштон, симара, табор, плаш ҳисобланган.

Эркаклар кўйлаги – асосан юпқа ва нозик оқ матодан тайёрланиб, у белнинг пастигача тушиб турган. Уни иштонга қистириб кийишган. Елка қисмининг енгил тушиб туриши, катта ҳажмли лиф ва енгларнинг узунлиги матони устки кийим енгининг қийиқ жойидан чиқариб кўйиб, башанг буфон кўринишини бериш имконини берар эди. Эркаклар сосрочкасини шунингдек иштон ва калта уст кийими ўртасидан ҳам чиқариб кўйиларди. Ёқаси кенг овал ёки квадрат формасида бўлиб, четлари тасмалар, ипакли тўрлар, матолардан ёилинган тишчалар билан безакланарди.

**Колет** — тик ёқали, тор ва калта, белгача ёки бўксагача тушиб турувчи, олд қисмида тугма ёки тасма билан қадаладиган уски кийим (3-расм). Колет кўкрак, бел, бўксага ёпишиб турадиган кийим тури бўлиб у белдан ажратилган. Бўйин ўмизи турлича безакланган. Ёқаси тик, чуқур ўмизли,

овал вставкаси билан. Унинг энги ўмизга тикилмаган, балки алоҳида ўринларда (ўмизнинг таги елка қисми, ёнидан). Бу ҳолат ҳаракатлар эркинлигини таъсинлашда ёрдам берган. Енгнинг елка қисми ва тирсақлар кесиб ёриқлар қилинган. Барча ёриқларнинг иски сорочканинг матолари, кейинчалик декоратив матолардан қилинган безаклар шишиб турадиган буфлар ташкил қилиниб, чиқариб қўйилган.

Пайпоқли иштон эластик матодан бўлиб оёққа ёпишиб турган. XV асрда унинг ҳар икки бўлаги юқори қисмидан ва ёнидан тугмалар ила қадаладиган ёки шнур билан тортиб қўйиладиган гульфик билан қадалган. Пайпоқли иштон колетга махсус тешиқлар орқали шнурлар ёрдамида маҳкамланган. Пайпоқли иштон орасида ички кўйлак кўриниб турган. Узоқ вақт давомида мипарти модаси сақланиб қолди: иштоннинг бир оёғи сидирға, иккинчиси йўл-йўл (3-расм).



3-расм

XV аср охирига келиб пайпоқли иштон устидан калта, бўкса ўртасигача ёки ундан калта бўлган иштонлар кийила бошлаган. XV аср Флоренция модасида бу иштонлар бўксага қаттиқ ёпишиб турган. XVI аср ўрталарига келиб улар пастдан кенгая бошлаган (4-расм).

**Симара** — тугмалари тақилмайдиган ҳар хил узунликдаги кенг узун энгли кўйлак (5-расм).



4-расм



5-расм

**Табар** — орқа томон кенг, белидан боғланадиган калта ёпинчиқ кўринишидаги устки кийим (6-расм). Турли шакл ва узунликдаги плашлар урф бўлган. XVI асрда Венецияда плашлар кўпинча ёқалар-пелериналар билан безакланган.



6-расм

Кийимнинг узунлиги флоренцияликнинг жамиятдаги ўрни ва ёшини ҳам ифодалаган. Ёши улуғ кимсанинг кийми у бирор бир мансабга эга бўлмасада албатта узун, кенг бўлган. Бу ҳолат унга виқор билан ҳурматга сазовор киши эканлигини билдириб туришда муҳим воситачилик қилган.

Испания Флоренцияни босиб олганидан кейин Италия модасида испанияликлар таъсири сезилди. Ўз мустақиллигини сақлаб қолган Венеция, кийим формаси ва дид борасида ўзини таъсирини ўтказишда давом этди.

Венеция эркаклар либосида матолар ранг-баранглиги ва ёрқинлиги сезилмайди. Тўқ рангли духоба кийимлар конструктив-декоратив йўллар ёрдамида кенгайтириллар эди: тушуррилган елкалар, чуқур ўмизлар, кенг, пастга тмоон кенгайтирилган енглар, кенг бурмаланган ёки тахламалар билан безакланган ва белдан ажратилган олд қисмлар (7-расм). Кашта ва қимматбаҳо мўйналар билан безалган тўқ рангли духоба кийимлар жуда кўркам ва ҳашамдор кўринар эди



7-расм

XVI асрнинг иккинчи ярмига келиб, кийимларда бутун мато устни қоплаган узун декоратив йириқлар пайдо бўлди. Йириқлар рангли матолар билан ажратилар ёки четлари рангли иплар билан тикилар эди. Бошида улар орасида оқ кўйлак кўриниб турар эди, кейинчалик эса йириқлар бошқа рангдаги матолар билан аппликацияланадиган бўлди. Бу ранглар жилосида либос ўзгача қиёфага келар эди. Либосдаги ранглар ечими, формаларнинг ҳашаматдорлиги, бурмалардаги нур-соялар ўйини, заргарлик буюмлари – занжирлар, узуклар – буларнинг бари XV-XVI асрлардаги италиялик эркаклар қоматига жуда катта тасвирий ечимни берар эди.

Эркаклар пойафзали жуда қулай бўлиб, у чармдан тайёрланиб, кенг тушмуқли, юмшоқ бўлган. Бундай оёқ кийимлар “айиқ панжаси” деб аталар эди.

Бош кийимлар турли шаклда бўлган. Улар орасида паст шляпалар, беретлар, фескалар кенг урф бўлган.

Биринчи тўқув машиналарининг пайдо бўлиши бу даврда уларнинг дастлабки ишлаб чиқарган маҳсулоти – шойи, трикотаж пайпоқлар пайдо бўлди.

**Аёллар либоси.** XV аср флоренциялик аёллар либоси юмшоқ, табиий комат чизгиларини кўрсатиб турувчи, табиий пропорциялар ёки бел чизиғи олд томондан биров кўтарилган, белдан бўксага пастга қараб енгил кенгайиб борган воронка формасидаги юбка ва х.к. кўринишида бўлган. Коттнинг бичими одатда белдан ажратилиб, кўкракда ёпишиб турувчи, кенг ва катта складкали юбка. Лиф олд томондан квадрат, орқадан узайтирилган декольтели.

Енглар худи эркакларники сингари кўйлакка турли услубда бириктирилган (8-расм, Боттичелли, «Аёл портрети»). Улар ўзининг шакли, буфлари, нозик безаклари билан либоснинг гўзаллигини таъкидлаб турган.

Аёллар уст кийими симара 3 қисмдан узайтирилган кенг, бўйин ўмизида тахламаларбилан бойитилган орқа қисм, ва биров калтароқ олд қисмлар. Симаранинг ён чоклари тикилмас, фақат олд томондан белда белбоғ билан маҳкамланарди. Бу каби бичим симарани турли кўринишларда бурмалашга имкон берарди (9-расм).



8-расм



9-расм

Аёллар духобадан тикилган кўйлак кийишарди. Бел чизиғи кўкракдан бироз пастроқда бўлиб, юбкалари узун шлейфли бўлган. Лифнинг ёқа ўмизи олд томондан – тўрбурчак шаклида, орқа томондан эса учбурчак шаклда бўлган. Бундан мақсад бўйинни узунроқ кўрсатиш эди. Кўпинча, устки кўйлак лифининг олди қирқилиб шнуровка қилинган. Енглари эса худди эркаклар либоси каби турли усулларда кийимга уланар эди. Бу давр Флоренция кўйлаги овал ёки учбурчак шаклга киради. Юбканинг кенглиги бўйга нисбатан олганда 1:2, лифнинг узунлиги юбка узунлигининг 1:3,3 ҳажмида. Бош бўйга нисбатан 8 марта сиғади. Силуэтнинг чизиқлари юмшоқ ва думалоқ.

XVI аср венециялик аёл либосида ўша давр эстетик гўзаллик идеали бўлмиш дабдабага эришиш, шакллар безакдорлиги, ҳашаматлилигини кузатиш мумкин. Дабдаба ва ҳашаматни лифнинг кенг ёриқлари, кенг бурмали енглари ва ҳашаматли юбкаларда кўриш мумкин. Бел чизиғи табиий ўрнида таъкидланади (10-расм. Тициан, “Оқ либосдаги аёл портрети”).



**10-расм**

Устки кийимларда остидан буфирланган узун енгли ички кийимлар кўриниб турадиган кенг ва калта енгли либослар пайдо бўлди. Улар ҳам шаклан қоматга ёпишиб турадиган, белдан ажраган. Духоба ёки парчадан бурмаланадиган оғир юбкалар пайдо бўлди. Толаларининг ораси очик тўқилган мато тури пайдо бўлдики, унинг орасидан оппоқ, юпқа бурмалаб тикилган кўйлақлар кўриниб турарди.

Қизил, яшил, кўк рангли оғир шойи матолар билан тилла ранг парчалар уйғунлигидаги, оппоқ кўйлақлар ўша давр италия либосининг гўзал тасвирий ечимини яратади.

Венециялик аёлнинг ҳашаматли тасвирий туалетини жуда баланд (55см.гача бўлган) ёғоч пошнаги жимжимадор пойафзал тўлдирган. Ёғоч пошнаги пойафзалнинг уст қисми саҳтиён териси (сафьян), шойи ёки безакланган духобадан тайёрланган.

Италиялик аёллар бош кийими – чепецлар, енгил шляпалар, саллалар (тюрбан).

Соч турмақлари – текис, паст бўлиб, улар марварид ва дурлар, вуаллар, ленталар, гуллар билан безалган.

Ёқалар, кўлқоплар, белбоғлар, пайпоқларни безашда тўрлардан фойдаланилган. Кийимларга янги кўринишдаги кўшимча предметлар пайдо бўла бошлади. Хусусан, ленталар, шокилалар, турли хилдаги безаклар билан безалган мўйнадан қилинган шойи муфта шундай буюмлар сирасига киради.

### **Испан либоси**

Испан либоси шакллариға ҳам XV-XVI аср Испания санъати ва маданиятининг барча турларига бўлгани каби кўпгина тарихий ва ижтимоий факторлар таъсир кўрсатган. Уларнинг асосийлари – жанговар рицар идеали, испан қироли саройидаги қатъий этикет ва католик черковининг қоидаларидир. Айнан ушбу факторлар испан либосининг эстетикасига қарши боришга сабаб бўлди. Бу бир томондан Ренессансга хос бўлган табиий формалар ва фигуралар пропорциясини билдириш бўлса, иккинчи томондан – танани беркитиш, яъни баданни кўрсатиб юришни маън қилиш эди. Испан либосида илк бора Европа либосида каркаслар қўлланган.

Эркаклар либосида бу – пахта, қипиқ, от ёлидан қавилган тахламали астарлар. Улар деярли барча уст кийимлар остида қўлланилган.

Аёллар либосида эса корсетлар пайдо бўлди. Корсетлар - тол наваларидан ёки металл сеткалардан усти ва остидан пахта билан қопланиб,

мато билан сидирилиб, қавиб ясалган. От ёлидан қилинган ушбу астар аёл кўкракларининг табиий бўртмасини ёпиб туришга хизмат қилган. Шу билан бирга корсетга маҳкамланган ингичка ёғоч ёки металлдан қилинган пластинка ёрдамида аёллар қорнига шакл берилиб, белнинг тор кўринишга эришилди. Аёллар гавдасининг паст қисмини юбка тортилган воронка шаклидаги иккинчи метал конус - *вертюгаден* ёпарди. Аёллар ва эркаклар либосидаги елка чокига ёпиштирилиб, енглар ўрнатилган валиклар ёрдамида кенгайтириб кўрсатилди. Футляр шаклидаги, ҳаракатларни, хусусан бошни айланишини чекловчи ваш у билан бирга доим тик тутишга имкон яратувчи каркасли либоснинг бўйин қисмига брижжи ёқа ўрнатилган эди. Испан либосида эркакларнинг узун кўйлаклари бутунлай йўқолиб (фақат формаларда сақланиб қолди), аёллар ва эркаклар либоси ўртасидаги фарқ яққол кўзга ташланадиган бўлди.

**Мато, ранг, безак.** Испан либосида нақшли матолар (тўқилган, кашталанган, босилган) кенг тарқалган. Ҳайвон тасвири туширилган катта медальон-клейма тасвири матолар учун характерли. Нақшларда кўпинча олтин ва кумуш ранглар ишлатилган. Нақшли матолар парча ленталар, олтин тасмалар, тўқималар (кружева) билан безатилган.

XVI аср охирида либосларда тўқ ранглар, хусусан, кулранг, қизил, бинафшаранг, яшил, жигаранг урф бўлди. Қора ранг либосларда мотам рамзисиз қўлланилган.

**Эркаклар либоси.** Кўйлак, колет, иштонлар, устки кийим испан эркаклар либосининг асосий қисмлари эди.

Ёпиқ колет остидаги кўйлак либосда асосий безак ролини ўйнамас эди. Бу вазифани брижжа ёқа, батист ёки полотнодан қилинган, тўрлар ила безакланган баланд манжетлар бажарарди.

**Колет** – белгача ёки бўксагача бўлган, ёпишиб турадиган, олдидан тугмаланадиган, қирқма баскали, тик турувчи ёқали калта либос бўлиб, унинг енглари – тор ва узун (1-расм). Колетнинг елкаси ва енги ўртасида валикалари мавжуд. Колетлар қаттиқ астар билан қавилган (1-расм). XVI аср



охирларида «ғоз ичидан» ( гусиным чревом) деб номланган колетлар - пансеронлар пайдо бўлди. Пансерон – пастки, яъни қоринга тушган олд қисмига от ёллари билан маҳкамланиб тикилган (2-расм).

Иштонларга ҳам от ёллари тикилган ва шарсимон кўринишга эга бўлган. Улар аксар узунасига декоратив матолар билан безакланган. Улар тепа ва паст қисмига маҳкамланиб, бутун бўй бўйлаб осилиб турган.

Устки кийим сифатида плашлар ва италян ситараларига ўхшаш ропалар қўлланилган.

**Роп** – тугмалари тақилмайдиган, декоратив осилиб турган енгли либос. У бўйин остидан тақилган ёки тақилмаган ҳолда кийишган (3-расм).



1-расм



2-расм



3-расм

**Аёллар либоси.** XVI асрда аёлларда озғин ва тик, адл аёл фигураси идеал қомат ҳисобланган.

Юбкаларнинг кенглигининг бўйга нисбатани 1:1,5, лифнинг узунлиги юбка узунлигига нисбатан 1:2. Бош фигурага етти бор тахланади. Либоснинг учбурчак шаклидаги аниқ ва график ташқи чизиклари фигурани қатъий ва маҳобатли кўрсатади.

Аёллар кўйлаги эркакларники сингари устки кўйлак остидан деярли кўринмаган. Брижж ёқалар специфик кўринишга эга бўлган. Улар Стюарт ёқаси деб аталган. Стюарт ёқа – тўлиқ айлана эмас, балки олд тарафдан очик ва бўйинни кўрсатиб турувчи ёқа бўлган. Лекин ёпиқ формадаги, турли

кенгликдаги ва турли тахланган (драпировкаланган) брижжлар ҳам қўлланган.

XVII асрлар бошларида брижжлар катта тик турувчи елпиғичсимон Медичи ёқалари кўринишини олди.

Испан аёли кўйлаги белдан ажралганкорсетдаги ёпик лифдан иборат эди. Лиф олд томондан узун ўткир бурчак билан тугалланарди. Унинг бичиғи бирмунча мураккаб, яъни олд қисми кесилган бўлаклар ва витачкалардан иборат эди. Кўкракнинг табиий чизиғи пахта ёки ёлдан қилинган астарлар ёрдамида қотирилган.

Либослар кўкрак олдида олтин тасмали сеткалар ва маржонли иплар билан безатилган. (4-расм).

Енглар турли кўринишга эга. Улар орасида тор ва узун (тирсаккача); икки қаватли, яъни устки қисми бошқа матодан, ости бошқа матодан, узунлиги бўйлаб қирқилган ва пастга қараб кенгайтирилган (5-расм).



4-расм

5-расм

Кўйлак лифига иккита воронкасимон вертюгаденли юбка уланган. Усткиси олдидан учбурчак йириқли ёки тасма ва бантлар билан қадаладиган бўлган.

Бундай безакли усул аёллар либосини моделлаштиришда XVII асрда ҳам сақлаб қолинди ва ривожлантирилди.

Устки кўйлақларнинг асосий кўринишлари ропалар, плашлар, мантильелар бўлган. Роба – яхлит бичилган енгсиз ёки калта буфирланган енгли кўйлақ. Уни одатда олдини очиб кийишган ёки юқори бўйин остидан тақилган (6-расм).

**Мантилья** – юпка қора ёки оқ мато ёки тўрдан қилинган ёпинчик (7-расм).



6-расм

7-расм

Испания аёллар ва эркаклар либосида осма тақинчоқлардан кенг қўлланилган. Улар орасида дурли маржонлар, заргарлик белбоғлари, зираклар, узуклар, занжирлар, камейлар кенг урф бўлган.

## ҒАРБИЙ ЕВРОПА ЛИБОСИ. XV-XVI АСРЛАР

Уйғониш даврида Франция, Германия, Англия сингари Ғарбий Европа мамлакатлари либослари дастлаб Италия таъсирида кейинчалик Испания таъсири остида ривожланди. Лекин миллий ривожда ўзига хос белгилари ҳам йўқ эмас эди.

**Эркаклар либоси.** Эркаклар либосининг асосий қисмлари худди италян ва испанларники сингари эди. Лекин унинг силуэтида ҳажмни

катталаштиришга хизмат қилган қатор горизонтал чизиклар янада ёрқин кўзга ташланди. Либосларда йириқларга ҳаддан зиёд катта эътибор қаратилган. Натижада, колетлар, иштонлар, бош кийимлар, пойафзаллар, қўлқоплар ҳам йириқлар билан безакланган (1-расм).



**1-расм**

Матолардаги кесиклар ландскнехтлар – ёлланма ҳарбийлар либосидан кириб келган. Маълумки, ҳарбийлар кийимларидаги елка, тирсак ва тизза эгикларнинг ўрни ҳаракатлар қулай бўлиши учун кесганлар. Бу каби декоратив безакка бўлган қизиқиш Ғарбий Европа либосида, айниқса Германия либосида жуда тез тарқалди. 5-8 см узунликда бўлган кесиклар овал, юрак, учбурчак, ромб шаклда бўлган ва улар бутун мато бўйлаб вертикал ёки диагонал тарзда жойлашган. Астарли матолар ҳам йириқли турли катталиқда ва шаклдаги буфларни ташкил этган ҳолда ишлаб чиқарилган. XVI аср ўрталаридан бошлаб, астарли матоларга узун лахтақлар тикиб қўйиладиган бўлдики, бунинг натижасида кийимнинг бутун бўйи бўйича улар безак бўлиб осилиб турадиган бўлди. Кийимларда турли кесиклардан ва катта безаклардан кенг фойдаланилгани сабабли сидирға, бир рангдаги матолар: бахмал, атлас, мовут урф бўлган. Ранглар жилоси турлитуман ва ёрқин бўлган.

XVI аср бошларига бориб эркаклар пайпоқ иштонлар устидан калта бўкса иштонлар кия бошлашган. Пайпоқ иштонлар тиззадан тепасидан кесилиб, юқори иштонга тортилар ва безак лерталар – боғичлар билан боғланарди.

Эркаклар устки кийими – тугмалари қадалмайдиган, кенгайтирилган силуэтли, астарсиз *шаубе* (2-расм) ҳамда плаш бўлган. Либосни ясси бош кийимлар, кенг тумшукли, яъни “сигир тумшукли” пойабзал тўлдирган.



2-расм

Безаклардан нафақат аёллар, шунингдек эркаклар либосида ҳам кенг фойдаланилган. Улар орасида бир неча қатордан иборат бўлган катта подвескали бўйинга тақиладиган тақинчоқлар, билагузуклар, занжирлар, узуклар, зиракларни санаб ўтиш мумкин.

XVI аср француз сарой либосининг баъзи қисмларида аёллар либосининг элементларини ўзлаштириш кузатилади: жингалак сочлар тўлқини кўкракда тўлқинланади, кўкракни очиш, сочларни жингалак қилиш, зираклар тақиш, аёллар бош кийимлари ва муфталар кийиш ва шу кабилар.

**Аёллар либоси.** Ғарбий Европа аёллар либоси ҳам аввал Италия кейинчалик Испания таъсири остида ривожланди. Аммо Францияда аёллар гўзаллиги ўзгача тушунилган. Италиянларнинг тўлаллиги, испанларнинг қотма ва чайирлиги француз аёлларининг назокатли дидини қондирмаган.

Каркас либоснинг пирамидасимон шаклидан фойдаланган холда, улар ўзларининг пропорциялари ва ранглар жилосини яратганлар. Вертюгаден шакли Испанияники сингари воронкасимон эмас, балки барабансимон, цилиндрсимон бўлиб, юбкалар эса испанларникидан фарқли ўлароқ зич бурма қилинган. Юбканинг узунлиги испанларникидан калтароқ, яъни тўпиққача бўлган. Деколте ўйиғи ренессансга хос кенг ва чуқур қирқим шаклида бўлиб, у вставка ва қаттиқ елпиғичсимон тўрли ёқа билан безалган (3-расм).



3-расм

Германия аёллар либосида  $z$  –симон готик силуэт узоқ вақт сақланиб қолди (4-расм). Бироқ каркас асос сақланмаган. Кийим кенглигини мутаносиблашда бу даврга хос характерли белги горизонталликка интилиш йўқ. Англия аёллар либосида испан ва француз таъсири энг кучли бўлган (5-расм).



4-расм



5-расм

### **Назорат учун савол ва амалий топшириқлар**

- 1. Гуманизм - ҳар томонлама етук инсон ҳақидаги янги тушунча эканлигини тушунтириб беринг.*
- 2. Уйғониш даври Италия эркаклар ва аёллар либоси қандай кўринишга эга бўлган?*
- 3. Уйғониш даври либосларига қандай матолар, ранглар ва безаклар ечими қўлланилган?*
- 4. Уйғониш даври Франция эркаклар ва аёллар либосига таъриф беринг, улар кийимларининг ўзгаришига қайси давлатнинг таъсири сезилган?*
- 5. Уйғониш даври Испания эркаклар ва аёллар либоси ҳақида сўзлаб беринг, у қандай кўринишга эга бўлган?*
- 6. Германия ва Англия эркаклар ва аёллар либосига таъриф беринг, уларнинг орасидаги фарқ нималарда кўзга ташланади?*

### **XVII АСР ЛИБОСИ**

XVII аср зиддиятлар ва курашларга тўла ўтиш даври бўлиб, тарихда европа феодализмни тугаллаб, янги капиталистик муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Европа қитъасида феодал жамияти қоқлигига, ижтимоий ҳаётда диннинг ҳукмронлигига қарши ҳаракатлар бошланди. Бу эса янги муносабатларнинг шаклланишига замин яратди.

Голландия Европанинг энг йирик мустамлака ва савдо давлати бўлган бўлсада, бироқ XVII аср охирларида у ўз ўрнини Англия ва Францияга бўшатиб берди. Чуқур иқтисодий ва сиёсий танглик Испания ва Италияни қамраб олади.

Илм-фан тараққиёти, жуғрофий кашфиётлар, янги қитъаларнинг кашф этилиши, денгиз йўллариининг ўзлаштирилиши халқлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг жадаллашувига кенг микониятлар яратди. Ушбу ҳолат жаҳон халқлари ижтимоий ҳаётининг фаоллашувига олиб келди. Европа мамлакатларида тараққиёт бирмунча тезлашди.

XVII аср бадий маданияти Италия, Испания, Франция, Голландия давлатларида миллий бадий мактабларнинг очилиши ва уларнинг гуллаб-яшнаши билан характерланади. Шу билан бирга бу давр санъатидаги уйғониш давридан кейинги, умумий бадий услуб *барокко* услуби билан ҳам характерлидир (барокко – италянча - ғалати, серхашам).

Барокко услуби XVI аср охирида Италияда пайдо бўлган ва европанинг кўпгина мамлакатларининг меъморлик, рассомлик, амалий-безак санъатида кенг тарқалган.

Бароккода яхлитлик, чексизлик ва дунёнинг доимий ўзгарувчанлиги, унинг драматик мураккаблиги ҳақида янги фикрлар пайдо бўлди. Унга замин ва самонинг, барлиқ ва хаёлот, руҳ ва тана, назокат ва қўполлик, аслзодалик ва халқчилликни қарама-қарши қўйиш хосдир. Айнан мана шу қарама-қаршилиқлар заминида тараққиёт, эҳтирос, нур ва соя контрасти, материал ва фактураларнинг масштаблилиги, ритми, маҳобати, безаги, намоёйиши, ҳашами дунёга келарди.

XVII аср сарой маиший ҳаётининг тузилиши, инсонлар либоси ва ташқи қиёфасига барокко услуби билан бирга классицизм бадий йўналиши ҳам катта таъсир кўрсатди. Унинг асосий қоидалари гўзаллик, ҳақиқат, тафаккур, ақл ва ҳиссиётнинг уйғунлиги, қонуният, мантиқий аниқликни бир бири билан боғлар эди. Бу санъатда шакл ва чизиқлар геометриясида, кенгликлар аниқлигида, либосда каркас шаклларининг галдаги мукаммалашувида, инсон танасининг меъерий қолипларга мослашуви, конструкцияларнинг аниқлиги ва мақсадлилигида кўзга ташланади.

Классицизмнинг таъсири унинг ватани Франция ва Англияда айниқса кўзга яққол ташланади. Меъморлик сингари тасвирий санъатда ҳам барокко ва классицизм элементлари бир бирига қарама қарши бўлса-да, улар XVII аср либосида муштаракликда намоён бўлди.

XVII асрдаги ёрқин меъморий ҳайкаллар, кўзгу деворлар билан безалган дабдабали саройлар, виллалар, черковлар, оғир ва маҳобатли, қизил ва қора дарахтдан ясалган, кумуш ва бронза билан нақшланган мебеллар, инсон



либоси, ўзини тутиши, қиёфаси билан биргаликда аниқ бир маконни яратар ва шу билан биргаликда инсонни яхлит бир кўринишини намоён этар эди.

**Гўзалликнинг эстетик идеали.** Бу давр эркаклар либосида катта ўзгариш содир бўлди. Бунга асосий сабаб ушбу даврга қадар алоҳида эътироф этиб келинган рицарликка хос қаҳрамонлик ўз ўрнини аристократликка бўшатиб берганида эди. Рицар эркаклар бу даврга келиб аста-секин сарой аристократига айланди. Юқори табақа эркакларини мажбурий тарзда рақсга, мусикага ўргатиш, унинг қиёфасига ҳаракатчанлик (пластиклик), бежиримликни беради. XVII аср эркаги нафақат гавдаси кўркем, баҳодирона, шу билан бирга, у хонимлар билан хушмуомалада бўла олиши керак.

XVII асрдан бошлаб Франция Европада модани тарғиб этувчи давлатга айланади ва бу давлатнинг идеал эркаги сифатида Людовик XIV — «қуёш кироли» — баланд бўйли, тўғри юз тузилишли, қалин ва узун оқ-малла сочли инсон қиёфаси олинади. Қирол моҳир раққос, чавандоз, камончи ва овчи эди.

Аёлларнинг идеал гўзаллиги - виқор, дабдабалилик, ёқимлилиқ (жеманство). Аёллар қоматида баланд бўй, “оққуш бўйин”, орқага ташланган елкалар, ингичка бел, кенг бўкса, тўлқинсимон узун соч эътироф этилган.

**Матолар, ранг, безак.** XVII асрга келиб матолар саноатлашган ҳолда ишлаб чиқарила бошлади. Бу уларнинг тола таркиби, безак усули, фактураси ҳамда безакдорлигида қатор ўзгаришларга сабаб бўлди.

Франция ва Италияда шойи ва шерст матолар, Англия, Голландия, Германия ва Швецарияда босма матолар ишлаб чиқариш кенг тараққий этди. Рангларни қўллашда ёрқин, тоза ранглар билан бирга, бирмунча нозик ярим тонли ранглар – кул ранг, оқ, қора рангларга эътибор кучайди. Айнан мана шу ранглар ёрдамида либослардаги ранглар кескинлигига (контрастига) эришилди. XVII асрга келиб, француз кироли Генрих IV қора рангни мотам рамзи сифатида эътироф этди.

Матолар беагида олтин ва кумуш толали безаш яъни шан-жан муҳим рол ўйнаган. Ренессанс даври либоси ғайриодатийлик, кесиклар ранг-

баранглилиги билан характерланган бўлса, XVII асрга келиб, матонинг ўзидан чиқарилган бўртма безаклар билан характерлидир. Булар ленталар жамламаси, тесмалар, парпараклар, буфлар, галунлар, шнурлар, олтин ва кумуш ишлар билан безаш кабилар. Шу сабабли бу даврда текис ва юпқа матолар: атлас, мовут, тафта, мухайяр, газ, юпқа жун матолар урф бўлган.

Мато безаги яъни орнаменти барокко услуби таъсири остида бўлган. Ўша давр матоларининг асосий безаклари: ажойиб декоратив гуллар, йирик нақшли жингалаклар, айиқтовон барглари, анор ва узум мевалар, ромбсимон тўр розеткалар (**трельяж** деб аталган) (1-расм). Матодаги расмлар композициясида саватчалар, гулдонлар, боғ меъморлиги элементлари ҳам пайдо бўлди. Матодаги нақшлар ҳажми баъзан ярим метр катталиқкача борарди.




1-расм

Аср охирига келиб йўл-йўл ва катак матолар пайдо бўлди. Тўр, гипюр, тўқилган ва босилган матоларни эслатувчи нақшли тўқималар кенг тарқалган. Улар ёқалар, манжетлар, фартукларни ҳатто пайпоқлар ва пойабзални ҳам безаган.

XVI асрда Испанияда пайдо бўлган каркасли либос Европа либосида XVII асрга қадар сақланди. Бироқ бошқа воситалар пропорция ва масштабни янги схемалар асосида яратишга имкон яратди. Либос таркибидан қаттиқ каркас юбка чиқиб кетди. Шунингдек эркаклар либосидаги кулгули астар қисм олиб ташланди. Унинг чизиқлари деярли табиий ва ҳаракатчанлиги, шаклининг безакдорлиги билан характерланади.

Матолар, тўрлар, ленталар, ва бошқа безакларнинг кўплиги либослар беаги унинг конструктив ечими устидан хукмронлигига сабаб бўлди. Шундай бўлишига қарамай, асрнинг биринчи ярмида либослар конструкцияси ва беаги ажралиб туради. Модельерлар ва тикувчилар танага маълум бир схематик шакллар бериш учун жуда аниқ ва оқилона конструктив ечимлар таклиф этиб, уларни амалга оширадилар.

Хусусан, аёллар либосида композицион чизиклар ёрдамида белнинг жуда нозик, елакнинг тор кўриниши тасаввурини уйғотишга эришилди. Корсет ёрдамида тортибҳлган торс шиширилган кенг юбка ва баллон шаклидаги енглари билан контрастга киришади. Елакнинг орқа қисмидаги рельеф линиялари ушбу тасаввурни кучайтиради (2-расм).



2-расм

### Франция либоси

**Эркаклар либоси.** Бу давр эркаклар кийган либосларнинг асосийлари XVI асрда пайдо бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Булар - кўйлак, иштонлар, куртка, уст кийим, бош кийимлар, пойабзал, ич кийим. Кийимлар формаси, шакли, баъзи қисмлари давр давомида бир неча марта ўзгарган. Аср бошида эркаклар кўйлаги ички кийим ва устки кийимнинг бир қисми вазифасини бажарган. Асрнинг иккинчи ярмига келиб кўйлақлар тури кўпайди, оқ юпка матодан тикилган тор ички кўйлақ ва худди шу матодан тикилган устки кенг кўйлақлар пайдо бўлди. Либоснинг декоратив беагида бу муҳим рол ўйнади, яъни енглари кесимларидан кўриниб турар эди. Унинг манжетлари ва ёқалари гофрланган тўрлар билан бой безатилган. Айниқса бутунлай тўрдан

қилинган ёки четлари тўр билан безалган батист катта қоплама ёқалар башанг ҳисобланган. Либос тарихида улар Ван Дейк ёқаси деб аталади, чунки Ван Дейк портретларининг аксарият қисми либоснинг бу ифодали детали билан чизилган (1-расм).



1-расм

Камзол калта қайтарма ёқали колетга айланди. Ташлаб юриладиган кийимларнинг ўрнига калта, мўйна билан сирланган тик ёқали плашч кийиш одат тусига кирди. Колетлар шакл ва безаги кўра турли-тумандир. Аср бошида - колетлар калта, танага ёпишиб турадиган майин шаклларда, паст томонга қараб кенгайтирилган. Юқоридан улар бир нечта тугмалар билан қадалган. Колетнинг олд томони этаклари пастга томонга бориб ажралади. Колетлар бортлар ва ўмиз бўйлаб тугмалар, бантлар билан, энгларда эса бўйлама кесиклар билан безалган. Колетнинг олд ўмизи учбурчак шаклини олиб, кенг энглари қавилиб, манжетли қилинди. Уни панталонлар билан кийишган.

**Панталон** - узунлиги болдиргача бўлган тор текис иштон бўлиб, уни ён чоклари бўйлаб каштадўзлик билан, паст қисмини эса тўр бурмали кўшэтаклар билан ёки тасмали чоклар билан безалган (2-расм). Панталонлар остидан тор пайпоқ-иштон кийилган.

XVII аср эркаклар либоси ҳарбийлаштириш таъсири остида бўлди. Қиролнинг содиқ аскарлари – мушкетер - даврнинг идеал қаҳрамони тимсоли эди. Либослар XVII аср давомида ҳарбийлардан қадди ростлик, хушбичимлиликни мерос қилиб олди (3-расм). Бироқ 50-70 йилларда бу

тимсол эркакларнинг янги эстетик идеали қаршисида бир мунча чекинди. Янги эстетик идеал - ёш қирол Людовик XIVга тақлид – яъни гўдаклик тимсолидир.



2-расм



3-расм

Бу давр либоси тўрлар, бантлар билан бой безатилган кўйлак, енги тирсаккача бўлган калта куртка – веста ва ренграв-иштондан иборат бўлган. Веста пирпираклар, ленталардан қилинган кантлар, тесмалар, рюшлар, тўрлар билан бой безатилган. Вестанинг этаклари ва иштоннинг белбоғи ўртасидан кенг кўйлакнинг гафре, бурмали пирпираклари кўзга ташланиб турган. **Ренграв-иштон** – икки қаватли юбка-иштондир. Бунда шаровар - кенг иштон устидан кийилган тахлама (складка)ли юбкадир (4-расм). Шарварнинг белбоғи, ён чоклари тесма, бант, пирпирак, тўр сингари безаклар билан безакланган.



4-расм

Аср охирига келиб янги сарой кийими – *жестюкор* пайдо бўлди. Жестюкор – харбийлар кийими формасидан олинганини атаманинг ўзидан ҳам билиш мумкин. Жестюкор қирол ва юқори табақа вакиллари кийими бўлиб, бу кийим бел чизиғидан шарф-белбоғдан пастга қараб кенгайтирилган, майда тугмачалар ва петлялар билан қадаладиган тор, тиззагача бўлган узунликдаги кийим туридир. Енглариининг юқори қисми тор бўлиб, у пастга қараб кенгайтирилган ва кенг қайтарма манжетга эга. Ранглар ечими ёрқин ва жилвадор, олтин ва кумуш билан кашталанган. Жестюкор ёқасиз бўлиб, унинг ўрнини оқ матодан учларига тўр ўрнатилган галстук эгаллаган. Жестюкорда дастлабки кесма чунтаклар пайдо бўлди. Улар пастда жойлашган. Унинг тагидан камзол – енгсиз ва ёқасиз, жестюкор билан бир хил бичимдаги кийим кийишган. Камзол жестюкордан 10-15 см. калта бўлиб, уларнинг ранглари бир-бирига контраст қилиб танланган.

Эркак кишига қатъийлик, хушмуомалик, келишган қомат, пластикани қайтариб берган жестюкор билан бирга духоба, шойи, жун матолардан *кюлот*лар кийишган. Бу тиззагача узунликдаги, ёнларида кесмаси бор ва тугма ёки тўқа билан қадаладиган тор иштон. Кюлотлар кўп холларда жестюкор билан бир хил рангда бўлган. Шунингдек кюлотларга ўйма чўнтаклар ҳам қилинган.

Кастюмларнинг ранги фақат оч тонларда – пушти, зангори ва б. рангларда бўлган. XV аср охирига келиб, қрол Генрих Унинг қарорига кўра дворянлар кийими тўқ, одми, бироқ шу билан бирга қимматбаҳо ва нозик бўлишига эътибор қратилди. Натижада, колетлар кенгайди, плашчлар узайди. Плашчларни кўпинча бир елкага ташлаб юриш урф бўлди.

Эркаклар либосини оқ, ҳаворанг, қизил рангдаги, гул ёки нақш билан кашталанган шойи ёки жунли пайпоқлар тўлдирган.

Пойафзаллар қаторига қайтармали этиклар, шунингдек бантли, тўқимли, розеткали, тўртбўрчак учли ва ременли ярим ёпиқ туфлилар кирган. Ёғин сочинли ҳавода устидан орқа қисми йўқ чарм, ёғоч тагли оёқ кийимлар кийилган. Улар бугунги кундаги калишлар бажарган вазифани бажарган. Бу

даврдa шунингдек эркакларнинг қизил рангдаги баланд пошнали оёқ кийимлари ҳам пайдо бўлган.

Бош кийимлар – юмшоқ кенг соябонли, оқ туякуш пати билан безалган шляпалар – аста секин учбурчак шаклга кира бошлаган.

XVI аср сўнги, XVII аср бошларига келиб соч турмакларида орқага силлиқ таралган инсоннинг ўз сочлари урф бўлган бўлиб, қиролнинг сочи эрта оқаргани боис чеккаларни упалаш урфга кирган бўлса, аср охирига келиб эса уларни арслон ёлларини эслатувчи тўқ сариқ рангли бахайбат париклар билан алмаштиришган.

Юзлар – соқол олинган ёки кичкина мўйловлар ва понасимон соқолчалар урф бўлган.

Буржуа, шаҳарликлар, ҳунармандлар ва деҳқонлар кийими дворянларникидан шаклининг қулайлиги, рангларнинг тўқлиги ва хиралиги, матонинг сифати ва нархи билан ажралиб турган. Либосларнинг фасонлари деярли бир биридан фарқланмайди.

**Аёллар либоси.** Аср давомида аёллар либоси асосида бир неча бор формаси ўзгарган металл пластинкали суякли корсетлар ётади. Аср бошида – калта ярим қаттиқ корсетлар, аср ўрталарида ва айниқса охирида белни қаттиқ сиқиб турувчи ва кўкракни кўтариб турувчи бюсколи узун корсетлар урф бўлган. Корсет формаси тўлиқ ҳолда асрлар давомида ўзгариб турган. У модани акс эттирган. Кўйлақларнинг паст қисми қаттиқ каркас асосида бўлмаган, лекин пастки қисми крахмалланган ва бир неча устки юбкалар ҳисобига кенг, шаклан катта бўлиб қолаверган.

Ички кўйлақ, яъни **котт** лиф ёки корсаж ва юбкадан иборат. Олд лифи учбурчак шаклидаги ўйиқ устига ечиб кўйиш мумкин бўлган киритма, тўр билан безакланган кенг ва паст ёқадан иборат. Узун энглар юқори қисмининг кенглиги, шунингдек тўрлар билан безакланган узун манжети билан ажралиб турган. Устки кўйлақ сифатида кенг олди очиқ **роб** хизмат қилган. У кенг, калта энгли ва бел қисми юқори бўлган. Ички ва устки кийимларнинг

ранглари контраст ечимда: бири ёрқин бири тўқроқ рангда ҳал этилган (5-расм).



5-расм

Асрнинг иккинчи ярмида аёллар либоси шакли кескин ўзгарди. Енглар кенглигини йўқотиб, калталашди (тирсаккача). Паст қисми эса кенг тўрли пирпираклар билан безалди (6-расм Н.Ларжильер: «Элизабет Богарне портрети».).



6-расм

Бу давр аёллар либосининг асосий ифодали чизиғи – унинг икки қаватли юбкадан иборатлигида кўзга ташланади. Котт лифига одатда иккита юбка тикилган: *фрипон* (ички) ва *модест* (устки). Модест учун оғир нақшларсиз



бархат, парча, атлас каби матолар танланган. Фрипон учун эса енгил ва юпқа матолар: тафта, муар, камлот танланган. Модест олд қисмида кесмали бўлган. Кесма четлари тўрлар, рюшлар ва мех билан безалган. Этак қисми эса бурмаланиб, шнурлар ва мунчоқлар ёрдамида лифга қотирилган. Фрипоннинг очилиб қолган қисми эса яъни олди ва паст қисми воланлар, бир неча қаторли оборкалар, тўрлар, бахрама, шокилалар билан безак берилган.

Фақатгина дворян аёллари кийиши мумкин бўлган роб шлейф билан тикилган. Роб юбкаси ҳам белдан бурмаланиб, пастга томон олди очик бўлиб, котт юбкасини очиб турган. Юбкалардаги кўпгина тахлама (складка)лар ва бурмалар бўкса чизиғини бир мунча катталаштириб, аёллар фигурасининг паст қисмини кенгайтириб кўрсатган (8-расм).



7-расм



8-расм

Мода силуэтининг кескин ўзгариши 90-йилларда содир бўлди. Юбка орқа қисми тепага кўтарилиб драпировка қилина бошланди. Шунингдек, юбкалар ёнларидан ҳам юқорига кўтариб бурмаланиб, махсус безаклар билан қотириллар эди.

Аёллар либосининг декоратив ечими сарой этикети ва барокко усули таъсири остида эди. Аср бошида либосдаги барча безаклар унинг олдига жойлаштириши кузатилади (бу нарса эркаклар либосига ҳам хос). Бу қирол қаршисида юзма-юз туриш мажбуриятдан келиб чиққан.

Аср бошида либос тасвирий ечимида катта тўрли ёқа ва манжетлар муҳим рол ўйнаган (эркаклар либосида ҳам). Бундай ёқа Испания, Голландия, Германияда XVII асрнинг 40-60 йилларигача тақилган испан брижжалари ўрнига келди. Оқ ёки новвотранг юпка батист енгил қимматбаҳо тўр билан биргаликда терининг текислиги ва нафислигини, чиройли юзнинг табиий ранги ва кўзлар нурини бўрттириб кўрсатарди. Асрнинг иккинчи ярмидан ёқалар ўрнига елкага ташланадиган енгил юпка газ, шифон матолардан қилиниб, четлари тўрлар билан безакланган рўмоллар эгаллади. Ушбу косинка-рўмоллар кўкраккача тортилиб брошкалар ёки бантлар ёрдамида қадалар эди. Бўйин ўмизи чуқур чуқур декольтелар турли кенгликдаги ва формадаги гипюрли, тўрли, гафриланган батистли оборкалар билан безалар эди.

Айниқса лифнинг ечиб кийилувчи вставкасида кашта ва аппликациялар кенг қўлланилган. Ёзги кийимларда манзара эффектини яратиш мақсадида тўр ва жуда юпка газ матолардан рангли чехолда фойдаланилган.


Матолардаги олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар билан безакланган безакларнинг бойлги давр мобайнида қирол ва черков қарорлари билан қатъийлаштирилган.

Аёллар либосига қўшимча тарзда ёрқин шойи пайпоқлар, қўлқоплар, галстук-шарфлар, тўрли рўмоллар, оқ ёки рангли, тўр, бахрама, рюш, кашталар билан безакланган олд (передник)лар, тахлама елпиғичлар, белбоғга осилган соатлар, ёки қимматбаҳо оправали ойналар характерлидир. Заргарлик безакларидан айниқса дурли маржонлар, розеткалар, зираклар, билагозуклар, узуклар, диадемалар қадрланган.

Рангли чарм, парча, бархатдан қилинган туфлилар баланд эгилган (букилган) пошнали ва тор учқур учли бўлган. Улар бантлар, пряжкалар (тўқалар), розеткалар билан безалган.

Аёллар соч турмаги (юқори табақа аёллар деярли бош кийим кийишмаган) давр мобайнида бир неча бор ўзгарган: силлиқ, олд томондан фарқ очилган, ўриб ташлаб қўйилган соч ўрами, жингалак локонлар ва

юқорига тугун қилиб боғлаб кўтарилган ва жамалак (жингалак) ва крахмалланган қадалмадан иборат соч турмаги **фонтанж** урф бўлган. Аср охирига келиб симдан қилинган каркас билан маҳкамлаб, юқорига кўтариб фантаж соч турмагини, унга ипак, тўр, сунъий гуллар, ленталар тақилган (9-расм).



9-расм

Декоратив косметикада белила, румянадан кенг фойдаланилган. Шунингдек, юзга, бўйинга, кўкракка қора шойи матодан ҳол кўйиш кенг урф бўлган.

Мода оламида етакчи ўринга давогар Франция том маънода Европа либосининг турлари, конструктив ва амалий безак ечимида етакчиликни кўлга олди ва бошқа давлатлар либосига ўз таъсири кўрсатди. Бироқ шу билан бирга Рубенс, А. ван Дейк, Рембрандт, Веласкесларнинг портретлари нидерланд, инглиз, голланд, испан либослари ҳам ўзига хос шакли ва миллий тараққиётининг характерли белгилари билан ажралиб турганлигини кўрсатади.

Бу давр мода яратувчилари асосан француз қироллари ва унинг аёнлари эди. Одатда номаълум ижодкорлар ва тукувчилар томонидан яратилган либослар қироллар ва уларнинг аёнларига хос баъзи бир эркаликлар сабаб бутун Европа бўйлаб тарқалар ва жуда тез фурсатларда ўзгарарди. Шундай қилиб, бир аср давомида аслзодалар либоси 6 марта ўзгарди.

### **Назорат учун савол ва амалий топшириқлар**

- 1. XVII аср санъатига қандай бадиий услуб кириб келган?*
- 2. "Барокко" услубининг энг характерли хусусиятлари хақида гапириб беринг.*
- 3. XVII аср Францияда эркак либоси қандай кўринишга эга бўлганлигини сўзлаб беринг.*
- 4. Либосларда ишлатиладиган матолар, ранг, безаклар хақида гапириб беринг.*
- 5. XVII асрда аёллар либосига таъриф беринг, у қандай кўринишга эга эди?*
- 6. XVII асрнинг иккинчи ярмида эркаклар ва аёллар кийимларида қандай ўзгаришлар бўлган, унга сабаб бўлганми?*

### **XVIII аср либоси**

Агар XVII аср қироллик ҳокимиятининг гуллаб яшнаган ва чексиз имкониятларини мустаҳкамлаган аср бўлган бўлса, XVIII аср унинг таназзул даври бўлди. Капиталистик ишлаб чиқаришнинг тасдиқланиши маданият ва санъатда янги шаклларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Буржуа маданияти асослари пайдо бўла бошлади. Улар Дидро, Вольтер, Руссо сингари маърифатчилар мафкурасида ўз ифодасини топди. Айнан ушбу асрда инсонпарвар маданият тушунчаси истеъмолга кирди. Зиёлилар қатламининг пайдо бўлиши ва улар ўртасидаги алоқалар сабаб мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқалар кенгайди. Фан-техника ва ишлаб чиқаришдаги тараққиёт иқтисодий ривожланишга туртки бериш билан бирга маърифатпарварлик билан уйғунлашиб, Францияни буржуа инқилобига олиб келди. Француз инқилоби феодал тузумга батамом хотима ясаб, капиталистик жимиятнинг барпо бўлишига сабаб бўлди.

XVIII асрда Европа маданияти пойтахти сифатида аввалгидек Франция и Англия сақланиб қолди. Француз санъати Оврупо давлатлари учун намунал бўлди. Француз тили халқаро тил бўлиб қолди. Француз модаси барча Оврупо мамалкатларига тарқалиб, умумий Оврупо модасига айланди. Англиянинг

таъсири фалсафа, иқтисодий ва ижтимоий назария билан бирга санъатда ҳам кўзга ташланди. Хусусан, инглиз либоси “французлашиб” барча Оврупо мамалкатларига тарқалди.

XVIII аср ўрталарида санъатда барокко услуби ривожини тўхтатган рококо усули етакчилик қила бошлади. Рококо Францияда Людовик XV ҳукмронлигида пайдо бўлди. Ушбу услуб ғоявий танзулни бошдан кечираётган, эртанги кунига ишончи йўқ юқори табақа аслзодалари дидини намоён этган.

Рококо услуби меъморлик, тасвирий санъат, амалий санъатда кузатилади. Ушбу услубга чуқур ғоявий мазмун, борлиқдан қочиб, енгил тасаввурлар, нозик ҳиссиётлар берилиш, носимметрик, ва мураккаб чизиқлардан иборат шаклнинг безакдорлиги хос.

Рококо термини французча «рокайль-рок» - қоя маъносини билдиради. Денгиз чиғаноғлари ва денгиз ўтлари билан қопланиб, улар билан бирлашиб кетган қоя парчалари сингари ўзига хос, тартибсиз, тўсатдан пайдо бўлган, ажойиб кўриниш – рококо орнаментини асоси, унинг беагининг асосий мотивларидир. Нозик ва хашамдор нақшлар бетакрор нозик, юмшоқ, ёрқин, турфа хил ранглар оттенкаларига мос тушган.

Рококо бадиий усули чизгилари XVIII аср француз либосида ўзининг ёрқин намоён қилган. У шунингдек, авваламбор, инсон гўзаллиги ҳақидаги фикрларга ҳам ўзгаришлар киритди.

Сунъий яратилган «байрамона шукух» дунёсида сунъийлик инсон гўзаллигининг асоси бўлди. Аёллар ва эркаклар қиёфасида реал ҳаётдан узоқ бўлган кўғирчоқ монанд, эртакона шартлилик, реал ҳаётини заминдан узилган фантастик белгилари бўртиб турган қиёфага урғу берилди.

Либосда бу образни яратиш инсон қомати пропорцияларини бузилишига, яъни юқори ва паст қисмлар мутаносиблигига олиб келди. Кичкинагина, нозик бош, тор елкалар, ингички, эгилувчан бел ҳамда бўкса ўлчови ва шаклининг гротеск даражада катталашини кўзга ташланади. Декоратив рококога қулайлик ва амалийлик деярли хос эмас.

Эркак ва аёлнинг ташқи белгиларининг яқинлашуви, уларнинг нозиклашуви, кўғирчоқ қиёфа, ёш даражасидаги фарқларнинг йўқолиши (ушбу даврда кексалар ҳам, ёшлар ҳам бир хил либос кийя бошлашган, бир хил косметик воситалардан фойдаланишган) оқсуяк юқори табақанинг маънавий ва жисман қайта туғилганлигини билдирарди. Уларнинг бир қатор авлодлари меҳнатга лаёқатсизлиги билан ажралиб туради. Бутун куч ташқи назокат ва турли кўнгилочар жиҳатларга сарф этилди. Француз тасвирий санъатида бу каби образлар билан Буше, Ватто, Фрагонара портретлари таништиради.

XVIII аср 70-йилларида классицизм санъатдаги асосий йўналиш бўлиб қолди. Ўзининг аниқ ва ёрқин образлари, катъий геометрик композицияларида у яна антик давр идеалларига мурожаат этди. Бироқ ушбу давр амалий безак санъати ва айниқса 70-80-йиллар либосида рококо услубининг таъсири бутунлай бартараф этилмади. Ҳаддан ташқари безакдорлик, ҳашамдорлик вақти вақти билан янги шаклларда ўзини намоён этиб турди.

XVIII аср либосида авваламбор матолар тури ўзгарди. Сарой ва тантанавор либосларда қўлланган шойи, бахмал, парча, атлас матолар ўрнини юпқа жун матолари, сукно ва пахта матолар эгаллай бошлади. Рейнолдс, Хогарт, Гейнсборо портретлари XVIII аср охиридаги янги идеал белгиларини ўзида намоён этади.

**Мато, ранг ва безаклар.** XVIII аср либосида аввало матолар турлари ўзгарди. Сарой аёнлари либосларида шойи, бахмал, парча, атлас сингари матолар билан бирга юпқа шерст, сукно, пахта матоларидан ҳам қўлланила бошлади. Қалинроқ пахта матолардан (тик, нанка, канифас) эркаклар кюлотти, камзоли ва юпқароқларидан (муслин, батист) – аёллар ёзги кўйлаги, юбкалар тикилган.

Ранглар жилоси – ёрқин, юмшоқ - енгил пушти, ҳаворанг, барикарам, лимон ранги, перламутр. Қора ранг мотам маъносини англатган, оқ рангдан эса нақшларга фон сифатида фойдаланилган. Либосдаги нозик ранглар ечими

контраст, яъни қарама қарши рангларни биргаликда қўллашдан иборат воситани сиқиб чиқарди ва асосий рангнинг турли кўринишлари асосий

Аср сўнггига келиб ранглар гаммаси тўқарди, рангсизлашди. Матоларда жигарранг, кулрангининг турли кўринишлари (оттенкалари), лавлаги ранги, тўқ қизил ранг, бинафша ранг, тўқ зангори, яшил, сиёҳ ранг етакчилик қилди.

Матолар беагида масофадаги натуралистик услубдаги гулли нақшлар етакчилик қилади. Настарин, жасмин, олма, олча гуллари, дала гуллари бутун матони эгаллаган бўлиб, улар матодаги турли хошиялар, тўрлар, чизиқлар билан уйғунлаштирилиб жойлаштирилган. Бу уйғунлик сабаб улар ўзига хос нақшларни ҳосил қилар эди (1-расм). Бу давр матоларида трельяж – майда ўсимликсимон нақшлар урфлигича сақланиб қолди.



1-расм

80-90-йилларга келиб, сидирға матолар нақшли матолар ўрнини эгаллади. Йўл-йўл, доғсимон, нўхатгулли матолар урф бўла бошлади.

**Эркаклар либоси.** XVIII асрга келиб француз эркаклар либоси Француз эркаклар либоси ички кийим, камзол, жюстокор ва кюлотдан иборат.

Асрнинг биринчи ярмида кўйлақларнинг ёқа қисми баланд жабо, енг манжетлари нақшинкор тўрлар билан безалган. Бўйинбоғлар оқ полотно ёки батист матолардан тикилиб, бўйин тўлиқ қилиб боғланган, унинг устидан фронтлар қора шойи лента боғланган. Улар учун асосан, юпка, асоси тюль бўлган кам нақшли тўрлардан фойдаланилган.

Жюстокор бел қисмида баданга ёпишиб турувчи, елка чизиглари тор, бўксдан этаклари томон кенгайтирилган эркаклар либоси (2-расм). Унинг клинлардан иборат паст қисми қаттиқ мовут (полотняной) ёки тукли астардан иборат эди. Ён томондан ва орқа шлицесига тахламалар қилинган.



2-расм

Либоснинг барча деталлари нақшлар билан, металл ва асосига мато ўралган тугмалар билан, четлари эса фестонлар билан ажратиб безакланган. Асосий дабдабали ва мураккаб нақшлар каймалари ён қисмида, енг манжетларида ва чўнтаклар клапанларида жойлашар эди. Жюстокор бархат, шойи, атлас кейинчалик, жунли ва пахта матолардан тикилган. 60-йиллар бошига келиб, у оддий ва қатъий кўринишга келади: остидан қаттиқ астар, шлицаларда тахламалар, мўл безаклар йўқолади.

Аср бошидаги камзол жюстокорнинг фасони ва декоратив чизгиларини шунингдек ички қисмдаги астарни тўлиқ такрорлайди. Улар рангли шойи иплар билан, синель, стеклярус, пайеткалар, олгин ва кумуш иплар билан безак бериб тикилар эди, бархатга тюль билан аппликациялар қилиб безалар



эди (2-расм). Камзолнинг жюстокор билан ёпиладиган орқа қисми, одатда арзон матолардан (полотно ёки қалин ип матолардан) тикиларди. XVIII аср давомида камзол калталашди, 60-йилларга келиб камзол белдан 20см. пастга тушадиган даражага келди. Унинг ранги одатда жестюкор билан контрастланган.

70-йилларда танага ёпишиб турувчи, кенгайган этакли, тор енг ва унча катта бўлмаган стойка ёқали **фрак** пайдо бўлди. Ушбу либоснинг кейинчалик ёқаси баланд стойка билан алмаштирилган янги ечими пайдо бўлди. Фрак ёрқин шойи ва бархат матолар, кашталар, пқшной безаклардан дархол фориф бўлмаган. 70-80- йилларда уни камзол, кюлот, оқ пайпоқ, плоский туфлилар билан кийишган. (Рангли иловага қаралсин. Гейнсборо: «Тонгги сайр»). Ранглар гаммаси асосан жигарранг, сариқ, яшил рангларнинг нозик ва ним оттенкаларидан иборат бўлган. Одатда эркаклар либосининг барча асосий қисмлари (фрак, камзол ва кюлотлар) бир хил рангда бўлган, ёки камзол ва кюлот – сидирға, фрак – улар билан уйғун рангда бўлган. Баъзан камзол оқ рангда бўлиб, рангли ипак билан нақшланган.

Аср охирида башанг француз фраки билан биргаликда иккибортли, бортлари чуқур ўйиқли, қайтарма ёқали ва катта қайтармали кундалик инглиз фраки ҳам пайдо бўлди. Уни жун матодан ёки қалин ип матодан тикишган. Катта металл, ялтироқ (перламутр), суюкли тугмалар ёки ёқа, борт ва қайтармаларга тикилган рангли кантлар унинг ягона беаги бўлган. Уни ҳам жилет ва кюлотлар билан биргаликда кийишган (3-расм).



3-расм

Калталаштирилган камзоли ўзининг декоратив аҳамиятини бутунлай йўқотиб, эркаклар либосида қулай, амалий аҳамиятли жилетга айланди.

XVIII асрда устки кийим формаларининг турли хилда бўлгани аҳамиятлидир. Булар – қоматга ёпишиб турувчи битта ёки икки ёқлама тугмали рединготлар.

Шунингдек иссиқ ва қулай, мўйна билан безакланган, кўпинча мўйнали астарли *сюртуклар* кийилган (4-расм). Ёпинчикларга камроқ мурожаат этилган.

Эркаклар либоси безакларининг асосий кўринишлари - тўрлар ва тугмалардан иборат бўлган. Тўрлар сербурма жабо ва оқ галстукларда қўлланган. Қимматбаҳо кандакорлик, ўймакорлик билан безакланган, сирланган тугмалар фрак ва кюлотларни беаган. Либос беаги сифатида шунингдек тўқилган шнурлар ёки занжирлар билан кюлотлар белбоғига қотирилган тўқалар ҳам қўлланилган.




4-расм

Бош кийимлар – унча катта бўлмаган поляли олди тор ва ёнлари букилган шляпалар. Париклар ён тарфдан жингалакланиб, орқада ўриб бант билан мақкамланган.

Рококо услубининг эркак либосига таъсири кийимларнинг ва уларнинг энгидаги тор шаклда, силуэтнинг эгилган линияларида, юмшоқ ранглирида ва қимматбаҳо безакларда кўзга ташланади. Бу санъатдаги умумий йўналишга мос эди. Тўғри чизик унчалик ёрқин ҳисобланмас ва шу сабаб қийшиқ, букилган, эгри йўллар билан алмаштириларди.

**Аёллар либоси.** XVIII асрда аёллар либосига каркас юбка яна қайтиб келди (5-расм).



5-расм

Ушбу панье зич елимланган тўқимадан иборат бўлиб, у кит мўйлови ёки металлдан ишланган горизонталь обручларга маҳкамланган. Панье тугмалар ёрдамида қаттиқ корсетга бириктирилган. Корсет орқа томондан қаттиқ, яъни тортиб боғлаб қўйилган. Асрнинг иккинчи яримида бориб, панье икки этакли, ҳар бир этаги бўксанинг бир томони учун мўлжалланган ва тесмалар билан бириктирилган алоҳида-алоҳида фижмалар билан алмаштирилади. Мана шундай асос аёллар либоси силуэтини учбурчак шаклига киритди. Бунда юбканинг кенлиги бўйга нисбатан 1 : 1,2 нисбатда; бошнинг нисбати бўйга нисбатан 1 : 5; елкаларнинг кенлик юбканинг кенликка 1 : 5,5; лифнинг узунлик юбканинг узунликка 1 : 2,5 нисбатда олинган.

Аср бошига келиб, мана шу каркас асосида аёлларнинг янги либоси – кунтуш ёки Ватто складкали кўйлак пайдо бўлди. Бу енгил бичимли, тор елкали, белдан пастга қараб кенг каркас асосида кенгайган кўйлак бўлиб, унинг гўзаллиги орқа қисмидаги бутун бўй бўйлаб тушган катта складкаларида эди (6-расм). Яхши драпировкаланадиган ва чиройли расмли матолар (шойи, бархат) айниқса урф бўлган.



**6-расм**

Контуш олд томонидан кўкрак ва бўйинни катта очиб турган. Тор енглар тирсакка қараб кенгайган ва пастдан бир неча қатор кўркам, жимжимадор тўрлар билан безатилган. Либосни нақшли оч рангли шойи пайпоқлар, баланд, букилган пошналар туфлилар тўлдириб турар эди. Кўкракка қадалган сунъий гуллардан ясалган букет, занжирли брелок-соат, тўрли рюш – булар жуда кенг тарқалган безаклар эди.

Аёллар либосининг кейинги ривожланиш босқичи уни икки учбурчак яъни учлари бел чизиғида учрашган формасига қайтарди. Қалин, қаттиқ, жуда очик кўйлак лифи кенг, ён томонлари жуда катта шиширилган юбка билан уйғунлашди. Кўйлак гафрели оборкалар, бантиклар, розеткалар ва сунъий гуллар билан безалган (7-расм). 40-йиллардан бошлаб катта кенг рельефли декорлар либос тарихида энг кўп тарқалган давр бўлди.



**7-расм**



**8-расм**

70-йиллар охирида Францияда инглиз модаси, классицизм услуби кенг тарқалади. Аёллар ва эркаклар либосида аралаш, эклектик формалар пайдо бўлади. Бунга мисол, декоратив рококо ва дабдабани сақлаб қолган «инглизлашган» аёллар кўйлаги, яъни **полонез** (9-расм).



9-расм

У ички тор кўйлак (лиф ва юбка) ва бутун бичимга эга устки олди очик кўйлақдан иборат бўлган. Уни фижда ва полисон билан кийишган (полисон – корсетнинг пастки ва орқа қисмига профилни букилган силуэтини бериш учун боғланадиган унчалик катта бўлмаган пахтали ёки жунли прокладка). Ички кўйлак лифи кўкрак ва бўксага ёпишиб туради, тугмаланади ёки боғичлар ёрдамида тортиб кўйилади. Чуқур ва кенг декольте тўр ёки гафрэли оборкалар билан безалган. Ички кўйлак юбкеси кўпинча калта бўлган ва паст қисми рюшали кенг оборка билан безалган. Юқори кўйлак лифи ҳам тор, декольтели ва кўкрак чизиғидан кетадиган ва шу ерда катта бант билан қотирилган. Четлари жимжимадор рюшлар билан безалган.

Инглизларнинг чегара билиш ва виқор (элегантность) хусусиятлар шу даврга қадар сингиб кетган рококо анъаналари устидан ғолиб келди ва Франция модасида анча қатъий, жиддий ва оддий формалар пайдо бўлди. Улар рококога яқин “франсез”га қарама қарши ҳолда “англез” формаси деб аталди. Авваламбор бу формалар панъедан воз кечади ва полисон ёрдамида

профилнинг букилган силуэтини яратади. “Англеz” кўйлаги тор лиф ва бурмали тўғри юбкадан ташкил топган (10-расм чапда). Аёлларнинг “англеz” либосига қулайлик, амалийлик, турларининг кўплиги характерли. Катта бўйин ўмизи устида одатда кўкрак усти рўмоли ташлаб юрилган. Енглаp тор ва узун ёки  $\frac{3}{4}$  узунликда унчалик катта бўлмаган манжетли. Кўйлак билан бирга юпка матодан, безакланган фартук тақишган. Либосларнинг икки кўйлақдан иборати анча ҳашамдор санлаган. Бунда устки кўйлак юқори қисмида, яъни кўкрак олдида тугмаланган ва унинг паст қисми этак томон тўлиқ очиқ қолган. Бироқ жимжимадор безак ва рококога хос катта безакдорлик ўз ўрнини бўшатди, ранг ва ранглаp уйғунлиги ўзгарди. Шу билан бирга янги s-симон силуётда ҳам ўзгариш содир бўлди. Бошнинг бўйга нисбати 1 : 6 га; елка этакка нисбатан кенглиги 1 : 2; юбканинг кенглиги бўйга нисбатан 1 : 2 нисбатда. Либоснинг юқори ва паст қисмлари массаси деярли тенглашди. “Англеz” либоси учун қулайлик, амалийлик, юқори қисм шаклининг турли туманлиги, шу билан бирга эркак кийими бичими, деталлари ва безагига тақлид хос. Устки кўйлак сифатида узун рединготлар (10-расм ўнгдан), қалталаштирилган казакинлар (10-расм чапдан), **карако**, **фрачкалар** кийилган.



10-расм

XVIII аср аёллар соч турмаги ва париклар асри бўлди, десак муболаға бўлмас. Даврнинг биринчи ярмида соч турмагида унча катта бўлмаган очиқ

пешонага букляли ёки локонли турмаклар урф бўлган. 70-80 - йилларда соч турмаклари жуда мураккаб бўлиб, улар ҳажман ҳам катталашди (11-расм).



11-расм

Асрнинг биринчи ярми ва ўрталарида бошқа даврларга нисбатан либослардаги дабдабали безаклар ва осма заргарлик буюмлари роли анча пасайди. Мунчоқлар, кулонлар, билакузуглар, диадема – тиллақошлар ва хатто зираклар кийимдаги заргарлик буюмлари: тугмалар, белбоғлардаги тўқалар, тўғноғич ва заколкалар, соч турмаги учун тароқлар (гребня), елпиғичлар, бандли кўзойнаклар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар либосни тўлдириш учун ишлатилган.

XVIII аср охирида аёллар пойафзалининг тури бирмунча кўпайган. Бу даврда аёллар ўртасида баланд пошналар туфли урф бўлган. Пойафзал ранглирини танлашда қатъий талаблар пайдо бўла бошлади. Қора рангли туфли тантанавор маросимларга, жигарранг туфлилар сайр учун, қизил ва оқ ранг амалдор аёллар имтиёзи ҳисобланган.

XVIII аср охирида XVII аср охирида буржуа ишлаб чиқаришли Англияда вужудга келган инглиз миллий услубидаги либос ғалаба қозонди. Рокко ҳам худди барокко каби классицизм анъаналари таъсирида ривожланаётган инглиз либосига таъсир кўрсатмади. Бу оддийликка интилиш, амалийлик, қулайлик, шакл ва чизиқларнинг табиийлигига асосланган эди.

60-йиллар эркактар либосида ҳаёт тарзи ва фаолият турига мос шакллар пайдо бўлди. Бу мовут ёки шерст матолардан тикилган безакларсиз фрак бўлиб, унинг бичими ўта торликдан озод бўлиб, тан аъзоларининг эркин ҳаракати учун имконият яратарди. Унда турли машғулотлар билан шуғулланиш, ҳатто ов қилиш, отда юриш мумкин эди. Фрак асосида турли шаклдаги устки кийимлар пайдо бўлди. Масалан, редигот аввалига чавандозлар кийими бўлган бўлса, кейинчалик у кундалик устки кийимга айланди. Қалта жилет безакли узун камзол билан алмашди. Қалин матодан ёки юпка чармдан қилинган ва тугмачалар билан қадаладиган гетралар амалийликдан узоқ оқ пайпоқларни сиқиб чиқарди.

70-йилларга келиб фраклар билан кийиладиган жокей этиклари урфга кирди. Бу тор ва баланд, қора теридан қилиниб, оч жигарранг қайтармали деярли тиззагача этиктардир.

Либосни инглиз буржуанинг ҳаётининг ишчан характериғага мослашуви унинг фигуранинг табиий пропорцияларғага мослашишиғага олиб келди. Бу айниқса аёллар либосида яққол кўзғага ташланади. 50-60-йилларда инглиз аёллари шарнирли фижмаларни ихтиро қилдилар уни тирсаклар ёрдамида қисиб юбканинг кенглигини тартибға сола бошладилар. 80-йилларда улар ҳам йўқолиб, фақат лиф қисмида каркас қолади. Аёллар либосларнинг лиф қисми анча эркин ва ёпиқ кўринишға кела бошлади: деколте кўкрак рўмол билан ёпиладиган бўлди, тор ва узун энглари афзал кўрила бошлади. Ҳашамдор безаклар йўқ, зулфли ва жингала париклар билан йўқолди, сочларғага упа суртиш урфдан чиқди.

Ранглари гаммаси - кул ранг, жигар ранг, зайтун ранги, бинафша ранг. Ёзги кийимлар асосан энгил, ёркин рангдаги, сидирға ва майда ўсимликсимон нақшли шойи ва ип газламалардан тикила бошлади.

Аёлнинг ҳаётининг оилавий-маиший томонлари сабаб унинг либосида фартуклар, чепецлар, елкағага ташланадиган ва кўкрак рўмоллар, паст пошнали пойабзалдан фойдаланилди.



Янги шаклларни излаш жараёнида жиддий, ишчан, қатъий йўналишдаги эркаклар фракани эслатувчи либос шакллари устида изланишлар бошланди. Инглизлар ўз либосларида айниқса эркаклар либосидаги бичим, қисмлар, шакл, безак элементлари: ёқалар, қайтармалар, адиплар, петлицаларни мерос қилиб олдилар.

Қулайлиги, амалийлиги, хушбичимлиги сабаб содда ва қатъий шаклдаги инглиз либоси 70-йилларда бутун европа эътиборини ўзига қаратди. У барча Ғарбий европа мамлакатлари, хусусан Францияда ҳам шаҳар либосининг асосий типни бажара бошлади.

Инглиз либосининг француз либосига таъсири бутун давр давомида, худди француз либосининг инглиз либосига таъсири каби икки ёқламадир. Инглиз модасининг қатъий ва мақсадга мувофиқ чизиклари давр руҳига мос.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. XVIII аср санъатида қандай услуб кириб келган, унга таъриф беринг.*
- 2. XVIII аср матоларининг турлари, ранг ва безалиши усули ҳақида гапириб беринг.*
- 3. XVIII аср эркак либосининг шаклланиши, ундаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб беринг.*
- 4. XVIII асрнинг биринчи ва иккинчи ярми аёллар либосига таъриф беринг. Асрнинг биринчи ва иккинчи ярми либосларининг ўхшашлик томонлари ва фарқи нимада?*
- 5. XVIII аср иккинчи ярмида француз аёлларнинг соч турмаклари қандай кўриниши касб этган?*
- 6. XVIII аср охирида инглиз модаси, классицизм услубининг француз либосига таъсири ҳақида сўзлаб беринг.*

## ХІХ аср либоси

1789 йилдаги буюк француз инқилоби Францияда капиталистик муносабатларнинг фаодал муносабатлари устида тўла ғалабасига олиб келди.

Айнан мана шу идеаллар либосларнинг шаклига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бу айниқса тикувчилик буюмлари, матолар, безакларнинг соддалашувига олиб келди. Шойи, парча, қимматбаҳо тўрлар ва безаклар, каркас асос либосларни тарк этди.

**Санкюлотлар либоси.** Инқилобчилар – санклюотлар кийимида оддийлик, қулайлик, шаклларнинг аниқлиги, лўндаликка интилишни кўриш мумкин. Уларда халқ либоси таъсири сезилиб туради. Айниқса инқилобий-ватанпаварлик рухига эга бўлган ранглар символикаси жуда аҳамиятли.

Эркаклар либоси оқ кўйлак устига кийилган калта куртка - **карманьола**, қизил тасма билан безалган узун кўк панталон ва миллий кокардали қизил фригик қалпоқдан иборат. Бўйинга рангли шарф-галстук бўш қилиб боғланган. Карманьола тагидан калта жилет кийилган (1-расм).



1-расм

Совуқ ҳавода устидан жигарранг ёки кулранг мовутдан ёқали ва қизил ранг духоба қайтармали **упелянд** деб номланган плаш кийилган.

Аёллар либоси ҳам худди шу асосда бўлган: ички кўйлак ва устки калта икки қаторли тугмали корсетсиз куртка, болдиргача узунликдаги, белдан

бурмаланган, каркас асосисиз кўк мовутдан тўғри юбка, белда эса шарф-белбоғ. Бош кийим – туяқуш патли ва кокардали фетр шляпа. Ранглар анъанавий – қизил, кўк, оқ; безаклар (отделкалар) – ёрқин қизил тасма, кенг кант (1-расм).

Ҳар икки либос - аёллар ва эркаклар либоси даврнинг касбий ва жамоатчи шахслари либосига асос бўлиб қолди.

### **Ж.-Л. Давиднинг либослар проекти. Антик давр таъсири. Классицизм услуби.**

Француз инқилобий конвенти инқилобчи халқ либосига алоҳида эътибор берган ва Франциянинг эътиборли рассомларидан бири Жак Луи Давидга учинчи авлод (яъни буржуазия халқ оммаси) халқ либосини яратиш маъсулиятини юклайди. Рассом уларни тўғридан-тўғри рим классикаси таъсири остида яратади. Бу таъсирни ранглар ечими, кўшимчалар шакли, безаклар, бош кийимлар кўринишида кўриш мумкин. Мустақиллик, тенглик, биродарлик тимсоли бўлмиш – оқ, кўк, қизил ранглар – курткалар, жилетлар, шарфлар, юбкалар, бош кийимлар рангида устунлик қилди. Уч хил рангли кокардалик фригик қалпоқлар, шарфлар, драпировкаланган эркаклар плаши ва аёллар антик туникалари, Давиднинг либослар эскизи давр либоси сифатида тасдиқланди. Лекин ҳаётда фақатгина уларнинг баъзи элементлари кўлланилди.

Кўп асрлик хашаматли безакларсиз ва каркассиз француз инқилоб даври янги либос шакли янги эстетик тамойилларни тасдиқлаб, классицизм таъсири остида ривожланди. Аёллар либосида бу трико устидан ёки яланғоч танага кийиладиган юпқа муслин ёки батистдан қилинган безакларсиз ёрқин кўйлак (2-расм).



2-расм.

Аёллар силуети чўзиқ тўғри тўртбурчак ичига жо бўлиб, унда елка, бел, бўкса ва этаклар деярли бир ўлчам касб этарди. Чуқур ўмизли юмшоқ лиф, орқа томондан қарши складкали юбка, матонинг ранги, колорити ва фактураси антик либосни эслатади. Гиматий, палл ва бошқа антик давр либослари ролини жуда юпқа хиндча кашемир шаллар ўйнаган. Қизил, хаворанг, бирюзвий, ёрқин-жигарранг кантдан безакли ушбу шаллар бўйинни, елкани ёпиб, гўзал образ яратади. Таниқли француз мусаввирлари Ж.-Л. Давид, Ф.Жерар машҳур француз гўзаллари — мадам Рекамье, Тальенларни ана шундай либосларда тасвирлайдилар.

Бош кийимлар ҳам антик формаларга тақлидан яратилган. Булар - оброчлар, сеткалар, диадемалар, туяқуш патли пишний боғичлар, бархат ва шойи ленталар юнонча узорли ёки калта жингалак стрижкаларни ушлаб турган.

Ёрқин ранглардаги туфлилар – текис паст пошнапи, ленталар билан шнуровкаланган бўлиб, юнон сандаллари каби оёқни ўраб турган.

Аввалги тенденциялар билан кескин фарқланувчи мода билан бир каторда, ана шу даврнинг буржуазиясига хос бўлган қулайлик, оддийлик, ишбилармонлик каби жиҳатларни ўзида жамлаган ушбу давр буржуазиясига

хос мода йўналиши ҳам яшашда давом этди. Эркаклар либосида тўқ жун матодан фрак, ёрқин жилет, замш кюлотлар етакчилик қилди (3-расм). Аёллар либосида эса – каркас асосисиз тор ёпишган лифли тўғри кўйлақлар, бурмали тўғри юбкалар, калта караколлар ва казакиналар, передниклар, кўкракда тўқнашиб ва орқадан боғланувчи кўкрак рўмоллари ва шаллар (4-расм).



3-расм



4-расм

### 1800—1825 йиллар либоси. Амбир услуби.

XIX аср боши санъатда амбир услуби (французча «империя») пайдо бўлиши билан характерлидир. У йирик буржуазиянинг эстетик дидини ва Наполеоннинг ҳарбий қахрамонликларини намоён қилар эди. XVIII аср классицизми каби амбир услуби ҳам антик образлардан илхомланар эди. Орнаментларда элементлардан антик лавровқе венки, камонлар, ёйлар, ўқлар, пальма япроқлари, шерлар характерли эди.

Амбир услуби классицизмдан қатъийлик, дабдабалилик, ёрқинлиги ва тантановорлиги билан ажралиб турган.

Амбир либоси силуэти баланд ва текис коллоннали цилиндрсимонликка интилиш билан характерланади. Қалин ялтироқ матолар бир хил рангли

рельефли кашталар билан ёки симметрик декоратив безаклар билан безалган. Либос композицияси статик, декоратив ечими конструктивликдан устун келади.

Баланд стойка ёқали, тўқ рангли (жигарранг, қора, кўк) жун матодан тикилган фрак эркакларнинг кундалик либосига айланди. Кўп холларда уни ёрқин панталон ва ёрқин рангдаги жилетлар билан кийишган. Устки кийим кейинчалик ишбилармон эркакларнинг либосига айланган икки бортли редингот ёки **сюртук** (5-расм, ўнгдан). Қишда ва кузда эркаклар бир неча ёқали ёки пелеринали редингот кийганлар (5-расм, чапдан).



5-расм

Соч турмаклари асосан калта, бош кийимлар – икки ёни букилган баланд шляпалар.

**Пойафзал.** Бу даврда этиклар ва туфлилар энг кенг тарқалган пойафзаллар бўлган.

Ампир услуби аёллар либосига жуда катта таъсир қилди. Либос пропорциялари 18-аср охиридаги каби сақланди. (баланд беллар фигурани 1 : 7 ёки 1 : 6 нисбатда бўлади. Тўғри узун юбка ва тор лиф).

1809 йил либосда яна корсет пайдо бўлди. Қалин қимматбаҳо матоларни либосда қўлланилиши либос пластикасини ҳам ўзгартириб юборди. Унда катта декоратив элементлар: рюшлар, тўрлар, кашталар, бурмалар (оборка)

пайдо бўлди (5-расм). Кўйлақлар қалин шойидан ёки юпка харир матолардан лекин қалин шойи астарли қилиб тикилган ва оқ юзага олтин ва кумуш ипдан ялтироқ пайеткалар билан кашталанган. Кўйлақлар шлейфли, паст декольтели, кенг манжетли, калта фонарик енгли бўлган.

Кўйлақнинг пастки қисмида безакларнинг кўпайиши туфайли аёллар либоси анча оғирлашиб борди. Юбкалар турли кенгликдаги оборкалар, тўрлар, фестонлар билан безалган. Елка чизиғи кенгайди. Кўкрак чизиғи юқоридагилигинча қолган, бел чизиғи пастлаб табиийликка яқинлашади. Бунинг натижасида, фигура баландроқ ва тик қоматли кўриниш касб эта бошлади.

Бу даврда кишилар ўртасида табиатга қизиқишнинг ортиши туфайли сайрларга чиқиш ортди. Бу ҳолат аёллар либоси ассортиментининг кўпайишини тақозо этади. Калта спенсерлар (6-расм, ўнгдан), жунли ёки ип матодан тикилган, бархат ва атласдан безак (отделка) қилинган (қишда пахта астар ёки мехли), бир бортли рединготлар (6-расм, чапда) пайдо бўлди. Устки кийим кўйлақни бичимини, силуэтини ва деталлар формасини такрорлайди.



**6-расм**

**Либос вуаллар, ток типидagi шляпалар, узун лайкали қўлқоплар, аксарият холларда бармоқларсиз қўлқоплар билан тўлдирилган.**

**Пойафзал. Туфли — очик, текис, теридан ва паст пошнаלי.**

## 1830—1860 йиллар либоси. Моданинг кескин ўзгариши.

1830 йил Германия, Франция ва бошқа европа мамлакатларида санъатдаги бош йўналиш романтизм бўлди. Унинг эстетик идеали – мустақилликни, курашни, иш юритиш ва ташкил этишни чин дилдан истовчи кучли шахс. Ушбу оқимга ўтмишни, асосан ўрта асрларни идеаллаштириш характерлидир.

Инсон ташқи кўриниши ва либосида романтизм таъсири орқали кўтаринкилик, эҳтирос, орзумандлик, хаёлпарастлик, эргаштириш сингари сифатлар кўзга ташланади.

Эркаклар либоси ассортименти ва асосий формалари ўзгармаган холда қолди. Асосий эътибор кўшимчаларга, қимматбаҳо жун, юпка канопа матоларга бўлди. Бал учун кийиладиган фракларга бархат, жилетларга турли рангдаги парча матолар қўлланилди. Ўрта асрлардаги узун плаш ва учли туфлилар яна урф бўлди.

Аёллар либосида юқори қисми ва тирсак чизиғи кенг енгли, пахта туширилган елка, узун кенгайтирилган юбка ва бел ингичка қилиб тортилган қаттиқ корсетли кўйлақлар устунлик қилди (7-расм). Ёрқин атлас, бархатдан тикилган бундай либослар ленталар, тўрлар, кўшэтаклар билан безалган. Уларни хашаматли безаклар, хусусан, туякуш патлари, гуллар, заргарлик безаклари, вуалли бош кийимлар бегаб, тўлдириб турар эди.

Романтик либосда аёллар ва эркаклар силуэти деярли бир хил: кенг елка, кенгайтирилган енглари, кўкракни, белни қаттиқ сиқиб туриш, бўкса чизиғининг кенглиги етакчилик қилади.

40-50 йилларда эркаклар либосида бир қанча ўзгаришлар содир бўлади. Амалийлик, мақсадлилик бу даврда ғалаа қилиб, қопсимон силуэт ҳаётга кирди. Фрак тантанавор кийимга айланади. Кундалик кийимда фрак ўрнига анча қулай, ёпиқ, тугмаланадиган сюртук кириб келди. 60-йилларга келиб эса сюртукни пиджакка (ўтмишда ов либосининг бир қисми бўлган) алмаштиришади. Уни шим ва жилет билан бир хил матодан тика бошлашади. Ундан ҳам аввалроқ эркаклар устки кийимида калта, тўғри силуэтли пальто



пайдо бўлди (8-расм). Ранглар гаммаси бирмунча чекланган, у тўқ ранглар (кўк, жигарранг, яшил, қора) дан иборат. Матолардаги расмлар – катак ва ингичка чизиқ. Ёзги ассортимент асосан кулранг, оқ ва қаймоқ ранглардан иборат.



7-расм



8-расм

Асосий бош кийим цилиндр сақланиб қолади. Оёқ кийим – этиклар ва қора рангдаги ёпик туфлилар.

Аёллар либоси умуман бошқа йўналишда ривожланди. Буржуазия жамиятида аёллар фаолияти чегараланган. Улар асосан оқсуяк хонимларнинг кўнгилочар тадбирлари, санъат билангина чегараланади. Аёл буржуй, ишбилармон, фабрикант эрининг омадлари билан безанган ўйинчоққа айланади. Унинг либоси шакли қулайлик ва амалийликдан анча узоқ. Дабдабали, қимматбаҳо матолар, отделка ва безаклар билан тўлдирилган, тез-тез моданинг ўзгариши буржуа юқори табақасининг аёллар либосининг характеристикасидир. **Эклектизм** – XIX аср буржуа санъатиган хос турли тасвирий услубларнинг механик қоришуви бўлиб, бу ўз навбатида либосда ҳам намоён бўлган. Давр мобайнида либос беаги, конструктив ва декоратив ечими, матолар орнаменти, ранги, фактурасида антик давр, готика, барокко, рококо элементлари қўлланилганини кузатиш мумкин.

40-50 йиллардаги аёллар либоси силуэти ва формаси аниқ пропорциялар, табиий елка ва бел чизиғлари, бўкса чизиғининг катталашуви билан

характерлидир. Катта енг, хашаматли бантлар ва енгилтабиат кўринишдаги соч турмаклари йўқолиб, сочлар тўғри таралиб, икки томонга локонлар туширилган. Ингичка бўйин, пастга томон нишабланган нозик тор елкалар тор енглр билан яқунланади. Гавданинг нозик корсет кийдирилган юқори қисми кенг юбкага худди навда сингари солиб қўйилгандек тассурот уйғотади... Юбка от мўйидан қилинган чехол - кринолин (франц. тилидан олинган бўлиб, *crin* — от мўйи, *lin* — каноп маъноларини англатади) билан ушлаб турилиб, унинг хажми йилдан йилга катталашиб борди. 60-йилларга келиб юбка этагининг диаметри 2,5 — 3 мга бориб, ён томондан торайиб, орқа томонга узайтирилганди (9-расм).



9-расм

60-йиллардаги катта, хашаматли юбкалар кенг бурма ва воланлар, мато нақшларидаги каймалар, тишчалар, фестонлар билан безалган. Либос тарихида бу давр иккинчи рококо деб аталади.

Бу давр аёллар либосининг характерли томони унинг ассортиментга бойлиги билан характерланади. Булар тонги либос, сайр учун либос, тушлик ва кечки либослар.

Либосда кўлқоплар, соЯбонлар, заргарлик буюмлари, хусусан зираклар, тўқа-тқғноғичлар, билакузуклар, занжирлар, узуклар асосий ўринни ўйнаган.

Шляпаларнинг кенг хошияси баланд кўтарилган бўлиб, ўз шаклини сақлаб қолган.

Бу давр пойафзалининг ўзига хослиги паст пошнали ва квадрат учли эканлигидадир.

### **1870—1890 йиллар либоси**

70-80 йиллар давомида эркаклар либосининг стандартлаштириш ва стабилизациялаштириш бошланади.

Эркаклар либосини саноатлаштириш жадаллашади ва аср охирига келиб индивидуалликни сиқиб чиқаради.

Аёллар либосининг силуэтида бир қатор ўзгаришлар содир бўлди. Матоларнинг янги, хашаматдор, қимматбаҳо турларининг пайдо бўлиши бу давр либосларини характерлайди. Хусусан, бу ҳолат ички кийимларнинг турларининг бойишига ҳам хизмат қилди.

Хашаматли матолар ва тўрлар либосдаги ажойиб безаклар билан уйғунлашган.

Кўйлакнинг каркас асоси шакли ўзгарди. Узун корсет билан тортилган, тик қомат ва нозик аёл фигураси русалка образига қиёслана бошланди (10-расм).

70-йиллар охирида либосларни моделлаштиришда янги ғоя ва тимсоллар пайдо бўлди. Халқ либоси ва шарқона шаклларга қизиқиш ортди. Илк бор денгиз мотиви кўлланилди. Лекин ўтмиш тасвирий услубларидан фойдаланган каби буларда ҳам аниқ бир тасвирий ечим йўқ эди: халқ нақшлари мода оламидаги етакчи кўйлакка механик тарзда ўтди; “денгиз” либосларида ёрқин кўк тасма, икки қатор якорли тугмалар, баланд турнюр билан драпировкаланган бош кийимлар, майда плесировкали оборкали юбкалар урф кирди (11-расм).



10-расм



11-расм

Аёлларнинг уй кийимида англи кимоно халат пайдо бўлди (12-расм).

Спортга қизиқишнинг ортиши ва унинг ривожланиши аср охири кийимларига ҳам катта таъсир қилди. Эркаклар либосида гольф типига калта шимлар, енгил курткалар, рангли кўйлақлар, юмшоқ фетр шляпалар пайдо бўлди. Аёллар либосида эса янги ассортимент яратилди. Бу сукнодан тикилган юбка-шим ва калта жакет (13-расм)дан иборат. Янги либослар констуктивлик ва мақсадлиликнинг йўқлиги билан характерланади.



12-расм



13-расм

Аёллар орасида блузка, юбка ва жакетдан иборат бўлган инглиз либоси кенг тарқалди. Эркаклар ёқаси типига оқ крахмалланган ёқалар,

галстуклар, манжетлар кўйлақларга янада оддийлик, қатъийлик ва ишчанлик кўринишини берарди.

90-йилларда аёллар либосига буржуа санъатидаги эклектизмни рад этадиган янги туғилаётган модерн (замонавий, янги) услуби кириб келди.

Янги услуб либосда гўзалликни хис эта оладиган кўринишда кириб келди. Кўйлақлар тор лифли, ингичка белли, этаги томон кенгайган клеш юбкали, пастга қараб кенгайтирилиб, этак қисми бурмалаб тор кантга йиғилган енгли, тор елкали, баланд ёпиқ шаклга кирди. Корсетнинг янги формаси қоматга s - симон эгиклик берган (14-расм).



14-расм

Аср охирига келиб бош кийимлар баланд тюл ва кичик поляли қиёфага келди. Соч турмақларининг баландлиги ортиб боргач, улар гуллар, патлар ва кушларнинг кичик чучелалари билан безакланган наколкалар шаклини олди.

Кўлқоплар, муфталар, сумкалар зарурий кўшимчалар бўлган.

Пойафзаллар турлари кўпайди. Бу даврда шнур билан боғланадиган ёки тугмали баланд ботинкалар, тўқали, бантикли, розеткали, баланд пошнапи, рангли ва қора чарм ёки шойи ишланган аёллар туфлилари урф бўлган.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. Француз рассоми Жак Луи Давид томонидан яратилган янги либос ҳақида сўзлаб беринг.*
- 2. 1800—1825 йиллар “ампир” услуби, Наполеон империяси даврида аёл ва эркаклар либосларини таърифлаб беринг.*

3. 1800—1825 йиллар эркаклар ва аёллар либоси ҳақида нималар биласиз?
4. 1830—1850 йиллар эркаклар ва аёллар либосига таъриф беринг.
5. 1850—1870 йиллар эркаклар ва аёллар либоси ҳақида нималар биласиз?
6. 1870—1890 йиллар эркаклар ва аёллар либосига таъриф беринг.

## **УЧИНЧИ БОБ**

### **XX ВА XXI АСР ЛИБОСЛАРИ**

#### **XIX аср охирида “кутюрье” тушунчасининг пайдо бўлиши.**

XIX аср иккинчи ярмида Франция ўз тарихидаги осойишта, тинч даврларнинг бирини кечирмоқда эди. Бурбонларни ўз тахтига қайтарган Реставрация даври осонликча орттирилган бойликларини намойиш қилиб, “кўз-кўз” қилиш истагида юрган бир талай нуворишлар - янги бойваччаларни пайдо қилди. Модада бу ўта дабдабалик, аёллар либосларининг безакларга ўта тўйинганлиги, рококо давридаги либосларга қизиқиш билан ўз аксини топди.

Шу вақт мухитини акс эттирувчи услубни яратиш Чарлз Фредерик Вортга (1825-1895й.й.) тақдир тақозоси билан насиб этган эди. Чарлз Вортни ҳаққоний “Haute Couture” - “от-кутюрь”<sup>1</sup> йўналишининг отаси деб аташади. Айнан у тикишни олий, юксак санъат даражасидаги кўтарилиш анъаналарига асос солди.

Шон-шуҳрат Вортга бир зумда келди: сарой қабулига таклиф этилган Мадам Меттернинг Чарлз Ворт яратган кўйлақда келиши – модельер юлдузининг кўтарилган (чарақлаган) куни эди. Кўйлақнинг ғайриоддий

---

<sup>1</sup> Haute Couture - (французча талаффузда “от – кутюр”) – олий даражадаги тикиш, ёки юқори санъат даражасидаги тикиш маъносида) – ҳозирги вақтда “юқори мода”, “олий мода” маъносида ишлатилиб, энг юқори синф даражасидаги кийимларни яратиш тушунилади. Бундай синфга ёки туркумга кирувчи кийимлар ягона нусхада бажарилади, буларга асосан қўл меҳнати ишлатилади. Нафақат кийим тикилиш жараёни, балки мато ёки материал олиш жараёни, безак турлари ва бошқалар ягона, такрорланмас бўлади.

кўриниши император Наполеон Шнинг рафикаси Евгения Монтихонинг кизиқишини уйғотади. Император рафикасини қизиқтирган нарса эса кринолин бўлиб, у пишиқ тасмалар билан ўзаро туташган енгил сим чамбараклардан иборат эди. Чарльз Ворт ихтиро қилган кринолиннинг тузилиши ва шакли абажур<sup>2</sup>га ўхшар эди. Кринолин ихчамгина калла, елкалар ва хипча белли жусса учун бамисоли пьедестал<sup>3</sup>дек кўринган, у аёл гавдасига маълум даражада дабдабаликни, аёлларнинг қадам ташлашига эса яққол кўзга ташланадиган “олижаноб”ликни бахш этар эди. Кринолиндан сўнг 1867 йилда турнюр шаклига ўхшаш юбкаларни, ундан сўнг эса турнюрли кўйлақларни таклиф этди. Шундан бери Ворт император рафикасининг шахсий тикувчиси ва сарой айёнларининг кийим билан асосий таъминловчисига айланди.

**XIX охири ва XX аср бошлари. Аёллар либосини ислох қилиш учун қилинган ҳаракатлар.** XX аср бошларида аёлларнинг ўз эмансипация<sup>4</sup>си учун курашиш ҳаракатлари кучайиб кетади. Аёлларнинг жамиятда эркакларга нисбатан пастроқ ўринларда эканликлари ўша замондаги ноқулай, кўп метрли узун юбкалар ва шлейфлар, корсет, кринолин ёки турнюрдан иборат либосда ҳам ўз аксини топган эди. Бу либос эркакларнинг қулай, ихчам ва гигиенабоп, актив ҳаёт тарзига тўла жавоб берувчи либосларининг акси (тескариси) эди. Шунинг учун биринчи навбатда феминисткалар аёллар либосини ислох қилишни таклиф эта бошладилар. Бунинг учун эркаклар шимини ва албатта, эркаклар либоси учун ишлатиладиган матоларни ўзлаштириш лозим деб топилган.

---

<sup>2</sup> абажур – (французча “abat - jour” ёруғликни қайтарувчи маъносида) – кўзга ёруғлик тушмаслиги учун чироққа кийдириладиган қалпоқ ёки қоқоқ).

<sup>2</sup> пьедестал - (французча “pedestal” ) - ҳайкал тагидаги супача; таг курси.

<sup>4</sup> эмансипация – фран. (emancipation) < лот. - қадимги римликларда – уй соҳиби ҳукмдорлигидан озод қилиш. Кенг маънода – қарамлик, тобелик, эрксизлик, қулликдан озод бўлиш. Аёллар эмансипацияси – аёлларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий тобеликдан озод бўлиши, аёллар ҳуқуқларини эркакларники билан тенглашиши

Аёллар либосини ислоҳот қилишнинг яна бир йўналиши – корсетларга қарши курашиш бўлган. XX аср бошларида корсетлар хаддан ташқари бежамдор бўлиб, инсон гавдасини S ҳарфига ўхшаб буралишга

мажбур қиларди, бу эса корсетнинг аёл соғлигига путур етказишини исботлашга уринаётган шифокорларни ваҳимага соларди. Рентген нурлари кашф этилгач, мода талаб қилган корсетли либоснинг оқибатини, яъни корсет таққан аёлларда ички аъзоларнинг эзилиш ва шакли ўзгариш ҳоллари кўп тарқалганлигини яққол кўриш мумкин бўлди. Оғирлиги елка камарига тушадиган бичимли кийимлар қулайроқ ҳисоблана бошланди. Бундай хулоса белга ним ёпишиб турувчи, этаги кенгайтирилган “реформа” - кўйлақларнинг яратилишига асос бўлган.

Илк бор ички кийимни “нафас олувчи” пахта толали, осон ювиладиган комбинезонлар билан алмаштириш таклиф этилган. Шакли нисбатан қулай либослар кўпроқ спорт билан шуғулланиш учун таклиф қилинган (мисол учун: ўша пайтда урф бўлган велосипед учишда юбка-шимлар кийилган). Улардан кўплари, масалан трикотаж буюмлар, ҳозирги замонавий либослар орасида ўз ўрнини топган. Аёлларнинг спорт либосларида тақилмалари олд қисмида бўлиб, юбкалар эса тахламали ёки тақилмаси этагигача бўлган. Ўша даврдаги аёлларнинг спорт учун либослари фақат шуниси билан кундалик либослардан ажралиб турган. 1913 йилда К. Шанель мижозларига трикотаждан тикилган қулай спорт либосларини таклиф этган. Бундай спорт учун мўлжалланган либослар XX асрдаги кўпқиррали костюмлар шаклланиши учун асос яратиб борган.

**XIX аср охири ва XX аср бошларидаги “эстет” либослар.** 19-аср охиридаги мода таклиф этаётган либосларни ислоҳот қилиш таклифи билан нафақат феминисткалар, балки “модерн” (Францияда - “ар-нуво”, Германияда - “югендштиль”, Австрияда - “сецессион”, Италия ва Англияда - “либерти”) услубини яратган архитектор ва рассомлар ҳам чиққанлар. Модерн услуби 1880-1890 йиллардаги мавжуд бўлган санъатдан кониқмаслик шароитида ва ундаги эклектика<sup>2</sup>га қаршилик сифатида



шаклланган. Рассом ва архитекторлар санъат барча шаклларининг синтезини яратиш ва яшаш муҳитини баркамоллаштириш орзусида эдилар. “Модерн санъати” социал утопия бўлишига қарамай, унда бадий ғоянини яхлитлигига интилиш каби янги хусусиятлари бор эди. Уларнинг фикрича, меъморчилик, маҳобатли рангтасвир, ҳайкалтарошлик воситалари орқали яратиладиган янги муҳит одамга қаттиқ эмоционал таъсир кўрсатиб, унинг “қайта туғилишига” ёрдамлашиши даркор эди.

Бу даврда либос конструкцияси ва безагининг ўзаро боғлиқмаслиги эклектикада ўзининг юқори нуқтасига чиққан эди. Бундай номуносибликларни тузатиш бадий кашта, турли безаклар билан тўлдириш ҳисобига эришилган. Модерннинг бошқа бир йўналиши – фольклор ва миллий анъаналарга мурожаат этиш либосда унчалик кўп намоён бўлмаган. Агар меъморчиликда ҳар бир мамлакат модернининг ўзига хос миллий йўналишлари (Россияда – “неорусча услуб”, Испанияда – А.Гаудининг каталонча модерни ва ҳ.к.) мавжуд бўлган бўлса, либосда Париж тикувчилари таклиф этган услублар устун бўлган. “Миллий романтизм” ана шу таклиф этилаётган услублардаги либосларнинг фақат безагида – замонавий силуэтли либоснинг миллий руҳдаги нақш билан ҳашамланишида намоён бўлган.

**Париждаги Рус мавсумлари.** 1908 йилда Парижда С.П.Дягилев труппаси томонидан “Борис Годунов” операсининг намоёниши билан атоқли “Рус мавсумлари” бошланади. Бунинг ташаббускорлари А.Н.Бенуа бошчилигидаги “Санъат дунёси” (“Мир искусства”) ташкилотининг рассомлари бўлиб, улар ғарбий Европа аҳолисини Россия санъати билан таништириш иштиёқида бўлишган. Россия хореографияси ва театр-декоратив санъати Европа балети ривожланишининг янги йўналишига туртки бўлди. Буларнинг бойиси вокал ҳамда драматик шаклнинг хореография ва мусиқа билан, сахнадаги ҳаракатнинг сахна декорацияси билан мукамал уйғунлашганлигида эди. 1910 йиллар модасига Леон (Лев) Бакстнинг эскизлари асосида яратилган театр либослари алоҳида таъсир

кўрсатган. Бакст яратган ҳашаматли эскизларнинг ўзи эса мода тасвирчилари, сураткашлари учун намуна бўлиб қолган. Л. Бакст либосларида 19-аср иккинчи ярмида мавжуд бўлган иккита ғоя (тенденция): Шарқ экзотикаси ва антик санъат билан қизиқиш янгича қиёфада гавдаланди.



**1-расм. Леон Бакст. “Шохрезада” спектакли учун бажарилган либос эскизи. 1910 йил. Дягилевнинг рус балети сезонлари урушдан олдинги Париж ва Лондонда шов-шувга сабаб бўлганди. Леон Бакстнинг экзотик костюмлари маданий ҳаёт ва модага бўлган таъсири катта эди.**



**2-расм. Леон Бакст. Замонавий либос ёки модерн, “Диана”, 1910 йил, қалам ва акварел, Бриджман Санъат кутубхонаси. Рус балети гастролларидан илҳомланган Бакст Пуаре ва Дюфи учун ушбу эскизни яратган.**

## *Назорат учун савол ва амалий топшириқлар*

---

1. *“Haute Couture” тушунчасига таъриф беринг.*
2. *XIX аср охирида “кютюрье” тушунчасининг пайдо бўлишига қайси модельер сабабчи бўлган?*
3. *XIX охири ва XX аср бошларида аёллар либосини ислох қилиши учун қилинган ҳаракатлар либосда қандай ўзгаришларга олиб келди?*
4. *Шу даврда аёлларнинг спорт билан шугулланиши учун қандай либослар пайдо бўлган? Либосларнинг ўзига хос томонлари ҳақида гапириб беринг.*
5. *19-аср охиридаги “модерн” услубининг пайдо бўлиши сабаблари ва хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.*
6. *Париждаги “Рус мавсумлари” деб қандай ҳодисаларга айтилади? Улар ҳақида сўзлаб беринг.*

### **XX аср 10-20- йилларда моданинг ривожланиши.**

**Поль Пуаренинг ижоди.** Л.Бакстнинг ғоялари “Рус мавсумлари” билан бир қаторда париж модасига, ва айниқса, Поль Пуаренинг ижодига кўп таъсир кўрсатгани юқорида айтиб ўтилган эди. Баъзи тарихчиларнинг фикрича, тақдир тақозоси билан XX аср модасининг яратувчиси ҳамда буюк ислоҳатчиси бўлиш Пуаренинг зиммасига тушган. У соҳадаги “яккаҳоким” сифатида аёллар жамоли ҳақидаги ўз тассавурини оммага сингдира олган “мода ҳукмдори”, “мода диктатор”ларидан биринчиси эди.

П.Пуаре аввал 1898 йилда “Раудниц”, сўнг 1899 йилда “Жак Дусе” модалар уйида рассом сифатида ишлай бошлади. Айнан шу ерда ишлаётганда у таниқли актриса Габриэль Режан учун сахна либосини яратган. Бу либос қора тафтадан тикилган манто бўлиб, матоси сиртига безак сифатида оқ, пушти ва бинафша ранг гулсафсарлар чизилган, уларнинг устидан эса қора тўр ёпилган эди. Спектакль премьераси пайтида айнан шу либос ҳақиқий шов-шувга сабаб бўлди ва шундан сўнг либос муаллифи - Пуаренинг номи тилларга олинисни бошлади.

1901 йилда, армия хизматидан сўнг, Пуаре “Ворт” модалар уйида ишлай бошлади. 1903 йили П.Пуаре кейинчалик машҳур Модалар Уйига айланган ўз ательесини очади. 1906 йилда бу кутюрье таклиф этаётган либослари шаклини ўзгартириб бориши ҳисобига ўша пайтда мода бўлган силуэтнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади. У либослардаги бикр корсет ва бесунақай ички кийимлардан воз кечиб, ўрнига корсети вулканизация қилинган резинадан, бел чизиғи табиий ҳолатдан кўтарилган, содда шаклли либосларни таклиф этади. П.Пуаре эмансипация тарафдори бўлмаган бўлса-да, айнан у аёллар либосидаги корсетни умуман бекор қилди.

1907 йилда Пуаре “неогрек” услубидаги, бел чизиғи кўтарилган, ёрқин рангли кўйлақлар таклиф этади ва уларни “1811 йил кўйлақлари” ёки “Директория кўйлақлари” деб атаиди. 1910 йилларда “Неогрек” услуби кенг тарқалган бўлиб, антик мавзуга берилиш архитектура, амалий санъат ва интерьер безатишда кузатилар эди.

Пуаре ўша пайтдаги замонавий либоснинг тузилиши-конструкциясини ўзгаришига таъсир кўрсата олади. У туфайли модага кимоно бичимли энг, асимметрик жойлашган тақилмалар, асимметрик драпировкаланган устки юбкалар (тюник), овал силуэтли пальтолар, шарқона халатларни эслатувчи кенг энгли оқшом учун башанг пальтолар кириб келади. Салласимон бош кийимларни кийиш учун Пуаре орқада ихчам тараб тутамланган ёки калта қирқилган соч турмагини таклиф этди.



3 -расм. Трафаретли босма усули қўлланган либос эскизлари. Поль Ириб.

**Биринчи жаҳон уруши даврида либослардаги ўзгаришлар.** П. Пуаренинг либосга киритган ўзгартиришлари XX аср модасининг қандай бўлишини белгилаб берган бўлса ҳам, оммавий модадаги туб ўзгаришлар Биринчи жаҳон уруши (1914-1918) даврига тўғри келди. Шу вақт мобайнида Австро–Венгрия, Сербия, Германия, Россия, Франция, Англия, Италия, Япония, Туркия, Болгария ва Америка Қўшма Штатлари ўзаро урушишган. Бу уруш янги тарихдаги бурилиш нуқтаси бўлиб, нафақат Европанинг сиёсий харитасини, балки ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириб юборган. Урушда қатнашаётган мамлакатлардаги 74 млндан зиёдроқ ҳарбий хизматга чақирилган эркаклар ҳарбий форма кийган. Хаки<sup>5</sup> ранги уруш тимсоли бўлиб қолган. Униформа нафақат ўша даврнинг оммавий либосларига, балки бутун XX аср модасига ўз таъсирини кўрсатган – ҳарбийлар кийимидаги кўп элементлар кундалик либосларига кириб келган.

Уруш пайтида эркаклар жанг қилаётган бўлса, аёллар фронтга кетган эркакларнинг ўрнини босишга мажбур эди. Тарихда биринчи марта аёллар госпиталь, фабрика, ҳарбий заводларда ишлай бошлашган, трамвай ҳайдовчи, хат ташувчи, чиптачи бўлиб хизмат қилишган. Ҳайр-эҳсон мақсадида оқсуяк (юқори табақадаги аёллар) хонимлар мухтожларга ёрдам бериб касалхоналарда ҳамширалик қилганлар, уларнинг оқсочлари эса иш хақи каттароқ бўлгани ва ҳеч бўлмаганда махсус кийим берилгани сабабли ҳарбий заводларга ишга кирган.

Аёллар биринчи марта униформа: хизматчилар - комбинезон, почтачи ва чиптачилар – калталаштирилган этаги кенг юбка, форма курткалари билан фуражка, ҳамширалар - қизил хоч чизилган оқ рўмол билан оқ ёки кулранг халат кийганлар.

---

<sup>5</sup> хаки – хинд.< форс. (захил, тупроқ ранг < hak – тупроқ, ер) –кўнғимтир-яшил ранг (химоя ранги деб ҳам ном олган), ёки шу рангдаги мато. Ҳарбийларнинг шу рангдаги формасини ҳам баъзан хаки дейишади.

Серҳаракат ҳаёт тарзи, озиқ–овқат, ёқилғи ва мато танқислиги нисбатан қулай кийим кийишни тақозо этар эди. Айнан Биринчи жаҳон уруши даврида шаклланган либос аёлларнинг XX асрда кийиладиган либоси қандай бўлишини белгилаб берди. Яъни, юбкалар калталашди; корсет ва “беданақадам” юбкалардан воз кечилди; мураккаб соч турмаклари, катта ҳажмдор шляпалар барҳам топди. Уларнинг ўрнига ҳарбийлар форма кийимидан олинган функционал деталлар – френчларникига ўхшаш қайтармали ёқалар, “стойка авиатора” деб аталган баланд тик ёқалар, коплама чўнтақлар кенг русум бўла бошлади. Аср боши модасидаги аёллар либоси учун одатий безаклар (кашта, аппликация, нафис тўрлар) эса кундалик кийимда йўқолиб кетди. Совун етишмаслиги ва тиф касаллигининг тарқалиши сочларни калта қирқишга мажбур қилди. Деярли барча корхоналар ҳарбий буюртмаларни бажаргани сабабли тинч аҳоли учун газлама, пойабзал ва шу кабилар етишмас эди. Кўпчилик ҳарбий формани ўзгартириб ўзига либос тикишга мажбур эди.

Қўлда тўқилган трикотаждан жакет, кардиган, жемпер, шарф ва қалпоқлар модага кириб келди. Эркақлар либосидаги бошқа элементлар – гетралар, фетр шляпалар, кашне-шарфлар ҳам кенг тарқалди. Ички кийим ҳам анча соддалашди: бюстгалтер ва узун пайпоқ учун белбоғлар корсетлар ўрнини тамомила эгаллади. Корсетлардан воз кечилиши беўхшов кенг кўйлак ва жакетларнинг тарқалишига сабаб бўлган.

Олий (юксак) мода ҳам уруш даври талабига буйсунишга мажбур бўлган, ҳатто П. Пуаре ҳам ҳарбий буюртмалар бўйича ишлаган. Бошқа Мода Уйлари – “Пакэн”, “Ворт”, “Дойэ”, “Люсиль” кабилар таклиф қилган кундалик либосларда ҳарбий кийим таъсири сезилиб турса-да, аммо башанг либосларда урушгача мода бўлган кийим элементларини – жиғали салласимон бош кийимлар, шарқона услубдаги (бел чизиғи кўтарилган, лекин аввалгига нисбатан кенгроқ ва калтароқ юбкали) кўйлақларни кўриш мумкин эди.

Уруш даврига Коко Шанелнинг ҳам модали кийим яратувчиси сифатида илк ютуқлари тўғри келган. Бошқа кутюръелар мато танқислигини сезаётган бир пайтда у ўз корхонасини яна ҳам кенгайтиришга муваффақ бўлган. Шанель 1913 йили Довилль курорт шаҳрида очилган корхонасида дам олиш учун спорт услубидаги либосларни ярата бошлади. У яратган содда бичимли оддийгина кўйлак ва костюмлар уруш пайтида харидоргир бўлган. Бироздан сўнг Шанель ўз корхонасини Бьярицц шаҳрига кўчириб, олий Модалар Уйини очади ва мижозларига ўша даврда устки кийим учун ғайриоддий материал - трикотаждан тикилган либосларни таклиф этади.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. Нима учун Поль Пуарени “мода диктатор”и деб аташади?*
- 2. Поль Пуаренинг ўз даврида либос модасига киритган янгиликлари ва ўзгартиришларини айтиб ўтинг. Уларга изоҳ беринг.*
- 3. Аёллар илк бор униформа кийишига нима сабаб бўлган?*
- 4. Нима учун айнан биринчи жаҳон уруши даврида аёллар либосларининг келажакда қандай бўлиши белгиланди? Жавобингизни тушунтиринг.*
- 5. Шу даврдаги юксак мода уйлари фаолияти ва модадаги услублар ҳақида гапириб беринг.*
- 6. Сизнингча нима учун К.Шанелнинг бу даврдаги ютуқларини нималар шакллантирган? Жавобингизни мустақил тўплаган маълумотлар билан тўлдиринг.*

## XX аср 20-30-йилларда жаҳон модасининг ривожланиши.

**Янги шакл ва янги матолар.** Биринчи жаҳон уруши тугагандан сўнг кулайроқ кийимга бўлган эҳтиёж юбкаларнинг янада калталашувига олиб келди: агар 1920 йиллар бошида айрим тикувчилар бел чизиғи бироз пастрокда бўлган, узунлиги товонгача тушадиган кенг кўйлақларни таклиф қилишган бўлса, 1925 йилга келиб юбкалар қисқариб тиззагача, 1927 йилда эса ундан ҳам баландроқ кўтарилган. Эркаклар шими аёллар гардеробига аста-секин ўрнаша бошлади. 1920 йилларда шимлар дам олиш (пляж учун мўлжалланган ансамблдаги кенг шимлар) ва уй ичи кийими (шойи пижамалардаги зуав<sup>6</sup>лар иштониغا ўхшаш) сифатида модага кириб келди..

Аёлларнинг жамиятдаги янги роли ўз аксини ўша даврдаги бироз гротескли, антиқа “а ля гарсон” (французчадан сўзма-сўз таржимада - “ўғил бола каби”) образида акс этган. 1920 йилларда ўғил болаларникига ўхшаш жусса намуна ва гўзаллик тимсоли бўлган бўлса, аёллар ўз назокатини ёрқин “вамп-аёл”<sup>7</sup> пардози (макияжи) эвазига тўлдирганлар. Бундай пардозли чехра “а ля гарсон” либосида эътиборни ўзига жалб этувчи композицион марказ бўлиб ҳисобланган. Худди кино қаҳрамонларининг гримига ўхшаб кўз ва қовоқларнинг қоп-қора, лабларнинг яққол кўзга ташланадиган тўқ қизил қилиб бўялиши маъшум соҳибжамол образини яратишга хизмат қилар эди. Йигирманчи йиллар иқтисодий ривожланиш даври бўлиб, Европа уруш қийинчиликларидан сўнг ўзига келаётган, ғолиб мамлакатлар ғалаба нашидасини сураётган давр эди. Иқтисодий ўсиш, саноатнинг ривожланиши, қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги чайқовчиликнинг авж олиши – буларнинг ҳаммаси “олтин йигирманчи йиллар” услубини шакллантирди.

---

<sup>6</sup>зуав – фран.[zouave]<аток.(араб.) 1) француз армиясига зуава қабиласидан ҳарбий хизматга олинган пиёда аскар; 2) французлардан терилган зуавлар корпусидаги арабча либос кийиб юрувчи солдатларнинг номи.

<sup>7</sup>вамп – вампир сўзининг қисқартирилгани; вампир – (нем.<сканд.) – 1) консўрар; 2) бировнинг қонини сўрувчи, қонхўр, золим. Бу ерда шум, маъшум, фалокатга олиб боровчи аёл маъносида



Урушдан қайтганлар “бой берган” имкониятларининг ҳиссасини чиқариш учун вақтларини маишатда ўткази бошладилар. “Олтин давр” ёшларининг ҳаётига спорт, автопойгалар, самолётда учишлар билан бир қаторда ичкилик, секс, опиум, никотин каби оғулар кириб кела бошлади. Маишатнинг яна бир тури сифатида Европа ва Америкада рақс билан ишқибозлик (дансингомания) кенг тарқалди. Рақсларга ишқибозлик ўша давр либосларига ўзига хос ўзгартиришлар киритди, у бирмунча “енгиллашди”, турли эрмак ва вақтичоғликлар учун мослаштирилди. Қалта кечки кўйлақлар тонг отгунча рақс тушишга халақит бермаган, уларнинг этагидаги майда ипак ёки мунчоқ-бисер<sup>8</sup>лардан терилган шокилалари модалари рақсларнинг ўзига хос пластикаси ва ритминини таъкидлаган, мустаҳкам пошналар ва қулай тасмалари пайабзал чарчамасдан рақс тушишга хизмат қилган.

Корсетлардан воз кечилиши орқа қисми очик кўйлақларнинг (1918 йилда П.Пуаре биринчи бўлиб намоёниш этган) мода бўлишига олиб келган бўлса, юбкаларнинг калталашуви тана рангидаги пайпоқларнинг оммалашувига олиб келди.

1920 йилларда рақс ва тунги маишатбозликлардан ташқари техника ва спортга қизиқиш ҳам ўсиб борди. Техникага сиғиниш модабоп либосга автомобиль ва самолёт ҳайдовчиларининг профессионал кийимларидан олинган функционал элементларнинг кириб келишига сабаб бўлди. 1919 йилда айнан спорт кийими ва актив дам олиш учун мўлжалланган либосларга ихтисослашган “Жан Пату” номли Олий Модалар уйи очилди.

Спорт либоси элементлари ҳам кундалик кийимларга кириб кела бошлади. Норасмий шароитда эркаклар пиджак ўрнига трикотаж кардиган ва пуловер кийишга журъат эта бошладилар. Ўртача кенгликдаги мумтоз бичимли шим ўрнига эса “гольф-шимлар” ёки пахмоқ “оксфорд шимлари” кийиларди. Умуман олганда, кийинишдаги аввалги қатъий талаблардан воз кечиш бошланди – цилиндр ва “котелок”лар кепи ёки юмшоқ шаклли шляпа

---

<sup>8</sup> бисер – арабча-майда дон, донача, заррача; каштачиликда қўлланиладиган шиша ёки металлдан ясалган, игна ёки ип ўтиши учун ўртаси тешилган мунчоқлар.

билан алмаштирилди, иссиқ кунда норасмий шароитда пиджаксиз ёлғиз кўйлақда юриш мумкин бўлди. Эркакларнинг башанг кийими сифатидаги фракнинг ўрнини смокинг<sup>9</sup> эгаллай бошлади.

Трикотаж кундалик кийимлар учун энг модабоп ашёга айланди. Жун ёки ипак трикотаждан джемпер ва пуловерларни, трикотаж кардиганларни, тўқилган шапкача ва шарфларни нафақат эркаклар, аёллар ҳам кияр эдилар. Бундай буюмлар ҳозирги кунгача ўз актуаллигини йўқотмаганлиги учун, уларни либосдаги ўзига хос классика даражасига кўтариш мумкин.

Сунъий шойи (аниқроғи, 1892 йилда ихтиро этилган вискоза) ва ипак креплар (1918 йилда Лиондаги “Бьянкини-Ферье” фирмаси томонидан ихтиро қилиб патентланган, ўта бурмабоп ва “тўкилувчан” хусусиятга эга бўлган, янгича ипак матолари: креп–ромэн, крепдешин, креп–марокен, креп–сатинлар) башанг ва ёзги либослар учун кенг қўлланган.

Бу орада тайёр либослар ишлаб чиқаришнинг фаол ривожланиши бошлади. Бу эса ўз навбатида мурраккаб бўлган тикиш технологияси ва либос конструкциясининг соддалаштирилишини талаб қилар эди.

**“Ар Деко” услуби ва 1920 йиллардаги “Юксак Мода”.** Тикув корхоналарининг тайёр кийим маҳсулотлари оммалашиб боришига қарамай, модани Париждаги юксак Модалар Уйи шакллантирар эди. 1920-1930-йилларга келиб бундай Уйлар мижозларининг сони 20 000 дан ошиқ бўлиб, улар таклиф этган “от-кутюр” кўйлақлари юқори табақа аёллари, кўмир ва нефт конлари “подшоҳ”ларининг хотинлари ҳамда Голливуд юлдузлари учун мўлжалланган эди.

Бу даврга келиб юксак мода яратувчилари орасида Биринчи Жаҳон урушигача очилган мода уйлари ўз мавқеларини йўқотиб, урушдан бироз олдин ва ундан сўнг ташкил топган “Жанна Ланвэн” (1909 й), “Мадлен Вионне” (1912 й), “Жан Пату” (1919 й), “Шанель” (1919 й), “Эдвард Молине”

---

<sup>9</sup> смокинг<sup>1</sup> – ингл.[smoking-jacket] – дастлаб уй ичида кийиш учун, аниқроғи тамаки чекиш пайтида кийишга мўлжалланган шойи халат. Унинг узун адип қайтармали ёқаси сирти силлиқ атласдан бўлган. Кейинчалик шакли ва матосидаги ўзгартиришлар ҳисобига эркакларнинг оқшом либоси сифатида кийилишни бошлади.

(1919 й), “Люсьен Лелонг” (1923 й), “Жак Хейм” (1923 й), “Марсель Роша” (1924 й) каби мода уйларига жой бўшатиб бердилар (4-расм А,Б).

Аксарият кутюръеларнинг моделлари шу даврда энг замонавий ҳисобланган “ар-деко” услубига монанд бежамдорлик, серҳашамлик билан ажралиб турарди. Санъатдаги бу йўналишни яна “зиг–заг услуби”, “джазнинг модерни”, “юлдузлар услуби” каби номлар билан ҳам атаганлар. Бу безовчи ва безатувчи буюмлар услуби эди. Безаклар барча жой ва буюмни – девор ва мебель сиртини (устини), декоратив мато ва диван ёстиқларини, аёллар либослари ва рўзғор идишларини қоплар эди. Хатто пойабзални ҳам расм ва нақш солиб, кашта ва аппликация билан безашган.



А



Б

**4.-расм. А - Мадлен Вионне кўйлагининг иллюстрацияси. 1924 йилда нашр этилган журнал саҳифасидан. Рассом Эрнесто Файахт.**

**Б - “Шанель” модалар Уйининг джерси трикотаждан таклиф этилган моделлари. 1917 йил.**

Бу йўналиш ўзининг “ар-деко” (“декоратив, безатувчи санъат услуби”) номини 1925 йили Парижда бўлиб ўтган Ҳунармандчилик ва амалий санъат Бутунжаҳон кўргазмасидан сўнг олган.

Бу даврда Ж.Ланвэн илк бор болалар ва эркаклар учун “от-кутюрь” либосларини яратишни бошлади.

XX асрнинг 20-йиллари “Поль Пуаре” Модалар Уйининг инқирозга юз тутган даври эди. 1929 йилда касодга учраган П.Пуаре ўзининг корхонасини ёпишга мажбур бўлди.

Фақат иккита модельер принципиал ўзгача ғояни таклиф этди. Илк бор рассом-модельерлар олдида “модадан ташқари” либос яратиш вазифаси турар эди. Бундай ғояларни либос моделлаштиришдаги ўзига хос инқилоб деса бўлади. Шунинг учун бўлса керак, айнан аёл модельерлар бу ғояни илгари сурдилар. Булар Мадлен Вионне ва Коко Шанель эди.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. XX асрнинг 20-30 йиллари мода ривожиди қандай давр эди?*
- 2. “А ля гарсон” образига таъриф беринг.*
- 3. Бу даврда либоснинг шаклланишига нималар таъсир кўрсатган?*
- 4. Бу даврдаги дансингоманиянинг либосга таъсири қандай бўлган?*
- 5. 20-йилларда эркаклар либоси қандай ўзгарган?*
- 6. “Ар Деко” услуби ва 1920 йиллардаги “Юксак Мода” қандай ривожланган?*

### **XX аср 30-40-йилларида мода**

**1930 йиллар модаси.** 1929 йилнинг октябрида Америкада рўй берган банк тизими инқирози туфайли бутун дунё иқтисодий инқирози бошланди. Шу сабабли бошланган “Буюк (Катта) депрессия” XX аср 30-йилларининг биринчи ярмига ўз таъсирини кўрсатди: пул қадрсизланди; ҳиссадорлик жамиятлари касодга учради; кўп корхоналар ёпилиши эвазига ишсизлик ўсди. 1932 йилга келиб АҚШ, Германия, Буюк Британияда миллионлаб ишсизлар бор эди. “Катта депрессия” иккинчи жаҳон урушининг ваҳимали саромасига замин яратди.

“Олтин йигирманчи йиллар”нинг беғамлиги ўтмишда қолди – ўттизинчи йиллар модаси амалий, босиқ, вазмин ва демократик бўлишга мажбур эди. Ўзининг бойлигин кўз-кўз қилиш салкам беадаблик ҳисоблана

бошланди. “Джаз ўн йиллиги”нинг дабдабалилиги янгича – сайқалланган шакл ва чизикларнинг “совуқ” ва “сокин” элегантлигига жой бўшатиб берди. “Ар-деко” услуби билан қизиқиш ҳам ўта бошлади.

Элегант оддийлик, ўзига хос билинар-билинемас “шик”, аввало элитар миждозлар учун яратилар эди, албатта. Кўпчилик учун у ҳали ҳам эришиб бўлмайдиган эди. Кўпчилик Модалар уйлари “Буюк депрессия” пайти учун барчани қониқтира оладиган услуб таклиф қила олмай, янги замонга мослаша олмади. Баъзилари инқироз пайтида ёпилди: 1929 йилда “Поль Пуаре” ва “Джон Редферн”, 1930 йилда “Дреколль”, 1931 йилда “Жак Дусе”, 1935 йилда “Мадам Шерюи”, 1937 йилда “Опа-сингил Каллолар” Модалар уйлари ёпилди. Ар-деко услубидаги бежамдор ва кашта билан ҳашамланган моделлар модалардан чиққанлиги туфайли рус каштачилик ва модалар уйлари кўпчилиги ҳам фаолиятини тугатди. Бу пайтда кашта билан шуғулланувчи уйлاردан М.Вионне, К.Шанель, Э.Скьяпарелли билан ҳамкорлик қилган “Лесаж” модалар уйи донг тарата борди.

Бир пайтнинг ўзида 30-йиллар либос дизайнининг ривожланишида ўта муҳим ва сермахсул давр бўлди - кийим моделлаштиришда янги ғоя ва концепциялар пайдо бўла бошлади. Инқирозга қарамай янги Модалар уйлари очилди: 1930 йилда “Мейнбохер”, 1932 йилда “Нина Риччи”, 1933 йилда “Робер Пиге” ва “Аликс”, 1935 йилда “Эльза Скьяпарелли”, 1937 йилда “Жак Фат”, “Жан Дуссе”, “Кристоваль Баленсиага”. Баъзи кутюрелар илк бор тайёр кийим коллекцияларини яратишга уриниб кўришди. Жумладан, Коко Шанель тайёр кийим ишлаб чиқарувчи фирма билан ҳамкорлик қилган; 1933 йилда Ж.Хейн; 1934 йилда эса Л.Лелонг кабилар тайёр кўйлак термаларини чиқаришган. Бичими сайқалланиши ва мураккаблашуви эвазига тайер кийимнинг сифати орта бошлади. Бу нарса айниқса, оммавий модани шакллантирувчи Голливуд ва почта орқали каталоглар ёрдамида миллионлаб моделларни сотувчи фирмалар фаолияти туфайли, АҚШда сезиларли эди.

1930 йилда моданинг демократлашуви давом этди: оддийлик, қулайлик ва рационаллик – бу сифатларни оммавий модалар энг кўп баҳолаб эди.

Аёллар либосига эркаклар костюмининг таъсири ҳамон сезилиб турарди. Марлен Дитрих ва Грета Гарбо киноюлдузлари расмий либосда таъқиқланган бўлишига қарамай, эркакларникига ўхшаш шимли костюмда юришга журъат этишарди.

Аёллар шими спорт ва уй ичи кийими сифатида кенг тарқалиб оммавийлашган.

Либосдаги демократлашув ансамбль тушунчасига тегишли эди: у ҳақидаги аввалги тассаввур ҳаражат талаб бўлгани учун инқироз даври учун ноўрин эди. 30-йиллар модасидаги ансамбль уни ташкил этувчи костюм барча элементлари рангининг ўхшашлиги (муштараклиги) билан эмас, балки аксессуарлар: шляпа, сумкача, пойабзал, кўлқоплар ҳисобига мужассамланган. Иложи борича бу тўлдирувчиларнинг бир хил рангда бўлиши назарда тутилган. Бундай гарнитурни (одатда, қора ёки жигар рангда, ёзда эса – оқ) ихтиёрий кўйлак ёки костюм билан кийиш мумкин эди.

Моддий қийинчиликлар туфайли қимматбаҳо зийнатларни ҳеч ким сотиб олмагани учун, модада арзон бижутерия кенг тарқалди.

Эркаклар модасига аксинча, консервативлик – аср бошидагига ўхшаш фраклар қайтиб келди. Голливудда эса фраклар ўша давр киноактёрларидан энг элеганти ҳисобланган Фред Астор туфайли урф бўлди. Оммавий модада эркаклар учун белга ёпишиб турувчи кенг елкали пиджак ва қайтарма почали шимдан ташкил топган стандарт костюмлар кенг ёйилди.

Юқорида қайд этилгандек, XX аср 30-йиллари модасига Голливуднинг таъсири улкан эди. 1930 йилларда кинодан ташқари спорт ҳам ҳаммабоп кўнгилочар воситалардан бири эди. Кўп мамлакатларда гимнастикачилар иттифоқи ва спорт жамоалари барпо этила бошланди. Элитар спорт турлари – теннис, гольф, авто ва авиаспортнинг таъсири олий модада сезиларли эди. Спорт кийими ҳақиқий дам олиш кийимига айланди. Теннис ва елкан остида сузиш каби ёзги спорт турларининг ранги – оқ ранг 1930 йиллари биринчи ярмида энг кўп урф бўлган ранглардан эди. Спорт кийимининг ўзида ҳам ўзгаришлар рўй берди: у калталашди ва нисбатан қулайлашди. Ҳам аёллар,

хам эркакларнинг спорт билан шуғулланиш учун кийими сифатида шорти<sup>10</sup> лар кенг тарқалди.

Трикотаж ва ундан қилинган буюмлар: свитер, кардиган, джемпер, пуловерлар ўз актуаллигини йўқотмаган эди. Кундалик либосга ёзги оёқ кийимни спорт кийимидан олинган калта оқ пайпоқчалар билан кийиш усули кириб келди.

Илк бор ёз пайтида норасмий шароитда аёллар чулки (капрон пайпоқ) киймасликлари мумкин бўлди.

Янги урушга тайёргарлик кўрилиши шу даврдаги замонавий либосда ҳарбийлар кийими таъсирининг кучайишига олиб келди: жакетларда чарм белбоғлар пайдо бўлди, чарм пальто ва тренкотлар, тўлдирувчилар сифатида хатто оқшом либосларида ҳам пилоткалар модага кириб кела бошлади.

1930 йилларнинг биринчи ярмидаги кундалик либосларда, айниқса кўйлақларда, қиялама бичимнинг конструктив чизиқларини бўрттириб кўрсатувчи геометрик - каттак-каттак ва йўл-йўл расмлар оммабоп бўлган.

1934 йилларда эса Э.Молине, Мейнбохер ва Нью-Йорклик модельер Валентиналар шарофати билан модага Узоқ Шарқ услуги – кимоно энглар, бамбукдан ясалган тугмачалар, конуссимон похол шляпачалар кириб келди.

30-йиллар иккинчи ярмининг ёзги моделларида “альпийча” (“баварча” ёки “Тиролча” деган ном билан ҳам аталган) ва “лотин америкача” мавзудаги фольклор услуги оммалашди. Ёзги модада бундай кўйлақлар 1950 йиллар охиригача сақланиб келган.

“Баварча” мода ўрнига баъзи мамлакатларда “Лотин Америкача” услубдаги ёрқин рангли, кенг, қўшэтак юбкали кўйлақлар, кенг соябони гуллар билан безатилган похол шляпачалар таклиф этилган.

30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса модада историзм<sup>11</sup> (неовикториан услуги ёки неоромантик услуб) устун кела бошлади.

---

<sup>10</sup> шорти, шорт – ингл. (short – қисқа, калта) – аслида эркакларнинг трусиксимон калта шими, бу ерда тиззадан юқори даражагача қисқартирилган шим маъносида. Умуман олганда, энг калта шим – бу шорти.

Тарихий либосларга ижодий манбаа сифатига мурожат этилишига Голивудда яратилган “Камелияли хоним” (“Дама с камелиями”) ва “Унесенные ветром” каби тарихий кинофильмлар ҳам сабабчи эди. Ўша даврда деярли барча модельерлар ижодида 1860-1880 йиллар тарихий либосидан олинган “ўзлаштира”лар пайдо бўлди.

Историзм услубидаги либосларнинг кенг оммалашуви сабабларидан бири испан модельери Кристобаль Валенсияганинг ижодий фаолияти билан боғлиқ.

**Қиркинчи йиллар.** 1939 йилда Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши нафақат дунёнинг қиёфасини, дунё билан бирга моданинг кўринишини ҳам ўзгартириб юборди. Бундан аввалги озодлик ва мўлчилик ўн йиллиги иқтисодий беқарорлик ва ижтимоий маъсулиятга чақирувлар билан алмашди. Аёллар ишлай бошлашди, мода эса амалий жихатдан қулайлик томонга юз ўгирди. Ҳарбий форма кириб келиши билан бу жихат айниқса кучайди.

**Товар истъемолини нормалаштириш.** 40-йиллар даврида озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа истъемол молларини талонлар (ёки карточкалар) бўйича тарқатиш тизими киритилди.

Британия 1939 йил 3 сентябрда урушга кирди ва оғир даврни, айниқса, 1940 йил иккинчи ярими 1941 йил бошида бошидан кечира бошлади, немис авиацияси ҳаво йўлларида назорат қилиб турарди, немис сув ости кемалари эса британия транспортлари тинч кемаларини чўктириб юборишарди. 1940 йилда Британияда иқтисоди мустамлакалар ресурсларига қаратилгани учун материаллар тақчиллиги кузатилди.

1940 йил апрелда (пахта) ипга, зиғир толасига, вискозага (сунъий ипак тайёрлаш учун куюқ ёпишқоқ модда) фуқароларга кийим тайёрлашда лимитлар ўрнатилди. 1941 йилда фуқароларга ипакдан кийим ишлаб чиқариш таъқиқланди. 1942 йилда Британия ҳукумати “Утилити” режасини қабул қилди. “Утилити” режаси мато ва материалларни ишлатишни

---

<sup>11</sup> историзм – 1) тарихийлик принципи (ҳар бир нарса ёки ҳодисага тарих нуқтаи назаридан, тарихий жиҳатдан ёндошиш; 2) санъатда: ўтмишга (тарихга) берилиш.



нормалаштирди, тикув корхоналарини текшириб турди, кийим сифати ва нархни назорат қилди (талон бўйича кийимлар устама фоизсиз (нархсиз) сотилди). Ҳукумат олдин тўқимачилик ва тикув корхоналарининг 50% ни кейин 85% ни назорат қилди.

Матолар ва кийим тақчиллиги кўпчиликини тикиш билан шуғулланишига мажбур этди. Уруш пайтида эски кийимдан қандай қилиб бошқа кийим тикиш, шляпани қандай янгилаш, свитерни қандай тўқиш ҳақида – “Борича эпла ва тузат” шиори остидаги тавсиялар кўплаб брошюра ва журналларда бериб борилди. Кийимларни сочиқлардан ёстиқ жилдларидан, мебель чехол (қоплама) ларидан гардинлардан тайёрланди.

“Утилити”га ўхшаш режалар қатор бошқа мамлакатларда ҳам қабул қилинган ва улардаги баъзи бандлар иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг ҳам 4-5 йилгача бекор қилинмаган.

**Ақш модаси – америкача услубнинг яратилиши.** Немис армияси Парижни ишғол қилгандан кейин америкалик модельерлар европа модасидан ўзларини (алоҳида) мустақил ҳис эта бошладилар, чунки таслим бўлган Парижнинг модаси оммабоп бўлмаётган, Британия билан эса боғланиш, алоқа қилиш қийин эди. 1940 йил июндан 1941 йил декабригача америкалик модельерлар (масалан: “Валентина” модалар уйи, Чарльз Джеймс, Х.Карнеги) гўзал ва ўзига хос тўпламлар яратдилар

1938 йил октябрида “International Herald Tribune” газетасида “DU Pont” фирмаси ўзи ишлаб чиқарган нейлон чулқилар рекламасини чоп этди, бу чулқилар Нью-Джерси фабрикасида тайёрланарди. Нейлон чулқилар 1938 йилда Бутунжаҳон кўрғазмасида ва 1940 йил майда Америка бозорида кенг сотувда пайдо бўлди, у ҳақиқий шов-шувга олиб келди. 1943-1945 йилларда нейлон чулқилар ишлаб чиқариш тўхталди. Вискоза, штапель каби сунъий газламалар фаол равишда ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Уруш йилларида модада америкача услуб шаклланди. Америкалик модельерлар ўз анъаналарига суяниб ажойиб шакллар яратишга ҳаракат қилдилар. Журналлар ковбойлар, ёввойи ғарб пионерлари кийимлари ва

(лотин) жанубий америкача “кантри энд вестрн”, “куёшли Калифорния модаси”, “гавай услуоби”, “кактускантри”, “мексикача услуоб” каби америкача услуобларни реклама қилардилар.

Жинси, ковбойлар кўйлаклари, футболкалар ёшларбоп кийимга айланди. Шу билан бирга АҚШдаги урушдан сўнгги давр ёшлари модасига уруш пайтида асос солинди.

Уруш пайтида биринчи ёшлар антимодаси вужудга келди. АҚШда уни қоратанли ва лотинамерикалик ўсмирлар яратишди, улар ўзларини “Ок Америка” қатнашаётган урушга даҳлсиз деб ҳисоблашган. Бу антимода уларнинг ирқчилик жамиятига қарши норозилигини ифодаларди. Нью-Йоркдаги ГАрлем ёшлари эса “зут” костюми - узунлиги тиззагача бўлган кенг пиджаклар, бели бурма шимлар кийиб оч рангдаги бўйинбоғлар тақиб сочларини узун қилиб юришган (аскарларнинг калта соч услуобига тескари) “Зут” услуоби жазменлар ораисда кенг йёилди, уни Луи Армстронг ва Диззи Гиллеспиди ҳам кийган. Бу антимода 1943 йилда авж олди. АҚШда “зут” костюми 1950 йилгача сақланиб қолди.

**“Мода театри”.** Иккинчи Жаҳон уриши пайтида Париж модасига яна эътиборни жалб этишга мақсадида “мода театри” лойихаси амалга оширилди, унда барча мода уйлари қатнашдилар. Тўлиқ коллекция (тўплам) яратиш учун газламалар етишмас эди. Шунда кўғирчоқлар ўлчамида коллекция қилиш ғояси пайдо бўлди. Бу лойиха – “Мода театри” деб номланди. 1945 йилда баҳор-ёз коллекцияси 68.5 см баландликдаги 200та кўғирчоқда орқали кўрсатилди. Бу кўғирчоқлар учун мода уйлариининг ҳар бири пальто, костюм, кундузги ва оқшом кўйлаклари моделларини тайёрлашди, олдинги коллекциялардан қолган газламалар ҳам ишлатилди, ҳамда маҳсус газламалар тўқилди. Ҳар бир кўғирчоқ учун ипакдан ички кийимлар, шляпалар, оёқ кийимлари, сумкалар, тақинчоқлар тайёрланди. 1945 йил 17 мартда очилган бу кўргазмани 100 мингдан ортиқ одам келиб кўрди, кейин кўргазма Европа ва АҚШ бўйлаб турнега жўнаб кетди. Бу

ажойиб ғоя уруш вақтида ўз таъсирини йўқотган француз модасига яна эътиборини жалб этди.

Лекин ҳақиқий ўзгаришлар фақат 1947 йил февралида содир бўлди, айнан шу пайтда урушдан сўнгги мода яратилди.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. 1930 йилларда қандай воқеалар содир бўлган?*
- 2. Ўттизинчи йиллар модаси қандай бўлишига мажбур эди?*
- 3. Бу даврда қандай мода уйлари инқирозга юз тутди ва қандайлари очилди?*
- 4. Модага Голливуднинг таъсири қандай бўлган?*
- 5. Бу даврда либос учун трикотаж, креп ва чарм қўлланлиши ҳақида гапириб беринг.*
- 6. “Утилити” режасининг мақсади нима эди?*
- 7. Америкача усулнинг яратилишига нималар сабаб бўлган?*
- 8. Антимоданинг илк кўриниш қандай бўлган?*
- 9. Нима учун “Мода театри” ташкил этилган?*

### **XX аср 50-60-йилларидаги жаҳон модаси**

**50-йиллар.** Урушдан кейинги бу йилларда мамлакатлар реабилитация қилиниб, вайрон бўлган шаҳарлар қайта қурила бошланди. Буюк Британиянинг қайта сайланган бош вазири Уинстон Черчилль озиқ-овқатларнинг карточкали системасини, кейин кийим-кечакларникини ҳам бекор қилдиради.

Шунингдек оилада ҳам аёллар мавқеида ўзгаришлар рўй беради: энди улар кўп ишлашдан тўхтайдилар ва 50-йиллар уй бекасининг машхур “гламур”лик тимсоли пайдо бўлади.

**Санъат ва маданият.** Янги, урушдан кейинги ҳаётнинг ижобий муҳитида кўплаб кайфичоғлик бахш этадиган кўнгилочар фильмлар пайдо бўлади ва уларнинг намоиши оммалашди. “Йигитлар ва кўғирчоқлар” (Guys

and Dolls) мюзик<sup>12</sup>ли ва “Нафаси тўхтаганлар” (Breathless) каби фильмлар машҳур бўлиб, 50-йилларнинг ташвишсиз мухитини аъло даражада етказиб берар эди.

**Мато ишлаб чиқариш саноатидаги инновация ва янги технологиялар** кам парвариш талаб қилувчи синтетик матоларни олишга имкон берди. Ҳаёт тарзининг ўзгариши ва фаоллашуви, шаҳардан ташқарида дам олиш, яшаш, вақтни ўтказиш урфининг тобора ривожланиши ёғим бўлмайдиган тузилишга эга бўлган акрил, спандекс, полиэстер, триацетат, нейлон, орлон ва дакрон каби матоларнинг оммалашуви сабаб бўлди.

**Рок-н-ролл.** Эллигинчи йиллар рок-н-ролл ва ритм-н-блюз каби мусиқа йўналишларининг ривожланиш даври бўлди. Бу жанрларнинг машҳур ижрочилари Элвис Пресли, Джонни Кэш, Джун Картерлар эди.

**Либосдаги шакл ва силуэтлар.** Эллигинчи йилларда силуэтлар янада назокатли ва романтик бўла бошлади. Британ мода саноати (индустрияси) американикидан мустақил ривожланишни бошлади. Янги инглиз модельерлари аёллар қоматига диққатни тортувчи либосларни таклиф эта бошладилар. Шу даврда Диор (Dior) ўзининг машҳур белга ёпишиб турадиган этаги эса кенг кўйлақларни яратди. Юбер Живанши либослар учун янги шаклни таклиф этди: калта ва белга ёпишиб турмайдиган тўғри бичимли кўйлақлар. Кейинчалик бундай дизайн Мэри Квантни 60-йиллардаги мини-кўйлақларини яратишга илҳомлантирган. Шунингдек топининг кўриниши эркаклар рубашкасига ўхшаш, юбкаси эса кенг бўлган, белга ёпишиб турувчи шаклли кўйлақлар ҳам модабоп ҳисобланган. Умуман олганда, трапециясимон шаклли кўйлақлар 50-йилларнинг, сўнгра эса 60-йилларнинг асосий силуётларидан эди. Бундай либосларни ёпинғич ва пелериналар билан уйғунлаштиришган.

---

<sup>12</sup> мюзикл - [ингл. musical < musical comedy мусикий комедия]. Мусикали сахна асари ёки комедия хусусиятига эга бўлган фильм, унда оперетта, балет, эстрада жанрларининг элементлари қўлланади.

Олий мода уруш охирида ўз ривожда қайта юксалишни бошлайди. Бунга Кристиан Диор (Christian Dior) ва Кристоаль Баленсиага (Cristobal Balenciaga)ларнинг, мавжуд бўлган услублардаги жиддийлик, мутаносиблик ва сиполигидан фарқ қилувчи экстравагант моделлари сабабчи бўлади.

**Кундалик кийимлар услуби.** 50-йилларда тайёр кийимлар ишлаб чиқариш бум<sup>1</sup>и бошланди, ва бу соҳада “Marks and Spenser” британ компанияси биринчилар қаторига чиқди. Америка ва француз модельерлари “Marks and Spenser”нинг услубини ўзлаштириб, худди уларники каби сифатли кийимларни пастроқ нархда ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишган. Одри Хепберн кино актрисаси туфайли “кэжуал” (“casual”) номли услубнинг элегант қўриниши оммалашди: капри шимлари, қўлда тўқилган свитерлар ва “балетка”- туфлилар. Қулайлиги билан бир қаторда, назокатли бу услуб ўша давр модапараст аёллари дидига мос тушди. Ёзги гардеробда ранги енгил юбка билан уйғунлашадиган бикини пайдо бўлди.

**Аксессуарлар.** Шляпалар ўрнини рўмоллар эгаллай бошлади, кўп ҳолда уларни ўрашган пайтда капалаксимон шаклдаги кўзойнақлар тақишган. Белдаги энли камарлар қоматни янада таъкидлаш учун хизмат қилган. Заргалик буюмлари ўрнига бижутерия тақилган, айниқса йирик узук ва билакузуклар оммабоп бўлган. 40-йилларнинг амалий жиҳатдан тежамкор ва ихчам пойафзали ўрнига бахмал ва тимсоҳ терисидан тикилган чиройли безакли, жозибали туфлилар келди. Оёқ кийим дизайнига ўзига хос ёндошгани учун Роже Вивье пойафзал дизайнерининг “балетка”лари ва баланд пошнали туфлилари 50-йилларда мисли кўрилмаган машҳурлик чўққисига чиққан.

**Эркаклар модаси.** Бу даврда эркаклар кийиниш услуби “Каламушлар галаси” таркибидаги каби кино ва эстрада юлдузлари таъсири остида шаклланди. Улар нафис костюм ва фетрли шляпалар кийишган. Эркакларнинг кундалик кийими кардиган ва енгил катак-катак матодан тикилган либосларни ўз ичига олган.

Эллигинчи йилларда “тедди-бой” деб номланган ёшлар суб-маданияти пайдо бўлди. Бу оқимнинг намоёндалари Эдуард VII нинг услубига ўхшаш тарзда, почаси тор “найча шим”, қалин кўйлак, ёрқин рангдаги бўйинбоғ-галстук, зарбоф нимча, кўп чўнтакли, манжет ва адип қайтармаси бахмал ёки сирти ялтироқ сатиндан тикилган, тақилмаси бир қатор тугмачали сюртуқларни олифталарча тақлид қилиб кийиб юришган.

Кино актерларининг эркаклар модасига яна бир таъсири шундан иборат эдики, “Сабабсиз кўзғолончи” фильмидаги Джеймс Дин қахрамонининг азалдан эркаклар ич кийими ҳисобланган футболка модалаи трендга айланди. Бундан ташқари актер джинси костюмни ҳам оммалашувига сабаб бўлган. Марлон Брандонинг “Истаклар” номли трамвай” фильмидаги қахрамони эса тўқ рангдаги джинси-шим, танага ёпишиб турувчи тор футболка ва чарм куртка кийиб юриши билан барчанинг ёдида қолган. Кэри Грант туфайли эса силлиқ таралган сочлар оммалашди.

**Ўн йилликдаги услуб сиймолари, тимсоллари (иконалари).** Бу йиллардаги сиймолар ҳозирги кунда ҳам таҳсинга лойиқдир. Ўзининг ораста ва башанг, лекин шу билан бирга табиий ва бемалол услубда кийиниши билан томошабин мухаббатини қозонган Одри Хепберн модага капри шимларини киритган. Мэрилин Монро дунёдаги секс тимсолларидан бирига айланди. Унинг ҳаёт ва экрандаги серҳашам, ҳавасни келтирадиган, эътиборни ўзига тортадиган либослари 50-йилларнинг гламур услубини мужассамлантиради. “Келиннинг отаси”, “Қуёш остидаги жой”, “Дабдурустдан, ўтган ёзда” каби фильмлар эса ўн йилликнинг яна бир гўзаллик тимсоли ҳисобланган ёрқин Элизабет Тейлорга машҳурлик олиб келган. Ундан ташқари булар қаторидан Бриджит Бордо, Грейс Келли ва Софи Лоренлар каби машҳур кино актрисалари жой олган.

**Шанелнинг қайтиши.** XX асрнинг 50-йилларида Шанель (*Chanel*) ўзининг ижодий фаолиятини қайтадан бошлади. Либос учун хаддан ташқари кўп мато ишлатадиган дизайнерларни (масалан: К.Диор яратган битта кўйлаги учун баъзан 30 метрдан зиёд мато ишлатилар эди) танқид қилиб,

“нью-лук” услубидан фарқ қилувчи элегант усулбни таклиф этди. Шанель Олий Мода қуёшининг ботишини сезгандек, моданинг келажагини оммавий харидор учун тайёр кийим ишлаб чиқаришда деб биларди.

**Олтмишинчи йиллар - “Прет-а-порте” даври.** Бу даврда мода ёшларга юз бурди. Янги, жонли, сўнгсиз тарзда кашф этувчи мода кўпчилик томонидан эътироф этилган андоза ва меъёрлар бўлишдан тўхтади. Мода ҳақидаги барқарор тушунча тагидан зил кетиб, деярли ғойиб бўлди.

Урушдан кейинги ёшлар кийимнинг амалий жиҳатдан яхшилигига қараб баҳо беради ва ўз фикрини ифода этиш имкониятини қидиради. Натижада унча қиммат бўлмаган, аммо модали нарсаларга эҳтиёж ортди. Фабрикалар ва унча катта бўлмаган фирмалар ёш харидорларни мўлжал қилиб тайёр кўйлақларни оммавий тарзда ишлаб чиқара бошладилар. 60-йиллар охирига келиб дунёдаги кийимларнинг ярмидан кўпроғини 25 ёшдан кичикроқ одамлар сотиб олган. АҚШда барча сотилган кийимларнинг 95 фоизини тайёр кийимлар ташкил этган. Францияда эса бу рақам 25 фоизга яқин. Парижда 40-йиллар охирида Америка тажрибасидан фойдаланишга қарор қилинган. Шу боис Альбер Ламперьер ишлаб чиқариш, сотиш ва мижозлар билан ишлаш тизимини ўрганиб, икки йилни Қўшма Штатларда ўтказди.

1947 йилда Францияда Ламперьер таклиф этган “Прет-а-порте”<sup>13</sup> атамаси биринчи марта истеъмолга киритилди. 1956 йилда Версалда прет-а-порте Салони биринчи марта ташкил этилди, у минглаб одаларга хизмат қилишга қодир мода индустрияси туғилганини намойиш этди.

**Эркақлар модаси.** 50–60 йилларда эркақлар модасининг қонун чиқарувчилари италия Модалар уйлари бўлди, Неаполь, Рим ва Миланнинг кўҳна ательеларида сақланиб қолган тикувчилик маҳорати анъаналари,

---

<sup>13</sup> “*Pret-a-porter*” (фарангча талаффузда “прет-а-порте” – тайёр кўйлақ индустрияси, тайёр кўйлақ ишлаб чиқариш саноати маъносида) - кийим корхона ва фабрикаларда тайёрлана бошланиши натижасида XX асрда пайдо бўлган тайёр кийимлар ишлаб чиқарувчи саноатига тегишли бўлган кийимлар синфи. Бу туркумга мансуб кийимлар нусхалари сони, сифати ва нархлари доирасида яна бир неча синфларга бўлинади.

шунингдек кенг тўқимачилик базаси шунга имкон туғдирди. Ўша вақт услубининг типик услубини Федерико Феллининг “Ширин ҳаёт” (1959 й.) фильмида кўриш мумкин. Модали эркаклар костюми елка чизиғи қирқилган калта пиджак ва бурмасиз тўғри тор, одатдагидек манжетсиз шимдан иборат бўлган. Бундай костюмда энсиз галстук тақилган ва учли туфли кийилган. Италиядан бу услуб бутун Европа бўйлаб ёйилган ва Американи забт этган. Лондонда у жаз мухлислари, ўзларини “модернчилар” ёхуд “модлар” (қисқача the mods) деб атаган ёш модапарастлар орасида урф бўлган.

**Ёш истеъмолчи.** Модага янгича муносабат ташаббускорлари коллежларнинг битирувчилари эди. 1948 йилдаёқ Лондондаги Қироллик санъати коллежи қошида Мода мактаби очилди. У моделчиларнинг янги хилини тайёрлар эди, улар кийимни моделлаштирибгина қолмай, унинг нархи, мато чиқими қандай бўлишини ҳам ҳисоб-китоб қилиб чиқар эди. Америкада бутунлай ёш истеъмолчилар пайдо бўлди, улар шу вақтгача мода индустриясига жиддий қарамай келган ўсмирлар эди.

Лондон ёшлар учун янги мода туғилган жой бўлиб қолди – жонлилик, тинимсиз кашфиётчилик ва ўзгарувчанлик, умум томонидан эътироф этилган андозалар билан ҳисоблашмаслик (масалан, кундузги ва тунги кийим), ва энг асосийси юбкаларнинг тор бўлиши бу модага хос хусусиятлардир. “Свингловчи Лондон” - ўйин кулгилар, оқшомлар ва клублар шаҳри - ўзини анъанавий инглиз модасига тивит ва жундан тикилган босиқ костюм ва пальтога қарши кўйди. 1963–65 йилларда мини-юбканинг пайдо бўлиши мана шу зиддиятнинг энг юқори нуқтаси бўлди.

**Орасталик белгиси остида.** Моданинг асосий истеъмолчилари тегишли услубни ҳам афзал кўрувчи давлатманд хонимлар ҳисобланган, йигит ва ўсмирларга эса шу услубнинг соддалаштирилган варианты таклиф этилган. Умуман, онда-сонда учраб турадиган ғайри оддий истиснолар билан ҳамма битта андозадан ибрат олган: юбка ва шимнинг бўйи, пиджакнинг ёқаси эни ва шляпа чўққисининг баландлиги 17 ёшдагилар учун ҳам, 70 ёшдагилар учун ҳам бир хил бўлган.



Деярли 1965 йилгача кундалик кийимда ораста услуб устунлик қилган, унинг мезони актриса Одри Хепбёрн ва Америка президентининг хотини Жаклин Кеннеди бўлган эди. Аёллар модаси маркази Париж бўлиб қолаверган, у ерда Диор (1957 йилгача), Баленсиага, Шанель ва моделчиларнинг ёш авлоди Ив Сен – Лоран, Пьер Карден, Эмануэль Унгаролар ишлаганлар. Аммо ўзгариш бўлиши сезилиб турарди – ораста услуб ичида ҳордиқ ва спортбоп кийимлар пайдо бўла бошлади.

Шундай қилиб мода ўзининг элитар маъносини йўқотди ва оммавий индустрияга айланди. Яхши кийимни энди почтадан буюртма қил иш ва супермаркетда сотиб олиш мумкин эди. Гарчи моҳиятан янги мода жуда катта қўйлақлар ва пальтоллар, хандасавий расмлар ва ясси пойафзал фақат хушқомат ёшларга мўлжалланган. 60-йиллар охирига келиб барча хотин-қизлар шундай кийинар эдилар. Ёшларга сиғиниш одатга айланганди.

Италян дизайнери Эмилио Пуччи мода оламига энг ёрқин суратларни олиб кирди ва спорт кийимини ораста костюмга айлантирди. 50-йилларда Пуччи тўқимачилик ишловларига кўп эътибор қаратди, келажаги порлоқ янги эластик матоларни синаб кўрди – булар ипак жерси, духоба, фланель ва синтетика эди.

60-йилларнинг ўрталарида ҳиппи ҳаракати вужудга келди. Йигит-қизлар буржуача кадриятларга, жумладан кенг урф бўлган модага қарши чиқа бошладилар. Улар йиртиқ жинсилар, узун юбкалар (ҳамма мини юбкада юрганда), этно руҳидаги тўкилиб турувчи романтик юбка ва нимчалар кияр ва сочларини узун қўяр эдилар. 1968 йилнинг “Муҳаббат ёзи” деб аталган ёз фасли бу ҳаракатнинг юқори чўққиси бўлди ва талабалар ғалаёнларига қўшилиб кетди.

Бироқ кўп ўтмай норозилик ва антимодадан бу услуб модага айланди. Энди ҳиппи усулида фақат норози одамларгина кийинмаяптилар. Ҳатто энг бойлар ҳам узун жинси юбка кийиб, бошларига шол ёки америка банданасини ўраяптилар, африка мунчоқлари ва Ҳиндистон билагузуклари тақишяпти.

Хиппи ҳаракати этно-услугига қизиқиш уйғотди. 1967 йилда бурмалар ҳосил қилувчи ва баданга ёпишиб турувчи эркин кийим, пардай енгил шарфлар, туникалар ва турк шолвори, 1969 йил ёзида эса шаффоф блузка ва кўйлақлар модага кирди.

Олий мода оламидаги тажрибачи Пако Рабанн 1965 йилда маъдан ва пластик кўйлақни тақдим этди. Кечки либослар халқачалар билан улаб чиқилган маъдан тангачалардан қилинган: “кундуз кўйлаги” ўша тарзда, фақат чармдан ишланган. Манекен қизлар бу хийла тиниқ либосларни бадан рангидаги трико устидан намоёиш қилганлар. Бироқ Курреж, Унгаро ёки Карден моделларидан фарқли ўлароқ Рабанн маҳсулотлари “соф санъат” бўлиб, кундалик модага унча таъсир қилмаган. Улар замоннинг тажрибачилик руҳи тимсоли бўлиб қолган.

60-йиллар охири 70-йилларга келиб, мода журналлари саҳифаларида ҳукм сурган услублар хилма-хиллиги кишини ҳайратга солади – Андри Куррежнинг футуристик либосларидан афсонавий ўтмиш мавзусидаги романтик вариацияларгача етиб келди. Бу шуни англатадики, ўша вақтдаги мода ҳақидаги барқарор тушунча тагидан зил кетиб, қарийб изсиз йўқолди. Янги авлод нимани хоҳласа ва қачон хоҳласа кияверадиған бўлиб кетди.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. 50-йилларда санъат ва маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари қандай?*
- 2. Мато ишлаб чиқаришидаги инновациялар ҳақида гапириб беринг.*
- 3. 50-йиллардаги мусиқа ва унинг таъсири либосда қандай намоён бўлган?*
- 4. Кундалик кийидаги ўзгаришлар қандай бўлган?*
- 5. Эркақлар модаси шу даврда қандай бўлган?*
- 6. К.Диорнинг ижодий фаолияти қандай бўлган?*
- 7. Шанелнинг мода оламига қатиб келиши қандай бўлган?*
- 8. “Прет-а-порте” пайдо бўлиши ҳақида нималарни биласиз?*

## XX аср 70-йиллари модаси

**Постмодернизм даври.** Постмодернизм XX аср 70 йилида пайдо бўлган санъатдаги йўналиш (поп-артдан бошлаб) бўлиб, унда илгари яратилган шаклдан янгисини қуриш учун фойдаланилади. Бошқалардан кўчирма қилиб олиш бадий усулга айланади, “предметлар” ўртасидаги ўзаро янги боғлиқликларни қидириб топиш асосийси ҳисобланади, уларда услублар (ўтмиш ва ҳозир), улубларнинг узвлари, матнлар хизмат қилиши мумкин ва ҳ.к. Постмодернизм бу услубдан кўра кўпроқ яратилаётган нарсага ёндошув, муносабатдир; кўпинча, у ўйин, киноя ва ўзидан қулиш унсурларини ўз ичига олади.

70-йиллар ўртасига келиб либос модасида икки асосий йўналиш ажралиб чиқди, бири мумтоз қулай кийим бўлса, иккинчиси бадий, фавқулодда кийим. Париж ва Лондон билан бир қаторда Нью-Йорк ва Милан ҳам мода марказлари деб эътироф этилди. Энди у ёки бу ғоя қаердан келиб чиққанини юз фоизлик ишонч билан айтиш қийин бўлди. Барча замонлар ва қитъалар илҳом манбалари бўлиб хизмат қилган. Янги мода янги номлар яратган. Айрим усталар бир-икки йил машҳур бўлганлар, иккинчилари моданинг чинакам салтанатини қурганлар, учинчилари мода тарихига абадий кирганлар.

**Париж - янги номлар.** Францияда Ив Сен-Лоран ва Пьер Карден ижод қилган. Пьер Карден кийимнинг “прет-а-кутюр” деган янги тизимини йўлга қўйган, яъни у олий мода ва тайёр қўйлак ўртасида бўлган. Ўша вақтнинг ўзида фақат прет-а-порте йўли учунгина ишлаган ёш моделчилар куч тўплай бошлаган эдилар, биринчи галда трикотаж қироличаси унвони олган Соня Рикель тилга олинади. 1962 йилда у ўзининг биринчи свитерини тикди, биринчи дўконни эса 1968 йилда, талабалар ғалаёни авж олганда очди. 60-йиллар ўртасидан трикотаж унинг диққат марказида бўлди: очик ранг, тўқилган, ҳажмдор ёки чизиқли гуллари бор кофтлар, шимлар, коржомалар ва шуларга яраша аксессуарлар – беретлар, қўлқоплар, пайпоқлар. 70-йилларда Соня Рикель бўёқлар ва рангларнинг нозик ўйинини ҳаётга

кайтарди, йўл-йўл чизиклар эса унинг фирма белгиси ҳисобланади. 1973 йилда Соня Рикелни прет-а-порте Синдикатининг вице-президенти қилиб сайладилар, бу лавозимда у 20 йил ишлади.

1963 йилдан Парижда немислардан келиб чиққан Карл Лагерфельд ишлайди, у Бальмен ва Жан Патуда ўқигандан кейин люкс тоифасидагит прет-а-порте кийимини яратадиган Хлоэ Уйининг етакчи моделчиси бўлади. Лагерфельд либосларида мода, хунар ва санъат тарихи битта бўлиб келади, бундан уста ҳар доим илҳом қидириб келди.

Парижда бошқа мамлакатларнинг моделчилари ҳам ўз жамоаларини тақдим этганлар. Ханаэ Мори, Кендзо Такада, Иссей Миякэ каби япон дизайнерлари ишлари кўпроқ ажралиб турар эди, улар жаҳон модасига сезиларли таъсир кўрсатганлар (хусусан этник мавзуларга қизиқиш жараёнида).

Гарчи 60-йиллардан дизайнерлар футуристлар модаси ғоясини (яъни келажак модаси ғояси) ишлаб чиқсалар-да, айти вақтда янги шакллар қидириб топишда улар турли халқлар анъанавий маданиятларига ҳам мурожаат қилганлар 70-йиллар ўртасида ўзига дунёдаги бор ранг-барангликни сингдирпиб олган этник услуб яна оммабоп бўлиб қолди. Унинг асосида бадий жиҳатдан қайта фикрланган ҳиппи услуби оммавийлашди: кенг юбкалар, енгил матодан тикилган блузкалар, кўйлак ёки чарақлаган мато рангига монанд жуда узун шарфлар.

Этник услуб ўз ривожиди бир нечта тўлқинларини бошдан ўтказди. 1966–68 йилларда биринчи тўлқин юриб ўтди – бу ҳинд тўлқини эди: модада Неру услубидаги нимчалар бор эди. 1972 йилда Америка президенти Никсон Хитойга боргандан кейин хитой мавзусига шадорликларга навбат келди. 1976 йилда рус мавзуси келди (масалан, Ив Сен-Лоран жамламасидаги куз-қиш 1970–1977 йиллар), 1977 йилда Тутанхамон мақбараси хазинаси кўрғазмасидан кейин миср мавзуси пайдо бўлди, 1980 йилда эса дунёда Японияга қизиқиш кучайди.

**Италия - юмшоқ гламур.** 70 - йиллар ўрталарида Париж модасига Италия модаси қаршилик қилди. Мамлакатнинг ўз ичкарасида Рим, Флоренция ва Милан мода пойтахти унвонини талашар эди. Бу мусобақада Милан енгиб чиқди. Тарихий жиҳатдан Италияда тўқимачилик индустрияси жуда ривожлангани туфайли унинг мануфактураларида люкс тоифали матоларнинг катта қисми ишлаб чиқариларди. 70-йилларда Валентино Уйи ва Мила Уйи кенг шуҳрат топди. Кейинроқ уларга Жоржио Армани ва Жанни Версаче келиб қўшилди, улар энди 80-йилларнинг буюк моделчилари эди.

Итальянча услуб ёрқинлиги, беозор дабдабалилиги ва ҳаётбахшлиги билан ажралиб туради, бу сифатлар орасталик ва меъёр туйғуси билан қўшилиб кетарди. Масалан, 1971 йилда макси кийимлари ўрниги мини келганида, Валентино (тўлиқ исми шарифи – Валентино Клементе Людовико Гаравани) тагидан мини шорт кийиладиган қирқими баланд узун юбкани таклиф этди.

Италия модасида баъзан мато асосий роль ўнайди. Буни жумладан, матода мураккаб нақшли расмлари билан шуҳрат топган Миссони Уйи (1953 йилда очилган) ҳақида ҳам гапириш мумкин. Миссони ранг-баранаг илонизи каштали янги тўқув технологиясини ўйлаб топди. Бунинг учун у 1973 йилда Нейман Маркус обрўли мукофотлардан бирини олди. Бу оилавий Уйнинг (кўпчилик италия мода компаниялари каби) ўзига хос хусусияти шакл ва бичиқ эмасди, балки капалакнинг етти рангида товланувчи мато эди. Матога хос қулайлик ва ёрқин бўёқлар Миссони кийимларини 70-йилларда жуда машҳур қилиб юборди.

Орасталик ҳар доим италия модасининг асосий хусусияти бўлиб келган. Валентинонинг дунёни забт этган юмшоқ гламури (fr glamour дан – “башанг”, “зебо”, “сеҳр”) ушбу услубнинг мукамал тажассуми бўлди. Валентино прет-а-портенинг эркаклар ва аёллар йўлини изга солиб юборди. Чизиқлар майинлиги, ажойиб бичим ва мумтоз ранглардаги (қора, қизил, оқ) ажойиб матолар ҳаммани мафтун қилар эди.

**Япония – авангард.** Поль Пуаре ва мадам Вионнедан бошлаб, Япония кўплаб Ғарб дизайнерларини илҳомлантириб келмоқда. Аммо узоқ вақтгача “японча мода” деган тушунча бўлмаган. Япониядан келтирилган либослар икки турга бўлинган: қиммат кимано ва арзон буюмлар; урушдан кейинги Америкада бу “1 blouse” – “бир долларлик блузка” деб кинояли ном олганди. 70-йилларда ҳамаси бирдан ўзгарди: айнан япон дизайнерлари европа модасига таъсир кўрсата бошлади.

70-йилларда Кэндзо, Миякэ кейинчалик 80-йилларда Ямомото француз ва жаҳон модасининг оммабоп меъёрларига зид келадиган либосларни намойиш этишди. Япон моделчиларининг ғалати тўғри хандасавий ва аксинча, шаклсиз силуэтлари европаликларни танг қолдирди.

Кэндзо Тамада (1939 йилда туғилган) 1970 йилда Парижда ўзининг “Lungle Jar” бутигини очди. Кабуки<sup>14</sup> театри услубидаги ёрқин рангли моделларнинг гул ва нақшлари муваффақият келтирди. Кэндзо туфайли либосларнинг шарқона анъанавий шакллари – кенг туникалар, блузкалар, кенг шимлар европаликлар орасида оммабоп бўлиб кетди. Этно-мотивлар Кэндзони руҳлантиргани билан у ҳеч қачон у ёки бу маданиятдан бевосита кўчириб олмас эди.

Рей Кавакубо (1942 йилда туғилган) Токиода ўзининг машҳур “Comme des Garçons” (“Болакайга ўхшаб”) Уйига асос солди. Моделчининг биринчи жамламасини парижликлар захархандалик билан “Хиросима-шик” деб атаган эдилар, бу билан улар моделчи яратган моделларнинг ҳаётдан узоқлигига, кўполлигига шаъма қилган эдилар. Шундай бўлса-да, бу “диккайиб турувчи” костюмлар ва кўйлақларнинг деталлари баданни қандайдир санъат асарига айлантириб, ўз мухлисларини топди ва 80-йиллар модасига катта таъсир кўрсатди. Бунда барча рангларга қора ранг ҳамроҳлик қиларди. 70-йиллар охирида японларни фақат технологиялар соҳасида эмас, балки мода соҳасида ҳам энг илғор деб билар эдилар. Ёжи Ямамото (1943

---

<sup>14</sup> кабуки – XVII асрда вужудга келган Япония мумтоз театри тури.

йилда туғилган) эса, аксинча, ғарб шаклини асос қилиб олди-да, уни шарқона фикр билан тўлдирди. Кўпгина япон дизайнерларига кийимдаги шарқ анъаналарси ҳаддан ташқари тор бўлиб кўринди (ҳам тўғри, ҳам мажозий маънода), шу боис улар европача бичиш-тикишни ўргандилар. Кринолинлар, сюртуклар, блузкалар, юбкалар – бу барча архетиплар Ямамото жамламасидаги ғарбий европа лиибослари ичида бўлиб, устага бўйсунган ҳолда кўринишини ўзгартирган. Унинг ишлари (масалан машҳур “Тўй” жамламаси, 1988 йил) фақат модадаги авангардлиги учун эмас, балки файласуфона ва романтик бўлгани учун ҳам шон-шуҳрат келтирди. Асимметрик бичим билан ўйин, кийимнинг япон ва ғарб анъанавий шакллари ўзгариши ва қўшилиб кетиши икки асосий ранг – оқ ва қорадан иборат дарвешона палитра унинг услубига хос нарсалардир. Кўпинча Ямомотони қора ранг шоири дейишади, бу ранг бир вақтда ҳам босиқ, ҳам кўтаринкидир, зиммасига ҳеч нарса олмайдиган дангаса ранг ҳам, бироқ айни вақтда тақво ранги ҳам. Япон моделчилари биринчи бўлиб енги олинадиган, ўзгарадиган, ёқаси алмаштириладиган моделларни киритдилар. Японияда қадим замонлардан матога – унинг фактураси, ранги, гули, кулайлиги ва ҳоказоларга катта эътибор қаратиб келганлар. Ҳозирги замон япон моделчилари учун мато – бутун жамламани ташкил этиш учун асосий воситадир.

Иссей Миякэ (1938 йилда туғилган) Токиода ўзининг студиясини 1951 йилда очди. У матонинг ўзининг ифодалилиги, оддий ҳандасавий шакли, ҳаддан ташқари оддий бичиқ, бурма ва қатламлаштиришдан фойдаланади (бу унинг фирма белгиси бўлиб қолган).

Бадан матога енгил ўралади, ҳаракат қилганда ўйнаб, ўзгариб туради. Инсон бадани ҳаракатларига мослашувчи либос яратиш ўрнига япон моделчилари либос ёрдамида бу баданни ўзгартирганлар. Кийим дизайни ҳайкалнинг қардоши пластик санъатга айланди.

Япон дизайнерлари таъсири остида ғарб моделчилари ҳам “яхши” диднинг одатдаги шартларидан холироқ кийимлар ярата бошладилар, мато,

либос, мутаносиблик, рангга бошқача кўз билан қарайдиган бўлдилар. Замонавий япон дизайнерларига асосан кўча модаси озмунча таъсир кўрсатмади, унда барча замонлар ва халқларнинг услуб ва йўналишлари қоришиб кетган. Бу мамлакатда анъанавийлик ва замонавийлик, масалан, кимоно ва қўл телефонлари бир-бирига узвий бирикиб кетади.

**Нью-Йорк – минимализм.** Америкалик хотин-қизлар 60-йиллар охиридаги европа романтикасини қабул қилишмади.

70-йиллар ўрталаридан америка модасида Кельвин Кляйн, Хальстон ва Жеффри Бин каби янги дизайнерлар ўзларини кўрсата бошладилар. Рой Хальстон Фровик (1932–1990) 70-йиллар америка минимализми тажассуми. Хальстон аввал шляпадўзлик қиларди, кейин кийимга ўтди. Унинг услуби бадавлат одамлар орасида тез оммалашиб кетди, чунки бичимининг бенуқсонлиги ва кўринишининг одмилиги билан ажралиб турарди, айтиш вақтда башанг ва кулай эди. Моделчининг мижозлари орасида Америка президентининг рафиқаси Жаклин Кеннеди ва актриса Лаиза Миннелли бор эди. Хальстон кенг шим ва туникадан, юмшоқ жерси ва кашемир Т-симон яхлит бичилган энгли либос, ипак жерси ва ультразамшадан кўйлак ва узун свитерни модага киритган.

**Буюк Британия – эклектика.** Саноат корхонаси тобора мураккаблашиб бораверди, тобора кўпроқ ишлар машина қўлига ўтиб қолди. Бирмунча муддати дизайнерлар яна ўтган асрларнинг тикувчилик санъатига қайтиш заруратини ҳис этиб қолдилар. Айримлар ҳатто ўз жамоалари учун ўз кўллари билан тўқиш ва бўяшга киришиб кетдилар.

Шуни айтиш жоизки, Буюк Британияда ягона, синовдан ўтган йўналиш йўқ эди – кўпроқ фаантазияли-романтик кайфият ҳукмрон эди. Аммо 70-йиллар охирида ҳеч бир мода билан муроса қилолмайдиган, ҳар қандай қоидага қарши исён кўтарган дастлабки ёш анархиячилар пайдо бўлди. Лондонда панклар кўзга ташланиб қолди.

**Эркинлик ва полиэстр.** 70-йилларда яна хотин-қизларни озодликка чиқариш ҳақида гапира бошлашди ва “жаҳвоният” тушунчаси пайдо бўлди,



бунда аёллар фақат хоҳиш воситаси деб қаралар эди. Ўзига бундай муносабатни четлаб ўтиш учун аёл мини-юбка ва “баланд пошнадан воз кечиши ҳамда жинсини бўрттириб кўрсатмайдиган кийимлар кийиши керак деб тушунилар эди. Биринчи галда бу иш либосида акс этди. Дам олиш ва ишлаш учун ҳатто унисекс кийими пайдо бўлди (ҳар икки жинс учун бирдай тўғри келадиган кийим), масалан, свитер ёки блузка билан кийиладиган жинси шим.

Шу билан бир вақтда XIX аср услубидаги “даққионусдан қолган” кийимлар модага кирди – баланд ёқалар, блуза ва юбкадаги бурмалар, шоллар, кўйлақлар. Ив Сен-Лоран пэчворк (турли кийимлардан курак буюм яшаш)ни олий мода таомилига киритди.

Кундалик кийимда мураккаблик ўрнига табиийлик келди, бу энг аввалло америка дизайнерлари ижодида намоён бўлди.

70-йилларнинг иккинчи ярмидан қулайлик юксак қадрланган, юбканинг бўйи тиззага келиб тўхтаган, юпка тагчармли туфли яна қайтиб келган. Кийимда эркин ҳаракат қилиш ва орасталикни йўқотмасликка имкон берувчи жерси буюмлари оммалашиб кетган. Булар барчаси ўнйилликнинг иккинчи ярмидаги кундалик аёллар либоси услубини белгилаб берди. Синтетик матолар ўнйилликнинг энг модали янгилиги бўлди – енгил, чиройли, ҳоят кирчимол, ишбоп. Ундан ҳамма нарса тикканлар: ичкўйлақ ва кўйлақлар, спорт буюмлари ва ишбоп кийимлар. Услубларнинг барчаси – қулайлари (жинси ва свитерлар), ишбоплари (кўйлақлар, тивит юбкалар, костюмлар) ва романтик-этниклари (узун кўйлақлар, кашталар, тўрлар, шоллар)– бир-бири билан яхши “чиқишган”, узвий бирлашиб кетган, бу постмодернизм даврининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. 70-йилларнинг бошида мини-юбкалар калта шортга айланди. Кўчаларда мини максилар билан ёнма-ён учрар эди. Унисини ҳам, бунисини ҳам пошнаси баланд туфлди билан кияр эдилар. Хотин-қизлар либослари ичида шим ва костюм-шимлар муҳим ўрин тутган. Уларни кийиб, ишга ки ресторанга бемалол бораверса бўларди. Сон томони қисқа шимлар пастга томон

кенгайиб борарди ва пошнапри ёпиб олиши керак эди, шунда оёқлар узун ва хушбичим кўринарди.

---

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. Постмодернизм даври либос модаси қандай бўлган?*
- 2. Бу даврда қайси француз модельерларнинг номи машҳур бўла бошлади? Бунинг сабаби нимада?*
- 3. Бу даврда қайси француз модельерларнинг номи машҳур бўла бошлади? Бунинг сабаби нимада?*
- 4. Шу даврда Италия модаси таъсири қандай бўлган?*
- 5. Бу даврда мода саҳансига чиққан япон авангардчилари ҳақида нималарни биласиз?*
- 6. Минимализм тушунчасига таъриф беринг. Америкада бу қандай намоён бўлган?*

### **XX аср 80-йиллари модаси**

Ўнйиллик қиёфаси ҳақида бир хил гап айтиш мушқил. Бир томондан, саксонинчи йиллар – ҳашамат ва фаровонлик вақти, иккинчи томондан – тартибсизлик ва бу фаровонликка қарши норозилик вақти. Яхшиликдан дарак берувчи қоидалар ўзгариб кетди. Борди-ю, сизда пул бўлса, бу намоёиш қилинарди; борди-ю, сизда пул бўлса, бу намоёиш қилинарди; борди-ю, сизда пул бўлмаса, кийим сизни пули бордек қилиб кўрсатарди.

Тортинчоқлик модадан чиқиб кетганди. Ишлаб чиқарувчи ҳақида яхшигина гувоҳлик берувчи қиқартиш сўзлар аксессуар ва либосларни безар ждилар спорт кийимларидан тортиб, кечки кўйлақларгача чарм саквойтлар ва икки ҳарфдан иборат қисқартма сўзли “Louis Vuitton” фирмаси сумкалари, Диор ёки Шанелнинг тилла қисқартма сўзлари кўринишидаги сирғанчаси аёллар сумкачалари ва залворли “Rolex” соатлари фахрланиш буюмлари бўлиб қолганди. Буюмлар, уларнинг нархлари ва русуми эгасининг жамиятдаги ўрни ва унинг банкдаги ҳисоби ҳақида гувоҳлик берар эди. Яппи (yippis young urban professional – “ёш шаҳар профессионали”)нинг

кисқаргани) – бизнесменлар янги авлоди орасида либос муваффақият гарови деб қараларди, гўё ўзлигини намоён этиш эрки қидирилган ўнйи лликлар бўлмагандай. Поль Пуаре замонида бўлганидек, моделчилар яна дунёни сўрай бошлашди: Армани либослари хизмат лавозимида кўтарилишга, Версаче кўйлаги эса номаълум қизни юлдуз даражасига етишувига имкон берди (Элизабет Хёрлида шундай бўлган эди).

Аммо бу ўнйиллик тартибсизликда ва фаровонликка қарши ғалаёндан бошланганди.

**Панк ва яппилар. Ювинди ўра эстетикаси.** Панклар биринчи марта 1976 йилнинг ёзида Лондонда бадий мактабларда ўқиётган ёшлар орасида пайдо бўлди. Улар Челси туманининг Кингз-роуд кўчасидаги “JEX” номли кичикроқ бутигида тўпланар эдилар. Зут услубидаги костюмлар (копсимон шимлар ва узун пиджаклар) ва рокер мотоциклчиларнинг чарм курткалари сотиладиган butik эгалари Вивьен Вествуд (1941 йилда туғилган) ва Малколи Мак Ларен эди. Панк услубини ёшларнинг ўзи эмас, балки мана шу икки дизайнер яратганди, уларга Мак Лорен ташкил этган “Sex Pistols” гуруҳи тўсир қилганди. Мусиқа билан бирга бу услуб бутун дунё бўйлаб тез ёйилиб кетди.

Панк тартибсизлик кайфиятини ўзида жамлаб, жамиятни лол қолдириш истагида эди. Юмшоқ ва тинчликсевар, силлиқ рангларни хуш кўрки ва шим ва юбкаларимга гулкаштала тар тиккан ҳиппилардан фарқли ўларов панклар қора ва хийла тажовузқорона тусдаги кийимлар кийганлар. Уларнинг севимли матоси қорачарм эди.

Бу услубни тушуниш учун махсус “ювинди ўра” сўзи бор. “Ҳамма нара қарши бўлиши керак”,– деган ғоядан келиб чиқиб, йиртиқ ва эски буюмлар, қават-қават кийимлару улардан пала-партиш фойдаланиш олқишланарди. Темир занжирлар, ҳалқачалар, босма тугмалар, молниялар ва чарм камарлар аксессуар бўлиб хизмат қиларди ва булар барчаси ҳар икки жинс учун эди: юзларини бирдек чиройли бўяб олишар, сочларини прокез нусхасида турмаклар эдилар. Шундай бўлса-да, панкни унисскс услуби деб бўлмас эди.

Панк қизлар кўпинча чарм куртка ва йиртиқ майкаларига ярқираган мини юбкалар ва тўрнусха гулли колготкалар кияр, гоҳида эса бақувват “Doctor Martius” ботинкаларини учи ўткир, калта ва нихли этикка алмаштирар эдилар. Ғарбда панк услуби аъло даражада ишлаб чиқилган дастур бўлса, Россияда у кўпроқ “Келажаги йўқ” деб баҳоланар эди; панк модаси турли хилдаги тартиббузарлар ва исёнкорлар учун униформа бўлиб қолганди. Лондонда эса ўнйиллик охирига келиб босма тугмали қора чсарм буюми кийим ва бўйнига тасма таққан, сочлари ялтироқ йигитлар энди тартибсизлик ва исён тимсоли эмас, туристларга “кўз таниш” бўлиб қолган инглизча ёдгорликка айланганди.

**Элегант ғайриоддийлик.** 80-йилларда Лондон ёшлар модели маркази бўлиб қолди. Янгиавлод журналлари пайдо бўлди (“The Face”, “i-D”), улар муаллифлик профессионал дизайнни кўчада туғилган дизайн билан боғлар эдилар. Ҳар қанча ғалати бўлмасин, Лондон дизайн мактаби янги ғояларга муҳаббати билаш ажралиб турарди.

1981 йилда Вивьей Вествуд “Pirste” (“Денгиз қароқчиси”) деб аталган биринчи жамламасини тақдим этди, унда номутаносиб футболкалар, қайтарма ёқали кўйлақлар, ясси пошналар кенг туфлилар ва брижлар намойиш этилди. “Қароқчилик” модаси тез оммалашиб кетди, жамлама қимат дўконларнинг ҳам эътиборини тортди, поп-юлдулар Дэвид Боун, Бой Жорж ва Адан Антлар харидор бўлишди. Вествуд 1982/83 йиллар қишки жамламасида (“Buffalo Dirls”) ҳинди усулига қуръа ташланди ва либос ашёлари бирлигида тўла эркинлик ҳукм сурди.

Ичкийим биринчи марта ташқи кийимга айланди: жун свитерлар устидан манекон қизлар каттакон атлас сийнабандларни кийдириб қўйишди. 1983 йилда Вествуд ва Мак Лорен иттифоқи тарқаб кетди ва Вивьен услубим энди олий модага яқинлашди деган хаёлда жамламаларини Парижда намойиш қила бошлади. У энди кўпроқ тарихий либосларга эътибор қила бошлади – кўйлақлар ҳатто XVIII аср нусхасида бичиладиган бўлди. Бироқ баъзи жойларни ўзгартириб ва айрим қисмларни бўртдириб, Вивьен,

масалан, турнюрли кўйлак (унинг суюмли силуэти) ёки приногин ва корсетни бугунги кун моделига айлантиради. Гарчи Вествуд махсус таълим олмаган бўлса-да, унинг модаларидаги бичиқ сифати ва ижро санъати шу қадар ноёбки, ҳақиқатан ҳам олий модага яқинлашиб қолганди. Шу билан бирга унинг услуби 80-йиллардаги от-кутюр модасига ўхшаб, “таралган” бўлиб чиқмади; у ҳар доим тарихий либоснинг панк руҳидаги бебошвок кийинишига хайратомуз айланишини ўзида намоён этарди. Вествуд жамламаларини учта – “Vivienne Westwood”, “Rea Labe” ва “Gold Labe” ёрлиқлари остида чиқаради.

**Жан-Поль Готье ижоди.** 80-йилларда Парижда илгаригидек эски мода уйлари ишлар эди, аммо мустақил ёш дизайнерларнинг ишлари ажралиб турарди. Биринчи галда Шом Поль Готье (1925 йилда туғилган) француз модасининг *enfant terrible* (фр. “инжиқ бола”) сифатида тилга олинади. Унинг биринчи жамламаси 1976 йилда пайдо бўлди. Готьенинг услуби мутлоқо постмодернизм руҳида эди: дадачилар санъати (“Le Dadaisme” хотин-қизлар жамламаси, 1983 йил), 50 йиллар корсети, компьютерлар ва илмий фантастика олами (“High Tech” аёллар жамламаси 1980-81 йиллар), Шимол ва Химолай халқлари либослари (“Barbes” аёллар жамламаси, 1984-85 йиллар), рус конструктивизми (“Russe” жамламаси, 1986-87 йиллар). Санъаткорга илҳом берар эди. 80 йиллардаги Готье услубининг ўзига хос хусусиятлари фавкулудда хилма-хил. Битта жамламада бир хилдаги буюмлар йўқ, ҳолбуки барчаси битта мавзуга бирлаштирилган бўлади. Готье мато фактураи билан муваффақиятли ишлайди, тюль ва сунъий ёки табиий мўйнали, каноп ва пластикни, батист ва темир ямоқларни уйғунлаштириб юборади; элатчилик мавзусидаги моделларда ранг ва нақшларга кўпроқ эътибор беради”, конструкцияда тўр кўйлак (1989 йил). Ёки эркаклар юбкаси бунга мисорл бўла олади. Пешбанд билан тўлдирилган бу юбка чиндан ҳам шимга ўхшар эди (1985 йил). Дизанер энг дадил эркаклар моделини яратади. Унинг манекен йигитлари ва мижозлари кучини ва шаҳвоний ҳирсларини ошкора намоён этиб, таранг лосиналар, кенг шубалар,

орқаси очик кўйлақлар, юбкалар ва жерсидан тикилган ва қоплон тусида бўялган тор жакетлар кияр эдилар.

У яратган тимсолларни дағаллик ва санъат асари ўртасидаги шалтин дейиш мумкин. Масалан, бадан рангидаги таранг жерси коржомаси заррин рангга бўялган яланғоч бадан таъсири пайдо қилувчи пайеткалар билан тикилиб чиқиши мумкин (1993 йил).

Мадонна ўзининг 1990 йил дунё бўйлаб саёҳатига либос буюртма қилди – бу ипак ва чармдан ишланан, сийналари учли корсет бўлиб, модельерни дунёга танитди. Бироқ Готьени фақат сахна ёки олий табақа вакиллари учун ижод қилади дейиш тўғри эмас. Тўғри, бундай либослар кўзга кўринган шахсларга мўлжалланган ва гарчи талайгина оммани лол қолдирган бўлса-да, барибир Парижнинг бундан кейин ҳам модалар Маккаси бўлиб қолишига умид йўқ эмас.

---

**Италия 80-йиллар** модасининг жаҳон марказларидан бир оз ажралиб турарди. Италия фабрикаларида кўпроқ европа либосларини тикар эдилар, либос яратиш эса мамлакатининг асосий индустрияларидан бирига айланганди. Мода барча даражаларда ривожланиб борарди – альта модадан (олий мода) оммавий маҳсулотча. “Макмара”, “Busile”, “Complice” каби ўрта синфга мўлжал олган кўплаб италия русумлари ёш дизайнерларни корхоналарда ишлашга таклиф этадилар. Люкс тоифасидаги либослар олами икки дизайнер – Жаннинг Версаче ва Жоржни Армани, икки итальян модаси – дабдабали иффату мумтоз орасталик ўртасида бўлинган. 80 йиллардаги Армани силуэтидан ҳамма ерда нусха олганлар. Бир тугмали пиджакнинг елка ва ёқалари кенг бўлиб, белгача тушиб турган, оддий блузка ва кенг, узун, тиззага тушган юбка билан кийганлар – бу хотин-қизлар вариантида; мумтоз кўйлақ ва тўғри шим билан – эркаклар вариантида.

---

**Ишбилармонлар кийими ва аэробика.** 80-йиллар рамзларидан бири – ишбилармонлар кийими (pader essing). Елкалари кенг-кенг, эркин турадиган жакет Италия ва АҚШда кенг ёйилди, бу ўн йиллик иккала мамлакат учун ҳокимият, раванқ ва омад йиллари бўлди. 80-йилларда америкалик

дизайнерлар кўпинча аёлларга амалий тавсиялар берар эдилар. Масалан, Кельвин Кляйн “W” журнаliga (“Vogue” журнали билан бир қаторда “Gonde Nast” нашриёт уйида чиқади) энг кам воситалар билан қандай қилиб энг тқўп фойдали таассурот ҳосил қилиш мумкинлиги ҳақида маслаҳат берди. Ишбилармон аёл учта жакет, учта свитер, иккита юбка ва битта кўйлак билан каноат қила олади, аммо барча буюмлар аъло сифатли ва услубли бўлиши керак – қимматбаҳо кашемир, шойи ва чармдан ишланган бўлмоғи шарт. Кляйн ўзининг босиқ услубига содиқ қолди – бу кенг пальтолар, бўйни баланд свитерлар, қимматбаҳо матодан тикилган мумтоз шимлар эди. Мавсумдан мавсумга фақат ранги ва айрим бичиқ қисмларигина ўзгарарди (масалан, 1983 йилда белга майда букламлар билан шимариб тушириладиган сербар туникалар). 80-йилларда дизайнер исмига бўлган эътибор яна “Calvin Cleun” жинсилар рекламалар компаниялари томонидан жалб этилган эди, улар учун актриса Брук Шилде ва фотограф Ричард Аведон ишлаганди. Яратилган тарҳнинг шаҳват кўзғатувчанлиги америка жамиятида жанжалга сабаб бўлди, аммо жуда тез орада у жазавадор орзуга айланди. 1981 йилда “Ширинликлар” жамламасида пастель рангларидаги пахтадан тикилган костюм тақдим этилди: елкалари ҳар томонга кенг ёйилган жакет, юқори қисми қатламаланган енглар (бу кўшимча ҳажм яратарди) ва белдаги унча катта бўлмаган баска (бурма) билан ёки тарам-тарам қатли ўртача юбка билан, ёхуд тиззадан пастга қалтираб ёйи лган кенг брижлар билан тўлдирилган. Мазкур спортча услуб шунчалик урф бўлдики, кўчаларда унинг сонсиз нусхаларини кўриш мумкин эди.

---

80-йиллар тарзи анча зиддиятли. Агар муаллифлик кечки модада олдингидек тилла, кашта ва тўрлар ҳукм сурса, ўрта синф кийим-кечаклари вариантида дискотейка учун диска ва панк услубларининг спорти либоси узвлари бирлашиб келади: булар футболкалар кроссовкалар, мини-юбкалар, қора чарм курткалар, блузкалар ва очиқ рангли кўйлаклардир. Лагерфельд, Версаче, Валентино ва Жанфранко Ферре каби бир хил дизайнерлар ўтмишининг назокатли орасталлиги ҳақидаги хотираларни жонлантирса Жан

Поль Готье, Вивьен Вествуд ва Жон Гальянолар кўча модасидан ғоялар тўплайдилар ва уларни омма орасида санъат асарига айлантирадилар.

1987 йил 19-октябрда Нью-Йорк биржасида бўлган касод кўпларни кийим-кечак муамосига оқилонароқ ёндошишга мажбур қилди. Кечаси ҳам, кундузи ҳам бирдек яхши сезишга имкон берувчи кийимларга эҳтиёж тагин сезилиб қолди. Кўчабоп ва ишбоп кийимлар орасидаги қаттиқ тафовут мақсадга мувофиқлигини йўқотди. Офисларда casual Fridays расм бўлди, бунда свитлар ва жинсида ишга чиқишга рухсат берилади.

Айнан 80-йилларда хушбичимлик ва спорт эртанги кунга ишонч ила ҳаётдан чуқур мамнун ҳолда оппоқ тишларни кўрсатиб табассум қилган лаблардай, бир-бири билан бирлашиб кета бошлади. Аэробика ва фитнес асосий эрмаклар эди, лепинсалар спорт залларидан кўчага чиқиб кетди.

Жамиятаги ўзгаришлар кетидан бориб, мода ёшлар поёнидан алоҳида ишчан фаолиятгача бўлган йўлни босиб ўтди ва ўтмиш тажрибасини ўзлаштириб, кейинги ўнйилликка қадам қўйди. Шу боис у ҳамма учун ягона ечимни талаб этмайди – моделчилар труппалар учун эмас (хоҳ яппи ё панклар бўлсин), балки муайян услубни танлаган одам учун либослар ярата бошлайдилар.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. XX аср 80-йилларига таъриф беринг. Модада бу қандай ўзгаришларга сабаб бўлган?*
- 2. Яппи тушунчасига таъриф беринг.*
- 3. Панк контрмоданиятга ҳақида нималарни биласиз? Панк услубини модага қайси модельер киритган?*
- 4. Бу даврдаги либосларнинг асосий услублари шаклланишига нималар сабаб бўлган? Бу услублар қандай?*
- 5. Жан-Поль Готье ижоди ҳақида нималарни биласиз?*
- 6. Бу даврдаги италия модельерларининг ижоди натижасида модага қандай йўналишлар кириб келди?*



## **XX аср 90-йиллари модаси ва XXI аср бошида жаҳон модасининг концептуал йўналишлари.**

**90-йиллар модаси.** 90-йилларнинг услуби – бу аслида услуб эмас, балки либосга янгича ёндашув, либос ва қиёфани яратишда янги тамойиллардир. Журналлар ва китоблар, рекламалар ва ҳатто кийимнинг ўзи “қандай бўлсанг шундайлигинча бўл” деб даъват этади Индивидуаллик, ички “мен”ни акс эттирувчи шахсий услуби модада асосий нарсалар бўлиб қолди. Имижмейкер (ингл. *Imagemaker* – “рамз яратувчи”) фақат киноюлдузлар ва сиёсатдонлар орасида эмас, балки ўрта синф вакиллари орасида ҳам энди энг зарурий восита бўлиб қолди. Мода журналлари саҳифаларида дизайнер ва услубчилар индивидуалликка қандай урғу бериш ва бетакрор тимсол яратиш ҳақида маслаҳатлар берадилар.

Бутун дунёда ва барча ижтимоий қатламларда тарқалган унисекс услубида ўзига хос униформа расм бўлишни бошлайди: жинсилар, футболка, кенг шим, свитер ва қулай пойафзал – таги ясси туфли ёки кроссовка.

*Унисекс* (французча), ёки онесекс (немисча) – бу сўзларнинг таржимаси бир жинсли ёки жинсдан ташқари маъносини билдиради. Оддий қилиб айтилса, бу шундай услубдаги кийимки, уни эркаклар ҳам, аёллар ҳам кияверади. Жинси кийимлари бунинг учун ёрқин мисолдир. Ҳам эркак, ҳам аёлнинг либосига кирувчи бундай кийимлар кейинги пайтда анча сероблашган: свитер, пуловер, куртка ва ҳоказолар.

90-йилларда бу услубдан йирик фирмалар – Benetton, Guess, Gap, Marc O’Polo, Banana Republic ва бошқалар кенг фойдаланадилар.

Оддийлик ва функционалликка интилиш билан бир қаторда энг мураккаб тикувчилик санъати анъаналари ҳам ҳаётга қайтишни бошлайди; либоснинг дарвешона кўринишга урғу бериш атайлаб қилинган ранг-баранглик ва томошабоплик билан қўшилиб келади. Афзалликлар юзага келади: европа богемаси концептуал дизайнерлик либосини кияди; ёш мартабапарастлар олдингидек Армани ва Черрути таклиф этаётган

либосларни киядилар; АҚШдаги афро-осиёлик ёшлар “Tommy Hilfiger” русумли спорт кийимини танлайдилар.

Эътибор энди кийимнинг ўзидан эгасининг ташқи кўринишига кўчади. Офтобда қорайиш, ёки аксинча, рангпарлик, келишган қад-қомат модаси киёфанинг энг муҳим узвлари бўлиб қолади. Қадимги Юнонистон вақтидан бери бадан маданиятига 90-йиллардагидек эътибор қилинмаган: 80-йилларда вужудга келган кўплаб спорт клубларига пардозхоналар ва бадий жарроҳлик (ёки косметологик жарроҳлик) келиб кўшилди. Журналлар ва телевидение саъй-ҳаракатлари билан супермоделлар мода индустриясининг барча ютуқларини намойиш қилган ҳолда тақлид намуналарига айлантирилди.

Байналминал (интернационал) мода. Париж, Милан, Лондон, Нью-Йорк ва Токио прет-а-портенинг асосий марказларидир. Моданинг умумий унификациялашувига қарамай, пойтахтларнинг ҳар бирида бу санъатнинг ўз фалсафаси, тушунчаси мавжуд.

Лондон тажриба қилувчи, жанжалкаш, фикрловчи ва ҳар доим қувноқ мода маркази бўлиб қолмоқда, бу мода тарихий либослар ва кўча модаси билан узвий боғланиб кетган. Токиода дунёдаги барча йўналишлар туташган – соф буржуача либосдан пешқадамчиларнинг келажак орзуларигача. Кўплаб ёш япон дизайнерлари Ёжи Ямамото ва Рэй Кавакукбодан ўрнак олиб, ўз жамламаларини Парижда намойиш қилишга интилоқдалар. 70-йилларда Хальстон олға сурган минимализм анъаналари Нью-Йоркда кучли, спорт услуби ҳам ўз ўрнида маҳкам турибди. Милан “Дольче ва Габбана” услубидаги ғайриоддий ҳашам билан бир қаторда Черрути ёки Труссарди каби дизайнерлар таклиф этган услубдаги эркинлик ва орасталикни кўшиб юбориш йўлидан бормоқда. 90-йилларнинг иккинчи ярмидан Миландаги “Прада” ва “Гуччи” Олий мода уйлари кийимлари энг модали ҳисобланади.

Шунингдек Милан шаҳри 90-йилларда эркаклар модасининг маркази бўлиб қолади. Бу ерда унинг Гуччи, Дальче ва Габбана, Труссарди, Армани,

Вивьен Вествуд, Прада, Версаче, Миссони, Иссэй Миякэ, Жил Сандер сингари модада қонун чиқарувчилари ўз жамламаларини тақдим этадилар.

Лекин энг ҳашамдор либослар олдингидек, Парижда туғилади, бунда нафис ғоя, мураккаб бичиқ ва ҳайратомуз ижро афзал кўрилади. Ўн йиллик охирига келиб француз олий модаси оламида қатор йирик ўзгаришлар ва қайта жойлашувлар содир бўлади.

90-йиллар бошида олий моданинг машҳур Уйлари (масалан Шанель ва Кристиан Диор) асосан катта ёшдагилардан иборат барқарор мижозларга эга эди. От-кутюр либослари буюртма қилишга чўнтаклари кўтарадиган мижозлар сони 200 нафардан ошмасди, чунки битта от-кутюр кўйлагининг нархи спорт машинаси ёки яхта нархи билан баробар эди. Ёш авлод эса ёш дизайнерларда кийинар эди, шу боис ота-оналар ва фарзандлар битта butikда кам учрашар эдилар.

Тахминан 90-йиллар ўрталаридан от-кутюрнинг эски Уйлари “ёшара” бошлайди. Диор, Живанши, Луи Вуиттон Уйларининг эгаси Бернар Арна, кўпларнинг нуқтаи назарида, таваккал ишга қўл уради ва ёш инглиз авангардчи дизайнерлари Жон Гальяно, Александр Мак-Куинни кейин эса америкалик Марк Жакобсга жамламалар ташкил этишга раҳбарлик қилишга таклиф этади.

Ундан бошқалар ҳам ўрнак оладилар. Балансиага Уйи учун Жозеф Тимист ишлайди, уни 1997 йилда Николас Гескьер алмаштиради; Сен-Лоран Уйи учун – Альбер Эльбаз, 2001 йилдан эса – америкалик Том Форд ишлайди.

Бундай “янги қон” қуйилиши шарофати билан мумтоз Мода уйлари ёш авлодда ҳам оммалашиб кетади. Олий тикув санъатининг ўлими ҳақидаги доимий гап-сўзларга қарамай, 90-йиллар охиридан янги Мода Уйлари пайдо бўлади. Парижда ўзларининг от-кутюр жамламаларини голланд жуфтлиги Виктор ва Рольф, француз Паскаль Умбер, рус дуэти Середин ва Васильев, эронлик Муртазо Пажайлар намоиш қиладилар.

90-йиллар охиридан прет-а-порте тоифасидаги либослар ишлаб чиқарувчи кўпгина Мода уйлари ҳам ўзларига янги дизайнерларни таклиф қила бошладилар. Америкалик Майкл Корс француз “Селин” Мода Уйида, кубалик Нарцисо Родригез – “Loewe” Уйида ишлай бошлади. баъзи Мода Уйлари ҳар бир янги мавсумий жамлама ишлаб чиқариш учун янги дизайнер таклиф этилган вақтлар ҳам бўлган.

Бу даврда ёш модель Кейт Мосс гўзалликнинг янги тимсолини белгилаб берган.

**Аср сўнгидаги услублар.** 90-йилларда бутун дунё бўйлаб *минимализм*га қайтиш кузатилади. Бу вақтга келиб Кельвин Кляйн ва Донна Каран ушбу услубнинг мумтозлари саналадилар. Ўнйиллик бошида “Barney’s” номли Америкадаги катта дўкон 30-йилларбездан санъатидаги минимализм оталаридан бири Жан Мишель Франк услубида безалганди. Дўконнинг бешала қаватида қаймоқранг девор фониди турли дизайнерларнинг фақат қора рангдаги либослари қўйиб чиқилганди – бу ҳайратомуз таъсирчан чиққанди. Австрия моделчиси Хельмут Ланг ҳам (1956 йилда туғилган) минимализм услубида ишлаб, 1998 йилда Нью Йоркдаги аёллар либосларнинг янгича йўналишини тақдим этади. Лангнинг ўзи услубини ҳеч бир манбага олиб бориб тақамайди ва уни замонавий урбанизм деб тавсифлайди. Минимализм рангдан хасисларча фойдаланишга, бир хил рангдаги матоларга, қўшимча безаклар эмас, балки бичим орқали маънодорлик қидиришга яқин туради.

Минимализмга берилишнинг сўнги мавжи 1999 йилга тўғри келганди, ўшанда дизайнчиларнинг қарийб барча жамламаларида турли фактурали бир хил матолардан қилинган, деталлар сони жуда оз бўлган содда силуэтлар етакчилик қилганди.

Америкада кўча модаси (Street style) катта таъсир касб этди. “Nirvana” мусиқа гуруҳининг йиртиқ-сиртиқ кийимларидан чиққан *гранж* услуби Мода уйлари мижозларини донг қотдириб қўйди. Ўз моҳиятига кўра гранж услуби даставвал антимоданинг мумтоз намунасида бири эди. Бир-

бирнинг устидан катта-кичиклиги қандайлигига қарамай эски йиртиқ буюмларни кийиб чиқиб машшоқлар ва уларнинг мухлислари одоб меъёрлари ва кийиниш қодаларига тўла бепарқликни намойиш этдилар. Бироқ, ҳар доим антимодада бўлгани каби, “Nirvana” гуруҳининг ижрочиси Курт Кобейн MTV да ва мода журналлари саҳифаларида пайдо бўлди демагунча, унинг либослари – унниққан футболкалар, чўзилиб шаклини йўқотган трикотаждемперлар, джинси ва кедалари модали услубга айлана бошланди. 70-йиллар хиппи услубига бироз ўхшашиб кетишига қарамай, гранжда “гуллар болалари”нинг романтикаси учрамайди, унда панк-моданинг ёрқин томошабоплиги ҳам йўқ.

Британияда – кўчаларда ҳам, сахналарда ҳам, гранж услуби нью-эйж услуби билан қўшилиб кетган. Мусиқада бу услубга шаклсизлик, сидирғалик, самовий оҳанглар ва электрон овозлар хос. Нью-эйж либосларида бир костюм доирасида турли маданиятлар ва улуб йўналишларининг эркин қоришуви пайдо бўлди. Гранждан фарқли ўлароқ *нью-эйж* онгли равишда юзага келди, зеро замондош қиёфасининг жўшқинлиги таъкидланиши лозим эди.

*Этник* мавзулар илгаригидек оммабоп эди. Валентино, Мак-Куин, Гальяно, Версаче (сари), Дольче ва Габбана (эркаклар жамламасидаги саронг юбкаси) жамламаларида ҳинд, хитой, япон йўналишлари пайдо бўлади. Ромео Жильи Л.Бакст ва А.Бенуатомонидан 1907–14 йилларда Париж ва Лондондаги “Рус мавсумлари” спектаклларида ишланган либос ва безакларига рангоранг вариациялар қилади.

Иссэй Миякэ, Ширин Гвилд, Аша Сарабҳай каби дизайнерлар япон, эрон, ҳинд миллий либосларини асос қилиб, кутилмаган ва қизиқарли кийимлар яратишга муваффақ бўлдилар.

**Экологияга эътибор.** Атроф муҳит муаммолари дизайнерларни бўялмаган каноп ва луб толаларидан тўқилган табиий матодан фойдаланишга туртки берди. Инглиз дизайнери Хелен Стоури ўзининг “Иккиламчи ҳаёт” (1992 йил) жамламасида эски кийимлардан қилинган

моделларни тақдим этди. Унинг ватандоши Кэтрин Хэмнет фақат экологик жиҳатдан хавфсиз матолар билан ишлашни бошлади.

90-йилларнинг охири 2000-йилларнинг боши одамлар ўзларининг хавфсизлиги ғамини ўйлайдиган бўлиб қолишган даврлар эди. Моделчилар буни тез илғаб олдилар. “Suprega” итальян фирмаси ўқ ўтмайдиган кийим либосни таклиф этишди. Бу либос хатто тезоб ёмғири ва ультрабинафша нурларидан ҳам сақларди ва унга ниқоб кўринишидаги нафас олиш мосламаси ватунги кўзойнаклар аксессуар қилиб тўлдирилган эди. Француз дизайнери Люси Орта 1992 йилда “ажалдан сақловчи кийимлар” жамламасини тақдим этди – бу либосларни зарур келганда чодир ва қопчиқ кўрпаларга айлантириши мумкин эди.

90-йиллардан либосда табиий мўйнадан фойдаланишга қарши курашувчи “яшил”лар ҳаракати авж олди. Табиат муҳофазакорлари мўйндан шуба кийган аёлларга помидорлар отиб, устларидан моўбўёқ тўкар эдилар. Манекен қизлар ва кино юлдузлари “табиий мўйна кийганидан яланғоч юрганимиз яхши”,– деган даврлар бўлгани учун, изайнерлар асосан синтетик мўйна билан ишлай бошладилар. Шундай кайфиятлар бўлгани учун Мосчино энг биринчи бўлиб 1989 йилдаёқ бахмал айиқчалардан тикилган шубани тақдим этди.

Ўн йилликнинг охирига келиб, “яшил”лар сал ҳовурдан тушишди, чунки экологлар синтетик буюмлардан фойдаланиш табиат учун табиий буюмлардан оқилона фойдаланишдан кўра хавфлироқ эканини исботладилар. Кўрғазмаларда яна табиий мўйна буюмлар намоиш қилина бошлади.

**Янги шакл ва ашёлар.** Технологиялар тараққиёти *кибермоданинг* туғилишига олиб келди, у қисман келажак ҳақидаги “Телба Макс” (1979, 1981, 1985 йиллар) сингари фантастик фильмлар ва панк услубидан вужудга келди. Бу услуб ўта замонавий ашёлардан ва спортча, ҳарбийча ва коржомача либосларнинг кўплаб деталлардан фойдаланар эди. Булар: камарлар, босма тугмалар, чўнтаклар, қулай илгаклар, “молния” тасмалари

хамда ечилиб-тақиладиган капюшон, енглар ва астарлар эди. Эркак ва аёлларнинг кийими бир-биридан фақат ўлчамлари билан фарқланарди. “Levi’s” ва “Phillips” фирмалари дизайнерлари 2000 йилда бирлашиб “Industrial Clothing Division” (қисқартирилганда “icd+”) номли трансформер, яъни шаклини ўзгартирувчи либосни таклиф этишди. Бу компьютер ва телефон уланган нимча ва куртка ҳолатгача шаклини ўзгартирувчи плащлар эди.

Кўплаб компаниялар (“Stone island”, “C.P. Company” ва ҳ.к.) ва дизайнерлар янги аъло технологияли ашёлар билан ишламоқдалар. Бу материаллар ҳатто табиий толали матоларда бўлмаган ноёб фазилатларга эга. Масалан, “виафил” матоси ҳароратни сезади ва уни мослаштиради, ультрабинафша нурларини ўтказмайди ва ҳатто сирти кирланмайди. Боз устига унинг табиатда бутунлай чириб кетиши билан ҳам муҳим. Айнан шу даврда кийим сув ўтказмайдиган ва ўта енгил “кевлар”дан, янгича ишлов берилган матолар, масалан, мумланган пахта ёки ипак қўшилган нейлондан қилинган ноёб ва кўримли либослар яратилади.

**Моданинг сўнгги кашфиётлари.** XX аср охири модаси деярли ҳар йили бир қанча янги номларни кашф этади. Агар илгари мода оламида обрў топиш учун дизайнерга кўп йиллар талаб этилган бўлса, энди номи чиқиши учун кўпинча диплом кўрғазмасининг ўзиёқ етарли бўлмоқда. Модельерларнинг байналмилал командасида Лондондаги Saint Martin’s, Нью-Йоркдаги Санъат ва дизайн олий мактаби, Париждаги Берсо студияси, Антверпендаги Қироллик санъат академияси мактабига ўхшаган билим масканлари битирувчилари етакчилик қилмоқдалар.

XX аср 60-йилларида мода пойтахти деб шуҳрат қозонган, барча қоидалар йўққа чиқарадиган, энг нооддий ва “қувноқ” либослар яратиладиган Лондон 90-йиллар охирига келиб қитъага ёш дизайнерлар етказиб бериладиган асосий масканга айланди. Гальяно ва Мак-Куин билан бир қаторда Европага Стелла Маккартни кўчиб ўтди ва 2001 йилгача Хлоэ Уйининг дизайнери бўлди.

“Lagerfeld” va “Chanel” русумларидаги жамламалар устида биргаликда ишлаш учун Карл Лагерфельд Парижга Жулиан Мак-Доналдни (янги жимжимадор тўқиш услубини ихтиро қилган) таклиф этди. 2001 йилда Мак-Доналд Живанши Уйининг янги дизайнери бўлди. Сюзан Клементс ва Игнасио Рибейро ўз жамламалари билан бир қаторда эндиликда “Кашарель” Уйи учун модалар ишлаб чиқмоқда. Асли турк бўлган Хусайн Чалаён 2000 йилгача TSE америка фирмаси учун ишлади. София Кокосалаки 2001 йилда Руффо Рисёрч италян Мода Уйи учун либослар жамламасини яратиб берди. Америкада испаниялик Мигель Эфровер жамламаси кўп шов-шув кўтарди, у матрасдан олинган матодан тиккан пальтосини намоёиш қилганди. Кейинги сафар эса дизайнер енгил тўкилиб турувчи матолардан тикилган ифбатли либосларни яратди. Моделчи Молли Стерн Американинг энг таниқли юлдузларини кийинтиради. Панк услубини эслатувчи унинг моделлари кўлда тикилган ва ҳар доим бир нусхада яратилади. Карл Лагерфельд ҳомийлик қилувчи америкалик Жереми Скотт панк услуби дадиллигини 80-йиллар ҳашамати билан уйғунлаштиради. Олдингидек, Париж ёшларни ўзига тортар эди. 90-йиллар бошида бу ерга Голландиядан Виктор Хорстинг ва Рольф Снёрен келди ва 1999 йилда биринчи от-кутюр жамламасини тақдим этди. Виктор ва Рольф жуфтлиги турли фактурадаги матоларни (масалан, жун трикотаж ва лаке) уйғунлаштириб, каттакон ёқалар ва енг-поча қайирмалари билан ёки спорт услубидаги жилетни оқшом учун кийиладиган блузкага айлантириш билан эътиборни тортиб, ғайриоддий бичимлардан фойдаланади. 90 йиллар ўрталаридан саҳнага дизайнерларнинг бельгия мактаби чиқиб келади ва модага катта таъсир кўрсатади. Бу 70–80-йиллар охирида япон дизайнерларнинг саҳна чиқиб модага кўрсатган улкан таъсири даражасидаги ўзгаришлар эди. Энг ёрқин вакиллари (катта қисми – Антверпен қироллик санъат академияси битирувчилари ) – Мартин Маржъела, Анн Демелеместер, Дирк Биккембергс, Дрис ван Нотен, Вальтер ван Бейрендонк, Дирк ват Саенлардир.



**XXI аср модаси.** XX аср 90-йиллари охирида модага муносабат кўрғазмалар ва мода намойишларидаги янги тенденцияларга расман эргашишдан кўра ўз услубини яратишда ифода этилади. 60-йилларда бўлгани каби яна “мультибренд бутик”лари пайдо бўлади, у ерда муайян ғоя ёки услуб асосида тўпланган бир қанча дизайнерларнинг либослари сотилмоқда. Кўпгина модельерлар 90-йиллар охиридан бошлаб фаолият доираларини кенгайтирдилар ва ўз русумлари остида фақат кийим ва парфюмериягина эмас, балки уй ичи жиҳозларини ҳам ишлаб чиқара бошладилар. Масалан, Миландаги 2000 йилларда қурилган Армани Уйи дўконига кийимлар жамламалари, уй жиҳозлари ва “Sony” фирмасининг видеотехникалари намойиш этилди. Моделчилар кўпинча ўз бутикларининг меъморий қиёфасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этадилар. Донна Каран ва Рэй Кавакубо ана шундай йўл тутишади, уларнинг бутиклари ҳақида меъморчилик ва дизайнга оид нашрларда аллақачон ёзиб чиқишган. Иссэй Миякэ ва меъмор Дай Фудзивера 2000 йилда Парижда “А– РОС” (“Эпок” деб ўқилади, *pilese of clots* – “бир парча мато”нинг қисқаргани) деб аталган янги бутигини очади. Бу ерда кийим дўкони ва фабрикаси битта бўлиб кетган. Том маънодаги харидор таклиф этилган чала тайёр ашёдан ўзига кийим тикиб ола олади.

---

Бу даврда баъзан меъморчилик, ҳайкалтарошлик, дизайн ва кийим-кечак янада узвийроқ алоқага киришиб кетади. Синитиро Аракава 2000 йилда деворларга илиб қўйилган суратлар кўринишидаги куз-қиш жамламасини тақдим этди. Инглиз “экстремал” рассоми Готчо моделчиларнинг ихтироларини ҳайкалтарошлик ва инсталляция қисмларига айлантиради. Масалан, у “Диор” Модалар Уйи қўйлагини Людовик XIV услубидаги (“Орқама-орқа”, 1997 йил). стулнинг похол тўрдан қилинган ўриндиғи ва суянчиғига айлантиради ва бу иш “Cristian Dior” бутиги пештахтасига қўйилади. Ҳусайн Чалаян ўз қўйлақларини меъмор сингари ҳар бир қоралама техник чизмаларига қўшиб намойиш этади. Мода санъат ҳисобланадими

деган эски савол мода фойдасига яна бир карра ҳал этилди. Энди ёш дизайнерлар ишларида у замонавий санъатнинг ажралмас қисмига айланиб қолди. Илгари бўлганидек, бугунги кунда энг модали тенденциялар ва эпкинлар адабиёт, рангтасвир ёки кинода эмас, балки дизайнга бағишланган журнал ва альбомлар саҳифаларида акс этмоқда. ХХІ асрда айнан дизайн ўзининг кенг маъносида – бизни қуршаб турган нарсалар (меъморчилик, маиший буюмлар, кийим-кечак ва ҳоказо) - замон руҳи ифодаси бўлиб хизмат қилмоқда.

---

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. ХХ аср 90-йилларида модага қандай ўзгаришлар кириб келди?*
- 2. Концептуал либос деганда нима тушунилади?*
- 3. Байналминал мода тушунчасига таъриф беринг.*
- 4. Бу даврдаги модадаги эклектикликка таъриф беринг.*
- 5. “От-кутюр” йўналишида фаолият юритаётган мода Уйларида қандай ўзгаришлар юз берди?*
- 6. “Прет-а-порте” тоифасидаги либосларни ишлаб чиқаришдачи?*
- 7. Бу даврдаги асосий услублар ҳақида нималарни биласиз?*
- 8. ХХ аср охири ва ХХІ аср бошида пайдо бўлган янги ашёлар модага қандай таъсир кўрсатди?*

## ТЎРТИНЧИ БОБ. ЖАНУБИЙ ВА ШАРҚИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ЛИБОСИ

### Форс либоси

Эрон шоҳлиги милоддан аввалги VII–V асрларда ҳарбий жиҳатдан кудратли қулдорлик мамлакати бўлиб, кўпгина эл–элатларни ўзига бўйсундириб олган. Янги–янги ўлкаларнинг истило қилиниши ва уларни Эрон шоҳлигига қўшиб олиш давомида, шунингдек бошқа халқ ва миллатларнинг таъсири остида, бу мамлакат санъати ва маданияти ҳам ривожланиб борган.

Қадимий форс санъати ва маданияти асосан икки мавзу атрофида ривожланган: тахт учун кураш ва вафот этганлар хотирасини ёд этиш, уларни абадийлаштириш. Оммавий ибодатхоналарни учратмаслигимиз боиси ҳам ана шунда. Қадимий Эрон шоҳлиги пойтахти – Пассаргади эди. Пассаргадида, пирамида қад кўтарган тепалиқда кичкина мақбара қад кўтарган. Ушбу мақбара “Кир қабри”, деб аталади.

Қадимги форс либослари табиий шароитга муносиб равишда яратилган. Аксарият эронликлар авлод–аждодлари баланд тоғ водийларида яшаган. Улар асосан чорвачилик, деҳқончилик ва овчилик билан шуғулланганликлари сабабли, асосий кийимлари ҳайвон терисидан тикилган. Эронликлар кийими жуда ноқулай бўлиб, бутун танани қоплаб турган. Яшаш, яъни турмуш шароити либослар янгиланишини талаб этмоқда эди.


**Эркаклар либоси. Эрон шоҳининг либоси.** Шоҳ кийими бошқа сарой аҳли кийимидан ажралиб турган (1–расм). Шоҳона либосга алоҳида тилла ипдан безак бериб тикилган. Шоҳнинг қабул маросимидаги либоси жуда хушбичим ва серҳашам бўлган. Шоҳ узун ички кийим ва устки кийим плаш – *кандис*, бўй - бастини виқорли кўрсатиш учун баланд бош кийими – *митра*, оч қизил рангли иштони - *анаксаридес* ва оёғига қалин қўшимча таглик қўйилган пойабзал кийган. Митра баланд конуссимон шаклда бўлган, учи тор, пастки қисмига безак берилган. Шоҳ либоси ҳисобланган кандис

қимматбаҳо тошлар билан безалган, тақинчоқлар, билагузуклар уни янада бойитган. Ҳа даврда бу кийим жуда қиммат турган .

Эрон шоҳи турли тадбирларга изидан соябон кўтарган соқчилар, қўриқчилар кўмагида чиққан. Ҳарбий саркардалар кийими башанглиги билан оддий жангчиларникидан фарқ қилган (2–расм).



1 – расм. Эрон шоҳи, сарой аъёни ва унинг хизматкори.



2–расм. Эрон жангчилари кийими.

Шоҳ саройи соқчиларининг қурол–аслаҳалари ҳам қимматбаҳо тошлар билан безалган. Соқчилар либосида қоматнинг сезилмаслигига эътибор қаратилган.

Қадимги форс эркакларининг устки кийими узун, тўпикқача тушиб турган кенг плаш–ёпинчиқ – *кас* бўлган, уни тасма билан бўйинга тортиб боғланган. У сидирға рангли матолардан тикилган.

Эркакларнинг устки кийими – *сарпис*. Унинг енглари узун бўлиб, узунлиги тиззагача, баъзан эса бўксани ёпадиган даражада. Сарпис кийилганда, белига белбоғ билан боғланган.

Эркакларнинг бел кийими – *анаксаридес* бўлиб, у тор ва узун иштон бўлган. Эркаклар устма – уст уч хил иштон кийган, бундай кийиниш анъанага айланган.

*Тиара* – форсларда кенг тарқалган бош кийим ҳисобланади. Бундан ташқари шакли бошқача бўлган, шоҳона бош кийим – *кидарис* кийилган. Эркаклар чарм ва кигиздан тикилган бош кийим ҳам кийган. Авом халқ зиғирдан олинган матони салла кўринишида ўраб юрган. Тор гардишли, конус шаклидаги ушбу салла, кўчманчи халқларнинг бош кийими – қалпоқ ўрнида хизмат қилган.

Эркаклар пойабзали уч кўринишда бўлган. Улардан энг кўп тарқалгани туфлидир. Ушбу пойабзалнинг афзаллиги шундаки, у инсон бўйини баланд қилиб кўрсатган. Чунки пойабзал остига қўшимча таглик қўйилган. Иккинчиси, кенг тарқалган пойабзал – калта этик эди. Этика таглик қўйилмаган, ясси бўлган. Яна бир пойабзал тури *сандал*, деб номланган. Бу пойабзал қалин чармдан тикилган.

**Аёллар либоси.** Эрон маликаси ва сарой хонимлари либоси. Саройда жорий қилинган удумга кўра, энг қимматбаҳо кийимни шоҳнинг суюкли аёли кийган. У она малика билан тенг қўйилиб, кийимлари жимжимадор зарҳал кашта ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Шоҳ хотинлари кийим–кечаги, пойабзал ва бош кийимлари ҳам жуда қимматбаҳо бўлган.

Эрон маликасининг бош кийими – **тиара** ҳисобланади. Ушбу бош кийими қимматбаҳо, думалоқ шаклдаги қалпоқча ва зар ишлар билан тикилган каштали ёпинчиқдан иборат. Сарой аёллари юзларини очиб ёки ёпиқ юришгани ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Сарой хонимлари пойабзалларига кашта тикилган бўлиб, безакларга жуда бой бўлган.

Аёллар кийими эркаклар кийимидан бир оз фарқ қилган. Қадимда кийимлар асосан ҳайвон териларидан, кейинчалик дағал жундан тикилган. Аёллар миллий либоси ҳам, мансуб табақага қараб фарқланган. Кўйлақлар жун ва майин матолардан тикилган. Қадимий эронлик аёллар устки кийими кенг матодан тикилган бўлиб, белбоғи кўкрак қисмига яқин қилиб боғланган. Бу эса аёлларни сарвиқомат қилиб кўрсатган, белбоғ аёлнинг турмушга чиққанлигини билдириб турган. Турмушга чиққан аёллар бош кийим кийган. Аёллар бошларига қалпоқча кийган ёки салла ўраган, кўчага чиққанда ёпинчиқ ташлаб олган .

Аёллар пойабзали чармдан тикилган бўлиб, тасма билан боғланган. Кейинчалик аёллар юмшоқ чармли **кавуш** кийган.

### ***Назорат учун саволлари ва амалий топшириқлар***

- 1. Қадимий Эрон санъати ва маданиятининг ривожланиш тарихи ҳақида гапириб беринг.*
- 2. Эрон шоҳининг либосига таъриф беринг.*
- 3. Эркаклар либоси қандай кийим турларидан ташкил топган? Шулар ҳақида сўзлаб беринг.*
- 4. Эронликларнинг бош кийимлари ўзига хос жиҳатларини тавсифлаб беринг.*
- 5. Эронлик эркакларнинг қандай устки кийим турларини биласиз?*
- 6. Эрон аёлларининг либоси ҳақида нималарни биласиз?*

## Араб либоси

Қадимий Мисрнинг туб аҳолиси бўлган араблар қабилаларга бўлиниб яшаган, кўчманчи ва ўтроқ ҳолда турмуш кечирган. VI аср охирларига келиб, Арабистон ярим оролида кўчманчи ва ўтроқ араб қабилалари бўлиниб кета бошлади ва аста–секин феодал тузум шакллана борди. Бу ҳол кўчманчи бўлиб яшаган араб қабилалари ҳаётида катта ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлади. VII аср бошларига келиб, қабилалар яна қайтадан бирлашади. IX–X асрларда араблар ўз яқин атрофида жойлашган кўп давлатларни босиб олади ва шу тарзда араб халифалиги вужудга келади. Маълумки, VII асрга келиб, ислом дини жорий қилинади. Кўчманчи қабилалар ислом динини қабул қилади. Бу эса, шубҳасиз, уларнинг кийиниш маданиятига ҳам таъсир этади.

**Мато турлари, либосларда ранг ва безакларнинг ўзига хос ечими.** Қадимда мато ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлмагани, сабабли кўчманчи қабилалар ҳайвонлар териларидан кийим кийган бўлса, кейинчалик эчки ва туялар юнгидан жун мато, ўрта аср бошларида келиб эса, пахта экиб ва ундан мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

XIII–XV асрларда аҳолининг аксарият қисми кийиниши деярли фарқ қилмаган. Либослар фақат матосининг қандайлиги билан фарқ қилган. Либосларни бойтадиган, тўлдирадиган унсур сифатида аёллар кийимлари ранг–баранг безаклар билан безатилган. Эркаклар либосига эса, турли қурол–аслаҳалар кўрк бағишлаб турган.

**Эркаклар либоси.** Қадим замонларда араб эркакларининг ички кийими узун кўйлак бўлган, ёқаси тасма билан боғланган. Кейинчалик бу кўйлак устидан ёпинчиқ кийиш урф бўлган. Олди кесик қопга ўхшаш, устки ёпинчиқ – *абас*, деб аталган. Ёпинчиқ бўялмаган кигиз, туя жунидан тикилган. Одатда, ёпинчиқ оқ рангли узун йўл–йўл чизик шакллар билан безатилган.

Қадимда саҳрода яшовчи қабилалар энгли ёки энгсиз, узун кўйлақлар кийган, кўйлақнинг бел қисми белбоғ билан боғланган. Кўйлақ устидан ёпинчиқ ташлаб юрилган. Эркаклар шулар билан бирга бош кийимларини

салласимон ўраб юрган. Улар чўл–сахроларнинг кучли шамол ва бўрон–тўзонидан сақланиш учун шундай қилганлар. Эркаклар оёқларига тагчарми ёғочдан ясалган, усти ҳам чармдан қилинган пойабзал кийганлар. Мазкур пойабзал араб эркаклари либосини тўлдириб турган. Албатта, бундай эркаклар либоси, қадимий либосларга намуна бўла олади.

Кейинчалик, вақтлар ўтиб Осиё ва Мисрда араб эркаклари иштон устидан узун кенг, пахта ёки шойи матосидан тикилган кўйлак кийишлари урф бўлади.

*Дишдаш* – тик ёқали, манжетли, кўкрак қисмида чўнтаги бор кўйлак. Кўйлак тўғри бичимда бўлиб, юришга қулай бўлиши учун ён чоклари охиригача тикилмай, қирқим қолдирилган. Дишдаш одатда оқ рангли матодан тикилади. Бироқ дишдашнинг қавариқ жигарранг ва ҳатто йўл–йўл чизиқли нусхалари ҳам учрайди. Бирлашган Араб Амирликларида аксарият эркаклар ҳозир ҳам шундай кўйлак киядилар.

*Чакмон* ва *жубба* эркакларнинг устки кийими ҳисобланади. *Жубба* – енги узун, елкага ташланадиган устки кийим.

Одатда оғир меҳнат қилмайдиган эркаклар, олди ва иккала ён томони ёпиқ кўйлак кийганлар. Бу кўйлак – *гумбаз* деб аталган. Қишда эркаклар кенг, енгсиз кашта тикилган *аби*– устки кийим кийганлар. Деҳқонлар тизза ёки болдиргача келадиган кўйлак кийганлар. Кўйлак устидан дағал жундан тикилган калта чакмон кийганлар ва шу билан кифояланганлар.

XIX асрда Шарқий Арабистонга яқин яшайдиган элатларнинг аксарияти қизил рангли кийим кийганлар. Саҳройи бадавийлар кийими эса қора эмас, аксинча ёрқин рангларда бўлган.

*Куффия* – азалдан арабларнинг бош кийими саналган. Куффия бошга ўралганда орқага учбурчак шаклда белгача тушиб туради. Ушбу рўмолни баъзида тўртбурчак шаклидагилари ҳам учраб туради. Рўмол бошга ташланиб, устидан тўқима тасма–чамбарак билан маҳкамлаб қўйилади (1–расм).





1–расм. Эркаклар бош кийими.

Рўмол елкани ёпиб туради, олд қисми эса, юзни қуёш нуридан пана қилади. Одатда соч рўмол остига яширилади. Балки бу одат иқлим жазирамасидан муҳофаза қилиш мақсадида пайдо бўлган бўлса ажаб эмас. Эркаклар эгнига кийган кийимларига мос равишда рўмол танлаган.

*Гутра* – арабларнинг асосий, муҳим рўмоли саналади. Бошқа Араб давлатларида бу рўмол – *куффия*, деб аталади. Аксарият араблар бошларига оқ рангли, тўқилган, кичкина тўр дўппи ҳам киядилар. Бу ёзги *гутра* ҳисобланади. Ёзги гутра пишиқ ипдан тўқилади, юпқа ва нафис бўлади, уни диоганалига буклаганда, қуёш жазирамасидан яхши ҳимоя қилади. Одатда рўмол елкани ёпиб туради. Қишда иссиқ рўмол ўралган. Рўмол жунли қалин матодан бичилиб, қизил ранг билан безалган. Замонлар ўтиши билан гутра бошқа рангларда ҳам учрай бошлади. Масалан: қора–оқ, яшил–оқ ва ҳ.к. Шуниси хайратланарлики, гутра Хитойда ишлаб чиқарилган.

Эркаклар *шалвор* кийганлар. Кенг шалворлар торайиб борган, баъзан тиззада боғичи ҳам бўлган. Белга тасма билан боғлаб қўйилган. Амирлар ҳам, деҳқонлар ҳам шалвор кийган. Шалвор оддий ва қулай, кенг–мўл бўлиб, қизил белбоғ билан боғлаб қўйилган. Тунисда иштонни тўпикқача кийиш расм бўлган. Бадавлат кишиларнинг шалворлари кенг тўпикқача тушиб турган, қирқими ва катта манжети бўлган.

Эркаклар сочларини сал ўстириб ёки бўлмаса, қисқартириб юрганлар, бошларини эса доимо рўмол билан ёпиб, беркитган. Қадимда эркаклар сочларини калта қилиб, қулоқлари ёнига чекка соқол – “бакенбард” қўйишган. Эркаклар қўлларига, оёқларига узук, қулоқларига сирға, зирак таққанлар. Бу ашёлар эркакларнинг заргарлик буюмлари ҳисобланган.

Қадимда араблар белларига тигли болта қистириб юрган. Елкаларига суякдан ясалган камон осган. Бу эркакларга хос қуроллар ҳисобланган. Яманлик эркакларнинг эса фақат анъанавий ҳисобланган *жамбия* – учи қайрилган пичоғи бўлган, холос.

Арабларнинг пойабзали чарм, ёғочдан ясалган бўлиб, у чилвир иплар билан оёққа боғлаб қўйилган. Эркаклар оёқларига сарғиш теридан тикилган шиппак кийган. Бу шиппак – *бабуш*, деб аталган. Баҳрайнлик ва яманликлар кўзга ташланиб турадиган кип–қизил кавуш кийганлар.

**Аёллар либоси.** Қадимда араб аёлларининг кийим–кечаги ўхшаш бўлган. Кенг–мўл қилиб тикилган кўйлақлар, ёпинчиқлар, рўмол ҳамда халат, белбоғ, шарф ва турли тақинчоқлар араб аёллари либосига намуна бўлади. Айниқса, Миср аёлларининг кўйлақлари кўзни оладиган даражада чиройли, мафтункор бўлган. Одатда кўйлақлар оқ рангли ёки гул босилган, нозик ип матодан тикиларди. Кўйлақ аёл қоматига мослаб тикилиб, белга нафис шарф боғлаб қўйилган. Аёлларнинг бошга ёпиладиган ёпинчиқлари эса оқ, пушти, қора рангда бўлиб, уларга сариқ рангда нақшин кашталар билан безак берилган. Бошга ўраладиган салла эса юпқа, нафис матодан бўлиб, унга зарҳал ёки кумуш иплар билан нақшин кашта тикилган. Сочлар ўрилиб, тасма ёрдамида турмакланган.

Қадимий Миср аёлларининг либослари кенг ва узун драпировкаланган, олд қисми оқ ёки гулли нақшлар билан безалган. Бошга ўраладиган салла нафис матодан йиғилган. Салла тилларанг ёки кумушранг иплар, тилла тангалар билан безак берилган. Матонинг бир учи билан юз ёпиб юрилади. Турли мамлакатларда аёллар ёпинчиғи ҳар хил номлар билан аталади. Ўрта Осиёда аёллар ёпинчиғи паранжи, Араб мамлакатларида эса ҳижоб деб аталган. Уйда ҳижоб ишлатилмаган, кўчага чиққанда ёпилган. Саудия Арабистонининг шимолий минтақаларида яшовчи аёллар ёпинчиғи – *милфу* бўлиб, у энсиз чизиқли, қора матодан парда бўлган. Одатда милфу билан оғиз ва ияклар ёпиб юрилган.

Таомилга кўра араб аёллари *гандура* остидан *ширван* кийганлар. Аёллар уйдан кўчага чиққанларида бошларига катта қора рўмол ўраб, юзларини *гишуа* билан беркитган (2– расм). Оддий чекка қишлоқ оилаларида аёлларга *биргу* – ярим ниқоб билан юзларини яширишлари катъиян талаб қилинган. Оилали бойвучча аёлларнинг бош кийими – *тантур*, деб аталган. Тантур ўзига хос конус шаклида 70 см ли, учига ҳарир рўмол уланган бўлади. Тантур мис, баъзан кумушдан ясалган тақинчоқлар билан безалган. Тантур тунда ётганда ҳам ечилмаган, ёстик ўрнига бош тагига бир парча ёғочдан ясалган кичкина қолип қўйилган.

Ханубора қабиласи аёлларининг либослари байрамона руҳда серҳашамлиги билан ажралиб турган. Қабила хотин–қизларининг кийимлари табиий муҳитга мослашган; бошга қора, кўк ранг қалпоқча кийиб, устида узун ёпинчиқ ташланган. Ёпинчиқ далада ишлаётган кишини чанг–тўзондан сақлаган. Аёллар бўйинларига тангачалардан тизилган қадимий тақинчоқларни осиб, билакларига тилла ёки кумуш билагузуклар тақиб юрган. Улар чап оёғига иккита қўнғирокли билагузук, бошларига эса пешонасигача тушиб турадиган тангачали тақинчоқ таққанлар.



2 – расм. Араб қабилалари аёлларининг либоси.

Аёллар юрганларида ушбу тақинчоқлардан жаранг–журунг қилиб садо берган. Бирлашган Араб Амирлиги аёллари қора, умуман, тўқ рангли узун

кўйлак – *абайда* кийган. Қадимда аксарият араб аёллари устма–уст, қават–қават кўйлақлар кийиб, яланг оёқ юрганлар.

Аёллар ёғочдан ясалган, *каб–каб* деб аталган пойабзал кийган. Каб–кабда юриш қийин бўлса–да, ушбу оёқ кийими аёлларнинг анъанавий аجدодлардан қолган пойабзал эканлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. Араб либосининг шаклланиши ҳақида сўзлаб беринг.*
- 2. Мато турлари, либослардаги ранг ва безаклар ҳақида нималарни биласиз?*
- 3. Эркаклар либоси қандай кийим турларидан ташкил топган? Уларни таърифлаб беринг.*
- 4. Эркаклар бош кийимларининг ўзига хос томонларини, жумладан, булар нимадан тикилган ва қандай вазифани бажарганлигини тавсифлаб беринг.*
- 5. Араб қабилаларининг либосларида фарқ бўлганми? Ана шу жиҳатлар ҳақида гапириб беринг.*
- 6. Қадимда араб аёлларининг либоси қандай кўринишга эга эди, ҳозирда бундай кийим турлари сақланиб қолганми?*

## Ҳинд либоси

Ҳиндистон қадимий Шарқ давлатларидан биридир. Зеро Ҳиндистон санъати ва маданияти қадимийлиги билан ажралиб туришининг боиси ҳам шундандир. Ҳиндистон меъморий обидалари, ҳақли равишда, Осиё дурдоналаридан бири ҳисобланади. Бу ҳақда ҳозиргача сақланиб қолган меъморий обидалар, ибодатхоналар, ҳайкалтарошлик асарлари ва қадимий ёдгорликлар далолат беради. Буюк темурийлар (бобурийлар) сулоласи даврида Шоҳ Жаҳон томонидан суюкли рафиқаси Мумтозбегимга аталиб, меъморчиликнинг ажойиб намунаси, муҳаббатга қўйилган ҳайкал, деб таърифланмиш такрорланмас санъат дурдонаси “Тож–маҳал” мақбараси барпо этилди. “Тож–маҳал” мақбараси санъат асари сифатида жаҳоннинг етти мўъжизасидан бири, деб эътироф этилиши ҳам бежиз эмас. Ҳинд санъат–маданияти замирида диний ақидалар ётади. Ҳиндистонда кўп диний оқимлар мавжуд. Шулар орасида энг қадимий дин ведаизмдир. Кейин брахманизм, буддизм, индуизм, ислом дини ва кейинчалик Европадан насроний дини кириб келади.

Ҳиндистонда миниатюра тасвирий санъати, халқ амалий санъати қадим–қадимдан ривожланган. Ҳинд хунарманд усталари томонидан яратилган буюмларнинг нафислиги, гўзаллиги ҳамон санъат мухлисларини ҳайратга солиб келмоқда.

Ҳиндистон тарихида, халқнинг ҳаёт кечирлишида Инд ва Ганг дарёлари катта аҳамият касб этади. Қадим замонларда ҳиндлар Инд водийсига кўчиб келган, турмуш кечирган, одамлар асосан деҳқончилик билан шуғулланган.

**Мато турлари, либосларда ранг ва безакларнинг ўзига хос ечими.** Ҳиндистон – пахтанинг ватани. Неча–неча асрлардан буён Ҳиндистонда пахтадан мато ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Милоддан аввалги II асрдан бошлаб Ҳиндистонда матоларни бўяшни ўрганишган, улар кўзга яққол ташланадиган – кўк, қизил каби ёрқин ранглардан фойдаланишган. Дастлаб пахтадан ип майин йигирилиб, нафис ва шаффоф матолар ишлаб чиқарилган. Бу мато ўзининг ташқи кўриниши,

фактурасининг бойлиги, сифатининг аълолиги билан ўзини оқлаган. Чунки матолар ўта нафис, жуда юпқалигидан хатто кийим остидан тақинчоқлар ҳам аниқ – тиниқ кўриниб турган. Қадимдан табиий ипакка кизиқиш катта бўлган. Ҳинд шойиси аввалдан барча ривожланган мамлакатларда қадрланиб келган. Шойининг сержилва ранглари ва тилла, кумушранг толалари азал–азалдан ўз гўзаллиги билан ҳаммани ром этиб келган. Одатда шойи кийимларни бирор тантанали тадбирлар, байрамларда, мисол учун никоҳ тўйи ёки фарзанд туғилиши муносабати билан ўтказиладиган маросимларда кийилган. Бу маросим ҳозиргача сақланиб қолган. Қадимги ёзма манбаларда келтирилишича *луға* матосининг ҳар хил турлари бўлган. Булар сирасига кирувчи *чампа* – оппоқ, зарҳал ипакдан тикилган кўйлақларни, шоҳ ва сарой аъёнлари кийишган. Ҳиндистонда энг кўп ишлаб чиқариладиган матолар бу – пахта, шойи ва батист ҳисобланади. Аксарият матоларга тилла ва кумуш ишлар қўшиб тўқилган (1–расм).



1– расм. Ҳинд матолари.

**Ҳинд анъанавий либослари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этган омиллар.** Археологик қазилмаларда топилган милоддан аввалги уч минг йилликка оид ёдгорликлар, замонавий ҳинд либоси асос–пойдеворини қадимий ҳинд эркак ва аёллар кийимлари унсурлар ташкил этишидан далолат беради. Қадимий ҳинд эркаклар ва аёллар либослари асосан, баданга мато бўлагини тахламалар ёрдамида ўраш орқали ҳосил бўлган. Бунга тикилмаган елка кийимларини, ёпинчиқлар кўринишидаги *орхний*,

*дупатта*, *чунни* ва тикилмаган бел кийимлар *дхўтий*, *сари*, *ниви* мисол қилиб келтирсак бўлади.

Марказий Осиёдан Ҳиндистонга ислом динининг кириб келиши, бошқа элатларнинг бу ҳудудга кўчиб келиши натижасида, либосларни тикиб кийиш одатга айланади. Ҳалигача оддий халқ орасида тикилмаган кийим кийиш анъаналари сақланиб қолган. Тикилган либослар аста–секин кундалик турмушда ўз ўрнини эгаллади. Ҳинд либосларининг ривожланишига Фарб маданияти ўз таъсирини кўрсатди. Бу айниқса, эркаклар либосида яққол кўзга ташланди. XIX асрда инглизлар Ҳиндистонга сюртук, шим ва ҳатто бош кийим – *пилоткани* олиб кирдилар. Европа модасига яқинлашиш ҳинд аёллар кийими силуетининг ўзгаришида яққол сезилди. Шунга қарамай аёллар ҳинд анъанавий либосларига бўлган ўз эътиқодларини ҳамон сақлаб келмоқдалар.

**Эркаклар либоси.** Қадимги ҳинд кийимлари танага ўралган ёки елкага ташлаб юрилган. Ҳинд миллий либосининг бир бўлаги, эркакларнинг тикилмаган бел кийими – *дхўтий* ҳисобланади. Дхўтийни ҳар хил услубда тахлаб, драпировка қилишган. У ҳам иштон ва пешбанд кўринишида бўлган, 2–5 метр узунликдаги матони бўкса атрофига тахлаб, олд томонга боғланган (тугун ҳосил қилинган) ва орқа томонда осилиб турган учини оёқлар орасидан олдинга ўтказиб маҳкамланган. Дхўтийни бир неча шаклда ўраш мумкин. Халқ орасида дхўтий ҳозирга қадар сақланиб қолган (2–расм).



2–расм. Эркаклар бел кийими – *дхўтий*.

Ҳинд эркаклари устки кийим *дупатта* ёпинчиғи бўлиб, у тўғри тўртбурчак матодан иборат бўлган. Одатда дупатта елкага ташланган, олд томони кесишиб, яна елкадан орқага ташлаб юрилган.

Жамиятнинг юқори қатлами саналаган шоҳ, сарой аъёнлари ва харбийлар ёпинчиқ ёпинган. Баъзан ёпинчиқ устки кийим ўрнида ҳам кўлланилган. Ҳинд либосларида ижтимоий жиҳатдан табақаланиш фарқи сезилиб турган.

Ҳиндистонда тикилган елка ва бел кийимларининг бўлганлиги бизга маълум. *Жома* – ҳинд эркакларининг узун енгли, тор кўйлаги бўлган. Жомани мусулмонлар, ҳаттоки ҳиндийлар ҳам кийганлар.

*Адхиваса* – эркакларнинг тикилган елка кийимининг яна бир тури ҳисобланади. *Курта* – кенг тарқалган елка кийими. Курта кенг кўйлак бўлиб, у кўпинча бел кийимнинг устдан тушириб кийилади.

*Камис* – эркакларнинг узун кўйлаги саналади. Қадимда у курта, деб аталган. Камис, эркаклар куртасидан фарқ қилади. Мусулмонларнинг камис кўйлаги гавдада эркин турган ва анча кенг бўлган, кўриниши Кашмир кўйлагини эслатган.

Устки кийим турларидан яна бир тури *ачкандир*. Ачкан пиджак шаклида бичилган бўлиб, унча катта бўлмаган тик ёқали, узунлиги тиззагача бўлган. Олд ёқа ўмизидан белгача қатор тақилмали бўлиб, этагининг ён томонидан қирқимлар очилган.

*Пайжома* – эркакларнинг тикилган бел кийими бўлиб, у тор, тиззадан юқори қисми ҳиёл кенгайган иштон бўлган. Панжобликлар тикилган иштон–шалвор ҳам кийган. Бу шалвор номи – *сутҳна*, деб аталган.

Эркаклар кийимида ҳар хил ранглар ишлатилган. Лекин ранглар кийим эгасининг жамиятда тутган мавқеига қараб фарқланган. Сарик ранг амалдорлар кийимларига хос ранг саналган. Аксарият шоҳ ва сарой аъёнлари сарик рангли либос кийишган.

Эркакларнинг энг оммабоп ва сеvimли бош кийими *салла* ҳисобланган эди. Салла турли шаклда ўралган. Соч турмагига мос равишда салла ҳар хил



шаклда бўлган. Соч турмаклари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб турган. Сочлар ҳар хил узунликда: калта, ўртача, узун сочлар силлиқ таралиб, юқорига йиғилган. Эркаклар соқол–мўйлов қўйган.

Ҳиндларнинг асосий пойабзали *сандал*дир. Баъзида учи ёпиқ туфли, камишдан тўқилган *кавуш* ҳам кийилган.

**Аёллар либоси.** Қадимда ҳинд аёлининг жамиятда эғнидаги кийимидан бўлак ҳеч қандай мавқеи ҳам, бойлиги ва ҳақ–ҳуқуқи ҳам бўлмаган.

*Сари* – ҳинд аёлларнинг назокатли, анъанавий миллий либосидир. Сари ҳар хил усулларда ўралаган ва ўзига хос драпировкаланиши билан ажралиб туради (9–расм). Сарини ўрашни бир неча хил усуллари мавжуд бўлиб, улардан бири: сондан тиззагача ёки тўпиққача 1–2 марта ўраб кейин туғиб боғланади. Тепа қисми елкага ташланади, сарининг бир учи кўкрак ёнларигача чиройли қилиб қистириб қўйилади. Сари қандай ўралиши, таҳламалари қандай шаклда эканлигига қараб, либос эгаси бошқалардан ажралиб туради. Аксарият ҳолларда нақшин ҳошия ёки рангли йўл–йўл чизиқ билан то этаккача безатилади.

Ҳинд аёллари калта кофта – *чоли* ва юбка кийишган. *Чоли* – калтагина енгчали, кўкракка ёпишиб турадиган жуда тор елка кийимидир (2.9–расм). Кўкрак қисмини орқа томонидан қаттиқ тортиб, ип тасма билан боғланади. Ҳатто сари ўралганда ҳам тана кўриниб туради. Кичкина чоли кофтаси сернақш қилиб безатилади.



3–расм. Ҳинд аёллари кийими – сари ва чоли.

Аксарият аёллар кийими ипакли шоҳи, батист, жуда нафис, нозик кисея матоларидан тикилади. Ҳинд аёли юрганида оёқлари атрофида тилларанг мато товланиши билан зайтунранг аёллар баданига алоҳида нафосат бағишлайди ва уларни янада мафтункор қилиб кўрсатади.

**Ниви** – аёллар либосининг асосий элементи бўлиб, мато бўлаги бел атрофидан айлантирилиб, қорин қисмида тахламалар хосил қилиб йиғилади.

Ҳиндистоннинг шимоли–ғарбий минтақасида аксарият панжобликлар ва кашмирликлар яшайди. Панжобда анъанавий кийим саналган сари ва дхўтий кам учрайди. Бу ерда истиқомат қилувчи аёллар либоси: кўйлак–**камис**, иштон – **сутхни** ва шарф иборат. Кашмир эркак ва аёллари кўйлаги деярли кўриниши бир хил бўлади. Камис кўйлагининг бўйи сал калтароқ бўлиши билан эркакларникидан фарқ қилади.

**Сутхни** – шалвор - иштон бўлиб, бел кийими саналади, у кенг-мўл бўлиб, тўпикқа тушиб туради. Ҳиндистонда эркаклар ҳам, аёллар иштон ҳам кияди.

Аёллар бош кийим ўрнига бошларига сарининг бир учини ёпиб юрган. Ҳозирда Ҳиндистоннинг кўп жойларида бош кийим кийилмай қўйди.

Ҳинд аёлларининг тақинчоқлари, зеб-зийнатининг ўзига хослиги, нафислиги, чиройи билан таърифга сазовордир. Бойвучча аёллар қимматбаҳо тилла ва кумуш металлдан тақинчоқлар таққан. Оддий аёллар – биринж, мис, ганч ва шишадан ясалган тақинчоқлар таққан. Фил суяги, рангли шиша, гавҳар, нозик, чиғанок, мева ва данаклардан турли маржонлар, тақинчоқлар ясалган.

Аёлларнинг оёқ кийими худди эркакларникига ўхшаш бўлган. Пойабзалга келсак, мусулмонлар чарм; панжобликлар учи қайрилган, чиройли безалган туфли, ёғоч ва чарм шиппак кийган; қишда тўқима похол оёқ кийими, маҳаллий чармдан баланд этик ва **патауа** – кигиз этик кийган. Кашмирнинг ҳиндий аёллари юнон сандалига ўхшаш **пелеен** пойабзалини кийган.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. Ҳиндистонда қандай санъат турлари ривожланган?*
- 2. Ҳинд анъанавий либослари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этган омиллар ҳақида сўзлаб беринг.*
- 3. Ҳиндистонда қандай турдаги матолар ишлаб чиқарилади ?*
- 4. Ҳинд эркаклар либоси ҳақида нималарни биласиз?*
- 5. Ҳинд эркакларининг қандай бел кийим турлари мавжуд?*
- 6. Ҳинд аёлларининг қандай кийим турларини биласиз?*

### **Хитой либоси**

Қадимий Хитой маданияти милоддан олдинги II–III минг йилликларда Хуанхе дарёси бўйида вужудга келган эди. Хан империяси милоднинг 220–йилигача ҳукм сурди. Хитой маданияти ва санъати ташқи таъсирсиз ривожланди. Милодгача I асрнинг иккинчи ярмигача Хитой бошқа давлатлар билан алоқа қилмади. Ҳар бир шаҳар бир давлат бўлиб жамланиб, ягона Хитойни ташкил этди. Шундай шаҳар–давлатлардан энг йириги Шан давлати эди. Тан, Сун, Ляо, Юан, Мин, Цин сулолалари қадимий Хитой тарихида асосий ўрин эгаллади.

Хитойликлар милоддан икки минг йил аввал рангли шойи матолар, каноп ва пахтадан йигирилган юпқа газлама ишлаб чиқарганлар. Мамлакат шимоли жуда совуқ, жануби эса жуда иссиқ бўлгани, иқлими алмашилиб турганлиги учун, қадимда хитойликлар либоси бир неча қават кийимни ташкил этган.

Тан даврида (VII–X асрлар) Хитой гуллаб–яшнади. Ўрта асрлар Хитой меъморчилиги Ҳиндистондан кириб келган буддизм дини билан боғлиқдир. Бу пагодалар, яъни кўп ярусли, кўп қаватли, оғир деворли ва мўъжазгина иморат майдонига эга Будда ибодатхоналаридир.

Сун даврида (X–XIII асрлар) азалдан мавжуд хунармандчилик: ипак тўқиш, сопол ва чинни ишлаб чиқариш ривожланди. Хитой– ипакнинг

ватани ҳисобланади. Кўп асрлар мобайнида ипак тўқиш сирлари европаликлардан қаттиқ сир тутиб келинган.

Ҳар томонлама юксак тараққий этган Хитой маданияти Япония ва кўшни давлатларга таъсир этмай қолмади.

Хитойликлар бобокалон аجدодларига қурбонлик қилганидай, осмон ва ерга ҳам қурбонлик қилган. Инсон қайта тирилади, отамиз бўлган– Осмон, онамиз бўлган – Ер бунга изн беради, дунё шундай бино бўлган. Балки шундандир, эркак киши – *Ян* ҳамда аёл киши – *Инь* шу тариха мулоқотда бўлади, деб тасаввур этган қадимий хитойликлар.

Хитой санъати ва маданиятининг ривожланишида рамзийлик жуда катта аҳамият беришган. Бу рамзий белгилар, ранглар, нақшлар либосларда ҳам акс этган.

**Рамзлар.** *И цзин*, яъни яхлит чизик орқали эркак куч – Ян, аёл – Инь ёруғлик чизиги – иккита қисқа чизик билан тасвирланади.

Иккита яхлит чизик, эркак кучнинг мутлоқ ҳукмронлигини ифодалайди. Буюк Ян – бу ёзни англатади. Иккита кесма чизик, зиён чегарасидаги – аёл кучи, бу буюк Инь – қишни акс эттиради.

Энди Осмон ва Ернинг сонлар рамзини кўриб чиқайлик.

*И цзин* да: “Кўк, Осмон – бир, замин, Ер: икки, Осмон – уч, Ер – тўрт”; тоқ сонлар – Янни, жуфт сонлар – Инни билдиради.

Ранглар рамзи, сўзлар инсонга кучли таъсир этади. “Осмон – Ян” шимоли–шарқдан бошланади, шунинг учун ҳам унинг ранги *сюан* (яъни сеҳрли шимол ранги деярли қора; табиатнинг бешта кучи шарқнинг бирлашуви натижасида шундай ранг ҳосил бўлади). Ер – Инь жануби–ғарбдан бошланади, шунинг учун у қизғиш–сарик рангдандир. Ранглар рамзи табиатнинг бешта кучи бирлашиб, коинот оламини ташкил қилиши ва табиат мавжудотлари устидан ҳукмронлик қилишини ифода этади. Бу кучлар бўлиниб кетиб, дунёнинг беш томонини бошқаради.

**Яшил** – баҳор ранги. Бўртиб турган куртаклар япроқ ёзилиши демакдир. **Му** дарахти, яъни ўсимликлар кучни яхши ифодалайди. Баҳор – йил боши,

шарқ – кун чиқиш жойидир. Шунинг учун ҳам яшил ранг шарқ, ёшлик ва туғилишни ифода этади. Юпитер сайёрасининг жилоси кўкиш–яшил тусда.

**Қизил**, ёз рангидир. Бу олов кучи – *Хо* бўлиб, у жануб ва Марс сайёраси рамзидир.

**Оқ** – куз рамзи. Кузда хирмонлар оппоқ гуручлар билан тўладиган фасл, кузга металл – *цзинь* кучи тўғри келади. Бундан оқ – ўткир тиғли болта ранги билан қиёсланишини англаш мумкин. Бундан ташқари, ғарб нафақат кун ботаётган томонни билдирибгина қолмай, балки марҳумларни у дунёга кузатиш томонига ҳам ишора қилинади. Эҳтимол, Хитойда мотам либослари оқ рангда бўлиши шу тарзда пайдо бўлгандир. Умуман олганда, ҳамма мотам либослари ҳам оқ рангда бўлавермайди.

**Қора** – бу қиш фасли ранги бўлиб, йилнинг энг қора даврини ифода этади. Шимол ранги – зулмат ҳукмронлиги, сув – *Шуй*, Меркурий сайёраси рамзи.

**Сариқ** – охирлаб бораётган ёз ранги бўлиб, бу фаслда буғдой пишиб етилади. Сариқ тупроқ ранги, ер кучи – *Ту* рамзидир. Сариқ ранг – дунё томонлари ҳисобланмиш шарқ ва ғарб, жануб ва шимол туташган марказ рамзи. Яна бу ранг Сатурн сайёрасини ҳам акс эттиради.

**Эркаклар либоси.** Хитойликлар ёмғир ёққанда кундалик расмий либослар устидан плаш–ёмғирпўш ёпинган. Оддий халқ похол, турли ўсимликлар, масалан, бамбук дарахти пўстидан тўқилган *чжуси* кийган, бу кийимлар *со суй*, деб аталган. Бадавлат кишилар қушлар пати ёки ипак матодан тикилган *хэчан* кийган.

Эркакларнинг бел кийимларидан бири шалвордир. Аксарият ҳолларда хитойликлар шалворни осиглиқ (яъни осилиб турадиган) ҳолда кийган. Баъзан шалворнинг тиззадан пасти ўраб қўйилган.

Хитой либосларининг жуда зарур қисми *дай* белбоғи саналади. Дай ранги, матоси ва безаги билан аксарият табақалар орасидаги фарқни ажратувчи белгилардан бири бўлиб хизмат қилган.

Хилма–хил маросимларда боғланадиган юмшоқ белбоғлар кенглиги, бутун белни ўраб турувчи боғичларсиз қилинган. Яъни олдинда осилиб турувчи кенгрок безакли тасма – *пяодай* ёки *чандай* бўлган.

*Шоу* – хитой тантанали либосининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Шоу билан зич боғлиқ нефритли осмалар *пэйюй* ҳисобланади. Бу буюмлар либосларга дабдаба руҳини бахш этган (2.5–илова).

Қадимдан хитойликлар сочларини олдирмаган ва қирқмаган, сочлар узун бўлган. Соч орқага силлиқ қилиб таралиб, бош тепасига тугун қилиб турмакланган. Турмак сочтўғнағич *цзи* ёки *цзан* билан маҳкамланган.

Милоддан аввалги 213–йилда, Хитой қадимий анъаналарига кўра, йигирма ёшга етган йигитга биринчи марта расмий *гуань* бош кийимини кийгиши маросими ўтказилган. Хитойлик эркалар бош кийимининг турлари кўп бўлган. Бош кийимсиз юриш ножоиз ҳисобланган. Маньчжурлар<sup>15</sup> Хитойни босиб олгач, хитойликларнинг ташқи қиёфаси кескин ўзгарган.

*Мян* – хитой бош кийимлари орасида мураккаблиги, кўп маънони англатиши билан ажралиб туради. Мян – тож бўлиб, императорларнинг тантанали маросимларда киядиган байрамона бош кийими саналади. Лекин шуниси ҳам борки, қадимда мянни амалдорлар ҳам кийган.

Хитой эркалар либосида белбоғ ва бош кийим асосий роль ўйнаган, улар ўз эгасининг қайси табақага мансуб эканлигини билдирган. Хитойликлар пойабзалининг аксарияти енгилгина бўлиб, мато ва похолдан тўқилган. Бу пойабзаллар қадимда *цзюй*, сўнгра *ли*, кейинроқ *се*, деб аталган. Матодан тўқилган аксарият *семян* пойабзалига безак берилган. Пойабзал пошнаси бир неча қават қоғоз ёки матодан қилинган. Тантанали *си* туфлиси мағизлар, ҳошиялар билан безалган. Ёмғирли кунларда ёғочдан ясалган скамейкасимон усти очиқ *цзи* пойабзали кийилган.

---

<sup>15</sup> М а н ь ч ж у р л а р – Хитойнинг Дунбэй ўлкасида яшовчи элат.

**Аёллар либоси.** Хитой аёллари эркаклар сингари узун кўйлак ва кенг иштон кийган. Устки кийим **ишан** ҳам эркакларникига ўхшаш бўлган. Фақат Тан даврига келиб, аёллар кофта ва юбка кия бошлаганлар.

Аёллар либоси эркакларникидан аксарият ранг–баранг безакларга бойлиги билан ажралиб турган. Бундай безаклар одатда **туань** деб аталган ва доирага олинган. Бу доирага кирган безаклар ўз рамзий маъносига эга бўлган. Олча ва нарғиз гуллари қиш, саллагул – баҳор, нилуфар – ёз ва қуёш, хризантема – куз фаслини англатган. Кейинчалик оилавий бахт рамзи ҳисобланмиш капалакни тасвирлаш кенг урф бўлади. Тасвирдаги ўрдаклар жуфтлиги эр–хотин бахтини билдиради. Бора–бора **туань** – безаклар доирасида қиз ва йигит, қария ва бола тасвири бадиий асар кўринишида чизила бошланади. Маньчжур аёллари либоси эркакларникидан унчалик фарқ қилмайди. Аёллар ёзда, баъзан ҳатто қишда ҳам бош яланг юришни маъқул кўрган. Шунга кўра, маньчжур аёлларининг соч турмаклари мураккаб бўлиб, гуллар, осилмачоқлар билан безалган. Аёллар кийими **чаофу**, ўзига хос, енгсиз **чаогуа** ва **чаонао** халатларидан ташкил топган. Аёллар фақат эркаклар халати **пао**дан сал фарқ қиладиган **цзифу** шаклидаги либосни кофта ўрнида кийган. Бу кўйлак эркакларнинг **буфусидан** унча фарқ қилмаган. Хитой аёлларининг кундалик **чанфу** кўйлаги эркакларникидан безагининг серҳашамлиги ва ранг–баранглиги билан ажралиб турган. Эркаклар аксарият бир хил рангдаги халатлар кийган. Аёллар кийими эса каштаси ёки турфа рангда тўқилганлиги билан фарқ қилган. Бундан ташқари одатда аёллар бир ёқали **гуацза** ўрнига енгсиз **каницзяр** ёки **бэйсин**, ёки икки ёқали калта кофта кийган. Хитой аёллари маньчжур аёлларидан фарқли ўлароқ, унчалик узун бўлмаган икки ёқали, кенг енгли **ао** кофтасини кийган. Турли тантаналарда ао устидан **сянэй** нимчаси кийилган.

Кўпинча оддий табақа аёллари аксар ҳолларда **ао** кийганларида остидан иштонлари кўриниб турган. Жамиятнинг олий ва ўрта табақа аёллари **ао** остидан ўзига хос **плахта–цюнцза** кийган. Бу кийим силлик, олд томонидан

тўғри бурчакли, орқа томонидан ён томонларига қаратиб қайрилган драпировкали бўлган.

Хитой аёллари фақат тўй ва бошқа тантаналарда Мин давридан мерос бўлиб қолган, *фэнгуань* деб аталган бош кийимни кийганлар. Бошқа вақт аёллар бош кийим кийишмаган. Соч мураккаб кўринишда, лекин енгил ва нозик турмакланган (2–расм).



2–расм. Аёллар либоси.

Сочнинг ўртасидан бир неча фарқ очилиб, тугун шаклида турмакланган. Соч турмакларидоги баланд тугунлар пешона ёки энсага йиғилган. Ҳар бир соч турмагида икки–уч боғ бўлган. Чаккалардан соч юқорига таралган, пешонага бир тутам пат тушиб турган. Аёллар чакка сочларини узун тушириб, уларга тақинчоқлар ҳам илиб юрган. Кибор хонимлар парик ҳам кийишган. **Тақинчоқлар ва пардоз ашёлари.** Хитойда қадимдан пардоз ва парваришга алоҳида эътибор берилган. Аёллар сочларига ҳар хил малҳам ва мой суртганлар, лок ва мум билан ялтиратганлар. Соч турмаклари гул баргли новда ва майда ғунчалар билан безатилган. Келинлар сочи инжу толалари, рангли ипак иплар, майда гуллар шодаси қўшиб ўрилган. Маньчжур аёллари байрам пойабзалларини хитойлик аёллардан фарқли равишда оёққа тасма билан боғламаганлар. Уларнинг пойабзали тўртбурчаксимон, пастга қараб кенгайган, ўртача пошнаги кўринишида бўлган.



**Маньчжурлар хукмронлиги даври либослари.** Маньчжур истилосидан кейин хитой либослари кўзга ташланарли даражада ўзгарди. 1759 йил Хитойда эркаклар ва аёллар кийимларининг шаклини белгиловчи қонун эълон қилинади. Мазкур қонун император, сарой аъёнлари, зодагонлар биринчидан тўққизинчи даражагача бўлган аксарият амалдорлар, шунингдек фуқаролар либосларини ўз ичига олади. Ушбу қонунга кўра либосларнинг бешта асосий тури аниқланади:

1. **Чаофу** – сарой либоси; қурбонлик қилиш маъракаси ҳамда саройда ўтказиладиган бошқа тантанали маросимларда кийилган.
2. **Цзифу** – байрам либоси, яъни тор, расмий доира учун мўлжалланган.
3. **Чанфу** – кундалик либос.
4. **Синфу** – сафар ёки йўл либоси.
5. **Юши** – ёмғирли кунда кийиладиган либос.

Маньчжурлар хитойликлар ташқи қиёфасини шу даражада ўзгартириб юборишга эришгандиларки, улардан олдинги босқинчилардан ҳеч бири бу ишни уддалай олмаган эди. Маньчжурлар Хитойда ўзларининг хукмронлигини ўрнатиш ҳамда ўз расм –таомилларини жорий қилишга интиладилар. Аксарият эркаклар соч олд қисмини қириб, орқа томонида қолган қисмини узун қилиб ўриб юришга мажбур қилинади. Бундай шаклда соч қўйиш **бян**, деб аталган. Маньчжурлар хитой бош кийимларидан кескин фарқ қиладиган ўзларининг бош кийимларини амалга киритади ва хизматчи амалдорларни эса, маньчжурларга хос либосларни кийишга мажбурлайди. Фақат аёлларгина ўзларининг миллий соч турмаги ва либосларининг бир неча унсурларини сақлаб қолишга муваффақ бўладилар, холос. Шундай бўлса - да, пойтахтда хизмат қилувчи хизматчиларнинг аёллари расмий тадбирларда маньчжурлар аёлларига ўхшаб кийинишга мажбур бўлганлар. Хитой аёллари учун миллий либос кишилиқ либоси сифатида сақлаб қолинади. Босқинчилар зулмидан озод бўлгачгина, хитой эркаклари соч ўримини қирқиб ташлайдилар. Ажабланарлиси шундаки, аёллар орасида

маньчжурларнинг узун халатини кийиш урфга айланади. Бундай халатлар **ципао**, деб номланади.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, азал–азалдан хитой либоси тарихи, мамлакатнинг шимоли ва ғарбида (маълум бир қисми) кўчманчи халқлар истиқомат қилганлари сабабли либослар борасида бўлиб ўтган мунозаралар аслида шакллар ўртасидаги кураш тарихига айланганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Маньчжурлар кофтаси – **гуацза** эди. **Чаофу ва цзифу** – эркакларнинг устки кийимлари саналади. **Гуацза** кофтаси ҳам устки кийим сифатида кийилган.

Буфанлар квадрат шаклида тикилган каштадир, Цинь даври буфуси орқасида – фуқаролик хизмати ҳамда олиймақом ҳарбийларнинг тўққиз даражасини фарқлаб турувчи белгилар бўлган.

Эркаклар халати – **чаофу** қурбонлик келтириш маъракаси ва саройнинг тантанали маросимларида **гуацза** остидан кийилган. Минь даврида **лунпао** тантанали либос ҳисобланган. Хитой императори тез–тез либосларни айрим давлатларга совға қилишни хуш кўрган. Совға олганлар лунпаонинг дабдабали безакларини яхши кўрган. **Чаофу** – дабдабали кийим ҳисобланган. Жуда қимматбаҳо эканлигидан ҳамма ҳам бундай халатларни кия олмаган.

**Лунпао** ҳам эркаклар халати бўлиб, ярим расмий ёки байрам либоси саналган. Одатда расмий маросимлар вақтида, тантанали вазиятларда лунпао билан чаофу алмашиб кийилган.

Императорлар халатлари узунлигига кўра беш гуруҳга бўлинган.

Эркакларнинг кундалик либосларида рангли нақшлар бўлмаган.

---

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. Хитой рамзий белгилари ҳақида нималарни биласиз?*
- 2. Хитойда рамзий ранглар нималарни билдиради?*
- 3. Хитой эркаклар либосини таърифлаб беринг.*

4. *Хитой либосига ассиметрик тақилма қайси мамлакат либосидан кириб келган?*
5. *Манъчжурлар ҳукмронлиги давридаги либослар ҳақида сўзлаб беринг*
6. *Хитой аёллар либоси ҳақида қандай маълумотга эгасиз?*

### **Япон либоси**

Япония кўп асрлар давомида уруғларга бўлиниб яшаб келган. Япония давлатга айланиши учун кўп асрлар керак бўлади. Тарихдан маълум бўлишича, давлатни император эмас, балки ҳарбийлар бошқарган. 1190 йилда эса тахт ҳарбий самурайлар олий кўмондонлиги қўлига ўтади. Самурайлар номи наслдан–наслга ўтиб, юз йиллик жанглардан сўнг ягона Япония давлатига асос солинади. Япония унча катта мамлакат эмаслигига карамай, табиий шароити мураккаб. Япония ҳудуди zilzilалар, сув тошқинларидан ҳосил бўлган мураккаб рельефли ўлка ҳисобланади. Табиат билан уйғунлик, яъни ана шу гўзалликни ҳис қилиш бетакрор япон услубини вужудга келтиради.

Япон тамаддуни қадимийлиги жиҳатидан нафақат жаҳон, балки Шарқ маданиятида ажралиб туради. Бу фикримизга шу кунгача сақланиб қолган тарихий ёдгорликлар, меъморий обидалар далил бўла олади. Масалан: мазкур меъморчилик ёдгорликларига IX–XII асрларда қурилган Хэйан Феникс ибодатхонасини эслатади.

Ҳозиргача япон тилининг қандай пайдо бўлгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Қадимда японларнинг ўз ёзувлари бўлмаган. VII асрга келибгина японлар хитой иероглифларига асосланиб, ўз ёзувларини яратган. Хаттотлик бобида маҳорати ошган япон ёзуви, каллиграфияси, хуснихати ёзув санъати даражасига кўтарилади. Буддага сиғиниш натижаси ўлароқ, хитой ҳикматли сўзлари, шеърлар каллиграфияда ёзила бошланади. Қоғозга сўз ёзиш катта аҳамиятга эга санъат ҳисобланади. Кейинчалик япон адабиёти дунёга келади ва VII асрда илк шеърлар ёзила бошланади.

Японияда санъат, ҳунармандчилик ривожланишига хитой санъатининг таъсири катта бўлса–да, японлар бу борада бетакрор услуб яратадилар. VII асрда Кореядан Японияга қоғоз тайёрлаш санъати кириб келади. Қоғознинг енгиллиги ва чидамлилиги японларга бежирим қурилиш материаллари тайёрлашларида қўл келади. Японлар уйлар, хоналарни ажратиб турувчи силжима эшик, фонарлар, елпиғичлар, хатто руҳонийлари учун кийим – *камико*, сувюқмас қоғоздан соябонлар ясайдилар. Қоғозни тахлаш санъати – *оригами*, деб аталади.

“*Япон рококо*”си деб ҳисобланган Хэйан даврида Япониянинг Хитой билан алоқаси сусаяди, бу эса япон маданиятига ижобий таъсир кўрсатади. Хитой маданиятининг таъсирига қарамай, япон меъморчилиги, айниқса тураржой ва интерьерининг ўзига хослиги билан эътиборни тортади. Японларнинг уйи катта ҳам, баланд ҳам бўлмаган, тўсиклар ёрдамида енгил трансформацияланган.

Японлар гўзаллик, нафосат туйғусига ўзгача назар солади, улар гўзалликни санъатда акс эттира оладилар. Бу жиҳат япон миллатига хос хусусиятга айланган. Япон миллий санъатининг доврўғи жаҳонга кетган. Япон боғлари, чой тайёрлаш маросими, ҳамда гулларни саралаб, дасталаш санъати – *икебана* шу жумладандир.

Япония тарихи мусиқа ва ўйинлар, диний маросимлар билан боғлиқлиги бизга тарихий манбалардан маълум. Дастлаб японлар ҳинд, хитой ва корейс мусиқаларидан кўп фойдаланадилар.

**Гўзаллик тимсоли.** Ўрта асрларда Япониянинг ривожланиши Хэйан даврида гўзаллик тимсоли ҳақида тушунча пайдо бўлишига сабаб бўлган. Японлар асрлар давомида турли ўзгаришлар содир бўлишига қарамай, гўзаллик ҳақидаги асосий тасаввурларини сақлаб қоладилар. Қоматни ёпиб турувчи, қават–қават, кенг–мўл либос, юз оқартириш аёлларга ҳам, эркакларга ҳам хос бўлган. Чунки сарой этикети – одоб–назокат қоидалари шуни тақозо этарди. Японларнинг эстетик диди аёллар гўзаллиги, турмуш тарзи ва одоб–назокат қоидалари таъсирида шаклланади. Японлар оқ танли

аёллар қаршисида бош эгганлар. Шу сабабли кибор хонимлар юзларини оқартириб юрган. Бу японларнинг турмуш шароитига, уйларига мос тушган, аёллар гул тасвири туширилган пардалар ортида, нимқоронғи пастак хоналар ичида қоп–қора сочлари, оппоқ юзлари билан жонсиз эмас, балки нозик бўлиб кўринган.

Асрлар ўтиши билан гўзаллик тимсоли, гўзал аёл образи ўзгариб борган. XVII– XVIII асрларга оид суратларда биз оппоқ юз, кирра бурун, pistaдай гунча лаб ва қисик кўз аёл ноз–истиғно қилиб турган ҳолатларини кўрамиз. Суратда аёлнинг пардек енгил, нафис ипақдан тикилган, ергача тушиб турган кўйлаклари кўриниб туради. Япон аёлларининг қадди–қомати ўзига хос. Уларнинг бўйинлари узун, оёқлари нисбатан калтароқ бўлади. Шу сабаб бўлса керак, япон аёллари қават–қават либос кийиб, қоматларидаги камчиликни усталик билан яширганлар. Япон аёллари белбоғни белдан юқоридан боғлаган. Аёлларнинг *оби* белбоғи кенг–мўл бўлиб, танага ўралганда қоматни кенгайтириб, тик, тўғри кўрсатган. Аёл бундай либос ва баланд пойабзал кийиб майда қадам ташлаб юрганида хушқомат кўринган. Аёллар сочни тасма ёки гулсимон қилиб баланд турмаклаганларида янада малоҳатли ва мафтункор кўринишган. Аёлларнинг қўллари, бармоқлари ва оёқ панжалари кичик бўлса, чиройли ҳисобланган.

**Мато турлари, либосларда ранг ва безакларнинг ўзига хос ечими.** Тарихий маълумотларга кўра III асрда япон тўқувчилари парча матосини тўқишни йўлга қўйганлар. Император ва сарой аҳли учун парча асосан, ялтироқ иплар билан тикилган, рангли ипақ ва нафис юпқа мато кийим тикишга ишлатилган. Япония қадимдан ипақ ватани ҳисобланган ва бу саноат жуда ривожланган қўшни Хитой давлатидан кириб келган. Нара даврида Япониядан келтирилган пишиқ гулли мато *штаф* жуда қиммат баҳоланган.

Япон либосларида ранг танлаш ҳам ўзига хос кечган, яъни табиат билан уйғунликда ранг танланган, масалан: оқ–бинафша ранг – “олхўри”, кўк ранг – “қўнғироқча”, пушти ранг – “шафтоли”, оқ–пушти ранг – “пионгул,

саллагул”, олхўри дарахти гуллари қиш тугаши рамзи ҳисобланган. Пионгул ва сакура баҳорни, нилуфар – ёз, хризантема – кузни билдиради. Мавсумга қараб, ана шу гуллар тасвирланган кийимлар кийилган. Келинчакнинг қизил рангли либоси ёки кўйлагида қизил рангга хос белгилар бўлган. Фақат императоргина сариқ рангли либос кийган. Япон либоси безакларида булутлар, тўлқинлар, ўсимликлар, қушлар, ҳайвонлар ва табиатнинг бошқа унсурлари, шунингдек, герблар тасвири учрайди. Буларнинг ҳаммаси ўзининг рамзий маъносига эга. XIV асрга келиб, сарой либоси анча соддалашади, кийимдаги унсурлар ва кийимлар сони камаяди.

**Япон анъанавий либослари.** Япон либослари асрлар давомида халқнинг эстетик диди, ташқи омиллар, ижтимоий воқеа – ҳодисалар ва иқлим таъсири остида шаклланди.

Япон анъанавий либоси бир ярим минг йил давомида ривожланди. Биринчидан, аслзодалар қатлами либосларга катта аҳамият беради, кичик бир деталь ҳам уларнинг назаридан четда қолмайди. Либоснинг сиполиги, ранги, каштаси, силуэти жуда ноқулай бўлса–да, бир–бирини такрорламаган.

Иккинчидан, деҳқонлар кийими баданнинг ҳар бир аъзосига мос тикилган. Деҳқонлар киядиган кийимлари қулай, чидамли ва арзон бўлишини хоҳлаганлар. Кийим ўз эгасининг табақаси, бойлиги ва жамиятда тутган мавқеидан далолат бериб турган.

**Эркаклар либоси.** Эркакларнинг миллий либослари жамиятда қабул қилинган эстетик қарашлар, яъни, ботирлик, жасорат ҳақидаги тасаввурлар остида шаклланади.

Эркаклар либоси ички ва устки кийимлардан иборат бўлиб, елка ва бел кийимларига бўлинади.

Эркаклар ички елка либоси – *дзюбан* ҳисобланади. Дзюбан кўриниши жиҳатидан халатни эслатади, кимоно остидан кийилади. У жамиятнинг барча табақаларига хос бўлган миллий либос ҳисобланади. Дзюбан шоҳи ёки ип газламасидан тикилади, узунлиги бўксагача тушиб туради ва чапдан ўнгга қараб ўралади.

Ички елка кийимининг яна бир тури – *нагадзюбан* деб аталади. Нагадзюбаннинг дзюбандан фарқи – узунлигида. Енгнинг эни ўмизига нисбатан кенгроқ олинади. Ортикча эни енг ўмизига тикилмаганлиги билан фарқ қилади.

Эркаклар бел кийими турларига *фундоси* ва *косимаки* киради.

*Фундоси* – тўғри тўртбурчак мато, оппоқ ип газлама бўлиб, у оёқлар орасидан ўтказилиб, белда маҳкамланади. Фундосининг икки тури мавжуд. Биринчиси узун, кенг мато парчаси белга ўралади, тугун қилиб тугилади, учи осилиб турган қисми оёқлар орасидан ўтказиб, белбоғ билан боғланади. Иккинчи тури *энтю фундоси* бўлиб, унинг бўйи калтароқ бўлади ва белга тасма билан маҳкам боғланади.

*Косимаки*, деб кўриниши тикилмаган юбкага ўхшаш, тиззагача кенг мато бўлагига айтилади. Косимакини бўкса атрофида айлантириб ўраб, белга *датэмаки* белбоғи ёрдамида боғлаб қўйилади.

Японлар миллий устки кийими *кимоно* саналади. Кимоно – қимматбаҳо либос. Кимононинг кўриниши халатни эслатади. Бўш, эркин, ёпинчиғи кенг белбоғ билан боғланади .

Совуқ кунларда бир неча қават пахмоқ кимоно кийилган. Оддий халқ кулай кийим кийган. Йил фаслига қараб, неча қават кимоно кийишган. Либосларнинг кўп қаватли бўлиши, кишининг жамиятдаи тутган ўрнини, нуфузини билдирган.

Табиат фасли либослар тикилишида муҳим аҳамият касб этган. Ёзги кимоно астарсиз, баҳорги–кузгиси астарли, қишкиси пахмоқ бўлган. Ёзги астарсиз кимоно – *хитозэ*, баҳорги–кузги, яъни астарли кимоно – *авасэ*, қишки кимонолар – *косодэ* астарли қилиб тикилган. Астар орасига хом шоҳи ипак солинган ва *вата–ирэ* астарли, астар орасига пахта солиб қавилган. Кимононинг энг асосий деталлари бу – *оби* ва *мон* герби ҳисобланади. Эркаклар обиси аёлларникидан ҳажми, эни, ранг ва безагига қараб фарқланган. Монлар эса кимоно елка қисмининг олдида иккита ва орқага учта мон тикилади.


**Оби** белбоғи – либоснинг энг асосий қисмидир. Обининг икки тури бор. **Каку оби** – байрам ҳамда тантанали маросимлар учун мўлжалланган белбоғ; **хэко оби** эса кундалик кийим белбоғи.

Яна бир анъанавий устки кийим **хаори** саналади. Хаори кимононинг устидан кийилади. Хаори – кенг, мўл тикилган бўлиб, у эркин осилиб турувчи этак, кенг енгдан иборат.

**Хакама** – эркакларнинг устки бел кийими. Хакама белбоғли, кенг, унча узун бўлмаган юбка–иштонга ўхшаш кийим саналади. Хакама белбоғли коп–симон, кенг иштонга ўхшаб, болдирнинг бир қисмини ёпиб турган. Оддий кишилар кенг, узун юбка–хакама кийган.

Оддий халқ устки елка кийими – **хантэн** ва бел кийими – **момохики** иштонини кийган.

**Каммури** – асосий бош кийим ҳисобланган. Каммури кийган кишига қараб, унинг жамиятдаги мавқеини билса бўларди. Оқсуяклар очик тусдаги, тўқ, сиёҳ рангли каммури кийсалар, паст табақага мансуб одамлар эса тўқ, қора рангли каммури кийган. Кишининг жамиятдаги тутган ўрни, нуфузи соч турмагида ҳам акс этган. Самурайлар юзларини силлиқ қилиб, қириб юрган (1–расм).



1 – расм. Камакура ва Муромачи даври, самурай либоси.



Рухонийлар эса сочларини олдириб, юзларидаги тукларини ҳам юлиб ташлаганлар.

Эркаклар ҳам пардоз қилган, оқ, тиниқ юзли киши хушрўй саналган. Шу сабабли бообрў, нуфузли эркаклар худди аёллар каби пардоз қилиб, юзларини оқартириб юрганлар.

Ўрта асрларда юқори табақа шаҳарликлар либосини кўшимча аксессуарларсиз тасаввур қилиш қийин эди. Елпиғич, шамшир, *нэцке*, *инро*лар кимонони безаб турган. Ёғоч, суяк, тош ёки металлдан ясалган жажжи хайкалчага *нэцке* дейилади. *Инро* деб, ҳамён ёки суяк идишчаларни солиб кўядиган қутичага айтилган.

Оддий одамлар похол пойабзал кийган. Миллий пойабзалларнинг яна бир тури *гета*дир. Гета тагчарми ёғочдан, скамейкасимон ясалган пойабзал бўлиб, ёғингарчилик пайтида кийилган. Оёқларга *таби* бош бармоқ чиқиб турадиган пайпоқ кийилган.

**Аёллар либоси.** "*Дзюни – хитоз*" – Хэйан даврига мансуб аёллар либоси саналган. Ушбу либос рангли, тўқилган, ўн икки қаватдан ташкил топади. Буни сараланган либослар номи деса ҳам бўлади. Яъни ушбу кўйлак шундайки, бирининг устидан бири кийилган; ҳар бири ҳар хил рангда ва устидаги остидагига нисбатан бир оз калтароқ кийимлардан иборат бўлган (2–расм).

- *Ками* – оқ ипақдан тикилган ички кийим;
- *утибокама* – бурмали қизил ипақ юбка;
- *хитоз* – астарсиз енгил кўйлак;
- *итсутсигину* – бешта, ҳар хил рангли ипақ либос;
- *утигину* – ялтироқ қизил халат;
- *уваги* – устки халат;
- *каригину* – ялтироқ парча халат;
- *мо* – юбка.



2–расм. Хэйан ва Камакура даври. Сарой хонимларининг тантаналарда киядиган кийими: ўн икки қаватли кимоно – *дзюнихитозэ*.

XII асрда либослар ўн икки қаватли бўлган бўлса, бора–бора у беш қаватга тушади. Ушбу кийим қуйидаги тартибда кийилади:

- \* оёқ тепаси, сон оқ мато билан ўралади;
- устдан баданга ёпишиб турувчи халат – *дзюбан*;
- дзюбан устидан жун халат – *ситаги*;
- унинг устидан *кимоно*;
- кимоно устидан – *хаори* кийилгани. Хаори кўкракдан тасма боғич билан боғланади.

XIV асрга келиб, зодагонлар либоси анча соддалашади, кийимлар ва унинг унсурлари сони камаяди. Аёллар либоси эркакларникига нисбатан узунроқ бўлиб, ерга тегиб турган.

Аёллар ички елка кийими – *хададзюбан ва дзюбан* саналади. Бу кийимлар узунлиги ва энида фарқ қилади. Аёллар дзюбанида енг ўмизининг ост қисми очик қолдирилади, эркаклар дзюбанининг енг ўмизи тўлиқ тикилади.

**Футано ва косимаки** – ички бел кийими ҳисобланади. Футанонинг узунлиги калта, тиззагача келади. Бу кийим оҳорли ип газламадан қилинади, тикилмаган юбкадан иборат бўлади. **Косимаки**, деб товонгача тушиб турадиган, узун, тикилмаган юбкага айтилади. Ёши улуғ аёллар оқ рангли, ёш қиз–жувонлар эса кўзга ташланадиган, ёрқин рангли юпқа муслин газламаси ёки креп матосидан косимаки кийган. Фаслга қараб, совук тушганда **косимаки** ўрнига **хададзюбан** устидан кимонога ўхшаш **нагадзюбан** кийилган ва белга **датэмаки** белбоғи ўралган.

**Кимоно** ва **хаори** устки кийимлар саналади. Хаори туникасимон бичимли, олди очик, кўкраккача **окуми** ёқаси тушиб туради ва тасма билан маҳкам боғланади, кўпинча орт қисми олдига нисбатан калтароқ бўлади.

Аёллар кимоноси эркакларникидан узунлиги, энг бичими ва тикилишида фарқ қилади. Аёллар кимоноси энгининг ички томони ва энг ўмизининг ости очик қолдирилган, тикилмаган. **Юката** – аёлларнинг ёзги кимоноси. Умуман, аёллар кимоноси фасллар ўзгариши, бирор тадбир ёки маросим турига қараб ўзгарган.

**Оби** белбоғи орқа томонга катта капалак шаклида бант қилиб боғланади. Белга боғланадиган белбоғлар сони еттитагача бўлади. Одамга керакли ашёлар, майда–чуйдалар белбоғ орасига қистирилган, унга сиғмагани эса бурмалар ораси ёки энг ичига солиб қўйилган.

**Косодэ** устки кийим ҳисобланади. Косодэ VII – XVIII асрларда (ўйик ёқали) декольте ва (орт бўлак этаги узун) шлейфли қилиб тикилган (3–расм).



3–расм. Сарой хонимлари либоси. Муромачи ва Адзучи–Момояма даври (1568–1600): косодэ ва учикакэ.

**Хантэн** – оддий, ишчи аёлларнинг устки кийими; **фундаги** эса туникасимон шаклдаги либосдир; **момпэ** – бел кийими.

Аёлларнинг бош кийими ахён–ахёнда учрайди. Аёллар сайр чоғи ва ишлаганларида похол шляпа кийганлар. Совукда рўмол ўраганлар ва қайтарма қалпоққа ўхшаш ёпинчиқ ёпганлар.

Япон аёлларининг соч турмаклари ўта назокатли эканлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Тимқора ва қалин узун сочлар аёлларга алоҳида ҳусн бағишлаган ва бу гўзаллик рамзи саналган.

Қадимда аёллар сочларини ёйиб юрган, сўнг бошга йиғиб, катта тутам қилиб турмаклаган. Аёллар соч турмаги турли сочтўғнағич ва ёғоч, маржон, суяк, металл, тошбақа косасидан ясалган тароқлар билан безаларди. Бундан ташқари гуллардан ҳам безак ўрнида фойдаланилган. Белбоққа безак сифатида **нецке** тақилган. XII асрда нецке жажжи ҳайкалча кўринишида бўлган. Шамсиялар урф бўлган. Соябон – шамсиялар жуда урф бўлган. Кибор хонимлар иссиқда ҳам, ёмғир ёғаётганда ҳам гул тасвири туширилган елпиғичларни қўлларидан қўймасди.

Аёллар **таби** деб аталган оқ пайпоқ кийган. Табининг ости қалин жун матодан тепаси эса ипак ёки пахтадан қилинган. Улар бундай қалпоқларни

кийиб, уйда юрган, меҳмондорчилик ҳамда театр ва ибодатхоналарга борган. Аёллар пойабзали *гета* ҳар хил бўлган. Ўша даврларда кўриниши скамейкасимон ва тагчарми кенг, 10 см.ли баланд ёғоч ўриндикқа ўхшаш гета урф бўлган. Ёмғирли кунларда, ивиб кетмаслиги, ифлос бўлмаслиги учун гета устига ғилоф кийдирилган. Аёллар пойабзалининг яна бир тури – *дзори* эди. Ўлчами бир хил, таги юмшоқ, пошнасиш шиппакка ўхшаш бўлган.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. Япония санъати ва маданиятини таърифлаб беринг. Мамлакат санъат ва маданиятининг гуллаб-яшнашига туртки бўлган омиллар ҳақида нималарни биласиз?*
- 2. Японияда гўзаллик тимсоли қай тариқа баҳоланади?*
- 3. Мато турлари, либосларда ранг ва безакларнинг ўзига хос ечими ҳақида сўзлаб беринг.*
- 4. Япон анъанавий либослари ҳақида нималарни биласиз?*
- 5. Япон эркакларининг қандай кийим турларини биласиз? Уларни таърифлаб беринг.*
- 6. Аёлларнинг Хэйан даврига хос бўлган либоси ва кийиниш услуби ҳақида сўзлаб беринг.*

## **БЕШИНЧИ БОБ**

### **МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАЛҚЛАРИ ЛИБОСИ**

#### **Қозоқ либоси**

Қозоқ халқ санъати тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Бу ҳақда Қозоғистон Республикаси ҳудудидан топилган биринж асрига оид тарихий обидалар ҳам гувоҳлик беради. Геометрик тасвирлар туширилган сопол идишлар, суякдан ясалган буюмлар, биринж ва тилла тақинчоқлар бунга мисолдир.

Фанда қозоқ халқ санъати милодгача Қозоғистон ҳудудида яшаган сак, усун, хунн каби элатлар санъати билан генетик жиҳатдан боғлиқлик бор, деган тахминлар юради. Мазкур элатларнинг яшаш тарзи ва хўжалик юритишлари қозоқларникига жуда ўхшаш ва яқин бўлган. Улар ҳам кўчманчиликда ҳаёт кечирган, чорвадорлик билан шуғулланган.

**Қозоқ халқ нақшлари (орнаменти).** Қозоқ халқ санъати тарихига разм соладиган бўлсак, қадим замонларда чизги – орнамент бирор диний маънони аңлатганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, биринж ва кумушдан ясалган туморларда туркий элатлар қуёш, ой, осмон сажда қилаётганлиги тасвирланган.

Либослар учун танланадиган матолар ранги ва нақшлар графикаси бир–бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ранглар контраст усулда ҳам танланган (оқ ва қора). Ҳар бир ранг эса ўз маъносига эга бўлган:

- ҳаворанг – осмон рамзи;
- қизил – олов рамзи;
- оқ – ҳақиқат, бахт, хурсандчилик рамзи;
- сариқ – ақл–идрок рамзи;
- қора – ер рамзи;
- яшил – баҳор рамзи.

**Қадимий қозоқ анъанавий либослари.** Кўп асрлар давомида қозоқ либосларининг матолари ўзгарди, бичимларга ўзгаришлар киритилди, кийимда безаклар пайдо бўлди. Табақалар орасидаги фарқ асосан кийган

кийимларидан яққол ажратиш мумкин эди. Шунини айтиш мумкинки, бу фарқ айниқса мато тури ва тайёрланиш сифатида билиб турган.

Ғарбий Қозоғистонда байрамларда кийиладиган аёллар ва қисман эркаклар кийимлари қимматбаҳо духоба, ипак–шоҳи матолардан тикилган, кумуш тантачалар билан безалган. Кўйлақлар зарли иплар билан кашта қилиб тикилган, бош кийимларга эса кумуш қимматбаҳо тошлар қадалган, товус патлари қистирилган ва маржонлар терилган.

**Эркаклар либоси.** Эркакларнинг ички кийими кўйлақ ва иштон, елкага ташланадиган устки кийим ҳамда шалвордан иборат бўлган. Шалворлар асосан этикнинг қўнжигида тикиб қўйилган.

Қозоқлар XVIII асрнинг охири – XIX аср бошларида эгниларига *жейде, жегде, желде* каби кийимларнинг ҳаммасини бир пайтда устма–уст кийган.

Одатда кўйлақнинг ён қисмига енгнинг тагидан пастга қараб кенгайиб кетган ҳиштак солинган. Ҳиштакнинг тепа қисми учбурчак шаклида бўлиб, бу *қўлтиқша*, деб аталган. Кўйлақлар асосан пахта толасидан олинган, асосан сидирға, оқ рангли, баъзан гул босилган ипли газламалардан тикилган. Жейде олд томондан икки ёки учта тасмача ёрдамида боғланган.

Устма–уст кийиладиган бундай кўйлақлар аксарият Ўрта Осиё халқлари – қирғиз, ўзбек, тожик, уйғурларда урф бўлган. Кўп халқларда бу кўйлақ енгилгина бўлиб, бичими жиҳатидан бир–биридан фарқ қилмаган. Ўзбеклар ва тожиклар бу кўйлақ *яхтак* ёки *актай* деб атаган. Жанубда яшайдиган қирғизларда *жегде* деб аталган.

Аксарият қозоқ уруғлари орасида, асосан, шарқий ва жануби–шарқий Қозоғистон аҳолиси орасида *жейде* номи сақланиб қолган ва янги русумдаги кўйлақлар ҳам шундай атала бошланган. Қозоғистоннинг кўп туманларида эса у кўйлақ деб юритилади.

XIX аср охирига келиб, қайтарма ёқали кўйлақлар асосан шарқий ва қисман жанубий Қозоғистонда, Мангишлоқда урф бўлади. Республиканинг бошқа вилоятларида эса бундай кўйлақлар фақат тикёқа сифатида тикилган.

Кўйлакнинг кўкрак қисми қирқимининг ички тарафига чок бериб, қайтариб тикилган ва унинг икки тарафидан худди шу матодан бостириб тикилиб, ёқа олди боғичлар билан чатиб қўйилган. Кейинчалик XIX аср охири ва XX аср бўсағасида кўйлакнинг қирқими планка билан қопланади ва тугма учун изма очилади.

*Дамбал*—эркакларнинг ички иштони ҳисобланган. Эркакларнинг ички ва устки иштонлари бир—биридан унча фарқ қилмаган. Иштонлар қадам ташлашга қулай бўлиши учун кенг қилиб, бел қисмида ҳам катта бичилган ва белбоққа тикилган кенг узун боғич — тасма ёрдамида белга тортиб маҳкамланган.

Қишда қўй терисидан мўйнаси ички тарафга ўгириб тикилган иштон — *тери шалбар* (тери шалвор) ё бўлмаса, пахта ёки жун солиб қавилган шалвор кийилган.

Бойлар эса ипак билан кашта тикилган, нақш чекилган, қизил ёки сариқ рангли, махсус ишлов берилган, яъни ошланган майин, бахмалсимон чармдан тикилган иштон кийган (1—расм).

Устки иштонлар Семиречье, марказий ва шарқий Қозоғистонда *сим* (шим) деб аталган ва ёзги ва қишки турларга бўлинган. XIX асрда ёзги устки иштонлар ошланган, майин, бахмалсимон тери, яъни чарм, қалин қоғозли ва жун матолардан тикилган.

XIX асрда туркий халқлар орасида жуда кенг тарқалган ички иштонлар *дамбал, тамбал* ёки *иштон*, устки иштонлар эса *шалбар* деб аталган.

Кўйлак устидан эркаклар енгил, олди очик, тугма тақиладиган, гавда қоматига мослаб бичилган, этак томони хиёл кенгайган — *кемзал* (камзул) кийган. Камзул астарли қилиб тикилган. Совуқ тушганда камзул астари жун матодан қалин қилиб, авраси билан бирга қавилган. Қишда эса камзул астари мўйнали қилинган.





1–расм. Йигитларнинг(джигит) қишки либоси: устки кийим– *ишик, шапан, тон*, бош кийим – *борик*, бел кийим – *жарғақ шалбар*, белбоғ – *белбеу*, этик–*саптама этик*.

Қозоқлар йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъий назар, устки кийим – *шапан* (чопон) кийган. Чопонлар ҳар хил, юпқа ва қалин, ранглари ҳам турли матолардан, кўпинча астари жунли матодан тикилган. Ошланган майин, бахмалсимон тери, чарм чопонлар ҳам бўлган. Эркакларнинг устки кийимлари: мўйнадан икки қават қилиб тикилган чакмон – *шекпен*; плаш–ёпинчиқ – *кебенек*; кигиз ёпинчиқлар, аврасиз пўстин – *тон* (тўн), мўйнали пўстин – *ишик* ҳисобланган. Устки кийим турлари, узунлиги ва эни, юпқа ва қалинлиги билан фарқ қилган. Айримлари, кигиз ёки мўйнали қилиб тикилган (2–расм).

Эркаклар либосига кўшимча деталь сифатида чарм камар тақилган. Камар тилла, қумуш ва мисдан нақш чекиб, безак берилган.

Аксарият катта ёшли кишилар бош кийим кийган. Улар сочларини қириб, кичкина қалпоқча – дўппи, унинг устидан бошқа бош кийимларни кийганлар. Дўппиларнинг – *тақия ва кепеш* каби турлари ҳам бўлган. Ёзда дўппи ва бошқа бош кийимлар ўрнига бошга *орамал* – кичик оқ рўмол боғланган. Ёшларнинг рўмолларига кашта тикилган. Дўппи бахмал, мовут, ипак, сидирға ва йўл-йўл матолардан тайёрланган.



2–расм. Эркакларнинг устки кийимлари: 1) мўйнали пўстин(*ишик*); 2) аврасиз пўстин (*тон*); 3) чакмон (*шекпен*); 4) чопон (*шапан*.)

Ёзги енгил *қалпақ*; кигиз қалпоқ ва чеккаси мўйнали бош кийимлар; кишки *тымак*, махсус бичимли, мўйнали телпак қозоқларнинг устки бош кийимлари саналган.

*Тымак* (тумоқ) орқаси уч бўлақдан иборат, пешона қисми бўртиб чиққан, орқа тарафидаги бўлаги каттароқ бўлиб, бўйин ва елкаларни ёпиб турган (3 – расм).



3–расм. Эркаклар бош кийими – *тымак* (тумоқ).

Эркаклар бош кийимига чит астарли, қора мовутдан тикилган *жалбагай* ҳам киради. *Жалбагай* қаттиқ бўрон турган вақтларда *тимақ* (тумоқ) устидан кийилган, Тўрғай ва марказий Қозоғистон ҳудудларида қор ва ёмғирдан ҳимоя қилувчи восита сифатида кенг тарқалган. Ўлчами кичикроқ, шунга ўхшаш бошқа бир бош кийими *далбай*, деб аталади. Далбай Қозоғистоннинг жанубий қисмида кенг тарқалган бўлиб, у эркакларнинг ёзги бош кийими ҳисобланади.

Ҳукмдорлар, султонларнинг бош кийимлари конуссимон узун қалпоқ шаклида бўлиб, хошияси кенг ва қайрилиб турган. Қалпоқ оч пушти ёки қизилранг кимхоб билан қопланиб, хошиясига яшил рангли зар иплар билан кашта тикилган. Ё бўлмаса, қалпоқ кумушранг парча билан қопланади ва дўппи устидан кийилган (4– расм).



4–расм. Эркаклар бош кийими

Қозоқ эркаклари оёқларига юмшоқ пошнаси маҳси – *маси* ичкаридан ташқарига чиққан кавуш – *кебис* кийган.

Эркаклар пойабзалидан яна бири – *кииз этик* (кигиз этик) ҳисобланади. Эркакларнинг кишки этиклари – *саптама этик*, *дау этик*, *байпақ этик* бўлиб, улар бир–биридан баландлиги ва эни, кўнжининг кенглиги билан фарқланган. Этиклар атайин шундай кенг тикилган, чунки қишда этиклар кигиз пайпоқлар билан кийилган.

**Аёллар либоси.** Қадимда қозоқ аёллари *иш кўйлек* (ички кўйлак) – ич кийимини кийган. Ич кўйлак узун, кенг, енгсиз бўлади, елкаси энсиз, ёқа

ўмизи кенг ўйилади. Олди қирқимли, боғич билан боғлаб қўйилади, кўйлак узунлиги тиззагача келади, енгил, оқ матодан тикилади.

Аёллар ички кўйлак устидан **қўйлек** (кўйлак) кийган. Кўйлакнинг олди ёпиқ, ёқали, олд қисмида қирқими бўлган, бўйнига боғич боғлаб қўйилган. Кейинчалик боғичлар ўрнини тугмачалар эгаллайди. (5–расм).



5–расм. Аёллар либоси

Кундалик кийим учун пахталик матолар танланган. XVIII аср охири–XIX аср бошларида қизил ва кўк рангдаги матолар урф бўлади.

Қизларнинг кўкрак олди очилиб қолмаслиги учун махсус кўкракпеч – **алқа ўниршэ** кийилган. Турмушга чиққан жувонлар эса кўкрак қисмини **кимешек** ёпиб, бекитган.

Аёллар кўйлак устидан – **кемзал** (камзул) кийган. Камзуллар тикилишига қараб турлича аталган. Баъзан енгсиз кийим **кемзал**, енглиги эса **бешимет** деб аталган. Бундай камзулнинг бошқа номлари ҳам бўлиб, лекин улар кам тарқалган. **Дамбал** ва **шалбар** иштон қозоқ аёлларининг бел кийими ҳисобланади. Бичимига кўра бу иштон эркакларникидан фарқ қилмаган. Устки иштон – **шалбар** (шалвор) турмушда жуда асқотадиган зарур кийим саналган. Бундай иштонлар қоғозли қалин матолар ёки қўлбола мовут ва кўй терисидан тикилган. Бадавлат хонадон қизларнинг шалворлари кимхоб, ипак ва бошқа қимматбаҳо матолардан тикилган, безаклар берилган.

Қизлар икки хил бош кийим кийган. Дўппи асосан қизларнинг бош кийими ҳисобланади. Бундай дўппининг кенг тарқалган номи – *тақия*, Мангишлоқда *телпек*, шарқий Қозоғистонда – *кепеш*, деб аталган. Иккинчи бош кийим – *бўрик* бўлиб, унинг чеккалари мўйнали, иссиқ қалпоқдир.

*Саукеле* – келинларнинг энг қадимий баланд, бош кийими шундай аталади. Одатда саукеле тўйларда кийилган (6– расм).



6–расм. Аёллар бош кийими – саукеле

*Тимақ* – кичик бош кийими ҳисобланади. Учи қиррали, баланд ушбу бош кийим тепа қисми билан ажралиб туради.

*Тақия борик* – аёллар бош кийимининг энг қадимий намуналаридан бири саналади. Ушбу бош кийим баланд, учли бичимдаги дўппи шаклида бўлиб, тўқ қизил кимхоб ва мўйна билан безатилади.

Одатга кўра, илк бор она бўлган ёш жувон биринчи фарзанди дунёга келгач, ували–жували аёлларнинг бош кийимини кияди. Аёлларнинг ушбу бош кийими икки қисмдан иборат: ичкиси *кимешек* ва устки *салде* – салла у ичидагиси устидан ўралади. Бош кийимнинг икки қисми ҳам асосан оқ матодан қилинади. Аёлларнинг бош кийими – кимешек бош, кўкрак, елка ва орқани ёпиб туради (7– расм).



7–расм. Аёлларнинг бош кийими – *кимешек*.

Аёлларнинг заргарлик буюмлари ҳам хилма–хил: ранг–баранг ичсирға, тақинчоқлар бўйин ва кўкрак устига, соч ва бошга тақилади. Тақинчоқлар, узук, билагузуклар шулар жумласидандир.

Қозоқ аёлларининг пойабзали эркакларникидан деярли фарқ қилмаган. XIX аср охири–XX аср бошларига келиб, қозоқ аёллари пойабзалларининг кўриниши ва шакли ўзгаради. Қиз – жувонларнинг кўпчилиги *етик* – этик кийганлар. Улар аксарият *масі* ва *кебисни* (махси ва кавуш) маъқул кўрган. Кекса аёлларнинг асосий пойабзали *ичиги* ва калиш ҳисобланган.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

1. *Қозоқ халқ санъати, маданияти ва тарихи ҳақида нималарни биласиз?*
2. *Қозоқ халқининг урф–одатлари ва анъаналари ҳақида гапириб беринг.*
3. *Қозоқ эркаклар кўйлагининг бичими қандай бўлган?*
4. *Эркаклар либоси қандай кийим турларидан ташкил топган? Шулар ҳақида маълумот беринг.*
5. *Қозоқ эркакларининг бош кийимлари ҳақида маълумот беринг.*
6. *Қозоқ аёллар ва қиз–жувонлар бош кийимларини тавсифлаб беринг.*


## Қирғиз либоси

Қадимда қирғизлар кўчманчиликда турмуш кечирган. Қирғизларнинг урф–одатлари ва анъаналари кўчманчи ҳаёт тарзида шаклланган. Ўтовлар кўчманчи бўлиб яшашда қўл келган. Бир жойга кўчиб ўтганда ўтов қуриш кўнгилга яқин тантана ҳиссини уйғотган. Ана шундан ўтов қуриш ва унга кўчиб ўтиш расми пайдо бўлган. Ўтовга кириб яшашгача бир неча маросим ва тантаналар ўтказилган (1–расм). Қадимда кўчманчи қавмларнинг урф–одатига кўра, эгасининг насл–насаби, нуфуздан келиб чиқиб, ўтовлар қурилган. Ўтовга кираверишдан чап томони *эр жак* – эркакларники ҳисобланган. Эркаклар чап томонга ўзларига хос ашёлар, яъни ов қуроли, от камчинини осиб қўйган. Ўтовнинг кираверишдан ўнг томонини эса *энчи жак* – аёллар эгаллаган, демак, бу томон уларга тегишли саналган.

Ўнг томонда сандиқ, кийим–кечак, озиқ–овқат турган, ошхона бўлган. Одатда ўзига тўқ одамларнинг бир нечталаб катта ва кичик ўтовлари бўлган. Кичик ўтов *аишхана–уй* – ошхонадан иборат бўлиб, бу ерда идиш–товоқ ва озиқ–овқат сақланган. Яна вақтинчалик, омонат ўтов – *мейман–уй*, яъни меҳмонхона ҳам бўлган. Кейин бойнинг иккинчи ва учинчи хотинлари учун ҳам махсус ўтовлар барпо этилган. Янги турмуш қурган ўғилларга ҳам ўтов берилган. Жамиятдаги табақалар қатламига кўра, авом халқ ўтови бой одамларникидан ўтовининг безалишида фарқ қилган. Вақтлар ўтиб, қирғизлар ўтроқ ҳаёт кечири бошлади.

Аёлларнинг хилма–хил тақинчоқларини аёл тақинчоқларини кўздан кечирсак, унда учта асосий этник ва тарихий–маданий алоқалар йўналишини кўришимиз мумкин. Ушбу йўналишлар: шакли, ишланиш усули ва безалиши, яъни тақинчоқларга ўйилган чизги–орментлардир. Булар қозоқ ва ярим кўчманчи бўлган ўзбек халқида ҳам учрайди. Мазмунан бу тақинчоқларда Синьцзян уйғурлари ва мўғулларга хос чизги ифодалари ҳам ўрин олган. Демак, Марказий Осиё халқлари бир–бирлари билан маданий алоқадабўлган, яъни уларнинг маданият ва санъатида муштараклик бўлган, деб хулоса чиқариш мумкин. Бориб–бориб ўзбек ва тожик халқлари санъати

ва маданиятида ҳам айна шу яқинликнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Қирғиз либоси орадан неча асрлар ўтибдики, ўз миллийлигини сақлаб келмоқда.



1–расм. Қирғиз халқи анъана, урф–одат ва тантаналари

**Эркаклар либоси.** Кўйлак билан иштон – қирғиз эркакларининг ички кийими. Эркаклар кўйлаги кўпроқ туникани эслатади, узунлиги белдан пастга тушади ва енглари узун, қўл панжаларини ёпиб туради.

**Кементай** – кенг, астарсиз кигиз тўн. Яна кементай астари қавилган тўн ҳам бўлиши мумкин. Кементай тикилган матосига қараб, *пашайи тон* (пошшойи тўн), *кымкап тон* (кимхоб тўн), *зарбарак тон* (зар тўн) деб номланади. Кементай чўпонларни ёмғирли ва совуқ кунларда нам–совуқдан сақлаган. Қадимда ўзига тўқ, бадавлат қирғизлар сербезак, оқ рангли кементай кийган. Қишда кементай устидан кўй терисидан тикилган пўстин кийилган.

Эркакларнинг устки кийими *чепкен* ҳисобланади (8.10 –расм). Чепкен махсус ишланган мовутдан тикилган бўлиб, у бошқа кийимлар устидан кийилган. Совуқ тушганда чепкеннинг ўрни уни бошқа ҳеч қайси кийим билан босолмайди. Чунки чепкен шамол–тўзонга дош берган. Мовут



чепкендан нам ўтмаган, бўлмаган, совуқдан ҳам, қуёш нуридан ҳам бир хилда ҳимоя қилган. Пишиқ–пухталиги учун ҳам у кундалик кийим сифатида кийилган. Туя жунидан тикилган бу устки кийим кўпроқ кўчаллик, яъни кишилик бўлган. Чепкеннинг нархи жуда қиммат бўлгани учун уни бадавлат қирғизлар кийган. Ўзига тўқ кишилар туя жунидан тўқилган иштонлар ҳам кийган.

Эркакларнинг яна бир узун устки кийими – **чапан** (чопон), деб аталган (2 – расм). Кўчага чопонсиз чиқиш мумкин бўлмаган. Бу беодоблик саналган. Қадимда чопонлар ичига пахта, туя жуни солиб қавилган. Авраси бахмал, мовут чит–духоба, астари **мата** (мато) ёки читдан қилинган.

Чопонларнинг **найгут чапан**, **каптама чапан** деган бир неча турлари бўлган. Улар этник кўриниши жиҳатидан бир–биридан фарқ қилган.

Кенг, туникасимон тўғри бичимли, енгларига хиштак солинган чопон **найгут чапан**, деб аталади.

Енг ўмизи юмалоқ шаклдаги ўтказма енгли, тўғри бичимли, этагининг икки ён томони қирқимли, тор чопон **каптама чапан**, деб аталган. Каптама чопоннинг этаги ва енгига ипдан жияк тикилган.



2–расм. Эркаклар либоси.

Шалвор – *жаргашым* эркакларнинг бел кийими ҳисобланади. Ушбу шалвор жун, чит, баъзида ошланган майин, бахмалсимон чарм ва теридан ҳам тикилган.

Қирғиз эркакларининг бош кийимига тўхталганда, дастлаб қалпоқларни қайд этиш мумкин. Қалпоқларнинг бичими ҳар хил бўлган. *Калнак* (қалпоқ), ҳақли равишда, қадимий қирғиз бош кийимларидан бири саналади. Қалпоқ тўрт қийиқли бўлиб, юқоридан пастга томон кенгайиб борган. Икки ёнининг уч қисми тикилмаган. Қуёш нуридан сақлаш учун уни юқорига қайириб қўйиш ёки пастга тушириш мумкин бўлган. Қалпоқнинг уч қисми шокила билан безатилган. Зодагонлар қалпоқларининг тепа қисми баланд бўлиб, чеккаларига қора бахмал тикиб, жило берилган. Оддий халқ қалпоқни сатин, болалар қалпоғини қизил бахмал ёки қизилранг мато қўйиб безаган.

XIII асрларда кигиз қалпоқлар Ўрта Осиё халқларининг бош кийимлари сафидан ўрин олди. Оқ кигиз қалпоқ қирғизларда энг кенг тарқалган бош кийим ҳисобланади.

*Малахай* – бош кийимнинг бир тури. Ушбу бош кийим кураккача тушиб турганлиги, орқаси узун, чаккаси ён қисмига уланиб кетганлиги билан қалпоқдан фарқ қилади. Малахай тулки мўйнаси, қўзи ёки буғу мўйнасидан тикилган, устига мато қошланган.

Қирғиз миллий эркаклар либосининг бир қисмини ташкил этадиган, кенг тарқалган қишки бош кийим – *тебетей* ҳисобланади. Тебетейнинг тепа қисми текис тўртта қийиқ бўлақдан иборат бўлиб, бахмал ёки мовут матосидан тикилган, унга тулки ёки сувсар мўйнаси билан безак берилган. Агар бирор киши хонликка кўтарилганда, яъни мавқеи ошганда бошига *қизил – тебетей* кийган. Қадимда қирғиз халқининг бир удуми бўлган. Бу удумга кўра, нуфузли боён хизмат вазидан тегишли жойга ўз чопарини юборади. Чопари эса хўжайинининг тебетейини кийиб олади.

Эркаклар илгари таги қалин кигиз этик кийган. Қирғиз пойабзалининг яна бири тури – *ичиги* ҳисобланади. Ичиги юмшоқ, пошнасииз чарм этик

бўлиб, уни эркаклар ҳам, аёллар ҳам кийган. Этик устидан *кенич* – пошналик калиш кийилган.

Одатда кийимлар тайёрланиши ва мато сифатига қараб табақалар фарқланган. Қабила улуғлари, оқсоқоллар, мартабали кишилар – аёло сифатли қизил чарм пойабзал кийган, авом эса хом чармдан этик кийган.

Этикларнинг бир неча тури бўлган. Учи қайрилган – *чокой*; кўнжи калта, ғижим, хом чармдан *чарык*(чорик); юмшоқ, ошланмаган чармдан тикилган *пайчеки* шулар жумласидандир.

Мўйналик, кўнжи қайрилган *маасы* (маҳси) қишки пойабзал ҳисобланган.

**Аёллар либоси.** Аёллар кўйлаги узун, кенг, узун енгли, тик ёқали кўйлак бўлиб, ёрқин рангли матолардан тикилган. Қирғизлар яшаган жойига қараб, кўйлакларнинг ёқа шакли ва безагида фарқ қилган.

Тўқ рангли, танага ёпишиб турувчи, енгсиз камзул – *беишмант* кўйлак устидан кийилади.

**Белдемчи** – қирғиз аёлларининг анъанавий либосига киради. Тантана ва байрамларда белдемчи қора, ялтироқ матолардан тикилган. Шоҳи, баъзан уйда тўқилган мовутга кашта билан безак берилган. Махсус чеварлар бу кашталарни тиккан. Белдемчи кенг белбоққа тикилади, унга кашта ва кумуш безаклар билан безак берилади. Унга мўйна ҳам қўйилиб, сернақш кашта тикилган. Белдемчи байрамларда миллий либос билан бирга тўй, меҳмондорчиликка борганда, уйда меҳмон кутганда, оилавий байрамларда тақилган. Кундалик тақиладиган белдемчига кашта тикилмаган. Белдемчи камзул, кўйлак устидан белга боғланган.

**Ичик, кемсал** – аёлларнинг устки кийимига киради, қишки пўстин деса ҳам бўлади (11–расм).

**Элечек** – аёллар бош кийими бўлиб, тўлиқ кўриниши уч қисмдан ташкил топади: дўппи; унинг устидан тўғри тўртбурчак мато бўлагини ёпиб, у билан бўйин ва ияк яширилган; уларнинг устидан эса оқ матоли дастор ўралган.

Оқ матодан ўралган салла кўринишидаги *элечек, элеки, коляк* аёллар бош кийимлари бўлиб, халқ орасида кенг тарқалган. Элечек неча марта ўралишига қараб безалган. Шимолда *элечекка* маржон тизилган, тангачалар тикилган ипак мато боғланган. Бойвучча жувонлар бошларига нақш чекилган, кумуш пластинкали *кумуш кыргак* кийганлар (3–расм).



3–расм. Аёллар либоси.

Қадимда тўй–маъракаларда кийиладиган бош кийими –*шоюло* турли маржонлар билан безалган. Жанубда элечекка *саймо кыргак* деган мато тикилган. Баъзан *элечек*нинг беаги ҳам бўлган. Қирғизистон жанубида яшовчи қирғизларнинг қалпоқлари ҳам тўртбурчак ёки думалоқ шаклли пластинкалар билан безатилган.

Аёллар ва қисман эркакларнинг миллий либосларида кашта алоҳида ўрин эгаллайди. Яна аёллар орқасига тақиб юрадиган *аркалық* машҳурдир. Манбалардан маълум бўлишича, илгарилари *аркалық* босма баҳялар, тошлар билан безатилган. Қадимда бундай тақинчоқларни қизлар елкаларига тушиб турган, ўрилган сочларига тақиб юрганлар. XX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб қирғиз қиз–жувонлари *аркалық* тақмаганлар. Бошқирдлар *аркалығы* – йўл–йўл матодан тикилган бўлиб, унга тангалар қадаб чиқилган.

Қирғиз аёллари соч учларига осилчоқ осиб юрганлар. Шимолда яшайдиган қирғизларнинг қадимги шокилдалари: *чач уштук* ёки *чач мончоқ* (узунлиги 60см ва ундан ортиқ) бўлган, яна кумуш шокилда – *чолну* урф бўлган. Чач мончоқ – соч мунчоғи учбурчак ёки фигурали пластинка

шаклида, Иссиққўл чолпулари эса катта–катта пластинкали, жимжимадор ёки силлиқ бўлган. Чолпулар юмалоқ, нақшин тангалардан иборат бўлиб, бундай шокилдалар – *зеер* деб аталган.

XIX аср охирида *чалпу* ўрнини маржонлардан ишланган *чач уштук* эгаллайди. Бу турдаги тақинчоқлар қозоқларда *шалпи*, Қозон татарларида *чўлпи* ва бошқирларда *сулпы* деб юритилган.

Зирак–исирғалар – *иймек*, *кулол сойка* ўзининг турли хилда ишланиши, шаклларининг ҳар хиллиги билан ажралиб туради.

Қадимда шимолий қирғизлар орасида мураккаб шаклдаги кўкрак–осилчоқ тақинчоқлари тарқалган ва безакларининг ўзига хослиги билан ажралиб турган. Бу тақинчоқлар *сойко желбюрооч*, деб номланган. Унинг икки тури маълум: энг қадимгиси – сойко желбюрооч жуфт конуссимон шокилдалардан иборат; юқори қисми илгаксимон тақилмали бўлади.

*Сойко желбюрооч* – кундалик тақадиган тақинчоқ ҳисобланмайди. Сойко желбюроочни қиз–жувонлар тўй–ҳашам, байрамларда таққанлар. Бир неча маржон тизилган иплардан ташкил топган *шуру* бўйин тақинчоқларидан бири ҳисобланади.

Кўкрак тақинчоқларининг яна бир неча тури мавжуд: биринчисига қизлар тақинчоғи, маржонлардан тизилган кўкрак тақинчоғи – *ала ташак* киради. Кумушдан ишланган учбурчак ва тўртбурчак шаклдаги *бойтумор* ҳам шу жумладандир. Бойтумор ичида фақат тақинчоқлар эмас, балки "Қуръон" суралари ҳам сақланган. Бойтуморга орнамент–нақшлар чекилиб, безак берилган. Бу турдаги тақинчоқларни Ўрта Осиёнинг қозоқ, ўзбек, туркман, уйғур ва бошқа халқларида, ҳатто мўғулларда ҳам учратиш мумкин.

*Билерек* билагузуги эса маҳаллий усталар томонидан ишланиб, ҳозирги давргача аёллар тақинчоғи сифатида хизмат қилиб келмоқда. Қирғиз усталари яна *топчу* деган кумуш тугмаларни ҳам ясаганлар. Кумуш тугмалар қиз–жувон либосларида безак ўрнида қўлланилган. Қирғизларда *карга тырмак* номи билан машҳур уч япроқ мазмунидаги чизгилар урф бўлган.

Бошқа турдаги безакли тугмалар ҳам бўлиб, улар *туймэ, шууру, топчу* ёки *чок топчу*, деб аталади. Иссиқкўлда бундай тугмалар икки хил кўринишда бўлган.

Ўшнинг жануби–шарқи ҳамда шимолий туманларда аёл либослари, айниқса устки кўйлаklarининг кўкрак қисмига *онур* кашта тикилган.

Қирғизистон жанубида турмуш курган аёллар қадимий бош кийимлари – *чач кеп* ёки *кеп такия* ҳисобланади. Кеп такия каштасининг нафислиги, нозиклиги билан катта бадий аҳамият касб этади. Қалпоқ аксарият нафис, оқ рангли сурпдан тикилган. Юқори қисмига оқ рангли салла (*элечек, элеки, каляк*) ўраб кўйилган. Кашта асосан кўринадиган жойларга: юз, орқа, елка, пешона қисмига тикилган.

Қирғизлар рўмоллари тожикларникига тикилиши жиҳатидан жуда яқин. Уларнинг номи ҳам бундан далолат бериб турибди. Масалан: *дурия*; тожикчаси: дуруя.

Аёллар пойабзали эркакларникига ўхшаб кетади. Аёллар пойабзали нақшин безак берилгани ва пошнаги эканлиги билан эркакларникидан фарқ қилган.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. Эркаклар кўйлаги қайси қисми, яъни деталига қараб турлича номланган?*
- 2. Қирғиз эркаклар либоси қандай кийим турларидан ташкил топган? Уларга таъриф беринг.*
- 3. Эркаклар бош кийимлари ўзига хос бўлган. Улар нимадан тикилган ва қандай вазифани бажарганини тавсифлаб беринг.*
- 4. Қадимда қирғиз аёлларининг кийими қандай кўринишга эга эди? Ҳозир бундай кийим турлари сақланиб қолганми?*
- 5. Қирғиз аёлларининг бош кийимларини тавсифлаб беринг.*
- 6. Аёллар кўйлаklarининг бичимида фарқ борми? Агар бўлса, қайси бўлақларида?*

## Тожик либоси

Биз тожик миллий либосларини ўрганиш билан бирга Ўрта Осиё халқлари либосларининг бир–бирига муштарак томонлари, келиб чиқиши тарихи ва уларнинг фарқли жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Тожик анъанавий миллий либоси XIX аср охири–XX аср бошларида аниқ кўринишга эга бўлди. Кийим эркин, кенг туникасимон бичимли бўлиб, инсон қоматини яшириб турган. Эркаклар, аёллар ва болалар либоси шакли ва бичими жиҳатидан бир–бирига жуда яқин бўлган. Шунга қарамай, кийимлар учун ишлатилган матолар сифати, безаклилиги асосий аҳамиятга эга эди. Бунда бой ва ранг–баранг халқ амалий санъати сезилиб турарди.

**Эркаклар либоси.** Тожик кийимлари хилма–хиллиги билан ажралиб туради. Елка кийим сифатида кўйлак, чопон кийишган. Эркакларнинг ички кийимига туникасимон кўйлак – *куртаи мардона, кифтаки* ёки *кўйлак* киради. Кўйлак олди горизонтал ва вертикал кесик бўлган. Кўйлак кесиги хоҳ горизонтал бўлсин, хоҳ вертикал бўлсин, кўйлак олдига тасма қўйилган. Кўйлақлар орасида олди кесилмаган *яхтак* – кўйлақлар ҳам кийилган.

Узун ва кенг иштон шалвор ва *эзор* – иштон бел кийими бўлиб, хизмат қилган.

Бу кўйлак, яхтак ёки желак бир–бирига ўхшаб кетади.Тожикистонда кўйлак устидан нимча– *воскат* кийилади. Кўйлак устидан чопон, чакмон, бир неча халат кийилган. Халатлар уч хил тикилади. Бухорода кенг, узун, тик халатлар тикилган, уларнинг енглари узун, кенг ва тўғри бўлган, икки ёнида чўнтаги бўлган. Халат ярмига астарлик қўйилган, ярмига қўйилмаган. Қишки халатга пахта солиб қавилган, халат астарли ҳам бўлган.

Тожик эркаклар ички кийими – *яхтак* ва *жсома*– устки кийим бўлиб, уларнинг бир неча турлари мавжуд: енгил, астарли, иссиқ қавилган. Яхтак асосан ёрқин ва ранг–баранг матолардан бичилган бўлиб, халат бичими, киядиган одамнинг ёшидан қатъий назар, бир хилда тикилган. Кийим бутун мато парчасидан бичилгани учун олд ва орт бўлакнинг елка қисми чоксиз яхлит, бичилган. Енг ўмизининг қирқими бўлмаган. Унга узунасига пастга

караб торайиб кетган энг уланган, кўл энги (кўлтиқ) орасига хиштак солинган. Кийимнинг икки ёнини кенгайтириш учун *киритма* ( кийик, улоқ , кулфак ) қўйилган (илгари матолар эни тор бўлган) ва этагининг икки ён томонидан вертикал қирқим қийилган. Борт четлари, этак қирқими ва энг учи кўлда тўқилган *зеҳи дасти* – энсиз тасма билан ишлов берилган, кўкрак олди *камарча* боғичи билан безалган. Эркакларнинг кундалик чопон асосан сатин ва читдан, катта–катта гулдор, нақшли ва кўк, яшил тусли мовут матосидан тикилган. XX аср бошларида камзул кийиш урф бўлди. Тоғликлар қишда қавилган пахталик чопон устидан мўйнали пўстин ва уй шароитида тўқилган мовутдан чакмон кийган.

Энсиз узун газлама бўлаги *фўта* белбоғ сифатида хизмат қилган. Ёш йигитлар кашта тикилган қийиқчалар – *миёнбанд*, бадавлат кишилар ва амалдорлар *камарбанд* – бахмалга зар иплар билан кашта ёки ироқи тикилган кенг белбоғ боғлаган.

Эркаклар бош кийими *тоқи* – дўппи ёки *кулоҳ* қалпоғи устидан салла ўралган. Асосий бош кийим дўппи ҳисобланиб, у – *тўппи*, *қалпоқ*, *каллапўш*, деб ҳар хил аталган. У оддий матодан тикилган. Шоҳига тилларанг, кумуш иплар билан кашта тикиб, безак берилади, четларига мағиз тикилади. Йигитлар безак бериб тикилган бундай дўппиларни тўйларда кийган. Эркакларнинг бош кийимига ёшига мос равишда ранг ва безак берилган. Катта ёшдаги эркаклар сипо, каштасиз бош кийим кийган. Помирда ҳозирги вақтларда ҳам қишда дўппи ўрнига қалпоқ, *похол* кийилади. Унинг шакли узун қалпоққа ўхшайди.

Бундан ташқари тақводор кишилар, домла–имом, муллалар, қария баланд юмалоқ қалпоқ киярди. Қарияларнинг бош кийимлари шакли ҳар хиллиги, юмшоқ матолардан тайёрланганлиги билан фарқ қилган. Қариялар дўпписи устидан матодан салла, дастор ўралган.

Қиш фаслида аксарият туманларда дўппи устидан телпак кийилган. Думалоқ мўйнали қалпоқ икки хил бўлган. Бухорода ярим конусли мўйнали қалпоқ кийилган. Юқори қисми қорақўл терисидан тайёрланган. Қалпоқ учун



кўпроқ кўзичоқ мўйнаси терисидан фойдаланилган. Докадан салла ўралган. Салла ўрашнинг ҳар хил усуллари бўлиб, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос ўраш услуби бўлган.

Эркалар ва аёллар пойабзали **махси** оммабоп ҳисобланган. Маҳси чарм **кавуш** билан бирга кийилган. Бу пойабзалнинг эчки терисидан тикилган **қайроқи** хили ҳам бўлган. Қишлоқларда турли пойабзаллар кийилган. Енгил этиклардан ташқари баланд пошналар этиклар ҳам кийилган. Қиш фасли тоғлик туманларда **кафши чубин** – тахтадан уч оёқли бошмоқлар кийилган. Терини ошлаб, тайёрланган юмшоқ этик XX асрнинг энг замонавий пойабзали саналган. Локланган теридан тикилган ушбу этик жуда кадрланган.

**Аёллар либоси.** Анъанавий тожик аёллари либоси тўпикқача тушадиган узун кўйлак бўлган. Бу кўйлак – **курта** деб аталган. Курта туникасимон бичилган, унинг ён–этак қисми ва энг учлари хиёл кенгайиб борган. Кўйлакка солинадиган квадратсимон шаклдаги кулфак ёки ҳиштак бошқа рангли матодан қилинган. Кулфакнинг ҳар хил рангда қилиниши замирида кўйлак эгаси бўлган жувон серфарзанд бўлсин, деган тилак ётади.

Қизлар кўйлаги ёқаси – **китфаки** горизонтал қирқимли бўлиб, унга олд ва орт ўнг ёқа ўмизининг ён қисмидан пастга қараб, катта бўлмаган қирқим берилади. Агарда кўйлак кир бўлиб қолса, орқасини олдига айлантириб кийиб олиниши учун шундай қирқим қўйилган. Тўйдан сўнг ёш келинчақлар аёлларнинг **пешкушо** ёки **пешяла** вертикал қирқимли кўйлагини кийган.

Қадимда тожик аёлларининг **куртаи мармар** ёки **куртаи пешмармар** кўйлаклари ҳам бўлган. Бу кўйлақлар нафис, оқ матодан тикилган бўлиб, енгил ҳарир кисея, биёр ёки ахобониғи матосидан тикилган. Кўкрак қисмини ёпиш учун **сийнапўшак** ёки **сийнабандак** тақилган. Сийнапўшак устига ироқисимон кашта тикилган. Аёллар кўйлак устидан куртача кийган. Куртачанинг узунлиги белгача тушган, енглари кўйлакникига нисбатан калта бўлган. Албатта, оддий халқ бундай кийимларни кия олмаган. Бундай серҳашам либосларни бойвучча аёллар кийган.

Аёлларнинг кишилик ҳисобланган, тўй–ҳашамларда киядиган кийими уч қаватдан иборат бўлиб, ўзида уч хил кўйлакни намоиш этади. Ушбу кўйлақлар енгларининг узунлиги ва эни ҳар хил бўлади. Енглар учи *моҳири кашта* усулида тикилган гуллар билан безалади. Безақлар бир–бирига ўхшамайдиган, бетакрор нақшлари билан эътиборни тортади. Бундай кўйлақлар беаги, матосининг ҳашами билан ажралиб туради. Ушбу кўйлакни кийган аёл, аввало, либос дабдабаси билан бирга ўз–ўзини ҳам кўз–кўз қилади. Даврлар ўтади, вақт ўтиши билан бирга кийимлар ҳам ўзгаради. Энди бу кўйлақларни фақат келинчақларгина тўй–ҳашамларда кия бошлайди.

*Чакион* халати кўпроқ уй шароитида кийишга мўлжалланган. Бу халат уйда ҳам, кўчада ҳам кийилган. Чакионни кўпроқ катта ёшдаги аёллар белбоғсиз қишда кийган.

Аёллар кийимининг иккинчи асосий қисми шалвор бўлиб, у *пойжома, лозим, азор, тамбон*, деб аталади. Бундай лозим ва шалворнинг юқори қисмига резинка тасма қўйилади. Шалвор асосан икки хил матодан тикилади, пастки қисми кўйлак остидан кўриниб туради. Шунинг учун лозимнинг тиззадан паст қисми қимматбаҳо матодан, тиззадан юқори қисми эса майин, арзон матолардан тикилади. Лозим почасига матонинг ўзидан манжет қилинади. Ёки бўлмаса, лозим почасига бошқа матодан манжет қилинади ёки жияк қўйилади.

Тожик аёллари лозими почасига бир хил матодан безак берилади. Лозим эни ва узунлиги ҳар хил бўлади. Тоғли ҳудудларда яшайдиган аёллар узун, тўғри шалвор киядилар. Бундай иштонларнинг поча қисми торроқ бўлади.

Юқоридаги кийимлардан устидан пахтали узун халат, жома, чопон ҳам кийилган. Айрим воҳаларда узун ва калта камзул кийилган. Бундан ташқари, айрим тожиклар камзул ва нимча астарлиги, яъни распошонкасини (ички кўйлак) кийган. Бу кийим енгсиз, ёқасиз, икки ёнида қирқими бўлади. Унинг номи *мунисак* ёки *халтача*, деб аталади. Аёллар кўчага чиққанларида паранжи ёпинган. Паранжи узун ва ёлғондакам енги бўлган. Аёллар


паранжиси билан бирга юзни яшириш учун қалин ва тикка, тўрли чачвон ҳам тақилган ва у *чашмбанд*, деб аталган. Чашмбанд қора от ёлидан тўқилган. Чашмбанд баъзан мунчоқлар билан ҳам безалган.

Маълумки, мусулмон давлатларида паранжи ёпиниш шариат талаби ҳисобланиб, бу ёпинчиқ аёлнинг қадди–қоматини яширишга мўлжалланган.

Тоғли туманларда аёллар, жумладан, келинлар халатнинг ҳамма турлари, шунингдек, паранжи ёпинган. Бориб–бориб бу паранжилар ўрнига шоҳи рўмол – *дубанд* ёки чашмбанд тақилган. Бу келинни ёмон кўзлардан асраган.

Помирда устки кийим сифатида гиламнусха қилиб босилган распошонкали халат кийилган. Аёллар тўртбурчак рўмолни севиб ўраган. Бу уларнинг бош кийими ҳисобланган. Ҳар бир вилоятнинг ўзига хос рўмоли бўлган. Ёш жувонлар шарфга ўхшаш рўмол ўраган. Бу рўмол узун бўлиб, чеккаларига нақшли кашта тикилган. Дўппи XX аср ўрталарида кийилган. Дўппи аёлларнинг кўчалик бош кийими саналган ва кейинчалик келинчақларнинг бош кийими бўлиб қолди.

Кекса ва ўрта ёшли аёллар *кулутанўшак* қалпоғини (1–расм), кичкина рўмол билан бирга ўраган. Тоғли туманларда кекса аёллар бундай қалпоқ устидан салла ўраган Тўғри тўртбурчак ёки узун мато бўлаги билан томоғи ва бўйнини ўраган ва унинг устидан яна битта катта рўмол ёпиб юрган. Қизлар юмшоқ матодан тикилган бундай дўппи устидан рўмол ўраган. XX асрга келиб, аста–секин салла ўраш, қалпоқ кийиш урфдан чиқа бошлади. Хўжакентда ҳозир ҳам асосий бош кийим асосини катта тўртбурчак рўмол ташкил этади. Бош ранги қора ёки тўқранг, эни 15–17 смли кичкина рўмол билан ўралади. Бу рўмолни ўраганда кўйлак бурмалари кўринмайди, гулли ва қора рўмол бир–бирига хоч шаклида боғланади. Одатда бундай бош кийимни аёллар ўғилларининг суннат тўйларида ўрайдилар. Бухорода бундай рўмоллар устидан узун доқа ташлаб юрилади.



1–расм. Тожик аёлларининг бош кийимлари.

Бу бош кийимлардан ташқари, ёш жувонлар, асосан турмушга чиққан кизлар биринчи марта меҳмонга борганларида ҳар хил бош кийимлар киядилар. Бу *сарбандак* ёки *мандил*, тилла ва кумушрангда тикилган *пешонабанд*лардир. Бухорода *қоши тилло*, биллак, бармоқ, бошга тақадиган кумуш ва тилладан ясалган ҳар хил қимматбаҳо тошли тақинчоқлар тақилган. Тақинчоқлар аксарият кумуш ва тилладан ясалган.

Қадимда оддий дока ва кашта тикилган рўмол ўралган. Энг сеvimли бош кийим шоҳи матодан тайёрланган. Кашмири рўмол, камарут рўмол, шолрўмол. Шолрўмол тўйлар, ҳар хил тадбирларга ўралган.

Пойабзал – жуда хилма–хил бўлиб, кавуш, чарм этикшулар жумласидандир. Этикнинг қўнжи узун бўлиб, ичига шалворлар киргизилган. Бадавлат одамлар сирти шоҳи иплардан тикиб безалган ироқи туфли кийган. Этик қўнжли бўлиб, оёққа пайтава ўралган. Пайтава юмшоқ пахмоқ матодан қилинган, пайпоқ билан ҳам кийилган. Тоғли туманларда, қишлоқларда кўпроқ чарм этик, туфли кийилган. Қишда калиш, *чўби*, кавуш кийилган. Помир ва Дарвоза минтақаларида иссиқ кунларда пошнапи *туфли пайзор* – *афгон туфли* кийилган. Афгон туфлиси чиройли кашталар билан безалган.

Қишда кўчага **чонус чорук** – юмшоқ этик кийилган, унинг ички қисми жундан тикилган.

**Матолар.** Аёллар асосан табиий пахта ва шоҳи матолардан кийимлар кийган. Парча, кимхоб, кундал, бахмал–духоба, атлас, булардан ташқари, ярим ипак матоларнинг ҳар хил, ранг–баранг, йўл–йўл турдаги матолар ишлаб чиқилади.

Шу билан бирга Тожикистонда ипак мато, қаттиқ мато, канауса урф бўлади. Бу мато катта–катта йўлли, маркази бошқа ранг, чети бошқа рангли бўлган. Тожикистон шоҳи бахмали, катак–катак ва ҳар хил босилган, йўл–йўл русумда матолар ишлаб чиқарила бошланган. Рангли мато ҳам урф бўлади.

Аёлларнинг каштали кўйлаклари, яъни ҳар хил нақшли ипак матолардан тикилган кўйлақлар урфга киради. Кўйлақларнинг асосан, енги, этагига мижознинг дидига мос равишда кашта тикила бошланди. Лозимлар почасига ҳам кашта тикилади.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. Эркақлар либоси қандай кийим турларидан ташкил топган? Уларга таъриф беринг.*
- 2. Эркақлар устки кийимларига нималар киради?*
- 3. Эркақлар бош кийимларининг ўзига хослиги. Нимада кўзга ташланади уларни тавсифлаб беринг.*
- 4. Қадимда тожик аёллари либоси қандай кўринишга эга эди?*
- 5. Анъанавий либослар ҳақида гапириб беринг.*
- 6. Тожик аёлларининг бош кийимларини тавсифлаб беринг.*

### **Туркман либоси**

Туркман халқ либослари маданий, анъанавий меросга бой эканлиги билан ажралиб туради. Либосларга ўзига хос этнографик гуруҳ, қадимий уруғларнинг таъсири катта бўлган. Айниқса ана шу ўзига хослик аёллар либоси ва бош кийимларда сақланди. Қадимий уруғларнинг шаклланган, илдизи мустаҳкам анъаналари узоқ даврларга бориб тақалади. Аксарият

уруғлар либосларининг ўзига хос хусусиятларини туркманларга кўшни бўлган давлатлар турмуши билан бевосита боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Туркман либослари унсурлари ва номланишига кўра Ўрта Осиёдаги бошқа ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва тожик халқларига яқин. Айниқса, хивалик туркманлар либосларида ана шу жиҳат яққол кўзга ташланади. Кўшни яшаган миллатлар, халқлар бир–бирига боғлиқ ҳолда ривожланди. Аммо либослардаги айрим унсурлар этнографик жиҳатдан келиб чиққанлигини инкор этиб бўлмайди.

**Эркаклар либоси.** Эркаклар ички кийимига кўйлак ва иштон киради. Эркаклар кўйлаги *койнэк* – туникасимон бичимли, ўртача узунликда (бўксадан пастрок), кенг, узун енгли, этак қисмининг икки ён томонида *яртмач* – қирқими бўлади.

XIX аср бошларида кўйлақлар ёқа ўмизи кўнгдаланг, яъни горизонтал ўйилган ва бир ёки икки томонидан тизимча билан боғланган. Бундай ёқали, *тегеелек яка* кўйлагини аксарият қариялар ва болалар кийган. Мазкур кўйлак тури ҳозиргача сақланиб қолган.

Бундан ташқари эркаклар кўйлаги ёқа ўмизига қараб турлича номланади: *сопы яка койнэк, курта–и–муллоча, ша яка койнэк*. Ёқалар номи ҳам ҳар хил: *эплеме яка, орис яка, голбы, чек яка, сопы яка, ша яка*. Туркман эркаклар кўйлақлари этаги эркин тушиб туради, белга белбоғ боғланмайди.

Охирги юз йил ичида кўйлақлар бичими сезиларли даражада ўзгарди. Уларнинг алоҳида қисмлари ва рангига ўзгаришлар киритилди. XIX асрда кўйлақлар оқ ипли матодан тикилар эди. XX аср бошларида туркман (қариялардан ташқари) эркаклар кўйлақларида маълум ўзгаришлар бўлди. Кўкрак қисми ўнг томонидан вертикал кесими – *чек яка* кўйилди. Туркманистон жанубида ёш йигитлар қизил ипақдан кўйлақлар кийган, уларнинг ёқаси қисми ва енг учларига (манжетларига) нозик қилиб кашта тикилган.

Қариялар пахта толали ип матоли кўйлак устидан, совуқ тушган пайтлар ёки байрамларда **курта** кўйлагини кийган. Курта – ипак матодан бичилиб, астарли, пахтаси юпқа солиб қавилган, ёқаси горизонтал ўйилган кўйлак.

Кўйлак ва халатнинг асосий детали ҳиштак–**бе–гейик** ҳисобланади. Бе–гейик учбурчак шаклида қилинади.

Эркаклар бел кийими икки турда бўлган: ички – **балак** (балок), **дыздан иштан** (иштон) ва устки – **жалбар** (шалвор).

Туркман иштонлари – **балак**, дейилади. Балаклар катта қадам ташлаб, бемалол юришга мўлжалланган. Бунинг учун мато катта, яхлит қилиб бичилади. Унга боғич тақилади. Катта тикилган бу иштон тасма ёки боғич билан боғланади .

XVII–XIX асрларда эркаклар отда юрга. Отлиққа қулай бўлиши учун иштонлар кенг–мўл қилиб тикилган. Аксарият туркман уруғи эркаклари оқ рангли иштон кийган. Фақат ёш йигитларгина яшил ёки кўкранг иштон кийган. Қишда иссиқроқ матодан тўқроқ рангдаги кийим кийилган. Бадавлат кишилар **жалбари** қиммат матолардан тикилган. Оддий халқ эса арзон матолардан тикилган жалбар кийган ёки устки иштон киймаган.

Эркаклар устки кийими айрим хусусиятларига кўра икки хил: иссиқ ва енгил кийим бўлган. Иссиқ устки кийимга қуйидагилар киради: **дон** (тўн) – туркман эркакларининг кенг тарқалган устки кийими саналади; кўй терисидан тикилган пўстин – **ичмек, постун**. Енгил устки кийим: астарли ва айрим турлари астарсиз – **пахтасиз дон** бўлган.

Туркманлар енгил устки халатлар устидан кўк, қора ва ҳаво рангли мовутдан тикилган **мавут дон** (мовут тўн) ҳам кийган.

Туникасимон бичимли **ектай** астарсиз, устки кийим – **чекмен** жуда кенг тарқалган. Плашга ўхшаш чекмен кўй ёки туя жунидан ишланган мовутдан тикилган. Кундалик кийиш учун мўлжалланган – **егин чекмен**, дағал мовутдан тикилган (1–расм).

Ўрта Амударёнинг шимолий туманларида қишда йўл-йўл матодан, елкадан белгача бўлган қисмига авра-астар орасига пахта солиб қавилган – *ленке дон* кийилган.

Кундалик пўстин – *дери ичмек* бўлиб, уни тикиш учун 6–7 та қўй териси кетган, тўй-ҳашамларда кийиладиган кишилиқ пўстин – *силкме ичмек* эса 10–11 та ҳали жуни олинмаган ёш қўзиларнинг жингалак терисидан тикилган. Қўй терисидан тикилган, эркақлар қишки кийими – *ичмек*, *постун* овулларда ҳозиргача кийилади.

Туркман устки кийимларининг ҳаммаси туникасимон бичимда бўлган. IX аср охирларида туникасимон бичимда бўлмаган, устки кийим– *гунпи-кемзор* кийилган. Бу камзул пахталик бўлган.

Қадимда халатлар бўйи ҳам, енглари ҳам узун бўлиб, кийганда енг қўл бармоқларигача тушиб турган. XIX аср охирларига келиб халатлар узунлиги қисқарди ва шунга қараб, уларнинг енглари ҳам калта қилинди. Ушбу халатларнинг кўкрак қисмига тасмалар тикилган бўлиб, булар кийим олд қисмини боғлаш учун мўлжалланган.

Эрсарин туркманлари сидирға, кулранг халат кийган. Амударё тарафларда бухороча халатлар кийилган. Халатлар ёрқин тус берилган гуллар билан безатилган. Кундалик кийиш учун мўлжалланган халатлар *ектай* бир хил рангда бўлади.

Туркманистоннинг кўшгина туманлари, яъни шарқий ва жанубий томонларида – *гирмизидон* деб аталган, тўй-тантаналарда кийиладиган халатлар бўлган. Ушбу халатлар қизил ипак, қора ва оқ, йўл-йўл матодан тикилган. Аслзодалар қимматбаҳо матолар, яъни мовут ва бахмал гирмизидон халатлар кийган.

Эркақлар бош кийимлари ўзига хос қадимий хусусияти билан ажралиб туради. Ушбу бош кийимларда туркман халқи анъаналари сақланиб қолган. Туркман эркақлари ҳам аксарият Ўрта Осиё халқлари каби, бирданига устма-уст икки хил бош кийим: ички – майин дўппи, бир неча қават матодан тикилган, шакли ҳар хил ва турли шаклдаги устки – мўйнали телпак кийган.



Эркакларнинг ички бош кийими думалоқ, конуссимон шаклда бўлган. Ҳар хил туркман элатлари яшаган жойига қараб, бош кийимлар ҳам турлича номланган: *тахя* ёки *тайха*, *борик*, *калпак* ва ҳ.к.

Эркаклар устки бош кийими мўйнали бўлиб, киши яшаётган жойи, бичими ва мўлжалланган ўрнига қараб ҳар хил номланган: *телпек*, *борик*, *човре*, *чулакчин* ва ҳ.к. Бош кийим ечилмаган. Йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъий назар, мўйнали телпак қуёшнинг жазирама иссиғидан, қишнинг қаҳратон совуғидан асраган. Телпак учун қора, оқ, сарғиш рангли, қўй ва қоракўл териси ишлатилган (1 –расм).



1–расм. Туркман эркаклар либоси.

Туркменистоннинг айрим туманларида қариялар салла – *селле* ўраган, салла учун узунлиги 3–4 метрли, рангли ипли мато олинган. Оқ саллани аксарият дин пешволари, домла–имомлар ва тақводор қариялар ўраган.

Туркман эркакларининг миллий оёқ кийими ҳар хиллиги билан диққатга сазовор. *Чокои* ва *чарык*, *ченек* ёки *елкен*, *эдик*, *кауш*, *меси* – ана шундай эркаклар пойабзали сирасига киради.

*Чокои* – ушбу пойабзал учи тепага қайрилган тумшукли бўлиб, бузоқ терисидан тикилади. *Ченек* – чўпонлар пойабзали ҳисобланади. Ўзига хос бу сандалнинг пошнаси чармдан ясалиб, жун боғич ёрдамида боғланади.

Эркаклар кишу ёзда этик кийганлар. Аксарият бадавлат кишилар отда юришга қулай бўлгани учун этикни маъқул кўрган. Бундай этиклар баланд, ингичка пошнали бўлган. Айрим эркаклар ўзларига пошнасиэ юшоқ этик тиктириб олганлар.

**Аёллар либоси.** Қадимдан туркман аёллари ички кийим сифатида – *койнек* (кўйлак) кийган . *Койнек* – туникасимон бичимли, этагининг узунлиги тўпикқача тушадиган қилиб, эркаклар кўйлагига ўхшаш тикилган .

Аёллар кўйлагининг ҳаммасини бичими бир–бирига ўхшаш бўлиб, олд бўйин ўмизининг ўртасидан кўкракқача вертикал қирқим берилади (2–расм). Кўйлақлар ёқали, баъзида ёқасиз ҳам бўлади. Туркман аёлларининг кундалик кўйлақлари уйда тўқилган *алажа* (олача) – майда пушти–сиёхранг катак – катак ипли газлама ёки ярим ипаклик матодан тикилади. Туркманистоннинг жануби–шарқий туманларида аёллар уйда тўқилган *мата* – ипли матодан, кўк–ҳаворанг кўйлақлар кийган.



2–расм.Аёллар либоси

*Гирмизи кетени* – қизил рангли, пишиқ ва зич қилиб тўқилган ипак бўлиб, у бошқа ипаклардан устун турган. Туркманларда қизил ранг рамзий маънони англатади. *Кетени* – матоси қадимий бўлиб, Мисрда ишлаб чиқарилган ва XVI асрда Ўрта Осиёга олиб келинган. Тўй–тантаналарда кийиш учун қизил кўйлак – *гирмизи кетени* койнек танланган. Бўйига етган

қизлар сепида камида иккита–учта *гирмизи кетени* кўйлаги бўлиши шарт эди.

Аёллар кўйлаklarининг ёқаси ва кўкраккача бўлган қирқимлари *жсехек* деб аталган энсиз, қизил ва яшил рангли шоҳидан тасма қилиб тикилган. Кўйлакнинг олд қирқими – кўкрак қисмига *гуртикин* ёки *пугтама* деб аталган ҳар хил, зич, сидирға майда геометрик нақшлар билан кашта тикилган.

Аёллар бел кийими – иштон бўлиб, гуруҳига қараб, у турлича номланади: *балак, диздан, иштан* ва ҳ.к. *Балак* (балоқ) – эркаклар иштонлари ўхшаб кетади, лекин пастки қисми торайиб боради.

Аксарият бадавлат хонадон аёлларигина иссиқ устки кийим кийган. Шунга қарамай, аёллар устки кийимларининг бир қанча турлари шаклланган.

*Ичмек* – пўстин; аёллар ичмеги майда ҳайвонлар териси ёки тулки панжасидан тайёрланган. Ичмек эркаклар пўстинидан калтароқ қилиб, сиртига қизил рангли шоҳи ёки бахмал қошлаб тикилган.

XIX аср ўрталарига келиб, Туркманистон ғарбида қиз–жувонлар пахта солиб қавилган иссиқ кийимнинг бошқа турини кия бошлаган. Бу кийим *курте*, деб аталган. Курте – олди ёпик, узун, туникасимон бичимда, ёнлари трапециясимон шаклда бўлади. Куртега баъзан ҳиштак солинмайди.

Баъзан эса ромбсимон ҳиштак кўйилади. Курта этагининг ён томонларига қирқим берилади.

Этаги ва ён қирқимларига занжир чокда рангли кашта тикиб безалади. Енгил устки кийимлар бичими ва кўриниши жиҳатидан ҳар хил бўлган. Туркманистоннинг марказий, жанубий ва жануби–шарқий туманларида *дон, чабит ва курте* каби енгил устки кийимлар – қизил ва сариқ рангдаги энсиз, йўл–йўл ёки сидирға ипақдан тикилган, астари яшил сатиндан, кейинчалик читдан қилинган. XX аср бошларида Туркманистоннинг шимолий томонида *кемзор* кийилган. Кемзор тик ёқали, қирқма чўнтакли, астарли бўлган.

Одатда Тошовуз туркманлари кемзорни ёқасиз тиккан, кўкрак қисмига оқ ип билан хиёл безак берилган.

Кемзор кундалик ва тўй– ҳашамларда кийилган. XX аср бошларигача *хивалидон* кийими кийилган. Тошовуз туркманлари тиззаларигача узунликдаги нимча кийган. Бундай нимча *колмак*, деб аталган.

Қизлар дўппилари – *тахя*, *борик* ҳисобланади, учида кенг тарқалган асосий безак тақинчоғи – *қупбаси* (қубба) бўлади. Тахянинг қубба шаклида юқорига чиқиб турган кичкина кумуш найчаси бўлиб, кумуш шокилдаси осилиб туради. Тахя кумуш тангачалар билан зич ва чиройли қилиб безатилади (3–расм).




3–расм. Туркман қизлари дўпписи

XIX аср охири–XX аср бошларида дўппи кўриниши ва конуссимон шаклдаги баланд қалпоқлар урф бўлади. Ушбу бош кийими қизил мовут ёки ипақдан, астари ип газламасидан тикилади.


Кўпгина туркман уруғларида қизлар турмуш қургунларига қадар оддий, майин дўппига ўхшаш бош кийим кийган. Пешона тепасига – *синсиле* (*силсиле*, *сунсуле*, *сумсуле*) тақилган. Бу тақинчоқ жуда нафис, кумушдан ясалган заргарлик буюми бўлган. Синсилега ўхшаш пешонага тақиладиган

тақинчоқларнинг *алиншаи*, *илгич* каби майда осилчоқли безаклари ҳам бор. Бундан ташқари яна пешонабоғ тақинчоқлар *зурме (сорме)*, *эгме*, *манлайик* – кумуш тақинчоқлар ҳам бўлган (3 – расм).

Эрсаринлик туркман аёллари синсиле тақинчоғини *богмак*, *богмач* бош кийимлари устидан тақиб юрганлар (4 – расм).



3-расм



4-расм

Туркман аёлларининг тўй–ҳашамда киядиган асосий бош кийимлари – *ҳасаба* ёки *ҳаваса* баланд, қаттиқ каркасга қўйилган. Кундалик бош кийимлар юмшоқ асосда бўлиб, битта рўмолдан салла ўралган ва кумуш безакларсиз кийилган.

Тўй–ҳашамларда кийиладиган *ҳасаба* бош кийими эса аксарият тилла ва кумуш безаклар билан безалган. Аёллар бу бош кийимни тўнғич фарзандлари дунёга келгунча кийишган (5–расм).



5-расм. Аёллар бош кийими

Туркменистоннинг жанубий қисмида аёллар халат–ёпинчиқда юрган. Ҳозиргача сақланиб қолган **чирпи** кийими тўй–ҳашамларда астарли халат–ёпинчиқ бўлиб хизмат қилган. Бу кийим асосан сариқ, яшил ёки оқ рангли ипакдан тикилган.

Яқин–яқинларгача аёллар, қизлар либосини зеб–зийнатсиз таасаввур этиш қийин эди. Ҳаттоки кундалик турмушларида ҳам қиз–жувонлар зеб–зийнат тақиб юрганлар. Ушбу тақинчоқлар бўйин ва кўкрак олдида, бош кийим ва кўйлак, устки халатлар устидан тақилган.

Айниқса, катта ва бойтегин, номут, сариқ, эрсар уруғларига мансуб қиз–жувонлар кўплаб зеб–зийнат, тақинчоқлар таққан. Бундай тақинчоқлар асосан тилла, кумуш, мисдан ясалган ва феруза – **пируза**, седолик – **хакик**, яшма, маржон тошлари билан безалган.

Қадимда туркман аёлларининг пойабзал тури кам бўлган. Бу ҳол уларнинг турмуш тарзи билан боғлиқдир. Илгарилари аёллар олдин кўпроқ уйда, рўзғор юмушлари билан банд бўлиб, овулдан ташқарига кам чиққан. Кўп тарқалган пойабзал тури **кауш** (кавуш) бўлиб, кенг, ёғоч пошналар ёки баланд, чарм пошналар бўлган. Бу пойабзал йилнинг совуқ фаслида пайпоқ билан кийилган. Кавуш билан юмшоқ (маҳси) **этик–меси** кийилган. Пошналарсиз ана шу этик эркаларникига ўхшаб кетади. Бундан ташқари яна аёллар қизил ёки жигарранг чармдан баланд пошналар, қўнжи безалган этик ҳам кийган.

### ***Назорат учун савол ва амалий топшириқлар***

- 1. Туркман эркалар кўйлаги қайси деталига кўра номланади?*
- 2. Эркалар кўйлагининг бичими қандай?*
- 3. Эркалар либоси қандай кийим турларидан ташкил топади? Уларга таъриф беринг.*
- 4. Эркалар бош кийимлари хусусиятларини тавсифлаб беринг.*
- 5. Қадимда туркман аёлларининг кийими қандай кўринишга эга эди? Ҳозир бундай кийим турлари сақланиб қолганми?*
- 6. Туркман қиз–жувонлар бош кийимларини тавсифлаб беринг.*

## ОЛТИНЧИ БОБ

### ЎЗБЕК ЛИБОСИ

Ўзбек халқи ҳам бошқа этнослар сингари анча чигал ва мураккаб этник жараёни бошдан кечирган. Бу жараён энг қадимий ибтидоий даврларда ва бутун ўрта асрлар давомида Евроосиё, айниқса, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бепоён ҳудудида миграция (кўчиш) ва аралашуш натижасида муайян қабилалар иттифоқи ёки давлат ҳудудлари даврасида рўй берган.

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, минтақада бир неча минг йиллар давомида чегаралари ўзгариб турган қуйидаги тарихий-маданий ва этник бирикмалар юзага келган:

- 1) ярим ўтроқ балиқчи элатлар;
- 2) дарё қуйи оқимида ва водийларда ярим ўтроқ чорва-деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли;
- 3) суғорма ва баҳорги ерлардаги омоч деҳқончилиги билан чорвачилик хўжаликлари;
- 4) чуқур иқлимли дашт ва ярим даштларда қисман деҳқончилик билан шуғулланувчи кўчманчи ва ярим кўчманчи этник гуруҳлар.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу ерда ибтидоий жамият ташкил топган Неолит, айниқса Эниолит давридаёқ (милоддин аввалги IV-III минг йилликлар) мазкур хўжаликлар бир жойда пайдо бўлиб, кейин бутун минтақага тарқалган. Жуда кўп топилган неолит даври маконлари хусусан, Хоразмдаги Калтаминор, Зарафшондаги Чинкелди, Марказий Фарғона ва Устюртдаги Жайтун ва бошқа маданиятлар турли қабилаларнинг ўзаро боғлиқ эканлигини тасдиқлайди.

Милоддан аввалги II минг йиллик охирида жез (бронза) даврида фанда скиф-сармат, сак-массагет номи билан машҳур кўчманчи ва ярим ўтроқ ҳинд-эрон қабилаларининг бир қисми Қозоғистонга, Ўрта Осиёнинг шимолий қисмига жойлашиб, ўзига хос юксак маданият яратганлар. Суғдиёна, кейинчалик кўҳна Хоразм, Марғиёна ва Бактрияда яшовчи ўтроқ

суғориладиган деҳқончилик билан шуғулланувчи, қадимий тилларда гапирувчи халқлар билан яқин алоқада бўлган сак-массагетлар бутун Яқин ва Ўрта Шарқни ларзага келтириб турган.

Ўша даврдаги сак-массагет қабилалари металдан ҳар хил меҳнат қуроллари ва яроғ-аслаҳалар, ханжар, болта, найза, ўқ-ёй учи, хилма-хил бадий безаклар, катта ғилдиракли уч-тўрт от қўшиладиган оғир аравалар ва ҳарбий юришларда ишлатиладиган енгил аравалар ясаганлар. Улар янги чидамли от турларини парвариш қилганлар, илғор уруш тактикасига эга бўлганлар, аравали лашкарлар эса айрим табақага ажралган. Бепоен Евросиё даштларида у ер бу ерда учрайдиган жуда кўп тепаликларда дафн қилинган бой қабила бошлиқлари ва ҳарбийларнинг дабдабали қабрларини казиб текшириш натижасида скиф-сак қабилаларининг юксак маданиятига ва қудратли ҳарбий кучга эга бўлганлиги исботланди. Қабрларда жасат билан кўмилган турли ҳарбий қуроллар, безакка бой юган ва эгарли от-аравалар, ажойиб нақшли сопол буюмлар, гўзал ҳайкаллар, қимматбаҳо тош ва металлдан афсонавий безаклар бунга ёрқин далилдир.

Темирнинг кашф этилиши бутун минтақада ишлаб чиқаришнинг ривожланишига зўр туртки бўлди. Оқибатда кенг ҳудудда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам аҳоли ўсди. Бу даврда ирқий жиҳатдан анча ўзгаришлар рўй берди. Даставвал антропологик жиҳатдан монголоид элементлари кучаяди ва европеоид яхлитлиги ўзгара бошлайди. Аммо монголоид белгилар ҳамма ерда бир хил бўлмасдан, фақат айрим районларда кўпроқ жамланган. Мазкур типлар, асосан, кенг тарқалган Сибирь ва Марказий Осиё кўчманчи элатлари билан алоқадор бўлиб, бунга Оролбўйи ва қадимги Бухоро воҳаси районлари ҳам киради. Шундай қилиб, милoddан аввалги I минг йилликка келиб, морфологик жиҳатдан монголоид элементлари таъсири ўтган ва ҳозирги ўзбек ирқларининг шакилланишига асос бўлган гуруҳ юзага келган. Илк темир давридан кейинги маданиятга ўтиш даври милoddан аввалги I минг йилликнинг ўрталаридан янги эрага ўтишгача бутун Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам мураккаб



этноантропологик жиҳатдан жиддий жараён рўй берган. Археологик обидалардан Далварзинтепа, Айритом, Эски Термиз ва бошқа ерларда ўтказилган тадқиқотлар мазкур фикрни тасдиқлайди.

Милоддан аввалги I минг йилликда Ўрта Осиёда жиддий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз беради. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, шаҳар-қалъаларнинг пайдо бўлиши, йирик суғориш ва мудофаа иншоатларининг қурилиши қўл меҳнатисиз мумкин эмас эди. Қўшни Эрон, айниқса, Мидия давлати (милоддан аввалги VII-VI асрлар). Аҳмонийлар салтанати (милоддан аввалги VI-V асрлар) ташкил топишидан олдинроқ Ўрта Осиёда иккита кулдорлик давлати – Бактрия ва Хоразм пайдо бўлганлиги тўғрисидаги форс ва юнон ёзма манбалари хабар беради. Мазкур манбалар ва тош қабрларга битилган битиклар (Персепол саройи), зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да, Рим, Юнон ва Хитой муаллифларининг асарларида ҳозирги Ўрта Осиёликларнинг қадимий аждодлари сак-массагетлар, юэчжи, кангюй(қанғар), усун ва бошқа элатлар тилга олинади. Шуларнинг ичида энг катта элат саклар жуда кенг ҳудудни-Тяншань ва Помир этакларидан Каспий денгизи соҳилларгача бўлган ерларни эгаллаган, уларнинг энг зич жойлашган ери Сирдарё ҳавзаси бўлган.

Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқлар милоддан аввалги I минг йиллик бошларида пайдо бўла бошлаган. Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да, қадимги суғд ёзувлари ва форс манбаларида, македониялик Искандар даврига оид маълумотларда бу ерда жуда кўп шаҳар ва қишлоқлар, қаср ва қалъалар мавжудлиги тўғрисида хабар қилинади. Археологик кашфиётлар туфайли аниқланган ўзбек элидаги шаҳар ва қишлоқлар билан бирга айрим катта-кичик ҳовлилар, улардаги бой декоратив безаклар ва бўёқли расмлар ҳам диққатга сазовордир. Салавкийлар ва Бактрияликлар замонида Ўзбекистон ҳудудида милоддан аввалги I минг йиллик охирида Суғдиёна, Марғиёна ва Чоч вилоятларидаги шаҳарлар билан бир қаторда теварак-атрофи мустаҳкамланган қишлоқ кўрғонлари ва айрим деҳқонларнинг ҳовлилари борлиги аниқланган. Бундай кўрғонлар Қарши

воҳасида, Самарқанд атрофида, хоразмда кўплаб учрайди. Кушон давлати вақтида шаҳар маданияти анча ривожланган бўлиб, унда хунармандчилик ва савдо-сотиқ катта ўрин тутган. Бу даврга оид Афросиёбда, қадимги термизда ва айникса, Айритом ва Холчаён, Қарши ва Хоразмда (тупроққалъа ва Бозорқалъа) қазиб олинган кўшк ва саройлар меъморчилик ва санъат жиҳатидан ғоят муҳим обидалардир. Масалан, Холчаёнда катта хонанинг уч томонидаги девори уч метр баландликда оқ ганч билан сувалган, деворларнинг юқори қисми эса маҳобатли ҳайкалтарошлик расмлари билан тўлган. Тўқ қизил рангда бўялган деворларга оқ гажаклар, барглар, узумлар, бир неча эркаклар сурати зўр маҳорат билан солинган. Уч метрли оқ панел тепасидаги ҳайкалларнинг усти минерал бўёқлар (қизил, қора ранг) билан бўялган. Айвоннинг жануб томонидаги қазиб олинган аёл ҳайкалининг чеҳраси очиқ ва кенг, оқ дубулға тагидан унинг қалин тутам сочлари кўриниб турибди.

**Миллий либослар, безаклар ва пардоз-андозлар.** Ўзбек халқининг ўтмишдаги кийим-кечаклари тўғрисида маълумотларни археологик қазилмалар жараёнида топилган қадимий катта деворий суратлар, турли буюмларга туширилган тасвирлар, ўрта асрлардаги китоб миниатюралари беради. Ўрта асрларга оид миниатюралар ўзбек кийимларининг ўзига хос услуби, яъни типи шаклланганлиги ва улар кейинги давргача сақланганлигини кўрсатувчи ноёб намуналардир. Халқнинг кийим-кечакларидаги ўзгаришлар, асосан, XX аср бошларида сезиларли равишда намоён бўлади ва ундаги трансформация, асосан, шаҳарларда очиқ кўзга ташланди.

Анъанавий ўзбек либоси асосан, устки кўйлак, иштон ва чопондан, бошга дўппи, оёққа маҳси-калиш ёки этикдан иборат бўлган. Эркак-аёл ва болалар кийимлари бичимининг деярли бир хиллиги уларнинг қадимийлигидан дарак беради. Бундай либослар оддий усулда, баъзан қайчисиз ва улгусиз, яхлит матодан йиртиб тикилган. Бир парча газламани

иккига буклаб елка томонига кўндалангига икки енг билан бир парча тўрт бурчак хиштак (кўлтиғига солинган)ни тикиб кийилаверган.

Эркакларнинг анъанавий ятак кўйлаги узунлиги тиззагача, аёллар ва кизларники тўпиғигача бўлган. Фарғона водийсида ятак хилдаги эркаклар кўйлагининг қийиқ жойи вертикалига (йирмочи) белгача етса, яна бир турининг йирмочиси горизонтал ҳолда бир эгнидан иккинчисига қийиб чўзилган. Ҳар икки турда ҳам узунасига ёқа ўрнатилган. Баъзи вилоятларда ёқа кашта билан безакланган. Горизонтал йирмочи ёқали кўйлак Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларида, Тошкент, Бухоро ва Хоразмда кенг тарқалган. Аёллар кўйлагининг ёқасига ҳам кашталанган ёки безатилган тасма тикилган.

Аёллар кўйлагининг ёқаси вертикал кесилган бўлиб, кўп жойларда бутун бўйига гулли жияк (тасма) тикилган. Шаҳрисабз, Қарши ва Сурхондарё жияк ипак ип билан бут шаклида тўқилган. Бухорода қимматбаҳо кийимларга тилла ипда тўқилган жияк тикилган.

Кўпчилик жойларда ёши катта аёллар оддий жун, чилвир ёки қорамтир йўл-йўл мато парчасини жияк қилиб ишлатган. Асримиз бошларида бундай аёл кўйлаклари кам сақланган. Туркистон ўлкасида дастлаб шаҳарларда, кейинроқ қишлоқларда тик ёқали йирмочи кўйлаklar расм бўла бошлаган. Бундай кўйлаklarга “Нўғай ёқа” деб ном берилган. Оддий бичимдаги кўйлаklarни, асосан, эллик-олтмиш яшар аёллар кийган. Ҳозир аёллар либоси ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, кўпчилиги европача кўриниш касб этади. Шу билан бирга миллий руҳдаги кўкрак бурма бичимдаги кўйлак бугунги кунда ҳам турли кўринишларда кенг тарқалган. Атлас ва адрасдан тикилган либослар бугунги кунда нафақат қизлар, шунингдек, ўрта ёшдаги ва кекса ёшдаги аёллар ҳам киядилар.

Қадимий кўйлак намуналари ҳозиргача, асосан, қариялар ва ёш болалар кийимида сақланган. Масалан, Бухоро ва Хоразм воҳасида улар гуппи, жубба, гуппича, Фарғона водийсида гуппи кўйлак ёки гуппича деган номлар билан маълум. Қадимий кўйлаklarга оқ матодан горизонтал очилган ёқали

муллача кўйлак, мусулмон кўйлак ҳам киради. Жуда кенг тарқалган (Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида) ва қисман сақланган (Хоразмда) мурсак, мунисак ёки калтача ўтган асрда кундалик аёл кийими сифатида диққатга сазовор. Бундай кийим чопон шаклида узун ёқасиз енгил астар билан тикилган.

Иштон ҳам оддий шаклда бўлиб, уни матони иккига буклаб, олди ва орқасидан тикилгач, оғи ёпиштирилган. Эркакларнинг иштони аёлларникидан унча фарқ қилмаган. Эркак ва аёллар иштонининг бичими бир бўлса-да, аёлларники матосининг турли туманлиги билан фарқланган. Аёллар иштони, яъни лозим нафақат ип газламадан, шунингдек ипак, жун матолардан ҳам тикилган. Шу билан бирга улар эркакларникига нисбатан узунроқ бўлиб, пасти жияк (тасма) билан безатилган. Аёллар иштони (лозим) илгари икки қисмдан: юқори қисми оддий матодан, пастки қисми қимматбаҳо материалдан (баъзан кўйлакка мослаштирилиб) тикилган, почасига жияк тикилган.

Умуман олганда, эркакларнинг кўйлак-иштони, одатда, бир рангда (асосан, оқ), аёлларники ранг-баранг материалдан тикилган. Ўтган асрнинг охирларигача кийим-кечаклар маҳаллий косиблар тўқиган матодан (бўз, каломи, алачи) тикилган. Кейинчалик кийим-кечаклар рус фабрикантлари маҳсулотларидан тикила бошланган (аёлларга гулли читдан, эркакларга оддий читдан). Ҳозирги даврда миллий ва европача кийимларнинг турлари ниҳоятда кўп. Айниқса, кейинги пайтларда ўзбек аёллари ялтироқ, кумуш, тилла ипли газламалардан замонавий модага мослаштириб кийим тиктириб киймоқдалар. Ички кийимлар бутунлай янгича трикотаж ва сунъий матолардан тикилган фабрика маҳсулотлардан иборат.

Чопон – қадимий устки кийим ҳисобланади. Чопон очик ёқали яқтак шаклида астарли ва пахтали қилиб тикилган. Чопон узун енгли, юқори қисми кенг пастки томони торайиб кетган, айримлари ўтиришга қулай бўлсин учун этагининг ўнг ва сўл томонидан қийиқ жойи бўлган. Одатда, чопон белидан белбоғ билан боғланган, унга эркаклар пичоқ (қини билан) осиб юрганлар.

Ёзги чопонлар қавилмаган (авра-астар чопон) ёки, умуман, астарсиз (авра чопон) ҳам бўлган. Наманганда дала ишлари вақтида оқ матодан юпқа қавилган калта чопон кийилади. У кишиларни иссиқдан сақлайди. Сурхондарё ва Зарафшон бўйларида ўрнашган ярим кўчманчи ўзбекларда ҳам тиззагача келадиган, астарсиз калта (авра) чопон кўп учрайди.

Ўзбек чопонлари ранги, узунлиги, кенглиги ва кийиш услубига кўра фарқланади. Масалан, Бухорода, Қашқадарё, Сурхондарё ва Зарафшон водийларида гавда силуэти кенг ва узун, узун енгли, пахта ёки ярим ипак рангли матодан тикилган чопон, Фарғона ёки Тошкентда яшил ёки кўк – яшил чопон урф бўлган. Асримиз бошларида қора сатиндан тикилган чопон кенг тарқалган. Ёшлар орасида байрам либоси сифатида очиқ рангли катта йўл-йўл беқасам тўн урф ҳисобланган. Қишлоқ жойларда бундай чопон куёв сарпосига кирган. Бироз тор ва калта, камбар йўлли нақш берилган, ялтироқ алачадан тикилган Хоразм чопони қадимдан кенг тарқалган. Чопонни яқтак устидан кийиб белбоғ осиш, асосан, Фарғона водийсида одат бўлган, бошқа жойларда белбоғсиз яқтакчасигина кийилган.

Аёлларнинг ўзига хос чопон шаклида бичиб тикилган уст кийими – мурсак илгари жуда кенг тарқалган. Улар Бухоро, Хоразм ва Қашқадарёда энги тирсаккача калта ва кенглиги билан, Самарқанд ва Тошкентда узун, енгсиз, билаккача бўлган энги билан фарқланган холос. Мурсак астарли қавима қилиб тикилган, қишки мурсакка эса пахта солинган. Ўтган асрнинг бошларигача у оддий кўчаллик либоси сифатида кийилган бўлса, кейинчалик мурсак мотам либоси сифатида белбоғ билан кийилган. Айрим аёллар уни тўйга ёки меҳмонга борганда ҳам кийганлар. Ҳозиргача Тошкентда мурсакни дафн маросимида тобут устига ёпадилар.

**Матолар.** XIX аерда ўзбек миллий кийимларини тикишда ишлатиладиган асосий матолар қаторига ип газлама, ипак нимшойи ва жун газламалар киради. Ип газламаларнинг турлари жуда кўп. Айниқса, оч жигаранг, сариқ тусли бўзлар кенг тарқалган бўлиб, улардан барча ёшдаги кишилар учун чопонлар, шунингдек, ички кийимлар, саллалар тикилган.

Аёлларнинг рўмоллари, дакана ва лачакларини тикиш учун дока ишлатилган. Эркакларнинг кўйлаклари хомсурп, сидирға чит, ип газламали каламидан тикилган. Йўл-йўл ип газлама мато — олачалар кўпроқ чопон тикишда қўлланилган.

Чопон тикишда шунингдек бўз ёки карбос (оддий буялмаган ип газлама), босма (кўпроқ. қизил тусдаги гулли бўз), олача (бўялган ипдан тўқилган йўл-йўл ип газлама), йўл-йўл нимшойи матолардан ҳам фойдаланилган.

Бухоро, Самарканд, Қўқон, Марғилон, Наманган ва бошқа шаҳарларда анъанавий ўзбек ипак (кановуз, шойи, хонатлас), нимшойи (беқасам, банорас, адрас) газламалардан тикилган турфа кийимлар бой-бадавлат кишилар орасида расм бўлган.

Қуйида мана шу матоларнинг айримларига таъриф берамиз.

Беқасам — йўл-йўл газмол бўлиб, ундан эркак, аёл ва болалар учун кундалик кийиладиган тўнлар, кўрпа-кўрпачалар тикишда фойдаланилган.

Банорас — беқасамдан ранг турлари билан фарқланиб, ундан аёлларнинг устки кийими бўлмиш паранжи тикилган.

Парпаша — беқасамдан қалинроқ мато бўлиб, у паранжи, шунингдек, чопон тикишда ишлатилган.

Адрас — абр иплар билан гул солинган нимшойи газмол. Шунингдек, кановуз, шойи, хонатлас, гулдор кимхоб, духоба кабилар ҳам кенг қўлланилган.

Шойи ва нимшойи матолар — беқасам, адрас, якруё, катак шойи, товланма шойи, абршойи ва ҳ.к. турли-туман гуллар солинган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёга Русиядан ип газлама ва бошқа матоларнинг келтирилиши сабабли XIX аср охири ва XX аср бошида маҳаллий аҳоли орасида асосан фабрикада тайерланган ип газламалар: чит, бўз, коленкор, хом сурпдан тикилган кийим-кечакларни кийиш расм бўлган. Бой-бадавлат кишилар эса кимхоб, ипак, атлас, духоба, ранг - баранг мовутларни сотиб ола бошлаганлар.

Шунга карамай, косиблар дастгохидан чиққан маҳаллий газлама: мато, бўз, нимшойи каби газмоллар (адрас, беқасам, подшойи, кимхоб, хонатлас, катакшойи кабилар)нинг турли хилларига эҳтиёж катта бўлган.

Маълумки, ўзбек халқи ўзининг миллий маросимларида алоҳида кийинади. Никоҳ ёки хатна тўйида келин-куёвлар либослари, тўй боланинг кийими, дафн маросимида марҳумни ёдлаш даврида кийиладиган либосларга бўлинади.

**Эркакларнинг миллий либослари** ҳам ички (ичдан кийиладиган) ва устки — елкага кийиладиган, белга боғланадиган турлардан иборат.

Эркакларнинг ички либосига енгсиз муллаёқа кўйлак, кўйлак-халат (яктак) ва иштон кирган. Устки либосга турли-туман хилдаги енгил, иссиқ (пахта солиб қавилган) чопонлар (тўнлар), мўйнадан тикилиб, газлама билан копланган пўстинлар, чакмонлар, камзуллар, узун ёки қисқа нимчалар киради.

Устки кийимлар ичида тўн-чопонлар энг кўп тарқалган ва ҳозиргача етиб келган либос туридир. Тикилишга кўра тўнлар авра тўн, астарли тўн, пахталик тўн деб аталган. Тикилган матосига кўра тўнларнинг қатор турлари мавжуд. Булар калами тўн, банорас тўн, беқасам тўн, кимхоб тўн, сурра тўн ва хаказо. Шунингдек улар кимга мўлжалланганлигига қараб, бола тўн, куёв тўн, куда тўн каби номлар билан аталган. Тўн-чопонлар устидан боғлаш учун белбоғлар, чорсилар, чарм, духоба камарлар ишлатилган.

Бош кийимлар дўппиларни, саллаларни, турли-туман телпакларни (қўй муйнасидан тикилган чугирмалар) ўз ичига олган.

Пойабзаллар чармдан тикилган хилма-хил этик, махси, чориқ, кўн ва ёғочдан ишланган кавуш ва зардузи этиклардан иборат бўлган.

**Аёлларнинг миллий либослари** ички, устки ва кишилиқ кийимдан иборат бўлган.

Устки кийимлар — камзул, енгил халат (мурсак, калтача), енгсиз нимчалардир.

Паранжи ҳам аёлларнинг анъанавий устки кийими саналиб, у тўн ва ичидан қора от ёлидан ишланган чачвондан иборат. XX асрнинг 30-йилларигача шаҳарлик ўзбек аёллар паранжи ёпинганлар. Паранжи сохта енгли, тўнсимон, узун ёпинчиғидан иборат бўлиб, отнинг дум қилидан тўқилган тўр парда – чачвон бетга тутилиб, устига паранжи ёпилган. Чачвон юзни бекитиб, белгача етган. Одатда, паранжи уйдан кўчага чиққанда ёпинилган. Қишлоқ жойларда паранжи кам ишлатилган, уни байрамларда ва узоқ сафарга чиқилгандагина ёпинганлар. Баъзи қишлоқларда аёллар уйдан кўчага чиққанда бола чопони ёки оқ бекинғич билан юзини бекитганлар. Шаҳрисабз ва Самарқанд вилоятида ярим кўчманчи ўзбек қабилалар йўл-йўл матодан тикилган чопон (желак) ёпинганлар. Узун ва тор сохта енгли ёпинғич – *жаъдани* Хоразм аёллари кийган. Бундай ёпинғич Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида ҳам учрайди.

Ўзбек аёлларининг бош кийимлари ҳам турличадир. Хусусан, рўмол, пешонабоғ, дўппилар улар сирасига кириб, уларнинг ҳар бири ўзига хос матодан, ранг-баранг ип-ипаклардан тўқилган, тикилган.

Аёллар пойабзали — махси, кавуш, калиш кабилар кўн ёки резинадан ишланган.

Зеб-зийнатлар аёллар кийим-кечагининг таркибий қисми саналади. Улар орасида сочга тақиладиган шокилали маржон-мунчоқлар, попуқлар, тангалар, қадама безаклар, гажимлар, залворли кумуш зийнатлар, икки чеккага ва қулоққа тақиладиган пешонабанд, тиллақош, зулф, шокиладор зирақлар, исирға ва булоқиларни санаб кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга бўйин ва кўкракка тақиладиган марваридлар, зебигардон, тумор ва бошқалар, қўлга ва бармоқларга тақиладиган билақузук, узуклар, кийим устига тақиладиган хилма-хил тугма, маржон, туморлар, бош кийимга қадаладиган укпар, жиға кабилар кенг тарқалган.

Замонавий кийимларда миллий анъаналар билан европа услуби қўшилиб кетган. Миллий матолардан замонавий руҳдаги турли бичимлардаги кўйлак ва кастюмлар хотин-қизлар ўртасида урф бўлган. Миллий кийимлар ҳаёт



тарзимиз ва иқлим шароитга мосланган боис, қишлоқ, хўжалигида машғул кишилар ҳозиргача оқ яктаси иш кийими сифатида киядилар.

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасида европача камзул (камзўл) пайдо бўлиб, уни эркаклар ҳам, аёллар ҳам кийган. Эркакларни камзули тик ёқали, узунлиги тиззагача етадиган, асосан қора матодан тикилган, аёлларнинг камзули ранг-баранг духобадан ёки беқасамдан бели тор қилиб тикилган. Кўйлак устида енгсиз нимча, яъни жилетка кийиш урф бўлган. Инглиз либоси типидagi жакет ҳам европача либос, пальто ва макинтош каби зиёлилар орасида тез тарқала бошлаган.

Қадим даврлардан бош кийимига қараб, ўзбекларнинг этник ва локал гуруҳлари фарқ қилинган. Эркаклар бошига, асосан, турли хилдаги дўппи (тўппи, тахё) кийган, аёллар эса, кўпинча, ранг-баранг рўмол ёпинган. Дўппининг даставвал тагини ва гардиши (кизаги)ни айрим ҳолда тикиб кашталаганлар ва майда қавиб қўшиб тикканлар. Одатда, дўппи нозик гулли, қадаб тикилади, айрим аёлларнинг дўпписига майда мунчоқ, маржонлар, хоразмликларда жияк ва попук тақилади. Илгари конус шаклидаги дўппилар Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабзда тарқалган, энди эса Шаҳрисабзда сақланган. Айниқса, “бодом” ёки “қалампир” нақшли оқ ипак ип билан таги қора матога кашталанган чуст дўппи нафақат водийда, балки ундан ташқарида ҳам машҳур. Таги кашта қилиниб, ранг-баранг тўпбарггул шаклидаги Хўжанд-Ўратена дўппилари бутун Ўзбекистонга тарқалган.

Эркаклар киядиган учли қалпоқ – кулоҳ тўрт бўлак учбурчак матодан, гардишсиз тикилган. Конус шаклидаги баланд кулоҳни илгари қаландарлар кийган, тухум шаклидаги чаккаси бир оз юмалоқ кулоҳни Бухорода ёши улуг қариялар қишда кийганлар. Бундай бош кийими ўрта аср миниатюраларида кўп учрайди. Асли кулоҳни руҳонийлар ва диндор кишилар кўпроқ кийганлар. Кулоҳга ўхшаш теридан тикилган қишки телпак Самарқанд ва Бухорода учрайди. Фарғона водийсида ва Тошкент вилоятида телпак духоба ва мовутдан тикилган, тепаси тулки ёки сувсар мўйнаси, баъзан қўй терисидан тикилган. Телпак бичимидаги кигиздан тикилган қалпоқни,

асосан, даштда яшовчи аҳоли кийган. Қалпоқнинг икки четида кески (қийик жойи) ва соябон учун кенг ҳошияси бўлган. Одатда, қалпоқ оқ кигиздан, ҳошиясининг чеккаси эса қора читдан тикилган.

Ўзбекистоннинг турли минтақаларидаги либослар бир-биридан фарқ қилади. Шу маънода ўзбек либосларини қуйидаги минтақаларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: Тошкент – Фарғона, Бухоро – Самарқанд, Қашқадарё – Сурхондарё.

### **Тошкент – Фарғона.**

Тошкент йирик марказ сифатида азалдан Ўрта Осиё ва бошқа қўшни мамлакатлар, айниқса, Россия билан савдо-сотик алоқаларида воситачи ролини бажариб келган. Бундан ташқари, Туркистон ўлкасининг пойтахти сифатида Тошкент ўлка аҳолисининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида катта таъсирга эга бўлган.

Фарғона водийси муҳим хомашё базаси бўлган. Тошкент ва Фарғона водийси аҳолисининг турмуш тарзи ва тартиби, кийимлари бир-биридан деярли фарқланмаган.

Тошкент ва Фарғона водийсида анъанавий миллий кийимлар аҳолининг турли тоифаси ижтимоий ҳолатини билдириб турган.

Чунончи, Тошкент, Фарғона водийси хунармандларининг кийими, маҳаллий зиёлиларнинг кийими: жадидлар, муллалар ва диний табақа кишилари — масжит имоми, сўфи, дарвишлар кийими ва бошқалар.

Урф-одат ёки маросим кийимлари: тўй, ўғил болаларнинг суннат тўйида киядиган кийими, дафн маросими кийимлари, ёдга олиш маросимлари кийимлари.

Кийимлар жинс белгиси бўйича — эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари, ёш белгиси бўйича — ёш келинчаклар, куёвлар, ўрта ёшдаги эркаклар ва аёллар, кексалар кийимларига бўлинади. Улар бошқа минтақалар кийимларидан рангларининг сокинлиги билан ажралиб туради. Фарғона водийси ва Тошкент кийимларида қора ва яшил ранглар кўпроқ, ишлатилган.

Бундан ташқари, Фарғона водийси ва Тошкент Ўзбекистон Республикасининг бой минтакалари қаторига киради. Улар қадимий Ипак йулида асосий бўғин ҳисобланган.

### **Бухоро – Самарканд.**

Бухоро ва Самарканд миллий кийимларида қўшни давлатларнинг маданий таъсири кузатилади, унинг асосий шакллари ва айрим элементлари асрлар давомида яратилган.

Ўзбекистонда қадимдан ип газлама, яримипак, ипак ва жун газламалар ишлаб чиқарилган. Улар бутун Шарқда ўрта асрлардан, яъни Хитойдан қадимий Туркистон орқали "Буюк Ипак йули" ўтган вақтдан бери машхур бўлиб келган. Бухоро ва Самарканд газламаларининг шухрати тўғрисида Наршахий, Мақдсий ва бошқа X аср тарихчиларининг асарлари далолат беради. Уларнинг хабар беришича, маҳаллий газламалар Бағдод, Хуросон, Миср, Сурия, Византия каби шаҳарларга чиқарилган. 17

XIX аср ўрталарида кўп шаҳарларда (Бухоро, Самарканд, Шахрисабз, Марғилон ва бошқалар) миллий ўзига хос ва оригинал ижродаги юкори сифатли газламаларнинг турли хиллари ишлаб чиқарилган. Бизнинг мамлакатимиз ва ундан ташқарида оғир яримипак газламалар — беқасам, банорас ва адрас; аёллар кийими учун енгил ва юпка ипак мато — шойи, рангларининг мутаносиблиги буйича жуда ажойиб абри газламалар машхурдир. Бухоронинг абри газламаларида асосан учта ранг — тўқ-қизил, сариқ ва пушти ранглардан фойдаланилган.

Бухоро ва Самарканднинг миллий кийимлари Ўзбекистоннинг бошқа минтакалари кийимларидан серхашамлиги ва ноёб зардузи кашталари билан ажралиб туради.

XIX асрда Бухорода зардузлик санъати гуллаб-яшнаган. Зардузи кашталар билан, асосан, сарой аёнлари, аёллар ва эркаклар кийимлари: чопон, белбоғлар, бош ва оёк кийимлар безатила бошланди. Зардузлик санъатида зардузи -заминдўзи техникаси кенг тарқалди, бунда асос сидирғасига кашта билан тикиб чиқилади. XX асрда зардўзи-гулдўзи

техникаси ривожланди, бунда нақш гуллари қаттиқ қоғоз ёки картондан киркиб олиниб, мато устига куйилади ва зар ип билан тикиб, қопланади.

Хозирги вақтда зардузлик санъати анъаналари янада юқори поғонага кутарилди. Буюмларнинг турлари купайди, композициялар ишлаб чиқиш сифати яхшиланди. Дўппилар, аёлларнинг енгсиз нимчалари, шиппаклар, белбоғлар, сумкачалар, диван ёстиклари, деворий паннолар ва бошқалар кенг тарқалди.

Шундай қилиб, Бухоро ва Самарканд Ўзбекистоннинг заргарлик ва зардузлик санъати ривожланган марказларидан хисобланади.

### **Қашқадарё – Сурхондарё**

Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган, Улар иқлимнинг иссиқлиги билан ажралиб туради. Табиий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ўлка аҳолисининг миллий кийимлари ҳам табиат шароитларига мос бўлиши лозим. Кийимларнинг ёркин очик бўёқлари, эркин бичими ва ноёб, турли-туман кашталари кишиларнинг юқори дидидан далолат беради. Сурхондарё воҳасида асрлар оша турли этник гуруҳлар яшаб келмоқда, у ерда ўзига хос тарихий-маданий этнографик воҳа вужудга келган бўлиб, анъанавий маданиятнинг юраги хисобланади. 2001 йилда Бойсун ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан халқ. маданиятининг дурдонаси деб тан олинганлиги тасодифий эмас. Ушбу минтака учун анъанавий, ўзига хос кийимлар аҳолининг хужалик юритиши, эстетик карашлари асосидаги ҳаёт тарзи ва иқтисодий омилларнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда тайёрланган. Кийимларда аждодларнинг куп асрлик анъанавий ва бадиий яратувчанлик гоёлари як.к.ол ифодаланган. Уларда бошқа элементларга нисбатан халқнинг миллий характери, этник тарихи илдизларига бориб такаладиган анъаналари, ижтимоий муносабатлари ва мафкура, эътиқоднинг айрим элементлари купрок. ифодаланган. У кишиларнинг моддий фаровонлиги, уларнинг дидлари, хужалигининг айрим ўзига хосликлари ва оилавий турмушининг баъзи томонларини акс эттиради.

Сурхондарёда аёлларнинг "кийгич", "бош" деб аталадиган бош кийимлари факат айни Сурхондарёгагина хос бўлиб, Ўзбекистоннинг бошқа жойларида учрамайди. "Бош" жуда ўзига хос бош кийими бўлиб, у бир нечта вазифани бажарган:

1. Аёллар бошини иссиқ, совуқ ва шамолдан асраган;

2. Унда аёллар турмушда тез-тез зарур бўлиб турадиган майда буюмларни (ип, игна, тўғнағич ва тароқ) сақлаганлар.

Сурхондарёнинг аёллари қизил, олча рангларни жуда яхши кўрганлар. Кийим учун йўл-йўл, сидирға ва йирик гулли абрли газламаларни танлаганлар. Кийимларга кашталар нафақат гўзаллик ва эстетик дид бериш учун тикилган, шунингдек улар диний асосларга ҳам эга бўлган. Хусусан бундай безаклар аёллар, болалар ва келинчакларни ёмон кўздан асрайди, деб хисобланган.

Аёлларнинг кийимларини заргарлик безакларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Сурхондарёда заргарлик буюмлари худди кийимлар каби ушбу минтаканинг этник турмуш тарзига хос бўлган, алоҳида ажралиб турадиган хусусиятларга эга. Кумушдан ишланган пешона безаклари "синсила" (силсила) деб аталган. Аёлларнинг зираклари турли-туман бўлган. Бурунга тақиладиганлари "летува" ва "натти" деб аталган. Сурхондарё аёллари заргарлик буюмларини жуда севганлар ва кўплаб такиб юрганлар.

Қашқадарё ва Сурхондарё аҳолиси миллий кийимларининг ноёб намуналари аҳолининг ижтимоий аҳволидан келиб чиққан холда тақдим этилган: эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари; ёш аёллар, ўрта ёшдаги эркаклар ва аёллар, кексалар кийимлари.

Сурхондарё яна қадимий ерости саройлари ва моддий-маданият ёдгорликларига бой бўлиб, ушбу ўлканинг қадимий маданияти бундан далолат бериб туради. Сурхондарё худудида археолог олимлар томонидан топилган Далварзинтепа, Айритом, Сополлитепа, Фаёзтепа, Болаликтепа каби қадимий тарих, маданият ва санъат обидаларидан топилаётган нодир

ашёлардаги тасвирлар бу жойдаги либослар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Қашқадарё ва унинг йирик тарихий шаҳри Шахрисабз (Кеш) миллий кийимларининг узига хос хусусиятлари аёллар, эркаклар ва болалар кийимларини турли кашталар билан безатишдан иборат, зеро бу кашталар юзлаб йиллар мобайнида ҳақиқий санъат асарларига айланиб улгурди.

XIV-XV асрларда Шахрисабз Темурийлар салтанатининг йирик сиёсий, маъмурий ва маданий маркази ҳисобланган. Бу кўп жиҳатдан Шахрисабз кашталарининг ўзига хослиги ва бадиий хусусиятларини белгилаб беради. Қашқадарё ва Шахрисабзнинг кашта тикилган буюмлари ўзининг ёрқинлиги, рангларининг уйғунлиги билан ажралиб туради. Бу эркакларнинг чопонлари, шалварлари, дўппилари, кулоҳ ва турли-туман аёллар буюмлари, яъни рўмол, сумкачалар, даструмол, ойнахалта, тароқхалта ва бошқа буюмлари бўлиб, улар карама-қарши ранглар: ёрқин қизил, тўқ-сарик, тўқ-жигарранг, бинафшаранг, яшил ранглар билан ажралиб туради.

Қашқадарё ва Шахрисабзда кашта тикишнинг "йўрма" ва "кандахаёл" усули қабул қилинган бўлиб, каштанинг "ироқи" усули кенг тарқалган.

### **Хоразм**

Хоразм — қадимий воҳа бўлиб, Ўзбекистоннинг шимолида жойлашган, кескин континентал иқлими, ёзи иссиқ ва киши қаттиқлиги билан ажралиб туради.

Қадимий Хоразм маданияти неолит (эрамиздан аввалги IV минг йиллик бошидан III минг йилликкача) давридан бошлаб феодализм бошигача (XI—XIII асрлар) кузатилган, бу даврда воҳада шаҳар маданияти ва шунга яраша хунармандчилик ва савдо-сотик гуллаб-яшнаган.

Хоразмийлар тўғрисидаги ёзма тарихий манбалар "Авесто" орқали бизгача етиб келган (эрамиздан аввалги минг йилликнинг биринчи ярми), у ерда "Hraizizem" мамлакатининг номи учрайди.

X аср тарихчилари Хоразм тўғрисида шундай ёзадилар: "Хоразм — серҳосил, озиқ-овқат ва меваларга бой шаҳар, у ерда пахта ва жундан кўплаб

буюмлар тайёрланади, улар бошқа жойларга олиб кетилади. Шаҳар катта бойликка эга бўлиб, у ердан ёстиклар учун жилдлар, қавилган кийим-кечак, кигиз ва бошқалар четга чиқарилади".

Халқ, санъатининг энг яхши анъаналари Хива - музей-шаҳарнинг XIII-XIX асрлардаги меъморий тарихий обидаларида акс этирилган, бунда хоразмлик қадимий меъморларнинг юксак санъати ансамблларнинг уйғун бирлигида мужассамлашган. Қадимий шаҳар Хива - Амударёнинг ўнг қирғоғи ва қадимий Ипак йўлида жойлашган бўлиб, ҳаммадан кўпроқ, ўз миллий хислатларини сақлаб қолган. Бу белгилар генетик жиҳатдан уларнинг қадимий ота-боболарига бориб тақалишидан далолат беради.

Кийимларнинг ўзига хослиги уни қиядиган кишиларнинг ёши, ижтимоий аҳволи, дунёқраши, ҳаётдаги қайғули ва қувончли ҳодисалар, хўжалик юритиши ва табиий шарт-шароитлар билан белгиланади. Бу меъёр ва талаблар кийимларни тикишда фойдаланиладиган матолар, уларнинг гуллари, безатилиши, ранглари, кийимларнинг бичилиши ва катта-кичиклигига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Хоразм халқининг миллий кийимлари қуйидаги хусусиятлари: уйғунлашиб кетган рангларнинг анъанавийлиги, эркаклар ва аёллар бош кийимлари (мўйналари узун катта шапкалар) шаклининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бундай бош кийимлар чугирма телпак деб аталади, у қўй терисидан тикилган бўлиб, уни эркаклар йил давомида кийиб юрадилар. Лачак деб аталадиган маросим бош кийими ва ўзига хос заргарлик буюмлари миллий либоснинг элементларини ташкил қилади.

Хоразмда мисга зарб бериб, нақшлар солиб буюмлар тайёрлаш ва заргарлик санъати жуда ривожланган. Бошқа минтакалардан фарқли равишда Хоразм зеб-зийнатлари шакллариининг турли-туманлиги ва мукамаллиги билан ажралиб туради.

Хоразм аёллари ипақдан тикилган доирасимон шаклдаги гулли таҳё (дўппи)га ипдан ёки қуш патидан попуқ ўрнатиб тангалар осганлар. Таҳё устидан, одатда, рўмол ёпинган. Бу ерда рўмол турлари кўп бўлган:

махаллий усталар тўқиган оқ такана ва ипак рўмол (читкор гул босган), жундан тўқилган нақшли сержун рўмол, четдан келтирилган боку рўмол, паранг (француз ёки европа) рўмоли ва ҳоказолар. Эркакларнинг қадимдан келган бош кийими чўғирма бир неча турда қўй терисидан тикилган. Қорақўл терисидан тикилган шерози попоқ ва қулоқчин кейинроқ пайдо бўлган.

### **Маросим кийимлари**

Маросим турига қараб тўй ва мотам кийимлари фарқланган.

Туй кийимлари асосан ёрқин рангларда, аксар оқ рангда бўлган. Зеро, ушбу ранг бахт-саодат тимсоли ҳисобланган. Шу сабабли ип газламадан махсус оппоқ либос тикилган, унинг бичими узун олиниб, этаклари тўпиққача тушиб турган, ёқалари замонавий услубда, енглари эса кенг ва бармоқларни ёпиб турадиган даражада узун бўлган. Бу каби оппоқ келин либоси ҳозиргача расм бўлиб келаётир. Келиннинг рўмоли ҳам шундай тусда, баъзан гул-кашталар билан безагилган жияклар солинган, ип газламадан тикилган; пойабзаллар эса анъанавий махси-кавуш, туфлидан иборат.

Келин куёвнинг уйига узатилаётган пайтда бошига паранжи ёки чопон кийдириб, юзини харир рўмол билан ёпиб қўйилган (мазкур одат Самарканд ва Бухорода кенг тарқалган). Тўйнинг эртаси куни "келин салом" пайтида келин гул-нақшлар билан безатилган рўмолни ўнг қўлида ушлаб турган (Самаркандда). Келин сарпоси махсус бичилган, этаклари узун булиб, устидан мурсак, камзул, нимчалар кийиб юрилган.

Эркакларнинг туй сарпоси одмирок, ва хиллари камрок. бўлган: ок, кўйлак ва иштон, ок, салла, дўппи. Кўйлак устидан кийиш учун махаллий косиблар дастгоҳида тайёрланган газмолдан чарм кавима тўн, белбог-румол, кун пойабзал, этик кабилар ҳам туй кийимлари сирасига кирган.

Туй кийимлари келин-куёвларнинг ижтимоий келиб чиқишига кўра фарқланган. Оддий оилалар сарполарни одатда қўлда тўқилган ип



газламалардан, ўзига тўқ хонадонлар эса нимшойи, ипак, бошқа мамлакатлардан келтирилган фарангий матолардан тикдиришган.

Ўзбекларнинг мотам маросимларида киядиган либослар асосан аёлларга мўлжалланган бўлиб, эркакларда махсус таъзия кийими бўлмаса-да, белга белбоғ боғлаб, бошига дўппи кийиш одат саналади.

Салла ўзбек аёлларининг қадимий бош кийими ҳисобланган. 19 аср охирларига келиб Самарқанд, Тошкент ва Андижонда бу одат қолиб кетган. Аёллар салласи ўзаро бироз фарқ қилган. Аёллар аксар уни ўзига хос шаклдаги махсус бош кийими-лачак устидан ўраганлар. Хоразмликларнинг лачаги узун матодан ўралиб, кўкрак ва орқа томонини бекитиб турган. Тошкентликларда ҳам худди шу бичимда лачак кийилган. Самарқандликлар лачакни узунроқ матодан бир оз бошқача шаклда тикканлар. Жанубий Хоразм ўзбеклари саллани лачак киймасдан ўрама салла шаклида айлантириб, бир учини кўкрагига ташлаганлар. Одатда, илгари уйдан ташқарига чиқилса, аёллар салла устидан мурсак ёки учбурчак рўмол шаклида оқ ёки қизил ип матодан тикилган чарчи ёпиниб чиққанлар.

Аёлларнинг аксари вақт ўтиб анъанавий бош кийими салладан воз кечиб, ҳар хил рангдаги турли материалдан тўқилган рўмол ёпина бошладилар. Рўмол ўраш ёки ёпиниш ҳам турлича. Фаслга қараб, катта, рангли, кўп гулли ипак, жун ёки тўқилган тивит рўмол кенг тарқалган. Ёши катта аёлларининг оқ дока рўмол ўраш одати ҳозиргача сақланган.

Анъанавий кийимларга хос тақинчоқ ва безаклар яқин даврларгача сақланиб келган. Илгари кўпчилик аёлларнинг бош ва уст кийимлари заргарлик зеб-зийнати буюмлари билан безатиларди. Кийим кечакларнинг янгилиниши тақинчоқларнинг йўқолишига сабаб бўлган. 19 аср охирларигача аёллар учун заргарлар ишлаб чиқарган зеб-зийнат буюмлари жуда ҳам кўп ва турлича бўлган. Масалан, Фарғона водийсида безак-ашёлар энг кўп тарқалган. Уларнинг ҳар бири бир неча шаклда махсус номга эга: бўйин ва кўкракка тақиладиганларадан пайконча, арпа жевак, зеб гардон, нозигардон, танга жевак, тумор, бозванд, тилла туморча, бўйин тумор, кўкрак тумор,

сочнинг икки томонига тақиб, икки елкага тушириб оладиган заркокил, орқага тақиладиган танга чўлпи, пешонага тақиладиган тилла баргак, тилла қош, жаға ва ҳар хил соч попуқ (пар соч попуқ, найча соч попуқ, панжара соч попу, бекокил ва беш кокил, қуббали соч попуқ ва х.к.), қўлтиққа тақиладиган қўлтиқ тумор ва бурунга тақиладиган аравак ва латива. Исирға турлари ҳам кўп бўлган: каназира, уч кокилли ёки уч оёкли зира, зулук зира, кўзли зира, ойбалдоқ, Фарғонача балдоқ, Туркистон балдоқ, Қашқар балдоқ, шалдиरोқ балдоқ, арава балдоқ (юмалоқ шаклда), анжир балдоқ ва ҳоказо. Узук турларидан: авғонча узук, кўзсиз узук, румча узук, айри банд узук, шахонак, қуйма узук, ўрама узук, мис узук, тилла узук, хожи узук. Билагузук турлари: сукма билагузук, қўчқор шоҳли расмана узук, чоғроқ билагузук, илон боши билагузук, тугмали билагузук, бақа бош билагузук, бодомча билагузук ва ҳоказо. Зеб-зийнатларни заргарлар ўйма усулда ясаган турли рангдаги тошлар: маржон, шиша, садаф кабилар билан безайдилар. Сурхондарё қишлоқларида кўкракка тақиладиган рангли майда мунчоқлардан тизилган безаклар кенг тарқалган. Кўп жойларда ипга тизилган маржон шодаси, Тошкентда, дурдан ясалган мунчоқ, маржон ва шишадан ишланган исирға, узук ва билагузук тақиш одат бўлган. Кўйлак ёқасига ҳар хил тўғнағичлар осганлар ёш болаларга ҳам кўз тегмасин деб қора мунчоқ тақганлар. Бухорода олтин исирға шибирмак япроқсимон шаклда катта ёқут кўзли марварид ёки дур билан безалган. Барча безаклар бой табақаларда тилла, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан, қамбағал табақаларда эса мис, жиз ёки талла суви берилган металллардан ясалган. Айниқса, тиллақош, осмондўзи, тиллабаргак ва бошқа зеб-зийнатлар жуда қимматбаҳо бўлган.

Хусни очиш мақсадида ўзбек аёллари орасида қош ва киприкка ўсма, қўлга хина, юзга упа-элик суриб ўзига зеб бериш, ойнага қараб гул суви билан пардозланиш кенг тарқалган.

Болалар кийими катталарникидан унча фарқ қилмаган. Аммо бола туғилиши билан унга кўйлак кийгизиш одатига биноан юмшоқ матодан

кипта, кўйлакча, кўртача тайёрланган. Бундай кўйлакни етти уйдан тўпланган матодан тикиб боланинг чилласи чиққунча кийгизиш урф бўлган. Шунинг учун унга чилла кўйлак деб ном берилган. Болага кўз тегмасин, мард бўлсин деган ирим билан кўйлакни итга ёки қайроқтошга суркаганлар (ит кўйлак, қайроқ кўйлак шундан келиб чиққан). Бир ёшга етган бола тўғри бичим услубида тикилган кўйлак, иссиқ кийимдан қишда гуппича (тўнча, жамоча) тикиб кийгизганлар. Болага то уч-тўрт ёшга етгунча этакча ҳам тикилган. Қипчоқ, турк, сарт ёки қурама болаларнинг дўпписи шаклан фарқ қилган – ҳаммасига тумор тақилган. Қиш пайтларида қалпоқ кийгизилган ёки чорсу, кийик ўралган. Кўп жойларда беш-олти ёшдан кейин ўғил-қиз кийимлари фарқлана бошлайди. Ўғил болалар учбурчак (Тошкент воҳаси) ёки (Фарғона водийси), ёқали кўйлак кийганлар. Диний мактаб талабалари руҳонийлардек муллача ёки мусулмон кўйлак кийганлар.

XX аср бошларида ёшлар орасида тик ёқали нўғай ёқа, бўғма ёқа кўйлак кийиш одати пайдо бўлган. Оёқ кийимлардан эркак ва аёллар киядиган анъанавий махси-калиш ҳозиргача сақланган. Илгари камбағаллар чармдан тикилган мукки оқ этик кийган, бой табақаларда юмшоқ теридан тикилган европача этик ва махси кийилган. Калиш (кавуш) ҳам кенг тарқалган, уни ўзини ёки махси билан кийганлар. Кейинчалик резина калиш пайдо бўлгач эски калиш йўқолиб кетган. Аммо айрим жойларда ҳозирги кунда ҳам у кексаларда учрайди. Янги даврда аҳолининг барчаси замонавий фабрикаларда тикилган пойабзал кияди. Илгари жундан қўлда тўқилган пайпоқ (жўроб) бўлган, энди оммавий фабрика пайпоқлари кийилади. Лак берилган пойабзал эркак ва аёлларда мода бўлган. Фарғона водийсида рангли ип билан нақш берилган этик, паст пошналар рангли туфли кийиш одати яқин вақтларгача сақланган.

## АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

**“Haute Couture”** (фарангча талаффузда “от – кутюр”) – юқори даражадаги тикиш, ёки юқори санъат даражасидаги тикиш маъносида.

**“Pret-a-porter”** (фарангча талаффузда “прет-а-порте”) – тайёр кўйлак индустрияси, тайёр кўйлак ишлаб чиқариш саноати маъносида.

**Абас-** араб эркаларининг устки ёпинчиғи

**Авангард** йўналиши (французча “олдинда юривчи” маъносида) – янгича кўринишдаги, олдингиларини инкор этувчи, оммабоп буюмларга карама-қаршисини танловчи оқим.

**Авасе** – салқин мавсумда, астарлик қилинган, кимоно.

**Адрас** — абр иплар билан гул солинган нимшойи газмол.

**Адхиваса** – хинд эркалар устки кийими.

**Айшик-** доира ёки ярим ой шаклидаги зираклар.

**Алқа-аёллар** кўкрак устки безаги.

**Анаксаридес** – форс эркалар бел кийими, чармдан тикилган иштон.

**Ансамбль** (фр.)– тўлиқ, текис, уйғун, турли қисмлардан ёки бўлакларданан йиғилган бир бутун маъносини билдиради.

**Асил-қимматбаҳо** тош.

**Бабуш** - араб эркаларнинг оёқ кийими - шиппак

**Бакай-кўйлакнинг** этак қисмидаги бурмалар.

**Балак-** туркман эркалар ички бел кийими.

**Банорас** — беқасамдан ранг турлари билан фарқланиб, ундан аёлларнинг устки кийими бўлмиш паранжи тикилган.

**Бей синь** – хитой аёлларнинг кофта устидан кийиладиган нимчаси.

**Беқасам** — йўл-йўл газмол бўлиб, ундан эркак, аёл ва болалар учун кундалик кийиладиган тўнлар, кўрпа-кўрпачалар тикишда фойдаланилган.

**Белда турувчи кийимлар** - бел чизиғида маҳкамланиб, бўксалар сиртига таянувчи кийимлар . Бундай кийим одам гавдасининг қуйи қисми ва оёқларни қисман ёки тўлиқ қоплаб туради. Белда турувчи кийимларга юбкалар, шимлар ва юбка-шимлар киради.

**Белдик** - кумуш тақинчоқлар билан безатилган камар.

**Бельё услуги** – ретро услубининг кўринишларидан бири. Юқа оч ранг шойи ва пахта матосидан кишилик учун тикилган куйлак, блузка ва сарафанлар. Улар тагдўзи, гулдузи кашта ёки оддий тўрдўз, кўз-кўз гул, ингичка гул чок билан ҳашамланган. Аёллар ич куйлагини эскитдан шундай беаганлари учун услубнинг номи ҳам шундан тарқаган.

**Би** – хитойда гамаш

**Билезик**-билакузук .

**Бичим** - кийимнинг энг уланиш чизиғи, олд ва орт бўлақларининг вертикал (бўйлама) ёки горизонтал (кўндаланг) бўлинишларининг чизиқлари каби - конструктив чизиқлар ҳосил қилган ташқи кўриниши.

**Биялай**-кўлқоп.

**Блио** – белнинг пастидан ажралган ёпинчиқ шаклидаги либос. Юқори қисми елка, кўкрак ва белга ёпишиб туриб, бўкса томон кенгаяди. Этак томони икки ярим доира шаклида бичилган бўлиб. Улар олд ва орқа томон белэтакларига қўшиб тикилган. Ушбу кийимнинг умумий узунлиги болдирнинг ўрталарига қадар боради. Бليونинг энглари яхлит тор, паст томонга қараб воронка шаклида кенгайган. Ён йириқлари орасидан ранг жиҳатдан кескин тафовутли ёрқин рангдаги туника кўришиб туради. Блио одатда орқа тарафидан шнурланган.

**Борик** - атрофига мўйна тикилган бош кийими.

**Ва** – хитой этиксимон пайпоғи.

**Вата ирэ** – кишки, астар авра орасига пахта солиниб қавилган япон кимоноси.

**Вертюгаден**-Аёллар гавдасининг паст қисмини юбка тортилган воронка шаклидаги иккинчи метал конус.

**Гиматий** - энг кенг тарқалган устки кийим, яъни ёпинчиқлар гиматий деб аталган. Гиматийларнинг размери 1,7 х 4 метр бўлиб, тўғри тўртбурчак шаклидадир. Гиматийлар инсон танасига турли усулда ўралиб, бурмаланиб, ташланиб мустаҳкамланадиган ёпинчиқлардир. Матонинг тахланиш,

бурмаланиш, мустаҳкамланиш ва ўралиш услубига кўра гематийлар турли хил кўринишда яратилган. Елкага ташланган учи сирғалиб кетмаслиги учун унга бир бўлак оғир металл маҳкамланиб, илиб қўйилган. Спартада шерсть матосидан қилинган гиматийлар танага хитонсиз кийилган.

**Гирмизидон** - туркман эркаларининг устки елка кийими бўлиб, у тўй-тантаналарда кийиладиган халат.

**Граффити** – 60-йиллардаги поп-артнинг ўзига хос давоми сифатидаги ёшлар кийими услубининг давомидир. Ёзги майкалар, жинси костюмлари кашта, “шаҳар фолклори” мавзуларидаги босма расмлар, болалар чизган расмга ўхшатмалар, турли матнлар (текстлар) ва ёзувлар билан безалади.

**Гутра** – арабларнинг бош кийими

**Гэта** - тахтадан бўлган, скамейкасимон оёқ кийим

**Дай** – хитойликларда - белбоғ, аслзода ва амалдорларнинг бойлик рамзи.

**Далматика** – кенг енгли, анча узун, ёйилган ҳолатда креатни эслатувчи кийим. Бу кийимни асосан римлик христианлар (1 аср бошига келиб римга христиан дини кириб кела бошлади. Дастлаб эзилган синфларни қамраб олган ушбу дин вақт ўтиб, юқори синфлар доирасида ҳам тарқала бошлади) кийишган.

**Датэмаки** – япон либосида белбоғ.

**Дзори** – япон либосидаги оёқ кийим

**Дзюбан** – япон эркак ва аёлларининг либосидаги ички елка кийими.

**Диплоидалар** - бу қайтармалардир. Либосда безак ўрнини босиб, у бошқа рангдаги матодан қилинган турли туман кашталар, аппликациялар, безакли деталлар билан безакланган. Қайтарманинг узунлиги турлича бўлган. Хусусан, улар кўкраккача, бўксагача, тиззагача бўлиши мумкин эди. Худди эркалар хитонлари сингари аёлларники ҳам елкага фибулатўғноғичлар ила маҳкамланиб, белда колпос деб ном олган белбоғ билан маҳкамланиб, аёл танаси гўзаллигини бўрттириб турган.

**Диско** – ёшлар либосидаги кичик бир услубий оқимча. Дисконинг кўйлак ва костюмлари ишлатилиш мақсади жуда тор, яъни фақат дискотекага бориш ва рақс тушиш. Аксарият бу либослар ярқирок, “бақирок” ва ола-чалпоқ бўлади. Трикотаждан ҳам фойдаланилади. Уларнинг шакли, бичими шу даврдаги моданинг талабига мос ўзгарувчан. Диско-кўйлак (ёки дискотек-кўйлак) бу рақс ва ўйиннинг тантанавор либосидир.

**Диффуз услуби** (лотинча – “бир-бирига ўтиш”) - XX аср 70-йиллари маҳсули. Аввалдан билиб туриб, ўйлаб, либосдаги қисмларни турли услублардан танлаб териш. Романтик услубдаги кўйлак устидан ишчанлик пиджаги; фольклор услубидаги блузкага спорт шимини кийиш ва ҳоказо. Аммо, ҳар нарсага рухсат кўнгилга келганини қилиш дегани эмас, ҳар хил услублардан костюм йиғиларкан, либоснинг мўлжалланган мақсади, адреси, талаблари мустаҳкам ушланиши зарур. Бемаъни бачканалик бачканалигича қолаверади.

**Дуй цзинь** – эркаклар хитой либосидаги Шарқий симметрик бичимга эга ички кийим.

**Дупатга** – ҳинд либосидаги ёпинчик

**Дхоти** – ҳинд эркаклар бел кийими.

**Ёқа** - елкада турувчи кийимларнинг одам гавдасининг бўйин асосида жойлашган детали. Ёқанинг бўйинга ёпишиб турадиган қисмига **ёқа кўтармаси** дейилади. Агар ёқанинг барча қисми бўйинга тегиб турса, бундай ёқа **тик ёқа** дейилади. Ёқанинг бўйинга ёпишиб турадиган қисмига **ёқа кўтармаси** дейилади.

**Елкада турувчи кийимлар** - елкаларда ушланиб ва елка камарига таяниб турувчи кийимлар.

**Енг** - елкада турувчи кийимларнинг одам гавдасининг кўл ва баъзан елка қисмларини тўлиқ ёки қисман қоплаб турувчи детали.

**Жага** – қозоқ либосидаги ёқа.

**Жалбағай**- қозоқ либосидаги бош кийим.

**Жалбар**- туркман эркаклар устки бел кийими.

**Жаргак** – козоқ либосида мўйнаси ташқарига қаратиб, эчки ёки от терисидан тикилган уст кийим.

**Жаъдани** - узун ва тор сохта энгли ёпинғич, уни Хоразм аёллари кийган.

**Жейде** – козоқ эркаклари кўйлаги, ўтмишда устма-уст кийилган.

**Жен** – козоқ либосида энг.

**Жестюкор** - қирол ва юқори табақа вакиллари кийими бўлиб, бу кийим бел чизигидан шарф-белбоғдан пастга қараб кенгайтирилган, майда тугмачалар ва петлялар билан қадаладиган тор, тиззагача бўлган узунликдаги кийим туридир. Энглари энг юқори қисми тор бўлиб, у пастга қараб кенгайтирилган ва кенг қайтарма манжетга эга. Ранглар ечими ёрқин ва жилвадор, олтин ва кумуш билан кашталанган. Жестюкор ёқасиз бўлиб, унинг ўрнини оқ матодан учларига тўр ўрнатилган галстук эгаллаган. Жестюкорда дастлабки кесма чунтаклар пайдо бўлди. Улар пастда жойлашган. Унинг тагидан камзол – энгсиз ва ёқасиз, жестюкор билан бир хил бичимдаги кийим кийишган. Камзол жестюкордан 10-15 см. калта бўлиб, уларнинг ранглари бир-бирига контраст қилиб танланган.

**Жинси модаси ва жинси услубидаги кийим.** Курткалар (улар иссиқ, пахтали, мўйнали бўлиши ҳам мумкин), шим, кўйлак, юбка, бош кийим, сумка ва хатто пойафзал ва пальтолари энг ҳам жинси матосидан тикилиши. Спорт кийимига ўхшашлик; чўнтакларнинг, “молния” кулф-тасмаларининг, беама чокларнинг, металл тугмаларнинг, пистонларнинг борлиги; тежамкор бичим - буларнинг бари жинси услубининг ўзига хос хусусиятидир. Баъзан духоба, чарм ва бошқа матолардан жинси кийимига ўхшатмалар чиқа бошлайди. Ҳозирги кунда жинси услубидаги баъзи кийимларни ўзига хос мумтоз кийимлар қаторига киритиш мумкин.

**Жома** – ҳинд эркаклар елка кийими

**Жубба** – араб эркакларнинг устки кийими

**Инро** – япон эркаклар либосидаги белбоғининг мажбурий қисми.

**Ичик** - қирғиз аёлларнинг устки кийими



**Ичмек** - кўй терисидан тикилган, эркаклар қишки устки кийими

**Ишбоп кийим услуги.** Дам олиш, боғ ишлари билан шуғулланиш ва қисман меҳнат фаолияти учун мўлжалланган либосларда ишчиларнинг махсус кийимларининг шакли ва хусусиятлари сақланади. Мисол учун, модага цехдан “келган” комбинезон уйда ва кўчада ҳам ўзининг қулай чўнтак ва пистонларини сақлаб қолади.

**Ишик** - эркакларнинг мўйнали устки кийими (қозоқ)

**Кавш** – аёллар товонсиз оёқ кийим

**Каку оби** – Японияда тантанали маросимлар учун боғланадиган белбоғ.

**Каларазис** - аёллар либоси тананинг кўкрак қисмидан то болдиргача қисмини бекитиб турадиган чодирсимон матодан иборат бўлиб, у бир ёки икки тасма ила елкадан ўтказилиб кийилган. Каларазис деб аталувчи ушбу сарафанни эслатувчи кийим ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, у хоҳ малика бўлсин, хоҳ канизак, барча аёллар учун бир хил шаклда бўлган. Аёллар кийими фақат матонинг сифати ва қиммати ила фарқланган.

**Камарбанд** – бахмалга зар иплар билан кашта ёки ироқи тикилган кенг белбоғ.

**Камис** – рангли, нақшли ипак матодан тикилган ҳинд елка кийими.

**Кандис** – Форс шохнинг устки кийими - плаш

**Кантри-лук** - (“ватанга қараш, соғиниш, ватанни кўриш” маъносида). Қишлоқ услубидаги кийим. Унда халқ услублари устун. Кўпинча бу либос дам олишда, уйда, бўш вақтда кийилади.

**Кань цзянь** – аёллар ички нимчаси

**кань цзяр** – аёллар ички елка кийими

**каптама чапан**- қирғиз эркаклар устки кийими, енг ўмизи юмалоқ шаклдаги ўтказма енгли, тўғри бичимли, этагининг икки ён томони қирқимли, тор чопон.

**Карманьола** - эркаклар костюми оқ кўйлак устига кийилган калта куртка. Қизил тасма билан безалган узун кўк панталон ва миллий кокардали

қизил фригик қалпоқдан иборат. Бўйинга рангли шарф-галстук бўш қилиб боғланган. Карманьола тагидан калта жилет кийилган.

**Кафтан** – Форс эркалар елка кийими

**Кебенек** - кигиздан тикилган учтки кийим.

**Кебис** - теридан тикилган ковуш.

**Кементай** – қирғиз эркалар устки кийими, у кенг, астарсиз кигиз тўн.

**Кемсал** – қирғиз аёлларнинг устки кийими

**Кииз-намат**, кигиз.

**Кийгич, бош** - Сурхондарё аёлларининг бош кийими.

**Кийим** - одам танасини бутунлай ёки қисман ўраб турувчи буюмлар йиғиндиси.

**Кийимни конструкциялаш** - тузилмасини қуриш - ясси материалдан одам гавдасини қоплаб турувчи ҳажмий қобиқ яратиш жараёни.

**Кийимни моделлаштириш** - кийим шаклларини ҳосил қилиш жараёни.

**Кимешек**-аёлларнинг бош кийими.

**кимоно** – япон эрка ва аёлларининг миллий кийими.

**Классик услуб (мумтоз услуб, мумтоз костюм, мумтоз мода)**- шундай кийимлар борки, инсоннинг диди, талаблари, қизиқишлари, одатларининг ўзгаришига қарамай, улар маълум маънода ўзгаришсиз қолаверади. Мумтоз модага тааллуқли, ва хатто баъзан мумтоз мода деб аталувчи инглиз костюми ана шундай кийимлардандир. Умумжамоатчилик уни ҳамиша ажойиб, зўр, ўртак бўладиган деб ҳисоблайверади. Француз модельери Габриэл Шанель таклиф этган аёллар костюми ва “кичкина қора кўйлак” ҳам шундай кийим қаторига киради. Мумтоз кийим пишиқлик, эстетик тарафдан тўқис, ўктам ва мукамал бўлгани учун кийим модасида узоқ яшайди.

**Колет** — тик ёқали, тор ва калта, белгача ёки бўксагача тушиб турувчи, олд қисмида тугма ёки тасма билан қадаладиган устки кийим. Колет кўкрак, бел, бўксага ёпишиб турадиган кийим тури бўлиб у белдан ажратилган. Бўйин ўмизи турлича безакланган. Ёқаси тик, чуқур ўмизли, овал вставкаси

билан. Унинг энги ўмизга тикилмаган, балки алоҳида ўринларда (ўмизнинг таги елка қисми, ёнидан). Бу ҳолат ҳаракатлар эркинлигини таъсинлашда ёрдам берган. Енгнинг елка қисми ва тирсаклар кесиб ёриқлар қилинган. Барча ёриқларнинг иски сорочканинг матолари, кейинчалик декоратив матолардан қилинган безаклар шишиб турадиган буфлар ташкил қилиниб, чиқариб қўйилган. Пайпоқли иштон эластик матодан бўлиб оёққа ёпишиб турган. XV асрда унинг ҳар икки бўлаги юқори қисмидан ва ёнидан тугмалар ила қадаладиган ёки шнур билан тортиб қўйиладиган гульфик билан қадалган. Пайпоқли иштон колетга махсус тешиқлар орқали шнурлар ёрдамида маҳкамланган. Пайпоқли иштон орасида ички қўйлак кўриниб турган. Узок вақт давомида мипарти модаси сақланиб қолди: иштоннинг бир оёғи сидирға, иккинчиси йўл-йўл.

**Коллекция** (лот. йиғилиш, йиғма, терма) - услуби, конструкцияси, шакли, материалларнинг ўхшашлиги асосида терилган ёки маълум бир бадиий образни ифода этишга хизмат қиладиган кийим моделлари термаси .

**Колобиум** – кенг бўлмаган, белидан боғланадиган энги калта туникадир.

**Колпос** - энлик белбоғ бўлиб, уни одатда тугун қилиб боғлангач, қолган қисми узун қилиб ташлаб қўйилган. Колпослар одатда белга боғлансада, уни кўкрак пастидан ёки бўксадан боғлаш кенг тарқалган. Колпослар нафақат белда, шунингдек бўксадан ёки кўкрак қисмида хочсимон (крестсимон) шаклда боғланиб, улар энг шаклини бера бошлаган.

**Конструктив услуб** - шундай услубки, бунда кийимнинг тузилиши, шакли (конструкцияси) махсус декоратив безаклар ва усуллар билан бўрттириб кўрсатилади. XX асрнинг 50-60-йилларида француз дизайнерлари Андре Курреж билан Пьер Карденлар конструктив услубда қизиқарли либос тўпламларини (коллекцияларини) кўрсатган эдилар.

**Конструктив чизиқлар** - кийим сиртини алоҳида қисмларга бўлувчи чизиқлар. Кийим сирти қуйидаги асосий деталларга бўлинади: олд ва орт бўлаклар; энг; ёқа; юбка олд бўлаги; юбка орт бўлаги; шим олд бўлаги ва шим орт бўлаги.

**Косимаки** – япон эркаклар тикилмаган бел кийими, узунлиги тиззагача бўлган, матони бўксага айлантириб ўраб, тасма билан махкамланган.

**Косодэ** – қишлик, астар ва авра орасига хом ашё ипак толаси солинган, аммо қавилмаган устки елка кийим.

**Костюм** – вазифасига, мўлжалига биноан маълум даражада терилган кийимлардир.

**Костюм композицияси** – шу костюмни ташкил этувчи элементларнинг маълум ғояни, бадиий образни акс эттирувчи яхлитликка бириктириш.

**Котарди** – олд томонидан тугмаланадиган ва бўксада безакли белбоғ билан қадаладиган, бўкса узунлигидаги тор кийимдир. Котардининг енги турлича тор ҳам, кенг ҳам, канот шаклида ҳам У айникса безакдор бўлган. Юқори қисми тор енглари паст томон кенгайиб, тишчалар ёки кенглиги 10 см, узунлиги 1,5 метрга борадиган мато бўлаклари билан безакланган

**Кулоҳ** - тўрт бўлак учбурчак матодан, гардишсиз тикилган эркаклар киядиган учли қалпоқ.

**Кундик** - кекса аёллар ва қарияларнинг салла сифатидаги бой кийими.

**Куртаи мардона** -эркакларнинг ички кийимига туникасимон кўйлак

**Курте** – туркман аёллар елка кийими, олди ёпиқ, узун, туникасимон бичимда, ёнлари трапециясимон шаклда.

**Куффия** – арабларнинг бош кийими

**Куцца** – эркак ва аёллар бел кийими, иштони

**Кюлот** - Эркак кишига қатъийлик, хушмуомалик, келишган қомат, пластикани қайтариб берган жестюкор билан бирга духоба, шойи, жун матолардан кюлотлар кийишган. Бу тиззагача узунликдаги, ёнларида кесмаси бор ва тугма ёки тўқа билан қадаладиган тор иштон. Кюлотлар кўп холларда жестюкор билан бир хил рангда бўлган. Шунингдек кюлотларга ўйма чўнтаклар ҳам қилинган.

**Лацерна** - маросим плашлардан бири. У ҳажман анча кичкина бўлиб, олтин ва кумушдан гул қилиб безалган матонинг қимматбаҳолиги билан ҳам

изоҳланади. Лацернани орқадан икки елкага шундай ташланганки, унинг икки учи бўйинга келиб турган. У калта бўлиб, тиззага қадар бўлган.

**Лекиф** - атирлар сақланадиган флакон. Лекифлар ҳам ҳақиқий санъат намунаси даражасида бўлган.

**Летува ва натти** - бурунга тақиладиганлари зираклар (Сурхондарё).

**Лорум** – қимматбаҳо тошлар билан безалган олтинранг парчадан қилинган кенг узун шарф. Шарфнинг кенглиги одатда 15-35см, узунлиги эса – 4-5 м. бўлган. Лорум рим тоғаси каби турли усулда ўралган. Лорум амалдорлар либосининг муҳим элементларидан бири сифатида асосий безак воситаси ҳам эди. Шунингдек, кенг доирасимон олтин ва қимматбаҳо тошлар билан дабдабали безалган елка-ёқа ҳам муҳим безак воситаларидан бир эди. Галда лорум ва ёқа бўйиндан кийиладиган орқаси узун олд томони биро калта (болдирга қадар) ёпинчиқ шаклини олди.

**Мантилья** – юпқа қора ёки оқ мато ёки тўрдан қилинган ёпинчиқ. Испания аёллар ва эркаклар костюмида осма тақинчоқлардан кенг қўлланилган. Улар орасида дурли маржонлар, заргарлик белбоғлари, зираклар, узуклар, занжирлар, камеялар кенг урф бўлган.

**Мантилья** – юпқа қора ёки оқ мато ёки тўрдан қилинган ёпинчиқ. Испания аёллар ва эркаклар костюмида осма тақинчоқлардан кенг қўлланилган. Улар орасида дурли маржонлар, заргарлик белбоғлари, зираклар, узуклар, занжирлар, камеялар кенг урф бўлган.

**Матросча (денгизча) услубдаги кийим** – (“матрос” – голландча, кемадаги энг қуйи лавозимдаги ишчи ёки аскар) кийимлар ичида мутлақо ўзига хос гўзалликка эга кийимлардан бири.

**Мафорий** - Византияда аёллар бошини юқори қисмини беркитиб турувчи ёпинчиқ. Ёпинчиқнинг учлари олд томонда тўқнашиб, бир-бирининг устидан ўтиб елка оша орқага ташланган. Узун столалар билан биргаликда бу ёпинчиқ қоматга аскетик кўриниш берган. Бу костюм христиан динининг қонун-қоидалари ва эстетикасига жуда мос келар эди ва шу сабабли бу либос иконаларда авлиёларнинг доимий кийими бўлиб қолди.

**Маҳси** - эркаклар ва аёллар пойабзали

**Милитари** – ҳарбийлар формасидаги элементларни бошқа кийимга кўчириш, ёки замонавий кийимни ҳарбий форма асосида услублаштириш.

**Митра** – Форс шохининг рамзий бош кийими

**Мода** (франц. меъёр, усул маъносида) – бу инсон фаолиятининг ихтиёрий соҳасида: санъат, кийиниш, хулқ-атвор ва бошқа соҳаларида маълум шаклларнинг тинмай ўзгаришидир.

**Мон** – оқ герб.

**Нагадзюбан** – япон эркаклар ички елка кийими.

**Найгут чапан**- қирғиз эркаклар устки кийими, у кенг, туникасимон тўғри бичимли, енгларига хиштак солинган чопон.

**Нарамник** - ўрта асрларда кўплаб эркаклар ва аёллар либоси асосидир. У тўртбурчак ёки овал шаклдаги мато бўлаги бўлиб, елкадан буклаб ташаб кўйилган. Унинг бош учун ўмизи бўлиб, ёнлари тикилмаган. Кийимнинг ушбу тури турли узунлик ва кўринишга эга бўлиб либоснинг турини бойитган.

**Ниви** –ҳинд либосининг асосий элементи.

**Нимдхоти** – ҳинд эркаклар бел кийими

**Оби** – япон либосидаги белбоғ.

**Окуми** – япон либосидаги қайтарма ёқа.

**Ониржиек**- қозоқ аёлларининг кўкрак устки кумушдан ясалган беаги.

**Онирше**-кўкракпеш.

**Оп-арт** (инглизча “optikal art” – оптик санъат) – ранглар контрасти, кесишувчи эгри чизиқлар ёрдамида ҳосил бўлувчи иллюзиялар иштирокида рангтасвир, графика асарларини ёки либослар яратиш йўналиши. Кийимда бундай иллюзиялар жуда кўп ишлатилади.

**Орамал** - рўмол

**Орхни** – тикилмаган елка кийими ( милoddан аввалги III минг йиллик)

**Пайжома** – ҳинд эркакларнинг тепаси кенг, почаси тор иштони.

**Панталон** - узунлиги болдиргача бўлган тор текис иштон бўлиб, уни ён чоклари бўйлаб каштадўзлик билан, паст қисмини эса тўр бурмали кўшэтаклар билан ёки тасмали чоклар билан безалган. Панталонлар остидан тор пайпоқ-иштон кийилган.

**Пао** – хитой либосидаги ассиметрик бичилган аёллар кофтаси

**Парпаша** — беқасамдан қалинроқ мато бўлиб, у паранжи, шунингдек, чопон тикишда ишлатилган.

**Пенула** - доира ёки ярим доира шаклида, бош кириши учун йириғи бўлган ва у ерга капюшон тикилган. Қалин ва дағал жунли матодан тикилган пенулалар деҳқонлар кийими ҳисобланиб, қимматбоҳо матодан тикиб, безатилгани юқори табақа вакиллари томонидан кийилган.

**Пигаши** - калта тор курткалар шоссалар ва ўткир учли оёқ кийим – *пигашилар* билан кийилган. XIV асрга келиб пигашилар учи жудаям узайиб, улар узунлиги эгасининг жамиятдаги ўрнига қараб 70см.гача борган. Оёқ кийим ранги устки либос рангига қараб алоҳида эътибор билан танланган: оқ, қизил, қимматбоҳо безаклар билан безалган олтин ранг чарм ва х.к. Оёқ кийим тузилиши ҳар икки, яъни ўнг ва чап оёқ учун бир хилда. Инсон танасининг тик ва адллигини бўрттириб турувчи тор кийимузун ёки калта, этаги енгининг паст қисми жуда кенг устки кийим билан кийилган. Бу икки крама қарши силуэтлар сабаба эркак фигураси эстетик жиҳатдан янада кўркамлик касб этарди.

**Пижама услуби** – қачонлардир камзул ва шимдан иборат пижама фақат эркакларнинг ухлаётганда киядигани эди. Кейин у аёллар либосига ҳам қўшилди-да, кўйлакнинг тақдирига учради. Аммо, пижама ўзига хос услубдаги уст кийими яратилишига туртки бўлди. Аслида улар аёллар либосидаги энг одатий шим, блузка (кофта), жакет ва ҳоказолар бўлиб, фақат ҳажми анча кенг, қомат қиёфаси берилмаган (қоматлаштирилмаган) ва эҳтимол худди шу туфайли жуда қулай кийимга айланди. Кенг, қўйма чўнтаклари бўлиб, йирик, япасқи катта тугмалари сероб кийимдир.

**Полисон** – корсетнинг пастки ва орқа қисмига профилни букилган силуэтини бериш учун боғланадиган унчалик катта бўлмаган пахтали ёки жунли прокладка.

**Полонез** - эклектик формалардан иборат, декоратив рококо ва дабдабани сақлаб қолган «инглизлашган» аёллар кўйлаги. У ички тор кўйлак (лиф ва юбка) ва бутун бичимга эга устки олди очиқ кўйлақдан иборат бўлган. Уни фижма ва полисон билан кийишган.

**Поп-арт** (инглизча “popular art” – популяр, оммавий санъат ) – XX аср 50-йилларининг иккинчи ярмида АҚШ ва Буюк Британияда пайдо бўлган бадиий оқим; композициялар реал буюмларни, фоторасмларни, репродукциялар, иллюстрацияларни ўз ичига олиши мумкин.

**Постун** - кўй терисидан тикилган, эркаклар қишки устки кийими

**Ренграв-иштон** – икки қаватли юбка-иштондир. Бунда шаровар - кенг иштон устидан кийилган тахлама (складка)ли юбкадир. Шарварнинг белбоғи, ён чоклари тесма, бант, пирпирак, тўр сингари безаклар билан безакланган.

**Ретро услуб** – замонавий моданинг ўтган замонлар модасидан амалга оширадиган майда-чуйда “ўғирликлари” шундай деб аталади. Масалан XX асрнинг 80-йилларида мода 20–50 йиллардаги либосларнинг айрим ғояларини ўзлаштиришни одат қилган. Албатта бунда деталларнинг кўриниши анча-мунча ўзгартирилади, замонавийлаштирилади. Ҳар ҳолда бу ишни услуб эмас, услублаштириш, деса ҳам бўлади. Балки бу нарса – эски замонларни соғиниш, қўмсаш, дейиш мумкин.

**Романтик услуб** ўтган асрлар безакларнинг барчасини ўз ичига олган: тўрлар, нозик кашталар, гуллар, бурмалар, пирпираклар, кўшэтаклар, бантлар. Бу услубдаги кийимлар учун мураккаб бичим; чиройли, аммо амалий жиҳат-дан бефойда деталлар; нафис ёки мураккаб ранглар, матоларнинг ғайриоддий фактуралари хосдир. Анъанага кўра оқшом либослари романтик услубда тикилади.



**Роба** – тугмалари тақилмайдиган, декоратив осилиб турган энгли либос.

У бўйин остидан тақилган ёки тақилмаган ҳолда кийишган

**Саби** – Японияда гўзаллик ва табиийлик тушунчаси.

**Салде** - салла.

**Сарапис** - форс эркакларнинг устки кийими

**Сари** – хинд аёлларининг миллий либоси.

**Саукели** - келинларнинг нигоҳ бош кийими, конус шаклида бўлиб, у кимматбаҳо тошлар билан ва турли нақшлар билан безатилган.

**Сафари** – (арабча сўздан келиб чиққан, “сафар” маъносида). Европада бу Африканинг ичкарасига юриш, саваннага ёки жунглиларга овга бориш мазмунида ишлатилади. Ов иштирокчилари сафар учун қулай, мўлжалланган ишларига мослаштирилган кийимлар кийганлар. Фазилатларидан энг муҳими эса бичиғидаги ҳамма нарса қулайликка, юрганда ва ҳаракат қилганда баданнинг ҳеч бир аъзосига тўсқинлик келтирмасликка буйсунганлигидир. Сафар чоғида керак бўладиган қопқали ва қопқасиз чўнтагу-чўнтакчалар, илгаклар; кийимни истаган пайтда шароитга мослаб шаклини ўзгартириш мумкинлиги (бошқача қилиб айтганда трансформацияланиши); ўқ соладиган жойлари бор кенг камарлар; дубулғани эслатувчи, чивинга қарши чачвонли бош кийим; заҳарли илонлар билан учрашув эҳтимолини назарда тутган қўнжи баланд ботинка ёки этик - буларнинг бари либосда мужассам эди. Ниҳоят либоснинг ўзи қалин ва пишиқ пахта матодан тикилиб, унга синтетика аралаштирилмайди. Жунгли ва саваннада кўзга ташланмайдиган мошранг (хаки) ёки қум рангида бўлади.

**Се цзинь** – Хитойда эркакларнинг ассимметрик бичимдаги ички елка кийими.

**Силуэт чизиқлари** - кийим шаклини чегараловчи чизиқлар. Бу буюмнинг елка, кўкрак, бел, этак, ён чизиқларидир. Силуэт чизиқлари кийимнинг силуэтини ҳосил қилади.

**Симара** —тугмалари тақилмайдиган ҳар хил узунликдаги кенг узун енгли кўйлак.

**Синсила (сил-сила)** - кумушдан ишланган пешона безаклари (Сурхондарё).

**Синтаизм** – Япониядаги дин, син – худо, тао-йўл.

**Ситаги** –япон дзюбанининг устидан кийилган аёллар елка кийими – халат.

**Соде** – япон либосида енгнинг учи.

**Спорт услуби** – бу услуб профессионал ва ҳаваскор спортчиларнинг гигиеник ва қулайлик жиҳатидан мукаммал ва чиройли кийимининг модага таъсири ва оммалашуви оқибатида туғилган. Содда конструкциялар, нисбатан арзон материаллар (синтетик материаллар ва сунъий чарм бундан мустасно эмас) қулайлик, универсаллик, ёрқин ранглар, турли ёзувларнинг безак сифатида қўлланиши спорт услубининг ташкил этувчиларидир. Бу ерда спорт кийими ва спорт услубидаги кийимни фарқлаш даркор. Агар спорт кийими спорт кийими профессионал ва ҳаваскор спотчиларнинг маълум спорт тури билан шуғулланишлари учун мўлжалланган махсус кийим бўлса, спорт услубидаги кийимлар эса, мўлжаллангалигига ва бадий ечимига қараб ё кундалик кийим, ё уй-ичи кийими, ёки дам олиш кийими , ва хатто башанг кийим ҳам бўлиши мумкин.

**сутхна** – эркаклар бел кийими

**Сутхни** – ҳинд аёллар бел кийими

**Схенти** – пешбанд, Қадимий империя даврида асосан эркаклар кийганлар. Схентилар шаклан тўртбурчак, ёки трапециясимон бўлиб, турли хил ўлчамларда бўлган. Схенти белга ингичка чарм белбоғ билан боғлаб, маҳкамлаб қўйилган. Схентининг устидан ёки тананинг устидан тўртбурчак шаклидаги пешбанд кийилган.

**Табар** — орқа томон кенг, белидан боғланадиган калта ёпинчиқ кўринишидаги устки кийим.

**Таби** – япон либосида оқ пайпоқ

**Таперт** - ҳам белдан қаттиқ сиқиб боғланган ва унинг ҳам паст қисми бурмали ёки тахламали (складкали) бўлган. Тапертлар жакетдан узунроқ бўлган (тизгагача узунликда), четлари бой безатилган. Белбоғ, ёқа, енг, енг ва елка чокларга қўнғироқчалар тақилган. Ўмиз олд томонда ҳам, орқада ҳам бўлиши мумкин эди. Аср охирларида тапертларнинг кўкрак қисмига ва елкага мардонаворликни бўрттириб кўрсатиш учун пахта қистирмалар (прокладка) қўйилган.

**Тахя** -- қизлар дўпписи

**Тебетей**- кенг тарқалган қирғиз эркаларининг қишки бош кийими

**Тога** - катта бўлак мато бўлиб, у тўртбурчак ёки эллипс шаклида бўлган. Тогаларнинг размери тахминан 6 x 1,8 м бўлгани сабабли, уни кийиб олиш бирмунча мушкул бўлган. Одатда, ушбу либосни куллар хўжаларига кийдириб қўйишган. Тогаларни ўрашнинг бир неча усули бўлган. Хусусан, матонинг учдан бир қисми елка орқали чап елкага ташланган. Тоганинг бу қисми чап елка ва гавданинг чап томонини ергача беркитган. Матонинг қолган қисми тананинг орқа қисмини ёпиб, ўнг қўлнинг пастидан олдинга тортилган. Тогаларнинг ҳусни уларнинг қордек оқлиги ва бурмаларнинг нозиклигида эди. Бурмалар анъаналар асосида шаклланган бўлиб, қонун билан мустаҳкамланган эди. Бурмалар матога махсус таркибли моддани шимдириш орқали мустаҳкамланган.

**Токау** – тожик либосидаги иштон, пайпоқ

**Унисекс** (французча), ёки онесекс (немисча) – бу сўзларнинг таржимаси бир жинсли ёки жинсдан ташқари маъносини билдиради. Оддий қилиб айтилса, бу шундай услубдаги кийимки, уни эркалар ҳам, аёллар ҳам кияверади. Жинси кийимлари бунинг учун ёрқин мисолдир. Ҳам эркак, ҳам аёлнинг либосига кирувчи бундай кийимлар кейинги пайтда анча сероблашган: свитер, пуловер, куртка ва ҳоказолар.

**Упаваса-паридхана** – ҳинд эркалар ва аёллар ёпинчиғи

**Упелянд** - қоплама ва тугмалари қадалмайдиган, турли узунликдаги устки кийим бўлиб, уни белбоғ билан ёки белбоғсиз кийиб юришган. Узун

упелянднинг этаклари кенглиги 7 метргача, енги пастининг кенглиги 3 метргача бориши билан характерлидир.

**Упелянд** - совуқ ҳавода устидан жигарранг ёки кулранг мовутдан ёқали ва қизил ранг духоба қайтармали плаш.

**Услуб** – қандайдир вақт оралиғида умумий восита ва усуллар билан бадий ифодаланишга айтилади.

**Утива** – японларда қоғоз елпигич.

**Фольклор услуби ёки этно-услуб.** Замоनावий кийимда миллий ва анъанавий либос элементларининг ишлатилиши. Бошқача қилиб айтганда миллий либос асосида замоनावий кийимни услублаштириш. Бунда либос ансамбли бутунлай ёки унинг бир қисми услублаштирилиши мумкин. Баъзан эса моделларга анъанавий либоснинг ростмана ҳақиқий элементлари киритилиши мумкин.

**Фонтанж** - жингалак локонлар ва юқорига тугун қилиб боғлаб кўтарилган ва жамалак (жингалак), крахмалланган қадалмадан иборат соч турмаги.

**Фрак** - танага ёпишиб турувчи, кенгайган этакли, тор енг ва унча катта бўлмаган стойка ёқали костюм.

**Фундоси** – япон эркакларнинг тикилмаган бел кийими.

**Футано** – япон аёллар ички бел кийим, узунлиги тиззагача тикилмаган юбка.

**Ханъэри** – япон либосида олиб қўйиладиган ёқа.

**Хаори** – япон устки кийими, фақат кимононинг устидан ёки хакама билан кийилган.

**Хасаба ёки ҳаваса** – туркман либосидаги аёллар бош кийими

**Хеко оби** – япон либосидаги белбоғ, кундалик кийимлар учун ишлатилган.

**Хитон** - бизнинг тасаввуримиздаги ич кийим бўлиб, у асосан зиғир ёки жунли толадан тўқилган матодан тайёрланган. Хитоннинг елка қисми тикилиши, ёхуд фибула деб аталувчи тўқалар ила маҳкамланган. Хитоннинг

икки ёнбоши тикилган, баъзан бир ёнбоши очик қолдирилган. Хитоннинг узунлиги турлича бўлсада, асосан тиззагача бўлган шакли кенг тарқалган.

**Хитоз** – ёзлик, астарсиз кимоно.

**Ци пао** – хитой аёллар халати

**Чакмон** - эркаклар устки кийими

**Чан пао** – хитой эркаклар устки кийими, халат.

**Чирпи** – туркман аёллар кийими, тўй-ҳашамларда астарли халат-ёпинчиқ бўлиб хизмат қилган.

**чоли** – ҳинд либоси; аёллар елка кийими - кофтаси.

**Шосса** – эластик мовутдан танага ёпишиб турадиган тор иштон-пайпоқ. Уст кийим белбоғига ип ёрдамида қотирилган. XV асрга қадар иштонлар бир бирига қўшиб тикилмаган. Кейинчалик уларни олд ва орқа клинлар ёрдамида бир бирига қўшиб тикила бошланди.

**Элечек** – қирғиз аёлларининг бош кийими

**Эри** –япон либосида ёқа.

**Эркаклар елкада турувчи маиший устки кийимлари** - кўйлак, нимча (жилет), пиджак, куртка, плашч, пальто; шунингдек, нисбатан кам кийиладиган блузон, сюртук, фрак ва шу кабилар.

**Эттю фондоси** – япон либосидаги фондосининг иккинчи тури, у калтароқ бўлган.

# Адабиётлар рўйхати

1. *Хасанбаева Г. К., Чурсина В.А.* “Костюм тарихи” Т., Ўзбекистон, 2002.
2. *Комиссаржевский Ф.Ф.* “История костюма”. Минск – 2001
3. *Захаржевская Р.В.* “История костюма”. Москва – 2005
4. *Пармон. Ф.М.* Композиция костюма. М 2002
5. *Горбачёва Л.М.* «Костюм XX века» М 1996
6. *Терешкович Т.А.* «Словарь моды» Минск 1999
7. *Джоан Нанн.* “История костюма 1200-2000 ”. Москва 2003
8. *Кибалова Л. и др .* «Иллюстрированная энциклопедия моды»
9. *Пармон Ф.М.* “Европейский костюм: стиль и мода” М 1982
10. *Садикова М.* «Ўзбек миллий кийимлари» Т 2006
11. *Литвинский. Б.А.* “Восточный Туркистан и Средняя Азия, система культур древнего и среднего Востока” М 1986.
12. *Энциклопедия.* Искусство стран народов мира. Том-5 1962-1918.
13. *Кон-Винер.* “История стилей изобразительных искусств” М 2000
14. *Абдуллаев Т. А, Хасанова С.А.* «Одежда узбеков» Т. Фан - 1978.
15. *Пугаченкова Г.А, Ремпель Л.И* «Очерки искусства Средней Азии» М 1978
16. *Костюм народов Средней Азии (под редакцией Сухаревой О.О.А)*М: Наука, 1975 г.
17. *Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана.* – М: Наука, 1975 г.
18. *Градова Е., Гутина Е.* «Театральный костюм» М 1967.
19. *Эрика Тиль.* “История костюма” М 1971.
20. *Киреева Е.В.* “История костюма” М 1976
21. *Сычев.В.* “Китайский костюм”
22. *Козловская. А .Д.* Женская мода XX века. М 1977
23. *Градова. Е, Гутина. Е* «Театральный костюм» М 1967.



**Фиръавн рафиқаси Нефертити. Мисрдаги музейда сақланаётган ҳайкалча**



**Фиръавн Тутанхамоннинг дафн ниқоби, олтин, мил.авв. 14 аср. Мисрдаги музей**



Тутанхамон сағанасидан топилган кути қопқоғидаги рельеф





**Арслонни енгаётган қахрамон. мил. авв. VIII аср**



**Лагашлик Гудеанинг хайкалчаси**



**Доронинг лашкарбошилари**



**Форс аскарлари**



**Акрополдан топилган ҳайкалча**



**Телба Менада. Бриг ишига мансуб ҳисобланадиган оқ фонли килик. мил.авв. 490-480 йиллар**



**Парфенослик Афина (Варвакионлик Афина) ҳайкалининг нусхаси**



**Яраланган амазонка. Поликлет**



**Ов маъбудаси Диана, Леохар**



**Мондрагон кошонасидан топилган Антиной**



**Клавдия Октавия**



**Боғли қошонадаги деворий сурат. Милоддан аввалги I аср**



**Император Августнинг рафиқаси Ливия Друзилланинг мармар ҳайкалчаси**





**Император Августинг хайкали**



**Помпеядан топилган уйдаги деворий сурат**



**Сарой аёллари. Деворий сурат. Крит-Миккен даври**



**Миккен бой аёли. Деворий сурат**



**Оқ сувсарли хоним, 1485-1490 йиллар. Леонардо да Винчи**



**Квинтилии Фисчиери портрети 1600 йил. Бароччи**



**Аёл портрети 1530 йил. Парма. Пармиджанино**



**Изабелла Медичи кучукча билан, 1560 йил. Аллори Алессандро**



**Антея. Пармиджанино**



**Герцог Урбино, Франческо II делла Ровере портрети. Бароччи**



**Ёш инсон портрети. Понтормо**



**Козимо Медичи I. 1545 йил. Бронзино**



**Ла белла. 1536 йил. Тициан**



**Дожа портрети. Беллини Джентиле**





**Эркак портрети. Веронезе**



**Карл V. Тициан**



Ёш хоним портрети, фрагмент. Доменико Венециано



Джованна Торнабуони портрети, 1488 йил. Гирландайо



**Альфонсо д'Эсте, 1510-йиллар. Доссо Досси**



**Урбинский герцоги Федерико да Монтефельтро ва унинг рафикаси Баттиста Сфорца. 1466 йил, Пьеро делла Франческо**



**Людовик XV 1760-йиллар. Ван Лоо.**



**Людовик XIII. Рубенс**



**Синцендорф Князи, 1712 йил. Риго**



**Philippe de Champaigne Людовик 13**



Ёш инсон портрети. Исаак Оливер



Джордж Клиффорд портрети, граф Камберлендск III. Николас Хиллиард



**Генрих VIII. Гольбейн**



**Елизаветта I портрети. Николас Хиллиард**



**Елизаветта I портрети**



**Елизавета I**





**Филипп III портрети. 1605 йил, Хуан Пантоха де ла Крус**



**Инфанта Изабелла Клара Эухении портрети. Санчес Коэльо**



**Дон Карлос портрети. Санчес Коэльо**



**Филипп II портрети. Антонис Мор**



Эр-хотин Арнольфинилар порети. Ян ван эйк



Золим Мария портрети, 1554 йил, Прадо. Антонис Мор



**Аёл портрети, 1430-йиллар. Робер Кампен**



**Португалиялик Изабелла портрети. Рогир ван дер Вейден**



**Ёш аёл порттери, 1445 йил. Рогир ван дер Вейден**



**Клевиялик Сибилла малика. Катта Кранах**



**Аёл портрети. Альбрехт Альтдорфер**



**Анна Куспиниан портрети 1502-1503. Катта Кранах**



Ёш аёл. Лукас Кранах



Иоахим Иккинчи портрети. Катта Кранах



**Людовик XII. Жан Перреаль**



**Франция қироли Карл VII. Жан Фуке 1450 йил**





«Тезеида» миниатюрасидан Боккаччо. Бартелеми дЭйк. 1470 йил



Қирол Рененинг “Турнирлар китоби”дан миниатюра. Бартелеми дЭйк. 1460 йил.



**Наварриялик Маргарита. Жан Клуэ**



**Екатерина Медичи**




**Валентина Бальбиани, мрамар, Қабр устига ишланган хайкал, Жермен Пилон**



**Франциск I. Жан Клуэ**



**Отлик Франциск I портрети. Франсуа Клуэ1540 йил**



**Клод Лорран, герцог Гиз, 1528-1530. Жан Клуэ**



**Генрих II Валуа**



**Маргарита Валуа акаси Франсуа билан**



Лотаринлялик Генрих ва Луиза



Миниатюра



Император Юстиниан издошлари билан



Генрих VII



**Генрих IV**



**Limpieza. Барселониядаги ибодатхона**





Ута фон Балленштед ва Эккехард. Наумбуриядаги ибодатхона, 1250—60 йиллар



Уолтониялик диптих. 14 аср.



**Буюк Карл ва Букур Пипин**



**Исо ҳаётидан лавҳа, XII в. Италия**



**Генрих ва Кунигунда — Бамберг ибодатхонаси асосчилари. Алтарь Хертнида, Хоф (Заале), Авлиё Лаврентий черкови**



**Шаҳзода Бальтазар Карлос овда**



**Австриялик инфанта Маргарита, 1660 йил**



**Мария Медичи. Франс Пурбус**



**Изабелла Бурбон кироличаси отда, 1634. Веласкес**



**Генриетта Мария. Антонис ван Дейк**



**Бурбон қироличаси Изабелла. Веласкес**



**Анна Далькит ва Анна Керк портрети, 1630-йиллар охири Ван Дейк**



**Мария-Луиза де Тассис. Ван Дейк**



**Фридрих Август II портрети. Риго**



**Людовик XIV портрети. Риго**



**Генри Денверс портрети, 1630-йиллар. Ван Дейк**





**Канцлер Сегюр Людовик XIV нинг Парижга кириш вақтида, 1660 йил. Шарль Лебрэн**




**Икки Герцог. Ван Дейк**



**Филиппа IV портрети. Веласкес.**



**«Севги боги», 1632. Рубенс**



**Людовик XIV ва унинг ворислари портрети. Никола Ларжильер**



**Фол очиш. Караваджо**



**Маркиза де Помпадур. 1736 йил**



**Маркиза де Помпадур портрети. 1735 йил**



Дартмутиялик графиня Фрэнсис, 1777. Рейнолдс



Елизаветта Петровна портрети. Вишняков



**Мария Лещинская, королева. Тока Франции**



**Екатерина II. Рокотов**



**Герцогиня де Бофор, 1770-йиллар. Гейнсборо**



**Эрталабки сайр, 1785. Гейнсборо**



**Джордж ва Луиза қизи Сара билан. Гейнсборо**





1



2

1. Бархатдан тикилган балл либоси. Киритмалари Нозик тўрдан, гортензия буталари шаклидаги аппликация ва кашта билан безатилган. Ламанова устахонаси. 20-аср боши. Эрмитаж, Санкт-Петербург.
2. Яхлит бичилган баланд тик ёқали мовут сукно кўйлак. Жиго кўринишидаги энглар. Кашта ва тангачалар билан безатилган. 19-асрнинг 90-йиллари



Жан Беро. Дворец велосипеда в Булонском лесу. Фрагмент. 1900 г. Музей Карнавале, Париж. Традиционные велосипедистки в своих охотских костюмах, омолодившие художника, для тогдашнего наблюдателя выглядели столь же экстравагантные, как рокеры в коже и заклепках в наши дни.

Булон ўрмонидаги велосипедлар саройи. жан Беро. 1900 й. Эрмитаж, Санкт-Петербург



**Лючил. Мода иллюстрациялари журналиниг (нашри) муковаси, 1909 йил.CSM архивидан**



**Поль Ириб. Поль Пуаре учун бажарилган гравюра, иллюстрация. Трафаретли босма усули қўлланган либослар тўйинган рангларда бажарилган. Директория услуги.туникасимон кўйлаклар**



**Дюфи ёғоч гравюра босмали нақшларни Поль Пуаренинг “Форсча услубидаги” бой мўйнали пальтоси учун ишлаб чиққан. Ла персе журналидан фото, 1911 йил. Франция Миллий кутубхонаси.**



A



Б



В



Г


**Поль Пуарениниг Поль Ириб кўрган кўйлаклари номли альбомдан иллюстрация,  
1908 йил**



**Поль Пуаре яратган либослар**



Поль Пуаре яратган либослар



**Жанна Ланвеннинг моделлари**





XX аср 20-йиллари. Қопсимон кенгликдаги «flapper dresses» кўйлаклари



1930-йиллардаги модалар журналининг муқовасида тақлиф этилган модель



**Хемжик, жентлменлар костюми. 1930-йиллар**



**Полли Тигу Франсис. 1932 йилда чоп этилган американча Вог журналичан олинган иллюстрация. “Практикал дрессмекинг” учун яратилган дизайн.**



**Ли Крилман, американча воғ 1932, Редферн ва Люсил Перей дизайнерлари учун яратилган(чизилган) кўйлак-плашчлар.**

**Элегант, кўзга ташланувчи, бенуксон бичимли, узун юбкалар (этаги) плашсимон кўйлакларнинг ансамблини (композициясини) ташкил этган. Ли Крилманга таақдир тақозоси билан Воғ журналининг энг зўр, видаюшийся иллюстратори ҳисобланмиш турмуш ўртоғи Карл Эрик Эриксондан ўзиб кетиш, уни соясида қолдириш берилган эди.**



**Рут Сигрид Графстром. 1933 йил, февраль.. Аёлларнинг йўл-йўл жакети. Графстром 1930 йилдан бошлаб Вог да иллюстратор бўлиб ишлаб келган. Унинг жозибатор услуби кўп жihatдан Матисс рангтасвир асарларининг таъсиридан шаклланган эди.**



**XX аср 40-йиллари . иккинчи жахон уруши давригача бўлган сиймо**



**Иккинчи жахон уруши пайтида аёллар ўзлари турли ашёлар – сочик, газета, рўмол, мебел ва ёстиқ жилдларини қўллаб ясаган бош кийимлари оммалашган**



**Буюк Британиядаги “Утилити” режаси натижасида яратилган либослар**



**1947 йилда илк бор Парижда намоиш этилган “Мода театри”**





**Кристиан Диорнинг “ню-лук” коллекцияси учун Кристиан Берард томонидан чизилган эскиз. “Бар” журнали, 1947 йил, акварель. Кристиан Диорнинг шахсий жамламасидан**



**“Бар” журналининг 1947 йилда chop этилган сондаги либос моделининг фотосурати.  
Сураткаш: Вилли Мейуолд**



А



Б

**А) Рене Грюонинг 1966 йилдаги “Vogue” журналининг немисча нусхасида чоп этилган оригинал иллюстрциялари, тушь ва гуашь.**

**20 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Грюо ва Диор ҳамкорликда ишлаб ижод қилишган.**

**Б) Кристиан Диор моделларига “L’Officiel” журналининг 1948 йил октябрь сони учун ишланган эскизлар. Рене Грюо. Тушь, акварель ва гуашьда ишлаш техникасидан мохирона фойдаланилган.**

**Даранининг Модельяни де Раух учун чизилган эскизи. “L`Officiel” журнали, 1949 йил. Шу даврда таклиф этилган янгича образ (имидж) – сариқ рангдаги жун жакет ва янгича (ёки шу давр учун ўзгача) узунликдаги майда катакли шим – дам олиш ва сайрлар учун мўлжалланган кийим**



**Кристиан Диор яратган либос. Бундай либосга баъзан 30 метрдан зиёд мато сарфланган ва унинг оғирлиги 30 кг.гача етган**



**60-йиллар модаси**



**1969 йил**



**70-йиллар модаси**







**70-йиллар модабоп сиймоси**



**Пако Раббаннинг либоси**



**Эмилио Пуччи яратган либос**



**80-йилларда урфга кирган аэробика натижасидаги замонавий сиймо**



**XX аср 90-йиллари**



**Филип Трейси томонидан яратилган модель**



**1990 йил**



**Бу расмда друзлик турмушга чиққан бой араб аёли тасвирланган. Бош кийими баландлиги 70 смгача бўлган конуссимон – тантур. Тантур металдан, баъзан кумушдан қилинган бўлиб, осилма тангачалар билан безалган**



**Расмда Араб аёлари либоси тасвирланган**



Арабистоннинг Ханубора қабиласи аёллари либоси



**Форс шохи ва унинг аёнлари**





**Цин даврида (1644-1911йиллар) Хитой императорининг либоси. Бу расмий равишда манчжурликлар либосини қабул қилгандаги кўриниши.  
Цин даврида Хитой императори аёлининг тантанали либоси**



Қадимги Хитой императорининг диний маросимлар учун мўлжалланган либоси



**Самурай ва уларнинг қавми аёллари либоси**



**Китагава Утамаронинг «Сухбат» номли гравюраси . Бу асар 1800йилларда ишланган бўлиб, унда япон аёлларининг шу даврдаги кўриниши (образи) акс этган**



**Огата Корин томонидан 1704йилда ишланган портретда, шу даврнинг аслзода  
кишиларида бири Накамура Кураносукэ тасвирланган**



**Ушбу санъат асари XIII асрда шойи матосида ишланган бўлиб, унда рухоний  
Кукай бола образида тасвирланган**



Ушбу расмда Япон аёлларининг либоси тасвирланган








**Қозоқ аёллар ва эркеклар либоси**



**Тожик эркаклар ва аёллар либоси**



Қирғиз эркаклар ва аёллар либоси



**Туркман аёллар миллий кийими**